

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР
ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

БЕРДИҚУЛ ТҶҲҲИЕВ, БАХТИЁР ОМОНОВ

СИЁСИЙ МАДАНИЯТ

МОНОГРАФИЯ

Тошкент
ТАФСIR BOOKS
2024

УЎК: 32.01. (575.1)

КБК: 66.3 (5Ў) 6

Т – 95

Тўйчиев Б., Омонов Б. Сиёсий маданият. Монография. Тошкент, Tafsir Books, 2024. – 224 бет.

Монографияда бугунги кунда жамиятимиз ҳаётида долзарблашиб бораётган сиёсий маданият масаласи тадқиқ этилади.

Китобда сиёсий маданият тушунчаси, унинг мақсад-моҳияти, турлари, даражалари, моделлари, шунингдек, шахс, жамият, давлат ҳаётида тутган ўрни, модернизация ва глобаллашув жараёнларида сиёсий маданиятда юз бераётган мураккабликлар ҳамда Ўзбекистонда ёшлар сиёсий маданиятини такомиллаштириш усуллари ва механизмлари илмий ёритилган.

Монография талабалар, магистрантлар, ёш изланувчи олимлар, профессор-ўқитувчилар ва кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган.

УЎК: 32.01. (575.1)

КБК: 66.3 (5Ў) 6

Такризчилар:

Ш. Пахрутдинов – сиёсий фанлар доктори, профессор.

С.Отамуратов – фалсафа фанлари доктори, профессор.

И.Эргашев – сиёсий фанлар доктори, профессор.

Ўзбекистон Миллий университети Илмий-техникавий Кенгашининг 2024 йил 26 январдаги 1-сон баённомасига биноан, нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9910-9308-6-7

© Б. Тўйчиев, Б.Омонов, 2024.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	5
-------------------	----------

БИРИНЧИ БОБ.

СИЁСИЙ МАДАНИЯТГА ОИД ҚАРАШЛАР ВА ЁНДАШУВЛАР

1.1.СИЁСИЙ МАДАНИЯТНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

1.1.1. Сиёсий маданият ғояси пайдо бўлишининг шарт- шароитлари.....	6
1.1.2. Сиёсий маданият тушунчасининг мазмун-моҳияти.....	14
1.1.3.Сиёсий маданият ҳақида таълимотлар ва уларнинг таҳлили....	18

1.2. СИЁСИЙ МАДАНИЯТ КОНЦЕПЦИЯЛАРИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ

1.2.1. Сиёсий маданиятнинг ҳозирги замон концепциялари.....	23
1.2.2. Сиёсий маданиятнинг функциялари.....	32
1.2.3...Сиёсий маданиятни туркумлаш.....	40

1.3. СИЁСИЙ МАДАНИЯТ ТАЛҚИНЛАРИ

1.3.1. Ғарб олимлари сиёсий маданият ҳақида.....	47
1.3.2.Сиёсий ва ҳуқуқий маданиятнинг алоқадорлиги.....	54
1.3.3.Сиёсий онгдан фуқаролар маданиятига ўтиш жараёни ва унинг ўзига хос хусусиятлари.....	59

ИККИНЧИ БОБ

СИЁСИЙ МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЗАРУРИЯТИ

2.1. СИЁСИЙ ОНГ ВА СИЁСИЙ МАДАНИЯТ

2.1.1.Сиёсий онгнинг тузилиши, таркиби ва функциялари.....	62
2.1.2. Сиёсий онг ва сиёсий маданиятнинг ўзаро муносабатлари...73	
2.1.3. Сиёсий маданиятда демократик қадриятларнинг шаклланиш жараёни.....	78

2.2. СИЁСИЙ МАДАНИЯТ ВА ШАХС

2.2.1. Юксак сиёсий маданият – фаровон жамият қуришнинг муҳим шарти.....	85
2.2.2. Ахборот хавфсизлиги ва ёшлар.....	92
2.2.3.Сиёсий етук шахснинг ижтимоийлашуви.....	112

2.3. СИЁСИЙ МАДАНИЯТ ТАКОМИЛИДА МОДЕРНИЗАЦИЯ ОМИЛИ

2.3.1. Сиёсий маданиятнинг модернизация жараёнидаги ўрни..	117
2.3.2. Сиёсий модернизациянинг мақсад ва вазифалари.....	121
2.3.3.Ўзбекистонда сиёсий модернизация жараёнлари: ютуқлар ва муаммолар.....	127

УЧИНЧИ БОБ
ЎЗБЕКИСТОНДА СИЁСИЙ МАДАНИЯТ:
МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

3.1. ГЛОБАЛЛАШУВ ВА ЁШЛАР

3.1.1. Глобаллашув жараёнининг ёшлар тарбиясига салбий таъсири.....	133
3.1.2. Ёшларга оид қонун – ёш авлод сиёсий маданиятини юксалтиришнинг ҳукуқий асоси.....	138
3.1.3. Сиёсий ислохотлар – ёшлар сиёсий маданиятини шакллантириш омили.....	146

3.2. ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАР СИЁСИЙ МАДАНИЯТИНИ
ЮКСАЛТИРИШ ВАЗИФАЛАРИ

3.2.1. Ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантириш жараёнлари.....	153
3.2.2. Интеллектуал ёшлар – сиёсий маданиятнинг негизи сифатида.....	159
3.2.3. Жамиятда ёшлар сиёсий маданиятининг ўрни.....	163

3.3. ЎЗБЕКИСТОН – 2030 СТРАТЕГИЯСИ –
СИЁСИЙ МАДАНИЯТНИНГ РИВОЖЛАНИШ АСОСИ

3.3.1. Ўзбекистон Конституциясида сиёсий институтларнинг такомиллашуви жараёни.....	165
3.3.2. “Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг истиқболлари.....	177
3.3.3. Сиёсий маданият йўналишидаги вазифалар	181

3.4. ЁШЛАР СИЁСИЙ МАДАНИЯТИНИНГ
ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

3.4.1. Ўзбекистон ёшлари сиёсий маданияти ҳақида мулоҳазалар.....	185
3.4.2. Ёшлар сиёсий маданиятининг ўзига хос жиҳатлари.....	190
3.4.3. Ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантириш омиллари.....	193

3.5. ЖАМИЯТДА СИЁСИЙ МАДАНИЯТНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

3.5.1. Фуқароларнинг сиёсий маданиятини оширишнинг имкониятлари.....	198
3.5.2. Янгича сиёсий маданиятни шакллантиришнинг асосий омиллари, йўллари ва усуллари.....	204
3.5.3. Жамият сиёсий маданиятини оширишда миллий ва умуминсоний кадрларнинг ўрни.....	208

Хотима.....	214
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	215

КИРИШ

“Сиёсий маданият” номли ушбу монографияда маданиятнинг тарихий-фалсафий асослари, тушунчаси, таърифлари, концепциялари, структураси ва функциялари, сиёсий онг ва сиёсий маданият, сиёсий маданият ва шахс, сиёсий маданият ва модернизация, сиёсий маданият, ижтимоий институтлар ва ижтимоий тартибот, глобаллашув ва сиёсий маданият, ёшлар сиёсий маданиятидаги ютуқлар ва муаммолар, жамият сиёсий маданиятини юксалтиришда миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги каби мавзулар кетма-кетликда изчил ёритилган.

Маълумки, 2022 йилдан бошлаб Ўзбекистон миллий университетида “Сиёсатшунослик” йўналиши талабалари учун “Сиёсий маданият” фани киритилган эди. Бугунги мураккаб глобаллашув шароитида ҳақиқатан ҳам мазкур соҳага қизиқиш ва эҳтиёж кучайиб бораверади.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида бошқа соҳалар қатори ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантириш жараёнларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кейинги йилларда мамлакатимизда ёшларнинг маънан ва сиёсий жиҳатдан баркамол бўлиб улғайишлари учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда.

Юқоридаги талаб ва истакларга мувофиқ, кўлингиздаги монография дунёга келди. Шунини таъкидлаш лозимки, китобни ёзиш вақтида ёшларнинг сиёсий маданияти шаклланишида учрайдиган тенденциялар ва муаммоларга кўпроқ эътибор қаратилди. Бу эса ёшларнинг келажак яратувчиси, бунёдкори сифатида ўзини англаши ва тўла намоён этишига туртки беришига ишонамиз.

БИРИНЧИ БОБ

СИЁСИЙ МАДАНИЯТГА ОИД ҚАРАШЛАР ВА

ЁНДАШУВЛАР



1.1.СИЁСИЙ МАДАНИЯТНИНГ МАҚСАД ВА

ВАЗИФАЛАРИ

1.1.1. Сиёсий маданият ғояси пайдо бўлишининг

шарт-шароитлари

Ғарб сиёсатшунослигида сиёсий маданият ғоясининг фаол ривожланиши XX асрнинг 50-йилларида бошланди. Бу дунёдаги тезкор сиёсий ўзгаришларнинг моҳиятини тушунтира оладиган ва уларнинг салбий оқибатларини олдини олишга ёрдам берадиган универсал ғоя бўлиб қолади, деб тахмин қилинган. Ўша пайтда жаҳон ривожланишига глобал омил сифатида пассив аҳоли қисмининг кенг қатламларини фаол сиёсий фаолиятга жалб қилиш зарурати туғилган эди. Бироқ, омманинг сиёсий иштироки таҳлили фуқаро сиёсий маданиятининг паст даражасига тушиб қолгани сабабли, бу Ғарб мамлакатларида сиёсий тангликни келтириб чиқарди. Саноати ривожланган мамлакатлар аҳолисининг аксар қисми моддий эҳтиёжлари қондирилиши хилма-хиллиги, парламент демократияси институтларига аҳоли ишончсизлик билан қараганлиги давлат манфаат ва эҳтиёжларидан анча орқада қолаётган эди.

Ниҳоят, Ғарб сиёсий институтлари ушбу ғояни ҳукумат шакллари танлаш ҳолатида турган Африка, Осиё ва Лотин Америкасининг янги мустақил давлатларига ўтказишга қарор қилдилар. Аслида, бу тўғри қарор бўлган эди. Баъзи жамиятларнинг демократия ғояларига, бошқаларнинг бағрикенглик, сиёсий рақобат, плюрализм тамойилларига мойиллиги ҳокимият ва шахснинг ўзаро муносабатларини қиёсий ўрганиш методологиясидан унумли фойдаланиш, турли мамлакатлардаги сиёсий институтларнинг турғунлик ҳолати сиёсий маданият тушунчасининг оммалашиши ва шаклланишига туртки берди.

Бизга маълумки, “сиёсат” тушунчаси қадим замонларда вужудга келган. У бизгача етиб келиб, ижтимоий ҳаётимиздан ўрин олган қадрият ҳисобланади. Содда қилиб айтганда, у анъанавий тарзда давлат ва жамоат ишларини; одамлар, ижтимоий гуруҳлар, халқлар, миллатлар ва давлатлар ўртасидаги ҳокимият билан боғлиқ фаолият соҳасини англатиб келади. Сиёсат — муайян субъектлар ўртасидаги ҳокимиятга оид муносабатлар ифодаси бўлиб, бунда улар ўз манфаатларини қондириш учун ҳокимиятга интиладилар ёки ҳокимиятдан фойдаланадилар. Сиёсат ҳокимият ёрдамида энг муҳим умумий манфаатларни амалга оширишга йўналтирилган муносабатлар мажмуидир”¹.

Сиёсий маданият зоясини америкалик сиёсатшунос Г. Алмонд ишлаб чиққан бўлиб, унинг ривожланишида Ижтимоий фанлар тадқиқот кенгаши қошидаги Қиёсий сиёсатшунослик қўмитаси аъзолари бўлган Л. Пай, С. Верба, Ж. Пауэлл ҳам фаол иштирок этганлар. Сиёсий маданиятни таҳлил қилишда Г. Алмонд функционал ёндашувдан фойдаланган, аввало, унга биринчи навбатда психологик ҳодиса сифатида қаралган.

“Ҳар бир сиёсий тизим,— дейди Г. Алмонд, — сиёсий ҳаракатга йўналтирилган тажрибавий эмпирик ёндашувга асосланади (beliefs), биз уни “сиёсий маданият”, деб атаيمиз².

Сиёсий маданиятнинг муҳим таркибий қисмлари рўйхатини С. Верба келтириб ўтади: “Жамиятнинг сиёсий маданияти сиёсий ҳаракатлар содир бўлган вазиятни белгилайдиган эмпирик эътиқодлар, таъсирчан қадриятлар тизимидан иборат. У сиёсатга нисбатан субъектив йўналишни ташкил этади”³.

1958-1962 йилларда П. Алмонд ва С. Верба Буюк Британия, АҚШ, Ғарбий Германия, Италия ва Мексиканинг сиёсий маданиятларини қиёсий эмпирик тадқиқ қиладилар. Тадқиқот

¹ Батафсилроқ қаранг: Конституция ва фуқаролик жамияти. — Т.: 2002. - Б. 60.

² Қаранг.: Almond G. Comparative Political Systems // The Journal of politics. 1956. Vol. 18. — №3.

³ Қаранг.: Одилқориев Х. Т., Ғойибназаров Ш. Р. Сиёсий маданият.— Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2004. —Б. 41.

натижаси ўлароқ, “Фуқаролик маданияти” (1963) номли асар дунёга келади. Олимлар ўртача ҳар бир мамлакатда жамиятнинг турли ижтимоий қатламларига мансуб мингга яқин кишидан интервью олишди. Тадқиқот мавзуси тўртта асосий объект - сиёсий тизим, ҳукумат, миллий сайловлар, шахснинг тафаккури сиёсий йўналиши (когнитив, таъсирчан, баҳолаш) ни қамраб олган эди.

Г. Алмонд ва С. Верба маълумотларига кўра, сиёсий маданият жамиятда ҳукмронлик қиладиган учта сиёсий йўналиш - патриархал, субординациялашган ва фаол шахс иштироки ҳисобланади.

Патриархал сиёсий маданият маҳаллий қадриятларга (клан, қабила, клан қадриятлари) йўналтирилганлиги билан ажралиб туради ва у кўпинча ватанпарварлик, непотизм, коррупция шаклида намоён бўлади. Шахс сиёсий маданиятга мойил бўлмайди ва сиёсий ролларни бажармайди. Маданиятнинг бу тури сиёсий маданият маҳаллий субкультураларнинг қатламига айланган ёш мустақил давлатларга хос бўлади.

Субординациялашган сиёсий маданият шахснинг сиёсий тизимга пассив муносабатини кўзда тутаяди, у сиёсий онгли бўлса-да, анъаналарга амал қиладиган, ҳокимиятга бўйсунаяди, шахс ундан турли имтиёзлар (ижтимоий нафақалар, кафолатлар)ни кутади.

Иштирок этиш маданияти сиёсий фаоллик, рационаллик билан характерланади. Бунда фуқаролар сиёсий ҳокимиятга фаол таъсир кўрсатишга, унинг фаолиятини қонуний таъсир воситалари – сайловлар, намоёишлар ва бошқалар ёрдамида бошқаришга интилади.

Сиёсий маданият сиёсий фанларнинг ўзига хос *категорияси* сифатида биринчи марта америкалик тадқиқотчилар Г. Алмонд ва С. Верба томонидан “Фуқаролик маданияти: сиёсий қарашлар ва беш мамлакатда демократия” номли китобида қўлланилган. Айни шу йўналишдаги тадқиқот сабаб 1959-1960 йилларда АҚШ, Буюк Британия, Германия, Италия ва Мексикада кенг камровли жамоатчилик сўрови ўтказилган.

Г. Алмонд сиёсий хулқ ва сиёсий жараёнларни ўрганиш учун макбул булган янги сиёсий маданият концепциясининг биринчи бўлиб илмий муомлага киритган. Унинг фикрича, сиёсий маданият сиёсий

тизимга асосланган сиёсий объектларга йўналтирилган махсус билим шаклидир. Г. Алмонд ва С. Верба бу ҳақида шундай деб ёзадилар: “Сиёсий маданият” атамаси сиёсий тузум ва унинг турли қисмларига ва ҳар бир инсонни мавжуд сиёсий тизимдаги ўз ролига нисбатан муносабати, сиёсий қарашларини англатади”. Г. Алмонд ва С. Верба сиёсий маданиятни билим (сиёсат ҳақида билим ва тасаввурлар), ҳиссиёт (сиёсатга нисбатан ҳис-туйғулар) ва баҳолаш (сиёсий объектлар ҳақидаги фикрларни қиёслаш) кабилардан иборат эканлигини таъкидлаб ўтадилар¹.

Шу билан бирга, кўплаб тадқиқотчилар сиёсий маданиятга тегишли бўлган бу ёндашувни рад этадилар, уни субъектив ва ноаниқ асосга эга, деб ҳисоблайдилар. Маълумки, сиёсий маданият, сиёсий менталитет ва миллий характер ажратиб, алоҳида тушуниладиган ҳодиса эмас. Америкалик тадқиқотчи Р. Далтон бу ҳақида тўхталиб, унинг миллий менталитет, ижтимоий-маданий интеллектуал даражаси билан боғлиқ яна бир қанча муҳим жиҳатларига муаллифлар эътибор бермаганлигини таъкидлаб ўтади. Л. Пай 1972 йилда сиёсий маданият концепциясини “сиёсий фан вакиллари ва, айниқса, зиёлилар орасида кенг тарқалган”лигига эътибор бериб, уни “қийин” ва “бошқа сиёсий категориялар”га ўхшаш, яқин жиҳатлари борлигига урғу беради. Бизнинг назаримизда, сиёсий маданият — сиёсий муносабатлар тизими, айти пайтда авлодлар алмашинуви натижаси, уни ташкил этувчи унсурларни ишлаб чиқиш ва қайта тайёрлаш жараёнидир. Сиёсий маданият мунтазам равишда ривожланиб ва такомиллашиб боровчи динамик ҳодисадир.

Сиёсий маданиятнинг тамойиллари ва омилларини тадқиқ этиш асосида концептуал ёндашувлар шаклланган. Жумладан, АҚШ ва Европада сиёсий маданият хусусида бир неча йўналишларда илмий изланишлар олиб борилмоқда. Тадқиқотдан маълум бўлишича, дунё олимлари томонидан сиёсий маданият соҳасидаги илмий изланишлар XX асрнинг ўрталаридан бошлаб кенг миқёсда ривожлантирилган. АҚШда Д.Болинджер, В.Ф. Дэвисон, П.Лайнбарджер, Германияда

¹ Almond G., Verba S. The Civil Culture: Political Attitudes and Democracy in Five Countries. - Princeton, 1963. – P. 28.

Ф.Клемперер, Францияда П.Серио, А. Пеше, П.Анри, Р. Барт ва бошқалар сиёсий маданиятнинг концептуал томонларини ёритишга ҳаракат қилганлар. Бугунги кунда сиёсий маданиятнинг илмий-методологик асослари Е.И.Шейгал, А.П. Чудинов, К.В.Никитин каби олимлар томонидан ҳам тадқиқ этилмоқда.

Сиёсий маданиятнинг таркибий-функционал, умуммиллий назарий асосларини, аввало, маданият тушунчаси, моҳияти ва мазмунини таҳлил этишни тақозо этади.

“Маданият” атамасини илк бор қадимги Рим жамоат арбоби Марк Порций Катон ўзининг «Агрикола» («Дехқончилик ҳақида») асарида қўллаган бўлиб, у маданиятни ерга ишлов бериш, ўсимликлар етиштириш, ҳайвонларни парваришлаш, “cultor” иборасини эса ерга ишлов берувчи, зироатчи, чорвадор, яъни қишлоқ фуқароси ва деҳқонни ифодалаш учун қўллаган¹.

Юнон мутафаккири Марк Туллий Цицерон «маданият» тушунчасини маърифатлилик, тарбиялилик, тарбиячи ва устоз маъносида ишлатган. Умуман олганда, қадимги Юнонистонда Европа маданияти анъаналарига асос солинган бўлиб, ҳозирги кунда маданиятшунослик илмининг асосий тушунчаларини илк бор ана шу юнон-рим мутафаккирлари таърифлаган эдилар.

«Маданият» тушунчасининг энг қадимги маъноларини қадимги грек полиси мисолида талқин қилиш мумкин. Полис – нисбатан кам аҳоли яшайдиган шаҳар. Аммо полиснинг ўзагини ташкил этувчи аҳоли унинг фуқаролари бўлиб, полиснинг ўзи давлат ҳисобланган. Ана шундай шаҳар-давлатда «маданият» ҳам, «тарбия» ҳам «ибодат» бўлган. *Антик полисда мурғак боладан етук эркакни тарбиялаш жараёнини юнонлар «пайдейя» (pais– бола) тушунчаси орқали ифодалашган. Юнонча «пайдейя» атамаси бевосита тарбиялаш, таълим бериш маъносини, кенгроқ талқинда эса таълим, зиёлилик, маърифат, маданият маъносини ҳам англатади.*

¹ Қаранг.: Одилқориев Х. Т., Ғойибназаров Ш. Р. Сиёсий маданият. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2004. –Б. 12.

Юнонлар шундай таълим тизимини яратдиларки, унинг асосида инсон маълум соҳанинг билимдони эмас, балки қадриятларни ўзида чуқур мужассам этган етук шахс сифатида шаклланади. Қадимги даврга хос маданиятни бундай тушуниш замирида маданий тараққиёт мақсади саналган инсон идеали ётади

Маданият ҳақидаги билимлар кейинроқ культурфилософия – фалсафий маданият доирасида ривожланди. Маданият фалсафаси (культурфилософия) маданиятни фалсафий категориялар – борлик, онг, жамият, шахс кабилар нуқтаи-назаридан ўрганувчи мустақил йўналиши. XVIII-XIX асрларда маданият муаммолари маданиятнинг тарихий ривожланиши, инсон ва жамият ҳаётида маданиятнинг тутган ўрни ҳамда моҳият-мазмунини нуқтаи назаридан маданият фалсафаси доирасида махсус кўриб чиқилди.

Бугунги кунга келиб маданиятни яхлит ҳодиса сифатида ўрганиш тарих, филология, психология, философия, сиёсат, ҳуқуқ ва бошқа фанлар доирасида амалга оширилмоқда.

Маданий борлик ва унинг инъикоси бўлган маданият фалсафаси, яъни *маданиятшунослик илми ривожининг тарихини қуйидаги даврларга бўлиш мумкин*¹:

- 1) *Қадимги давр (мил. ав. давр - мил. V аср);*
- 2) *Ўрта асрлар даври (V-XVI асрлар);*
- 3) *Янги давр (XVII-XIX асрлар);*
- 4) *Энг янги давр (XX-XXI асрлар).*

Маданиятшунослик мустақил фан сифатида янги классик фалсафа доирасида шакллана бошлади. Маданият ҳақидаги тасаввурлар (маданият фалсафасидан ташқари) культурантропология ва маданият социологияси доирасида ривожланди. "Культурантропология" атамаси «культура» (ишлов бериш, парваришlash, тарбияlash) ҳамда юнонча «антропос» (одам) ва «логос» (фан) сўзларидан ясалган бўлиб, маданийlashган одам ҳақидаги фан деган маънони билдиради². Культурантропология Фарб

¹ Ўша жойда. – Б. 13.

² Ўша жойда.

этнографиясидаги йўналишлардан бири бўлиб, унда мазкур фанни ифодалаш учун бошқа атама – “антропология” атамаси қўлланилади.

“Культурология”ни яратилишига қўл урган дастлабки олимлардан бири америкалик таниқли культурантрополог Лесли Уайт бўлиб, у «культурология» атамасидан «маданият ҳақидаги фан» атамасининг синоними сифатида фойдаланган. «Маданият» тушунчаси, Уайт талқинига кўра, воқеликнинг алоҳида объектини, ижтимоий ҳодисаларнинг алоҳида туркумини қамраб олади. Маданият тизим сифатида индивиддан устун туради: “Маданият ўзига хос атамалар билан тушунтирилиши керак, бу кимгадир ажабтовур туюлар, аммо инсониятни ўрганишнинг бевосита объекти инсон эмас, балки маданиятдир”¹. Маданият, Л. Уайт назарида, алоҳида одамга ва одамлар жамоасига боғлиқ бўлмаган, фақат ривожланишнинг ички мантиғига бўйсунувчи объектив тузилмадир. Мазкур объектив тузилманинг концептуал асосларини кўриб чиқиш лозим.

Маълумки, илмий тадқиқотлар уюшган яхлит тизим сифатида маданиятда уч кичик тизимни ажратади: биринчи (технологик) тизим инсоннинг табиат билан ўзаро муносабатларини, унинг техника воситалари ва меҳнат қуролларидан, яшаш жойларининг турлари кабилардан фойдаланишини; иккинчиси араб маданияти, Ғарбий Европа маданиятини, учинчиси Жанубий Америкадаги Майя маданияти кабиларни қамраб олади.

Рус олими Н.Я.Данилевский маданиятларнинг тарихий хилма-хиллиги ва ички мазмуни ҳар хиллиги муаммосига ҳаққоний бошланғич қоида деб қарайди. Унинг фикрича, тарих бутун ўзлиги билан мавжуддир, табиат билан ва бир-бири билан тинимсиз кураш олиб борувчи этник жамоаларнинг, алоҳида, маҳаллий «маданий-тарихий» типлар («цивилизациялар») нинг мавжудлиги тарихий воқеликдир. *XX асрнинг йирик социолог ва культурологларидан бири П.А.Сорокин маданиятнинг уч типини эътироф этади*²:

¹ White L. The science about culture. -Washington, 1943. –P. 21.

² <https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%A2%D0%B8%D0%BF%D0%BE%D0%BB%D0%>
Типология культуры Питирима Сорокина.

1. *Ҳиссий маданият (унда воқеликни ҳиссий идрок этиш устунлик*

2. *Рационал маданият (рационал фикрлаш устунлик қилади);*

3. *Идеалистик маданият (интуитив билиш устунлик қилади).*

«Ҳозирги замон маданияти» тушунчаси маданиятнинг инқирозини, инсон ва табиат уйғунлигига эришиш мумкин эмаслигини англаб етиш жараёнида юзага келди. Мазкур уйғунликнинг рационал асосларини излашдан воз кечилди. Ҳаёт фалсафаси замирида шаклланган «маданият» тушунчаси культурология назариясининг ривожланишига кучли таъсир кўрсатди. Замонавий ижтимоий фалсафа маданиятни англаб етишга нисбатан бир қатор ёндашувларни таклиф қилди. Уларнинг баъзиларига тўхталиб ўтамыз.

Э. Кассирер ўз асарларида маданиятнинг рамзий хоссаларини аниқлаб, қуйидаги фикрларни баён этади: «Инсонни қуршаб олган нарсаларнинг айнан рамзий аҳамияти ва ҳаракатлар символикаси маданият дунёсини намоён этади, яъни ягона предмет бутун бир ҳодисалар туркумининг рамзини ифода этади, унинг вакили бўлиб хизмат қилади ҳамда инсоннинг дунёга нисбатан муносабатини белгилаб беради»¹.

Й. Хейзингенинг ўйин билан боғлиқ маданият назарияси ҳозирги замон «маданият» тушунчаси учун алоҳида аҳамиятга эга. Хейзинге ўйинни маданиятнинг негизи ва манбаи деб билади. У ўйин маданиятдан илгари пайдо бўлганини, унинг асосий жиҳатларини ҳайвонот оламида кузатиш мумкинлигини қайд этади. Шунга қарамай, ўйин биология чегарасидан четга чиққан ва инсон рационал фаолиятининг барча шаклларида - санъат, фалсафа, ҳуқуқ ва бошқаларда иштирок этади. Деярли ҳар бир инсон «маданият» сўзини ишлатади. Аммо унга ҳамма ҳар хил маъно беради. Маданиятнинг кўплаб таърифлари ҳамда уни тушуниш ва баҳолашга нисбатан кўплаб ёндашувлар мавжуд.

¹ Қаранг.: Шарипова С.Б. Бўлажак чет тили ўқитувчиларида умуммаданий дунёқарашни шакллантириш механизмларини такомиллаштириш. Педаг. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. Автореф. Самарқанд, 2019. –Б. 11.

АҚШ культурологлари Альфред Кребер ва Клайд Клакхо маданиятга берилган таърифларнинг юздан ортиғини таҳлилдан ўтказиб, уларни қуйидаги туркумларга ажратганлар: тавсифий таърифлар, тарихий таърифлар, норматив таърифлар, қадриятлар билан боғлиқ таърифлар, психологик таърифлар, мафкуравий таърифлар.

Маданият ҳақидаги қарашлар хилма-хиллигига қарамай, уларда маданиятни тадқиқ этувчиларнинг барчасини бирлаштирадиган бир умумий жиҳат мавжуд. Бу умумийлик – *«маданият» сўзининг дастлабки маъноси латинчадан таржимада ишлов бериш, етиштириш, парвариш қилиш, яхшилаш, деган маъноларни билдиради.* Вақт ўтиши билан у қадриятларни яхшилаш, такомиллаштириш ва яратиш маъносида қўллана бошланди.

1.1.2. Сиёсий маданият тушунчасининг мазмун-моҳияти

Инсон ижтимоий фаолиятининг ҳар бир тури маданий аҳамиятга эга. Масалан, моддий ишлаб чиқаришда меҳнат шахснинг ривожланишига қай даражада таъсир кўрсатса, меҳнатнинг маданий моҳияти шу даражада тўлиқ намоён бўлади ва шу даражада маданий фаолият сифатида эътироф этилади. Аммо моддий ишлаб чиқаришнинг асосий вазифаси ҳамиша инсоннинг яшаши учун зарур неъматлар ишлаб чиқаришдир.

Хўш, сиёсий маданиятнинг юқорида қайд этилган фаолиятларнинг қай бирига киритиш мумкин?

Сиёсий маданият – сиёсий фаолият маданияти. Ушбу фаолиятнинг асосий мақсади – ижтимоий-сиёсий муносабатларни ва бутун жамиятни ўзгартириш. Аммо ижтимоий-сиёсий муносабатларни ўзгартириш жараёнида одамлар ўзлари ҳам ўзгариб борадилар.

Сиёсий маданият икки ижтимоий тизим – сиёсат ва маданиятнинг бирикувидан ҳосил бўлувчи ҳодиса. У жамият сиёсий тизимининг бир қисми сифатида жамият, синф, алоҳида шахслар сиёсий фаолиятининг барча элементларини қай даражада ўзлаштиргани, сиёсий билимлари, ҳис-туйғулари, сиёсий тафаккури,

кўникмалари қандайлигини намоён этади. Бошқача айтганда, сиёсий маданият сиёсий фаолият субъектининг умумлаштирилган, синтезлаштирилган таърифи.

Сиёсий маданият ўтган ва ҳозирги замон сиёсий кураши тажрибаси қай даражада ўзлаштирилгани, ҳозирги замон сиёсий фаолиятида бу тажриба қай даражада эътиборга олинаётгани ҳамда илгари йўл қўйилган хато ва камчиликлар такрорланмаслиги таъминланганини кўрсатади.

Жамиятда маданият сиёсатдан ташқарида мавжуд бўлмайди. Маданиятнинг бош вазифаси – у ёки бу ижтимоий гуруҳ манфаатларига мос тарзда муайян шахсни шакллантиришдан иборат. Жамиятда “соф” маданият бўлмаган ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Шунинг учун ҳам одамлар ижтимоий фаолиятининг ҳар бир тури у ёки бу даражада, бевосита ёки билвосита сиёсат билан боғлиқ кечади.

Шахснинг сиёсий маданияти жамиятда шаклланади, унинг ишларини бошқаришда иштирок этиш эҳтиёжи кенг омманинг сиёсий маданиятни ўзлаштиришнинг асосий мезони ва кўрсаткичига айланади. Таклиф этилган мезонларнинг иккаласи ҳам баҳслидир. Биринчи мезон етарли даражада амалий эмас, зеро ижтимоий тараққиёт эҳтиёжларига у ёки бу хулқ-атвор тарзлари, шахс ёки гуруҳ фаолиятининг мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслигини аниқлаш жуда мушкул. Иккинчи мезоннинг камчилиги шундаки, бошқаришда иштирок этиш эҳтиёжининг мавжудлиги ҳам юксак сиёсий маданият кўрсаткичи ҳисобланмайди. Бизнингча, фақат реал амалий фаолиятнинг ўзи сиёсий маданиятни ўзлаштириш даражасининг мезони бўла олади. Бошқача айтганда, сиёсий маданият фақат инсон ёки шахслар гуруҳининг сиёсий фикрлаш, фактлар ва ҳодисаларга тўғри сиёсий баҳо бериш қобилиятинигина эмас, ҳаттоки турли ҳаётий вазиятларда сиёсий жиҳатдан оқилона иш тутиш қобилиятини ҳам намоён қилади.

Сиёсий маданият жамият сиёсий тизимининг таркибий қисми бўлиб, у сиёсат субъектларининг ўзаро муносабатларини, уларнинг онглилиги, фаоллиги ҳамда у ёки бу сиёсий ҳаракатларга тайёргарлик даражасини очиқ беради.

Сиёсий маданият ўзгарувчан ҳодиса бўлиб, жамият ривожланиши билан ўзгариб боради. Маданий қадриятлар, анъаналарнинг ўзгариши ҳаётнинг технологик, иқтисодий ва ижтимоий жабҳаларидаги ўзгаришларга қараганда бирмунча суст кечади. Бу маданиятда барқарор ва беқарор, эски ва янги таркибий қисмлар ўзига хос тарзда уйғунлашиб боради. Барқарор қисмлар ўтмишнинг сиёсий тажрибасини ўзида жамлаган анъаналардан келиб чиқади. Анъаналар сиёсий тизимлар фаолиятида ворисийликни таъминлайди. Ҳар қандай янгиланиш анъаналар билан уйғунлашади ёки анъаналар уларни инкор этади.

Жамиятни ислоҳ қилиш – янгиланишнинг шакли. Унинг механизми эскилик ва анъанавийликнинг бузилишини ҳам, янгиланишларнинг вужудга келишини ҳам қамраб олади. Бу жараёнлар эскирган эътиқодлар, одатлар, анъаналарнинг тизимлари билан қадриятлар ва нормаларнинг янги тизими ўртасидаги зиддият барҳам топганидан кейин ривожланади. Шунинг учун ҳам ҳар бир мамлакатда миллий анъаналар ва модернизациялашнинг мақбул нисбатини топиш давлат раҳбарлари ислоҳотчилик фаолиятининг бош муаммоси ҳисобланади.

Жамиятнинг сиёсий тизимида сиёсий маданиятнинг аҳамияти унинг бирлаштирувчи функцияси билан белгиланади. Умум эътироф этилган сиёсий-маданий қадриятлар, ҳуқ-атвор андозалари ва анъаналар одамларни ягона сиёсий тизимга бирлаштиради, бир жамиятни бошқа жамиятдан фарқлайди. Бир сўз билан айтганда, сиёсий маданият негизида одамлар ўзларининг ягона давлат фуқаролари эканликларини англаб етадилар. Сиёсий маданиятнинг рамзий элементлари жамиятни бирлаштириши ва ватанпарварлик туйғусини тарбиялашда муҳим ўринни эгаллайди.

Сиёсий рамз – муҳим сиёсий ғояларнинг шартли намунаси, уларни тарғиб қилиш ва мустаҳкамлаб қўйишнинг муҳим воситаси. Сиёсий маданиятнинг рамзий қисмига давлат рамзлари (герб, мадҳия, байроқ); миллий байрамлар ва давлат маросимлари (Президентнинг қасамёди); меъморчилик мажмуалари (Вашингтонда – Оқ уй, Тошкентда – Оқсарой) ташкил этади. Тарихий шахслар ҳам рамз

бўлиб хизмат қилиши мумкин (Ж.Вашингтон, Амир Темур). Сиёсий мифлар мамлакат аҳолисини ғоялар ва қадриятлар атрофига жипслаштириш функциясини бажаради. Улар жамиятнинг асосий қадриятларини эътиқодлар асосида рамзий ифода этади. В.Р.Легойда таъкидлаганидек, “фуқаролик дини” АҚШ сиёсий маданиятининг ўзагидир¹.

Сиёсий маданият поғоналари ҳақида гап кетганда, уларнинг бир нечтасини ажратиб кўрсатиш мумкин. Хусусан, жамият, ижтимоий гуруҳ ва алоҳида шахснинг сиёсий маданияти фарқланади.

Илмий манбаларга кўра, сиёсий маданият қуйидаги даражаларга ажратилади:

1. *Дунёқараш даражаси:* жамият, гуруҳ ва алоҳида шахснинг сиёсат ҳамда дунёнинг сиёсий манзараси ҳақидаги тасаввурлари, шунингдек сиёсий ҳаёт иштирокчилари амал қилувчи нормалар, қадриятлар, рамзлар, кўрсатмалар;

2. *Фуқаролик даражаси:* одамларнинг сиёсат билан шуғулланишига туртки берувчи сабаблар, уларнинг сиёсатда ўз мақсадларига эришишига ёрдам берувчи кўникма, восита ва усуллар;

3. *Сиёсий даража:* сиёсат субъектларининг муайян муаммога доир қарашлари, яъни сиёсий тизим ва тартиботга, давлат ҳокимияти идораларининг сиёсатни амалга оширишда қўлловчи усуллари ўз тарафдорлари ва рақибларига нисбатан муносабатлари.

Сиёсий маданият анча қадимий ҳодиса. Унинг мазмунини ташкил этувчи кўпгина жиҳатлар Конфуций, Шан Ян, Платон, Аристотель сингари қадимги давр мутафаккирларининг асарларида тилга олинган.

Фанда сиёсий маданиятнинг табиатини тушунишга нисбатан икки хил ёндашув вужудга келган. Баъзи олимлар (Г.Алмонд, С.Верба, Д.Дивайн, Ю.Краснов ва бошқалар) сиёсий маданиятни сиёсатнинг субъектив мазмунига тенг деб ҳисоблайди ва унга сиёсий онгнинг турли шакллари, барча сиёсат субъектлари сиёсий хулқ-атворининг

¹Легойда В.Р. Гражданская религия США: некоторые символы и ритуалы //Полития, 1999. № 4. –С. 28.

хусусиятини белгиловчи кўрсатмалар, стереотиплар ва қадриятларни киритадилар.

Бошқа гуруҳ олимлар сиёсий маданиятга сиёсий хулқ-атворга нисбатан норматив талабларнинг ифодасини (С.Вайт), сиёсатдаги хулқ-атворнинг типик намуналари мажмуини (Ж.Плейно), сиёсий фаолият усулини (У.Розенбаум) кўриб, уни сиёсатнинг ажралмас қисми ҳамда кўринишларидан бири, деб ҳисоблашади.

Хулоса шуки, сиёсий маданиятни икки мураккаб ижтимоий тизим - *сиёсат ва маданият ўртасида боғловчи бўғин* сифатида хизмат қиладиган ижтимоий ҳодиса, деб таърифлаш мумкин.

Сиёсий маданият ижтимоий субъект (жамият, гуруҳ, шахс)нинг кучларини вужудга келтириш ҳамда уларни ижтимоий-сиёсий фаолиятда, унинг мақсадлари, воситалари, усуллари ва натижаларида рўёбга чиқариш жараёни демак. У инсоннинг ижтимоий муносабатларни ўзгартириш субъекти сифатидаги ижтимоий ривожланиш мезонига негиз бўлади.

1.1.3. Сиёсий маданият ҳақида таълимотлар ва уларнинг таҳлили

Сиёсий маданият тушунчасига илк марта *немис маърифатпарвар файласуфи Иоган Гердер (1744-1803) асос солган*. Унга классик таърифлардан бирида таъкидланганидек, *“Сиёсий маданият умуман сиёсий тизимга, унинг таркибий қисмлари ва сиёсий иштирокчиларга нисбатан хилма-хил, аммо барқарор тарзда такрорланувчи қонуниятлар ва баҳоловчи мезондир”*. Ушбу талқиндан олимлар бир қатор нуқсонларни аниқлашди: биринчиси, бунда сиёсий институтларнинг функциялари кўзга ташланмайди; иккинчиси, сиёсатнинг хулқ-атвор жиҳати четда қолади; учинчиси, баҳоловчи меъёрий тизим сифатидаги роли кўринмайди. Мазкур талқинларни умумлаштирган *рус олими Е.Я. Баталов ўзининг шундай таърифини таклиф қилади*: “сиёсий маданият — индивидлар ва гуруҳларнинг онги, хулқ-атвор моделларининг тарихан шаклланиб келган андозалари, шунингдек сиёсий жараён субъектларининг

фаолиятида намоён бўлувчи сиёсий институтларнинг фаолият кўрсатувчи моделлари тизими”¹.

Сиёсий маданият инсоннинг маънавий табиати ва ривожланиш даражасидан ажралмасдир. У сиёсий институтларнинг шаклланиши, фаолият кўрсатиши ва такомиллашишига улкан таъсир кўрсатувчи, умуман сиёсий жараёнга, сиёсий фаолиятга ва кенг аҳоли оммасининг хулқ-атвориغا йўналиш берувчи ижтимоий онг элементлари ва ҳодисаларининг мажмуи ҳисобланади.

Атамага берилган таърифларни икки туркумга ажратиш мумкин. Биринчиси, сиёсий маданиятни индивидларнинг сиёсий йўналиши, мойилликлари ва хулқ-атворлари мажмуи билан боғловчи тушунчанинг тор талқини, иккинчиси сиёсат билан боғлиқ умумий маданиятнинг муҳим қисми.

Сиёсий маданият сиёсий фаолият билан чамбарчас боғланган бўлиб, уни амалга оширишнинг муайян йўналиши ва “технологияси”ни белгилаб беради. У индивидлар ва сиёсий гуруҳларнинг сиёсий онги билан ўзаро таъсирда бўлади. Шу боис, унга фақат сиёсат субъектларининг билим ва қадриятлари, тажриба ва анъаналари, фаоллик даражасининг мажмуи деб қарамаслик лозим. Сиёсий маданият одамларнинг муайян сиёсий манфаатларини рўёбга чиқариш жараёни ва усули ҳамдир.

Одатда, сиёсий маданият уч асосий шаклда намоён бўлади:

а) сиёсий тажриба, анъана, қадриятлар, мўлжаллар ва кўрсатмаларни, сезги ва ҳиссиётларни ифодалаш ҳамда сиёсий фикрлаш усуллариини ўз ичига олувчи маънавий фаолиятда;

б) сиёсий институтларни ташкил этишнинг маълум усуллари ва намуналари, илмий тафаккур ютуқларини моддийлаштирувчи сиёсий фаолият усуллариини қамраб олувчи предметли фаолиятда;

в) сиёсий фаолият усуллари, услуги ва воситаларини, сиёсий жараён хусусиятини белгиловчи функционал фаолиятда.

Булар бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, одамлар сиёсий эркинлигининг муайян-тарихий даражасини ифода этади.

¹ Қаранг.: Баталов Е. Л. Политическая культура // Общая и прикладная политология / Под общ. ред. В. Жукова, Б. Краснова. - М.: 1997. – С. 697.

Сиёсий маданият алоҳида ҳодиса эмас, балки умумбашарий жамият маданиятининг таркибий қисмига айланиб улгурган. У жамиятнинг иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий, диний, бошқарув каби тизимлари билан ўзаро алоқадор. У жамият, ижтимоий гуруҳлар ва индивидларнинг урф-одатлар ва қонунларда қайд этилган сиёсий тажрибасини, уларнинг давлат ҳокимияти ва сиёсий муносабатлар ҳақидаги тасаввурларини, ижтимоий ҳодисаларга тўғри баҳо бериш ва муайян сиёсий фаолиятда ифодаланган мавқеини эгаллаш қобилиятини ўз ичига олади. Шунинг учун сиёсий маданият умуман жамиятнинг сиёсий ҳаётига, ҳокимият ва бошқарув муаммолари ҳамда сиёсатда иштирок этиш билан боғлиқ жамики ҳодисаларга, шунингдек сиёсат ва ҳуқуқ, сиёсат ва иқтисод, сиёсат ва маънавиятга бевосита таъсир кўрсатади. Ана шу омилнинг ўзиёқ, уни маънавий ҳаётнинг элементигина эмас, балки жамият сиёсий тизимининг муҳим қисми деб қараш имконини беради. Ушбу масалада даражамиз сиёсат ҳақидаги тасаввуримизни кенгайтиради, жамият сиёсий ҳаёти ривожланишнинг мезонларини ўрганишга имконият беради.

Сиёсий маданият инсоннинг сиёсий институт ва кадриятларда қайд этилган ижодий фаолиятининг тавсифи ва инъикоси. Шу маънода, у фақат натижа эмас, балки яратиш ва жамиятга хос сиёсий кадриятлар ва йўналишларни ўзлаштиришнинг ягона, ўзгарувчан жараёни ҳамдир.

Сиёсий маданиятга шахс фаолияти билан боғлиқ жиҳатларни киритиш муайян фаолиятни маданият билан айнан бир деб ҳисоблашга асос бермайди, балки инсоннинг сиёсат соҳасидаги фаолиятининг сифат жиҳатини, унинг фикрлаш усули ва хулқ-атворини таърифлайди. Бунга Г.Алмонд ва С.Верба ҳам эътибор беришган. Уларнинг фикрича, сиёсий маданият мазкур тизим иштирокчиларининг индивидуал қарашлари ва мўлжаллари мажмуи, сиёсий ҳаракатлар негизида ётувчи ва уларга маъно бахш ётувчи субъектив соҳа.

Сиёсий маданият таърифларининг хилма-хиллиги бир неча омилларга, жумладан, уни ўрганишга нисбатан ёндашувларнинг хилма-хиллигига (улар кўпинча ҳукмрон илмий парадигма ва ғоявий

ақидалар билан белгиланади), тадқиқот қайси фан доирасида ўтказилганига, мамлакатга (тўғрироғи, унда ҳукмрон сиёсий тузумга) ва, ниҳоят, тадқиқот ўтказилган даврга (замон) ҳам боғлиқ бўлади. Бу ҳақида мисоллар келтирамиз: “Сиёсий маданият атамасига Г.Алмонд 1956 йилда “Қиёсий сиёсий тизимлар” мақоласида “Сиёсий маданият – сиёсий тизимларни ҳам ўз ичига оловчи сиёсат объектларига нисбатан йўналтирилганликнинг ўзига хос намунаси”¹, деб илк таърифни берган эди.

Собиқ иттифоқ олимлари ҳам бу тушунчага кўплаб таърифлар берганлар. Яъни: “Сиёсий маданият – турли ижтимоий табақалар, миллатлар ва халқларнинг туб манфаатларини, шунингдек фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий институтлар, нормаларни мустаҳкамлаш, қайта тузиш ва ривожлантиришга йўналтирилган маънавий-амалий фаолиятининг хусусияти, усулини акс эттирувчи сиёсий қарашлар, билимлар ва эътиқодлар мажмуи”².

Социологлар ва сиёсатшунослар нуқтаи назарича, сиёсий маданият “жамият маданиятининг ўзига хос таркибий қисми сифатида одамлар, уларнинг гуруҳлари ва бирлашмаларининг сиёсий ҳаёт соҳасидаги тасаввурлари, қадриятлари ва нормаларини қамраб олади ҳамда сиёсий жараён субъектларининг хулқ-атвор моделлари, намуналарини ва уларнинг турмуш тарзини белгилайди”³.

Академик В.Бабосовнинг фикрича, сиёсий маданият – ижтимоий субъект (шахс, синф)нинг сиёсий билимлари, қадриятлари, мўлжаллари, хулқ-атвор намуналарини маълум тарихий фаолиятда рўёбга чиқариш демак. У жамиятнинг урф-одатлари ва қонунларида мустаҳкамланган сиёсий тажрибани, ҳокимиятнинг бир томонда ҳаракат қилиши учун мос позицияни эгаллаш ҳақидаги тасаввурлари даражасини ўз ичига олади.

Психология нуқтаи назаридан қараганда, сиёсий маданият “сиёсий тизим фаолиятидаги руҳий шарт-шароитлар (кайфиятлар,

¹ Almond G. Comparative Political Systems. The Journal of Politics. Vol. 18. – 1956. – № 3, P. 8.

² Кейзеров М.Н. Политическая и правовая культура. Методологические проблемы. – М.: 1983. – С. 14.

³ Словарь-справочник по социологии и политологии. – М. 1996. – С. 115.

фикрлар, урф-одатлар, анъаналар, кадриятлар ва бошқалар) мажмуидир”.

Аслини олганда, сиёсий маданият ҳар қандай жамият сиёсий тизимининг муҳим элементи бўлиб, хулқ-атвор намуналари, кадриятлар, ҳиссиётлар, қарашлар, турмуш тарзи орқали сиёсий институтлар ва жараёнларни бир-бири билан боғловчи сиёсатнинг “инсоний мезони”ни ўзида акс эттиради. Бу таъриф маъно жиҳатидан сиёсий маданиятни давлат, фуқаролик жамияти ва шахс ўзаро алоқасининг бир қисми деб тушунишга анча мос келади, дейиш мумкин.

Профессор Б.Тўйчиевнинг фикрича¹, сиёсий маданият ижтимоий онг ва умумий маданиятнинг сиёсий институтлар ҳамда сиёсий жараёнлар билан узвий боғлиқ бўлган қисми ва жиҳатларини қамраб олади. Сиёсий маданият таркибига сиёсий тизим доирасида намоён бўлувчи эътиқод ва фикр йўналишлари ҳам киради.

Таъкидлаш жоизки, “сиёсий маданият” атамаси икки сабабга кўра қўлланилади: биринчидан, сиёсий ва носиёсий қарашлар ҳамда хулқ-атвор моделлари ўртасидаги муносабатни аниқламоқчи бўлсак, биз сиёсий қарашлар ва хулқ-атвор моделларини носиёсий қарашлар ва хулқ-атвор моделларидан ажратишимиз лозим. Бу ҳолда “сиёсий маданият” атамаси айнан сиёсий мўлжалларга – сиёсий тизим ва унинг турли қисмларига доир қарашларга ҳамда унинг мазкур тизимдаги ўз ўрнига доир қарашларига тегишли бўлади. Иқтисодий маданият ёки диний маданият ҳақида қандай гапирсак, сиёсий маданият ҳақида ҳам шундай гапиришимиз лозим.

Башарти сиёсий маданият бошқа ижтимоий ҳодисалар орасидан ажратиб алоҳида олинса, бу антропология, социология ва психологиянинг назарий тизими ва ёндашувларини кенг кўламда универсал қўллаш имконини беради. Масалан, антропология ва психологиянинг “ижтимоийлаштириш”, “маданий зиддият”, “маданий бирлашиш” сингари тушунчаларидан фойдаланиб, ўз тафаккуримизни бойитиб борамиз. Ижтимоий тузилиш ва жараёнларнинг умумий

¹Тўйчиев Б. Проблемы формирования политической культуры и демократизация современного общества. — Т.:1991. — С. 33-34.

жиҳатларига тегишли бўлган назариянинг тузилишидан фойдаланганимизда ҳам сиёсий тизимнинг келиб чиқиши ва ривожланишини тушуниш борасидаги имкониятларимиз худди шундай тарзда ортиб боради. Сиёсий маданиятлар ўртасидаги зиддиятлар маданиятга хос бошқа зиддиятларга кўп жиҳатдан ўхшаш; сиёсий маданиятга бирлашиш жараёнларига умуман маданий ўзгаришларнинг бирлаштирувчи ва ажратувчи тенденциялари нуктаи назаридан қарасак, мазкур жараёнлар янада тушунарлироқ бўлади.

Шундай қилиб, сиёсий маданият жамият учун кўпроқ хос бўлган стереотиплар, сиёсий тасаввурлар, қарашлар, қадриятлар, анъаналар ва сиёсий хулқ-атвор рамзларининг мажмуи бўлиб, у сиёсий тизимни барқарорлаштирувчи, маърифийлаштирувчи омил вазифасини бажариш билан бирга, сиёсий анъаналар, урф-одатлар, ижтимоий ва тарихий тажрибанинг ворисийлигини таъминлайди.

Сиёсий маданиятнинг ўзига хос жиҳати шундаки, у омманинг сиёсий онги ва сиёсий хулқ-атворини белгилайди; жамият табиий-тарихий ривожланиши, жамоавий сиёсий ижоднинг маҳсули; мамлакатдаги сиёсий жараённинг элементлари ўртасидаги муносабатларни намоён этади ва сиёсий тажрибани мустаҳкамлайди.

1.2. СИЁСИЙ МАДАНИЯТ КОНЦЕПЦИЯЛАРИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ

1.2.1. Сиёсий маданиятнинг ҳозирги замон концепциялари

Ҳозирги замон сиёсатшунослик фани назариётчилари *сиёсий маданиятнинг учта даражасини тилга оладилар:*

- а) тафаккур қилиш, англаш даражаси;
- б) фуқаролик даражаси;
- в) сиёсий даража.

Булардан хулоса шуки, “*Сиёсий маданият – сиёсий ҳокимият ва сиёсий ҳаётга бўлган муносабат, уни идрок этишидаги сиёсий тафаккур ва сиёсий фаолият маданиятидир*”. Давлат ҳокимияти фаолиятида сиёсий маданиятнинг муҳим кўрсаткичи унинг сиёсий бошқарувда кучга эмас, балки адолат, ишонч ва сиёсий вазминлик тамойилларига таянишида намоён бўлади.

Г.Алмонд ва С.Верба концепциясига кўра, ўрганилаётган мамлакатларнинг сиёсий маданияти “фуқаролик маданияти” деб номланган махсус аралаш маданиятни ўзида ифодалайди. Фуқаролик маданиятининг характерли хусусияти фуқароларнинг демократик сиёсий тизимга мос келадиган оқилона ва фаол хатти-ҳаракатидир. Эмпирик тадқиқот натижалари Г. Алмонд ва С. Вербанинг назарий тахминларига сезиларли ўзгаришлар киритди. Фуқароларнинг сиёсатда фаол иштироки ҳақидаги тахминлар утопия бўлиб чиқди. Бу олимларнинг таҳлилича, “фуқаролик маданияти” тушунчасининг жамият ҳаётидаги афзалликлари қуйидагилардан иборат эди¹:

1) миллий ҳукумат фаолиятининг шахсан ўзи фойдаси учун муҳимлигини умумий ижобий баҳолаш ва бу ҳақиқатни чуқур англаш;

2) ҳукумат фаолиятига юқори даражада қизиқиш ва бу соҳадан яхши хабардорлик;

3) ўз миллатининг сиёсий институтларидан фахрланиш ҳисси;

4) фаолликнинг мансабдор шахслар томонидан илиқ кутиб олиниши;

5) сиёсатга доир мавзуларни дўстлар ва танишлар доирасида очик муҳокама қилиш истаги;

6) муҳолифат ҳиссиётларининг очиклиги ва садоқатга йўғрилганлиги;

7) миллий сиёсий тadbирлар, хусусан, сайлов кампанияларини ўтказишдан қониқиш ҳосил қилиниши;

8) ҳукумат сиёсати вазифаларини тушуниш ва ўзи ёки фуқаролар билан биргаликда бу сиёсатга яхши таъсир кўрсата билиш;

9) ўзбошимчалик актларига қарши курашиш учун қонунларнинг моҳиятини тушуниш;

10) демократия, қонун устуворлиги давлат бошқарувининг зарур ва муҳим тизими эканлигига ишониш.

Сўров натижасида сиёсий маданиятнинг бу “идеал модели” сўралган бешта мамлакат фуқароларининг ҳақиқий сиёсий позициялари қуйидагича бўлди: америкалик 11%, инглиз 23%, немис 17%, италиялик 19%, мексикаликнинг 66% сиёсатнинг ўз кундалик

¹ Ўша жойда . — Б. 43.

ҳаётларига таъсирини бутунлай инкор этдилар. Ривожланган мамлакатлардаги мавжуд демократик сиёсий тузумга нисбатан билдирилган салбий муносабат унинг барқарор ва ижтимоий самарали бўлиб қолишига тўсқинлик қилмади.

Г. Алмонднинг сиёсий маданият концепциясини танқид қилиш ва бу ҳодисанинг асосан психологик талқинидан норози бўлиш сиёсий фанга таъсиридан халос қилмади. Олимлар “сиёсатнинг пировард сабаби муайян жамиятнинг маданий тизимидир, бу тушунчанинг шаклланиши сиёсий фанга туртки беради”, деган фикрга келдилар.

Г. Алмонд сиёсий маданиятнинг табиати ва даражасига қараб, тўрт турдаги сиёсий тизимларни ажратди:

1) Англия-Америка сиёсий тизимлари бир хил ва секулятив сиёсий маданият билан характерланади;

2) аралаш сиёсий субкультуралардан ташкил топган парчаланган сиёсий маданиятга эга континентал Ғарбий Европа тизимлари;

3) табақалаштирилган сиёсий маданиятлар билан қисман саноатлашган давлатларнинг сиёсий тизимлари;

4) бир хил сиёсий маданиятга эга тоталитар сиёсий тизимлар.

Шуни қайд этиш керакки, тарихий тараққиёт жараёнида сиёсий маданият тузилишида жиддий ўзгаришлар содир бўлмаган. Шунинг учун ҳам биз «умуман» сиёсий маданиятнинг эмас, балки айнан ҳозирги замон сиёсий маданиятининг тузилишини ҳеч қандай ижтимоий-сиёсий тузумга боғламасдан кўриб чиқамиз.

Сиёсий маданиятнинг мазмунини жамият аъзолари фуқаролар, уларнинг ижтимоий гуруҳлари ва табақалари, синфлар сиёсий маданияти даражасининг барча кўрсаткичлари билан ҳам, жамиятни ягона ва бўлинмас вужуд сифатида таърифловчи кўрсаткичлар билан ҳам таҳлил қилиш мумкин. Мазкур кўрсаткичларга қуйидагилар киради:

- жамият сиёсий ташкилотининг хусусияти,
- сиёсий институтларнинг фаолият кўрсатиш шакллари ва усуллари,
- жамият сиёсий ҳаётида фуқаролар иштироки даражаси,
- тўпланган ижтимоий-сиёсий тажриба,

–сиёсий анъана ва урф-одатлар,
–ижтимоий тараққиётда қўлланилувчи сиёсий ғоялар, билимлар,
принциплар тизими.

Польшалик олим А. Боднарнинг фикрича, умуман олганда, сиёсий маданият «сиёсий ҳаётнинг турли жиҳатлари ҳақидаги аниқ ва ботиний тасаввурларнинг тарихан шаклланган мажмуи бўлиб, унга: а) *сиёсий қадриятлар*; б) *сиёсий нормалар*; в) *сиёсий институтлар*; г) *сиёсий намуналар*; д) *индивидлар ва ижтимоий табақаларнинг сиёсий фаолият усуллари* киради¹.

Сиёсий маданият – чуқур тарихий ва ижтимоий илдизларга эга бўлган кўп қиррали ҳодиса. Унинг доирасида, оқилона муносабатлар ва мақсадли ҳаракатлар билан бир қаторда, нораціонал омиллар билан боғлиқ ҳодисалар ҳам юз беради. Умуман, сиёсий маданият тузилишига ёндашишнинг методологик принципи унда иккита катта бўлимни – субстанционал ва функционал элементларни ажратишни назарда тутди.

<i>“Сиёсий маданият” категорияси даражалари</i>	
1.	Омманинг давлат сиёсатини билиши, тушуниши, ўзлаштириши ва ҳаётга татбиқ этиши;
2.	Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳақидаги билим ҳамда ундан фойдаланиш;
3.	Сиёсий эътиқод ва онглиликнинг теранлиги;
4.	Сиёсий институтларнинг ривожланганлиги;
5.	Мавжуд сиёсий тизим, унинг халқчиллиги ва самарадорлиги.

1-жадвал. Сиёсий маданиятнинг категориялари².

“Сиёсий маданият – сиёсий ҳокимият ва сиёсий ҳаётга бўлган муносабат, уни идрок этишдаги сиёсий тафаккур ва сиёсий фаолият маданияти!”³.

¹ Nauka o politike. Podreznik akademicki / pod. redak. A.Bodnara. – Warszawa, 1988. – S. 186-187. (Интернетдаги русча таржимасидан фойдаланилди).

² Каранг.: Щегрцев В.А. Политическая культура: модели и реальность. - М., 1990. - С. 31.

³ Политология. Ўқув қўлланма. –Т.: Абдулла Қодирий, 2002. –Б.178.

Юқорида келтирилган фикрлар ва таърифларда сиёсий маданиятнинг ўзига хос турли жиҳатлари ўз ифодасини топган. Уларга қўшилган ҳолда, ушбу тушунчага қисқагина изох бериб ўтайлик:

биринчидан, сиёсий маданият жамият маънавиятининг бир бўлаги;

иккинчидан, давлат ҳокимияти фаолиятида сиёсий маданиятнинг амал қилиши сиёсий жараёнларнинг ижобий йўналишда кетаётганлиги белгиси;

учинчидан, сиёсий маданият сиёсий жараёнларда иштирок қиладиган фуқаролар, ижтимоий гуруҳлар ва сиёсий кучларни амалий фаолиятда амал қилишини ташкил қила билиш кўрсаткичи.

Шу ўринда сиёсий маданиятнинг асосий элементларини қуйида келтириб ўтмоқчимиз (2-жадвал).

<i>Сиёсий маданият элементлари:</i>	
Сиёсий онг	сиёсий онг сиёсий жараёнлар ҳақидаги сиёсий тасаввурлар, қарашлар, кўникмалар ва билимлар мажмуи.
Сиёсий тафаккур	давлат ҳокимияти, унинг фаолият, мақсад ва манфаатлари, ўзаро ички муносабатларининг боғланишлари ҳақидаги реал билимлар.
Сиёсий мафкура	ҳокимиятининг сиёсий ҳаёти, сиёсий тизими, турли сиёсий ва ижтимоий гуруҳларнинг ўрни, роли тўғрисидаги ғоялар, қарашлар ҳамда уларнинг сиёсий ҳокимиятга интилишдаги мақсадлар фаолияти.
Сиёсий ахлоқ	сиёсий дунёқараш, сиёсий қадриятлар, фуқароларнинг хулқ-атвори ва уларнинг сиёсий институтлар билан бўладиган муносабатлари мажмуи.
Сиёсий хулқ-атвор	сиёсий жараёнларда иштирок қилувчи субъектлар маънавий-ахлоқий даражаларининг ҳолати.
Сиёсий кайфият	сиёсий жараёнларда қатнашаётган субъектларнинг уларни қай даражада англаб етиши, тасаввур этиши ва уларга нисбатан қарашларидаги руҳий ҳолати.
Сиёсий тарихий тажриба	давлат ҳокимиятини шакллантириш, уни бошқариш ва барқарор ишлашини таъминлаш, фуқаролар билан улар ўртасидаги муносабатларда барқарор мувозанатга

	эришиш борасида йиллар давомида тўпланган фаолиятнинг натижаси.
Сиёсий иммунитет	фуқаролар онги ва дунёқарашида ташқаридан кириб келадиган ҳамда мамлакат ичкарисида юзага келиши мумкин бўлган, унинг хавфсизлигига таҳдид солувчи сиёсий кучлар, ёвуз ва бузғунчи сиёсий оқимларга ваа уларнинг ғояларига қарши тура оладиган сиёсий-руҳий салоҳият.
Сиёсий қадриятлар	давлат ҳокимияти ва фуқароларнинг сиёсий жараёнлардаги фаолиятларида тўпланган ютуқлари ва уларнинг ана шу институтларининг бугунги, истиқболи учун аҳамиятли бўлган ва уларга хизмат қиладиган сиёсий тажрибавий бойликлар йиғиндиси.

2-жадвал. Сиёсий маданиятнинг элементлари.

Кўриниб турибдики, сиёсий маданият қадриятлари ўзаро узвий боғланган тизимни ташкил этади. Демократия, плюрализм, фуқаролик жамияти, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари – булар барча фуқаролар у ёки бу даражада эъзозлайдиган асосий қадриятлардир.

Сиёсий маданият нормалари. “Шахслар ва ижтимоий гуруҳларнинг психик жараёнлари ҳамда хулқ-атвор тарзини шакллантирувчи, ижтимоий жамоанинг тарихий тажрибасини ўзида мужассамлаштирган, жамоа аъзоларига нисбатан императив, ижтимоийлаштириш ва назорат механизмлари мажмуи билан таъминланадиган, нисбатан турғун (стереотип) намуналар”, дейди К. С. Сарингулян.

Маданият нормаларини ўзлаштириш жараёнида инсон унинг барча шакллари ўзига сингдиради ва шу тариқа шахснинг ижтимоий даражага кўтарилиши содир бўлади. Жамият эскирган маданий нормалар ва стереотипларга қарши кураш олиб бориши, уларнинг инсон ақли ва сезгисига таъсирини тўхтатишга эришиши лозим. Маданият нормаси ҳеч қачон шахснинг ривожланишига бефарқ бўла олмайди, у шахсга ижобий ёки салбий таъсир кўрсатади.

Сиёсий маданият қадриятлари ва нормаларини ҳаётга сингдириш, татбиқ этиш, яъни муваффақиятли сиёсий фаолият олиб

боришига эришиш учун жамият ижтимоий институтларга эга бўлиши лозим.

Сиёсий маданият институтлари. Ижтимоий институт деганда, фуқароларни уюштириш, уларнинг ижтимоий ҳаётини тартибга солишнинг барқарор шакллари тушунилади.

Ижтимоий институтлар икки шаклда мавжуд бўлади:

а) *ташкilotлар деб* давлат ва унинг идоралари, сиёсий партиялар, ижтимоий-сиёсий ва диний ҳаракатлар, касаба уюшмалари, маданий-оқартув муассасалари кабилар ижтимоий институтлар англашилади;

б) *барқарор маданий нормалар мажмуи деб* никоҳ, мерос қолдириш, хусусий мулкдорлик, меҳнат тақсимоти тушунилади.

Сиёсий маданият нормалари жамиятимизнинг ижтимоий институтлари вазифасини бажаради, зеро улар одамлар хулқ-атворини тартибга солади. Сиёсий маданият институтлари бошқа ижтимоий институтлардан ушбу хатлари билан фарқланади:

а) ижтимоий гуруҳлар манфаатлари билан боғланади;

б) аҳолининг ижтимоий табақаларига таъсир кўрсатишга интилади;

в) жамиятни бошқариш, жамият ҳаёти барча соҳаларидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солади.

Сиёсий маданият – яхлит ҳодиса, у ихтиёрий танланган турли қисмларнинг оддий мажмуи эмас, балки уларнинг маълум тартибда поғонама-поғона жойлашуви. Унинг элементлари мажмуи янги сифатни касб этади, айнан ана шу янги сифат сиёсий маданиятнинг мазмунини ташкил қилади.

Илмий адабиётларда сиёсий маданият деганда, фақат инсоннинг билим савияси ҳамда эришилган онглилик ва фаоллик даражаси ҳақида гап кетади. Тушунчага одамлар маънавий ҳаёти ва фаолиятининг сиёсий билимлар, қарашлар, эътиқодлар, ижтимоий фаоллик хусусияти ва сиёсий фаолият даражасини ифодаловчи ғоявий қадриятлар тизимини ўз ичига оловчи алоҳида жиҳати, деб қаралади.

Шахснинг сиёсий маданияти тузилишида уч асосий функционал поғона бўлади:

биринчи поғона шахснинг сиёсий билими ва сезгилари, сиёсий қарашлари ва мойилликлари ҳамда шаклланган сиёсий тафаккури;

иккинчи поғона сиёсий билимларнинг реал сиёсий ҳаракатларга айланишини таърифловчи ва бунинг механизмини аниқловчи қисмлар;

учинчи поғона унинг амалий томони — шахснинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, сиёсий хулқ-атвори ва сиёсий фаолияти.

Польшалик социолог А. Боднарнинг фикрича, сиёсий маданият қуйидагиларни ўзида жамлайди:

- а) сиёсатни, фактларни билиш ҳамда улардан манфаатдорлик;
- б) сиёсий ҳодисаларни баҳолаш, ҳокимият қандай амалга оширилиши ҳақидаги баҳоловчи қарашлар;
- в) сиёсий қарашларнинг эҳтиросга оид томони, масалан, Ватанга муҳаббат, душманга нафрат;
- г) у ёки бу вазиятда қандай иш тутиш лозимлигини белгиловчи сиёсий хулқ-атвор намуналарининг жамиятда эътироф этилганлиги.

Профессор С. Отамуратовнинг фикрича, жамият ҳаётида ижтимоий-иқтисодий инқирозларнинг вужудга келиши барча аҳоли, жумладан, ёшлар ўртасида ишсизликнинг юзага келишига, шунинг билан бирга, иқтисодий аҳволининг ёмонлашувига олиб келади. Ҳар бир давлат ёшларнинг талаб-эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда аниқ ишлаб чиқилган ва илмий асосланган давлат дастурига эга бўлиши лозим. Агар бу давлат фаолиятида ҳисобга олинмас экан, ёшларнинг давлатга нисбатан ишончи барбод бўлади ва бу жараённинг зимдан ривожланиб келиши, куни келиб бирдан юзага қалқиб чиқишига олиб келади. Мана шу ҳолат барқарор ривожланиб келаётган сиёсий маданиятнинг юзага келган вазиятни “юмшатиш”га кучи етмай қолишига, унинг ўрнига сиёсий онгнинг кескин ўсиб кетишини тезлаштириб юборади¹.

Бугунги кунда ёшлар сиёсий онгининг шаклланиши ва ўсишида *сиёсий партиялар* етакчи куч ҳисобланади. Сиёсий фанлар доктори, профессор М. Қирғизбоев “Сиёсий маданият қаёқдан пайдо бўлади”,

¹ Отамуратов С. Ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантириш омиллари. — Т.: Ўзбекистон, 2015. — Б. 71.

деган саволни ўртага қўйиб, унга ўзининг жавобларини қуйидагича ифодалайди: “Кўп ўқиган ва назарий билимларни эгаллаган билан инсонда сиёсий маданият пайдо бўлиб қолмайди. Кишилар ўзларини ижтимоий, иқтисодий, сиёсий манфаатлари ёки имкониятларини рўёбга чиқариш учун амалиётда иштирок эта бошлагандагина уларда сиёсий маданият куртак отиб боради. Бундай маданиятни эгаллаш фақат сиёсий партиялар, манфаатлар гуруҳлари фаолиятида иштирок этиш орқалигина рўй беради. Ҳеч бир инсон якка ўзи ҳаракат қилиб, ўзининг моддий, сиёсий, ҳуқуқий манфаатини ёки эркин фикрлаш ҳуқуқини қўлга киритолмайди. Бу манфаат ва ҳуқуқлар бирон бир жамоат ташкилоти воситасидагина қондирилади. Шу сабабли ҳам сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларининг мақоми ҳар бир демократик давлатда юқори даражага кўтарилган”¹. Олимнинг фикрига тўлиқ қўшиламиз. Ҳақиқатан ҳам, ижтимоий-сиёсий тадбирлар, сиёсий партиялар фаолиятидаги иштирок ёшларнинг сиёсий билимлари, имкониятларини ошириш билан бирга, уларни фаолликка ундайди.

Сиёсий маданиятнинг икки элементи алоҳида аҳамиятга эга.

Биринчидан, сиёсий фикрлаш қобилияти сиёсий воқеалар ва ҳодисаларни инсон онгида акс эттирувчи асосий тушунчаларни билишгина эмас, балки уларни «ўзлаштириш», уларнинг ортида сиёсий ҳаётнинг реал жараёнларини кўриш ва бошқара олиш демакдир.

Иккинчидан, сиёсий тафаккур қобилияти дунёни билиш усулини, илмий фикрлаш усули ва диалектикани билиш ҳамда уни амалда қўллай олиш демақ. Асли, диалектик фикрлай оладиган шахсгина сиёсий тафаккурга эга бўлади.

Шундай қилиб, сиёсий тафаккур сиёсий маданиятнинг таркибий қисми сифатида шахснинг ижтимоий воқеликни билиш усули (воситаси) орқали намоён бўлишини ифодалайди. У билимни реал ҳаракатга айлантириш соҳасидаги муҳим қадам сифатида ижтимоий-сиёсий билимлар, доктриналар, назариялар билан қуролланади.

¹ Қирғизбоев М. Сиёсатшунослик. –Т.: Янги аср авлоди, 2013. –Б. 387.

Сиёсий маданиятни ўзлаштириш учун сиёсий ахборот ва билимларнинг сони эмас, балки сифати муҳим, деб ўйлаймиз. Ҳозирги кунда деярли ҳар бир одам муайян ахборот ва билимларни жамловчи соҳибга айланган. Бу билимларни у бевосита сиёсий ҳодисаларга бой реал ҳаётдан, унинг иштирокчиси ёки замондоши сифатида, қудратли оммавий ахборот воситалари, газета ва журналлар, телевидение ва Интернет компьютер тармоғидан олади.

Бироқ, сиёсий маданият тарқоқ билимлар йиғиндиси, деб қабул қилмаслик керак. Унда воқеликни тартибли тушуниш, воқеа-ҳодисалар моҳиятини теран англаб етиш йўли билан олинган билимлар мужассамлашади. Шунинг учун ҳам сиёсий маданият сиёсий билимларни ифодалаш маданияти, уларнинг ривожланиш даражаси, бир тизимга солинганлик ва англаб етилганлик даражасини акс эттиради, десак тўғри бўлади. Сиёсий маданият фақат ўтмишнинг илғор сиёсий тафаккурига эмас, балки жаҳон маданиятининг ютуқларига асосланади.

1.2.2.Сиёсий маданиятнинг функциялари

Фалсафага оид луғатларда *функция деганда, муносабатлар тизимидаги бирон-бир объект хоссаларининг ташқи ифодаси тушунилади*. Функция муайян ҳаракатни, фаолият юритишни ва вазифани бажаришни англатади. Сиёсий маданиятга татбиқан гапирадиган бўлсак, унинг инсонлар хулқ-атвори ҳамда юриш-туришларига кўрсатадиган ижобий таъсири кўзда тутилади.

Сиёсий маданиятнинг функцияларини айнан шу нуқтаи назардан кўриб чиқишга уринамиз. Маданиятнинг функцияларини аниқлаш унинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрнини кўрсатиш демакдир. Сиёсий маданиятнинг вазифаларини икки нуқтаи назардан кўриб чиқиш мумкин:

биринчидан, сиёсий маданият сиёсий фаолиятининг такомиллашувига олиб келади;

иккинчидан, сиёсий маданият шахснинг хулқ-атворига таъсир кўрсатади ҳамда уни ҳар томонлама такомилига хизмат қилади.

Амалда биринчи жиҳат шахснинг ривожланишига сиёсий фаолиятни такомиллаштириш орқали билвосита таъсир кўрсатади.

Иккинчи жиҳатга келсак, шахсининг шаклланиши ва ривожланишига сиёсий маданиятнинг бевосита таъсири ҳақида гап боради.

Сиёсий маданият – серқирра ҳодиса ва у бир вақтнинг ўзида бир нечта ижтимоий-сиёсий функцияларни бажаради. У ҳар бир инсонда ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларининг бирлигини ҳар куни рўёбга чиқаришга интилишни тарбиялайди. Аввало, фуқаролик ҳуқуқи, ҳис-туйғусини тарбиялаш унинг бош вазифасига айланади.

Сиёсий онг ва сиёсий маданият ўзаро муносабатларида мувозанатнинг амал қилишига эришиш давлат сиёсий фаолиятидаги муҳим йўналишдир. Сиёсий онгнинг сиёсий маданиятга нисбатан кескин равишда ўсиб кетиши бир томондан мамлакат хавфсизлигини таъминлашда ижобий ҳодиса бўлса, иккинчи томондан мамлакат ички сиёсий ҳаётига даҳлдор соҳаларда салбий роль ўйнаши мумкин. Шу билан бирга, сиёсий онгнинг сиёсий маданиятга мувофиқ ёки қарийб тенг равишда ривожланиши ҳар қандай сиёсий жараёнлар, сиёсий фаолият майдони учун самарали кечади. Айни шу сиёсий жараёнларда сиёсий маданият омили сиёсий онгни тартибга солиб, мамлакат ва халқ манфаатлари, тинчлиги ва барқарорлигига зид бўлган вазиятларнинг юзага келмаслиги олдини олишга ёрдам беради.

“Сиёсий маданият ижтимоий онгнинг унсурлари ва феноменларини, у ёки бу мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий институтлари ва сиёсий жараёнлари билан алоқадор бўлган маънавий маданиятини ҳам ўз ичига олади. Шу билан бирга, у давлат ҳамда сиёсий институтларнинг шаклланишига, қизгин фаолияти ва тараққиётига ҳам муҳим таъсир кўрсатади”¹.

Юқоридагилардан хулоса шуки, сиёсий маданият сиёсий онгга қараганда мамлакатда барқарор тараққиётни таъминлашда кўпроқ етакчилик қилади.

<i>Сиёсий маданиятнинг функциялари²</i>	
1. Сиёсий онгни тартибга солиш	Сиёсий онгнинг жамиятда мавжуд турли манфаатларни мувозанатда бўлишида унинг

¹ Қирғизбоев М. Сиёсатшунослик. Ўқув кўлланма. Т.: Янги аср авлоди, 2013. —Б. 379.

² Жадвал фалсафа фанлари доктори, профессор С. Отамуратовнинг “Ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантириш омиллари” китобидаги таҳлилларг суяниб тузилган.

		сиёсий маданият уйғунликда ривожланишини ҳам билдиради. Агар улар ўртасидаги муносабатда узилиш юзага келса, бу энг аввало, сиёсий маданиятнинг саёзлиги билан боғлиқ бўлади.
2.Миллий хосликни эттириш	ўзига акс	Миллатнинг ўзига хос урф-одат, анъана, қадриятлари ва менталитетларини, халқнинг асрлар давомида аجدодлари томонидан миллий давлатчилиқни шакллантиришдаги тажрибалари, хусусан, фуқаролар, ижтимоий табақалар ва сиёсий кучларнинг қонунларга итоаткорлиги, сиёсий элитага нисбатан ҳурмат, сиёсий мунозарали масалаларни босиқлик, вазминлик, ҳамжиҳатлик билан ҳал этишга мойилликнинг кучлилиги ёки уларнинг тақчиллиги ҳолатларида намоён бўлади.
3.Шахслар, фуқаролар, ижтимоий гуруҳлар ва сиёсий кучлар манфаатларини мувозанатга келтириш		Бу функция амалда сиёсий жараёнларнинг авж олиши шароитида кечади. Агар сиёсий онг юқори даражада ривожланган бўлса, сиёсий беқарорликнинг жамиятда мавжуд барча инсонлар, фуқаролар, ижтимоий гуруҳлар ва сиёсий кучлар учун хатарли эканлиги англаб етилади ва унга вазминлик билан муносабатда бўлиш вазияти юзага келади. Аммо юзага келган сиёсий беқарорликни фақат сиёсий онгнинг юксак даражада бўлиши билан ҳал этиб бўлмайди, бунинг учун, албатта, сиёсий маданиятнинг юқори даражада бўлиши ҳам талаб етилади.
4.Сиёсий кучлар сиёсий маданияти ва сиёсий мақсад-		Мазкур функциянинг маъноси шундаки, сиёсий кучларнинг асосий мақсади давлат ҳокимиятини қўлга киритиш ҳисобланади. Аммо, уни қандай йўл билан қўлга киритиш

ларининг даражаларини аниқлаш	сиёсий маданиятнинг даражаларига бориб тақалади. Агар сиёсий кучлар давлат ҳокимиятини қўлга киритишда дунёда амал қиладиган демократик қадриятларга таянса, бу улар сиёсий маданиятнинг барқарор ривожланганлигининг кўрсаткичи бўлади.
5.Ташқи таҳдидларга қарши фуқароларда сиёсий иммунитетни шакллантириш	Бундай оғир шароитда фуқаролар сиёсий маданиятини ривожлантириш ва унинг мамлакат хавфсизлигига бўлган эҳтиёж ошиб боради. Бу жараёнда ҳарбий қуроллар эмас, балки кўзга кўринмас маънавий-руҳий (ғоя, мафкура) қуролдан фойдаланилаётганлиги боис, мамлакат аҳолиси, айниқса, ёшлар ижтимоий гуруҳи онги ва қалбида сиёсий иммунитетни шакллантиришда сиёсий маданиятнинг амалий аҳамияти кучаяди.
6.Миллий ва умуминсоний манфаатларни уйғунлаштириш	Халқ ва миллатнинг ўзига хос сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳадаги манфаатлари барқарор бўлиши дунёда кечадиган жараёнларга, хусусан, ХХІ аср бошидан дунё мамлакатларини бир-бирига боғлаб қўйган глобаллашув жараёнлари қандай кечиши ва унинг асоратларига боғлиқ кечади. Бу хатарли ва мураккаб ҳолатдан чиқишда миллий ва умуминсоний манфаатларни уйғунлаштирган ҳолда ҳаракат қилишга ўргатиб борилади.
7.Давлатлараро ва минтақалараро сиёсий муносабатлар ҳамда ҳамкорликларнинг ривожланиши ва такомиллашуви	Бу борада сиёсий ҳамкорликни ривожлантириш, биргаликда минтақа мамлакатлари ва уларда яшаётган халқларга катта хавф солаётган экстремизм, терроризм, ёвуз диний оқимлар, наркотик моддалар тарқалишининг олдини олиш, одам савдосига қарши кураш, турли қуролларнинг ёвуз кучлар қўлига ўтиб

	кетишига йўл қўймаслик каби умумманфаатлардан иборат бўлган муаммоларни ҳал этишга кўмак беради. Сиёсий маданиятнинг бу жараёндаги ўрни шундаки, унинг ривожланиши ва давр тараққиётига мувофиқ такомиллашуви сиёсий амбицияларнинг авж олинишига, давлатлар, минтақаларнинг манфаатларини ҳар қандай сиёсий “мен”ликни намоёйиш этишдан устун қўйишга, фуқаролараро ва давлатлараро сиёсий вазминлик, ўзаро манфаатларни ҳисобга олиш муҳитининг ривожланишига ўзининг ижобий таъсирини ўтказади.
--	--

4-жадвал. Сиёсий маданиятнинг функциялари.

Шундай қилиб, сиёсий онг ва сиёсий маданиятнинг ўзига хос функциялари мавжуд бўлиб, уларнинг ривожланиши, тобора такомиллашуви фуқаролар, миллатлар, халқлар ва давлатлардаги сиёсий барқарорликни таъминлашга ўзининг ижобий таъсирини ўтказади. Уларни бугунги ёшлар онгида ривожлантиришга алоҳида эътибор берилиши мамлакатимиз келажагини таъминлайди.

Сиёсий маданият – ижтимоий фаолликни шакллантириш ва тарбиялашнинг муҳим воситаси. Уни ўзлаштириш даражасига қараб шахс ёки гуруҳнинг ижтимоий фаоллиги ортиб бораверади. Шахс (гуруҳ)нинг ижтимоий фаоллиги ижтимоий фаолият жараёнида ва унинг натижасида шахсни (гуруҳни) қуршаган табиий ва ижтимоий муҳитда амалга оширилувчи ўзгаришлар, шунингдек мазкур шахс (гуруҳ) ўзидаги ўзгаришларнинг хусусияти (ижтимоий аҳамияти)ни ва кўламини ифодаловчи мезон бўлади.

Ижтимоий фаолликни “фаолият мезони”га тенглаштириш тўғри бўлмайди. Назаримизда, ижтимоий фаоллик ижтимоий фаолиятни амалга ошириш имконияти бўлиб, у амалий фаолият жараёнида воқеликка айланади. Фаол позицияда шахснинг муайян ҳаётий вазиятлардаги ижтимоий фаоллиги намоён бўлади. Умуман, ҳаётга нисбатан шахснинг фаол позицияси ҳақида гапирадиган бўлсак, бу

ҳолда ҳаётий позиция умуман ижтимоий фаолликка мос тушади. Аммо биз одатда ҳаётнинг у ёки бу жиҳатлари, ҳодисаларига нисбатан фаол ҳаётий позиция ҳақида гапирамиз. Позиция ҳамиша муайян муносабатдир.

Ёшларда фаол ҳаётий позиция дейилганда, қуйидагилар назарда тутилади:

1. Шахснинг маълум изчил ижтимоий ҳаракатларга тайёрлиги, бу ҳаракаталарни амалга оширишга ички эътиқодининг мавжудлиги;

2. Жамиятнинг ривожланиш қонунлари бузилишига, барча интизомни бузиш ҳолларига, салбий ҳодисаларга нисбатан шахснинг мурасасизлиги ва салбий ҳодисаларга қарши курашишга тайёрлиги;

3. Шахснинг ўзи бажараётган иш учун юксак ижтимоий масъулияти;

4. Жамоа манфаатларини шахсий манфаатлари, деб билиши;

5. Эгалик ҳиссининг ривожланганлиги, жамоа ижтимоий фаолиятининг барча жиҳатлари ҳақида қайғуриш, ўз иши учун масъулият ҳиссининг қарор топганлиги.

Буларнинг барчаси шахснинг фаол ҳаётий позициясини ташкил этади. Шахснинг фаол ҳаётий позициясини, унинг юқорида санаб ўтилган жиҳатларини шакллантириш сиёсий маданият функциясидир. Бошқача айтганда, сиёсий маданият инсонни ватанпарварлик руҳида тарбиялайди. Зеро, ватанпарварлик шахснинг фаол ҳаётий позициясини, жамият бойлигини қўриқлаш ва уни қўпайтириш ҳақида қайғуришни кўзлайди.

Ватанпарварлик туйғуси инсонни Ватан равнақи йўлида меҳнат қилиш ва изчил фаолият юритишга ундайди. Сиёсий маданият шахсда мана шу жиҳатларни тарбиялайди.

Бундан сиёсий маданиятнинг яна бир функцияси келиб чиқади, биз уни мафкуравий функция, деб атаймиз. У одамларда ўзини ўзи англаш, ижтимоий ҳаёт ҳодисаларига ёндашишда қатъий позицияга эга бўлиш кўникмасини тарбиялайди.

Сиёсий маданиятнинг тартибга солиш функцияси:

1) ўз гуруҳи, жамоаси ва умуман, жамият ишларини бошқаришга фуқароларни жалб этиш;

2) шахсининг кундалик хулқ-атворини тартибга солишни адо этади.

Инсон хулқ-атворини тартибга солиш ўз хулқ-атворини ўзи тартибга солишга асосланиши лозим. Жамиятнинг ҳар бир онгли фуқароси сиёсий маданиятда мана шундай ўзини ўзи тартибга солиш имконияти мавжудлигини кўриб, уни ўзлаштиришга ҳаракат қилади. У ўзининг ижтимоий ҳаёт соҳасидаги қилмишларини уларнинг сиёсий оқибатлари нуқтаи назаридан олдиндан ўйлаб кўради ва бу хулқ-атвор тарзи сиёсий маданият нормаларига қай даражада мувофиқлигини ҳал қилади. Сиёсий жиҳатдан маданиятли одам айнан шундай ёндашуви билан ажралиб туради. Бу маънода сиёсий маданият ўзининг бошқариш функциясини фақат жамоа, гуруҳ миқёсида эмас, балки шахс даражасида ҳам бажаради.

Сиёсий маданият ижтимоий тажрибани ўтказиш функциясига эга. Бу функцияга, биринчидан, ўтган авлодлар тўплаган сиёсий тажрибани янги, ҳаётга кириб келаётган авлодларга ўтказиш, иккинчидан, бошқа мамлакатлар ва халқлар билан сиёсий тажрибани ўртоқлашиш киради.

Шунингдек, жамиятнинг сиёсий ҳаётида ҳам бир қатор муҳим функцияларни бажаради. Сиёсий маданият бўлмаган ёки паст даражада бўлган жамиятда сиёсий барқарорликни сақлаш, сиёсий тизимнинг нормал ишлашини ва шахсининг сиёсатда тўлақонли иштирок этишини таъминлаш қийин кечади.

Булардан ташқари, ҳозирги замон сиёсатшунослигида сиёсий маданиятнинг қуйидаги функциялари тилга олинади¹ (5-жадвалга қаранг):

<i>Сиёсий маданиятнинг замонавий функциялари</i>		
1.	Айнан мослаштириш (идентификация) ²	сиёсий маданият шахсда жамиятга, мамлакатга ёки маълум ижтимоий гуруҳга мансублик ҳиссини мустаҳкамлайди, сиёсат институтлари ва механизмлари

¹ Одилқориев Х. Т., Ғойибназаров Ш. Р. Сиёсий маданият. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2004. – Б. 58-59.

² Идентификация – ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда, миқдорнинг шахсини текшириш ва тасдиқлаш.

		орқали шахс, гуруҳ ва жамият манфаатларини рўёбга чиқариш восита ва усулларини аниқлашга ёрдам беради;
2.	Йўналтириш	шахснинг сиёсий ҳодисаларни онгли идрок этишини таъминлайди, унга сиёсат соҳасидаги ўз ўрни ва имкониятларини яхшироқ тушуниш, ўз ҳуқуқ ва манфаатларини муайян сиёсий тизим доирасида муваффақиятли рўёбга чиқаришга ёрдам беради;
3.	Мослаштириш	шахснинг ўзгарувчи сиёсий вазиятга, янги имкониятларга, сиёсий фаолиятдаги у ёки бу чеклашларга мослашувига кўмаклашади;
4.	Ижтимоийлаштириш	шахс жамиятнинг сиёсий маданиятини ўзлаштириш жараёнида сиёсатдаги ўз манфаатларини ҳимоя қилиш имконини берувчи кўникмалар ва воситаларга эга бўлади;
5.	Сиёсий ҳаётни барқарорлаштириш	айнан сиёсий маданият жамият аъзоларида мавжуд сиёсий тизим ва унинг институтларига нисбатан хайрихоҳ муносабатнинг шаклланишига ёрдам беради;
6.	Бирлаштириш	жамиятнинг турли табақалари ва гуруҳларини умумий миллий ғоялар, тасаввурлар ва қадриятлар асосида бирлаштириш орқали давлат ва жамиятнинг муштараклигини мустаҳкамлашга кўмаклашади;
7.	Алоқаларни таъминлаш	давлат ҳокимияти институтлари ва бошқа сиёсат субъектлари (сиёсий партиялар, ижтимоий-сиёсий ва диний ҳаракатлар, ижтимоий табақа ва гуруҳлар) умумий қадриятлар ва сиёсатдаги “ўйин қоидалари” асосида, шунингдек умумий тушунчалар ва рамзлардан фойдаланиш

		ҳисобига ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди;
8.	Жамиятнинг сиёсий тизими ва сиёсий ҳаётини янгилаш	сиёсий маданият доирасида шаклланган ва қарор топган жамиятнинг сиёсий тузилишини ўзгартириш ҳақидаги янги ғоялар янги сиёсий институтлар, жараёнлар ва механизмларнинг яратилишига олиб келади (масалан, монархнинг ваколатларини конституциявий чеклаш, ҳокимиятнинг тақсимланиши, умумий сайлов ҳуқуқи ғоялари ва ҳ.к.)
9.	Сиёсий тузилишда ва сиёсий ҳаётда вори-сийликни таъминлаш	сиёсий маданият бу натижага янги ғояларни аввалги сиёсий тажриба билан боғлаш орқали эришади.

5-жадвал. Сиёсий маданиятнинг замонавий функциялари.

Сиёсий маданиятнинг асосий функциялари ана шулардан иборат. Жамият ҳаётида буларнинг ҳаммасини сиёсий маданиятгина ўз зиммасига олади. Ушбу функциялар таҳлили ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида амал қилади.

Шунинг учун ҳам сиёсий маданиятни фақат ижтимоий-сиёсий фаолият соҳаси билан боғланганлиги билан чеклаш мумкин эмас, касби ва мансабидан қатъи назар, у ҳар бир шахсда намоён бўлади.

Зотан, сиёсий маданият — ҳар бир мамлакат фуқаросининг ижтимоий ва маънавий қиёфаси!

1.2.3. Сиёсий маданиятни туркумлаш

Барча ижтимоий ҳодисалар сингари, сиёсий маданият ҳам турли асосларга кўра туркумланади. *Сиёсий маданиятнинг туркумлари* қуйида жадвалдан ўрин олган¹.

¹ Одилқориев Х. Т., Ғойибназаров Ш. Р. Сиёсий маданият. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2004. -Б. 77.

<i>Сиёсий маданиятнинг туркумлари</i>		
1.	Сиёсат субъектига кўра:	- умуминсоний; - халқ, этнос, цивилизация; - миллий, минтақавий, субмаданият; - ижтимоий табақа (ишчилар, деҳқонлар, элита, бюрократия, зиёлилар, раҳбарлар); - жинс ва ёш билан боғлиқ маданият, ижтимоий-демографик, касбий, диний ва бошқа гуруҳлар; - шахс сиёсий маданияти.
2.	Сиёсий жараёнга кўра	- ҳокимият, бошқарув; - сиёсий иштирок этиш; - сиёсий муҳолифат сиёсий маданияти.
3.	Ҳокимиятни амалга ошириш шаклларига кўра:	- демократик; - авторитар; - тоталитар; - ўтиш типига хос сиёсий маданиятлар.
4.	Сиёсатда иштирок этиш хусусиятига кўра:	- фуқаровий, демократик; - табаалик; - қавмлар сиёсий маданияти.
5.	Сиёсий тизимдаги ўрнига кўра:	- етакчи ёки эргашувчи сиёсий маданият (субмаданият).
6.	Қамраб олиш даражасига кўра:	оммавий ёки элитар сиёсий маданият.

6-жадвал. Сиёсий маданиятнинг туркумлари.

Сиёсий маданиятларни тавсифлаш учун Ғарб мамлакатлари фанида сиёсий маданиятларни фуқароларнинг ўзлари яшайдиган давлатни ривожлантиришнинг бўлғуси концепциясини маъқуллаши ёки маъқулламаслиги нуқтаи назаридан туркумлашга нисбатан ўзига хос ёндашув шаклланди: қутблашган сиёсий маданият ва консессуал сиёсий маданият.

Биринчи тилга олинган сиёсий маданият типини «Discordia», иккинчисини эса «Concordia» деб белгилаш қабул қилинган. Бу икки сиёсий маданият типи ўртасидаги фарқ шундаки, «Concordia»да марказлашишга мойил мўътадил кучлар, «Discordia»да эса ашаддий ўнг ва сўл радикаллар етакчилик қилади. «Discordia» қуйидаги хусусиятлари билан ажралиб туради:

1) можароларни ҳал қилишнинг расмий ва амалий тартиб-қоидалари мавжуд эмас;

2) ижтимоий гуруҳлар ўртасида бир-бирига нисбатан қаттиқ ишончсизлик бор;

3) ҳукуматлар беқарор ва қисқа муддатли. Табиийки, турли кутбларда бўлган сиёсий маданиятлар, консессуал сиёсий маданиятлардан фарқли ўлароқ, беқарор ва нотурғун.

Г. Альмонд ва С. Верба «Фуқаролар маданияти» асарида таклиф қилган сиёсий маданиятни туркумлаш усули фанда алоҳида доврўф қозонган, дейиш мумкин. Икки олим Англия, Италия, ГФР, АҚШ ва Мексика сиёсий тизимларининг асосий қисмлари ва фаолият шакллари таҳлил қилиб ва таққослаб, сиёсий маданиятнинг уч «соф» турини ажратишган:

а) фуқаролар сиёсий ҳаётга қизиқмайдиган патриархал;

б) сиёсий институтларнинг аҳамияти беқиёс ва фуқароларнинг фаоллиги паст бўлган табаалик;

в) фуқаролар сиёсатда иштирок этишдан ва бунда фаоллик кўрсатишдан манфаатдор эканлигидан далолат берувчи жўшқин.

Муаллифлар сиёсий маданиятнинг мазкур турлари амалда ўзаро алоқада бўлиб, у ёки бу қисмлар етакчилик қилувчи аралаш шакллари ҳосил қилишини қайд этганлар.

Сиёсий маданият сиёсий субмаданиятлар миқёсида ҳам туркумланади. *Сиёсий субмаданиятлар деганда, бошқа ижтимоий объектлар, умуман, миллатдан фарқ қилувчи ижтимоий табақалар ва гуруҳлар учун хос бўлган сиёсий қарашлар ва хулқ-атвор моделларининг тизимлари тушунилади.*

Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-этник, институциявий, ижтимоий-ҳудудий турланиши сиёсий

субмаданиятни вужудга келтиради. Шу боис, анъанага кўра, элита, ўрта синф ва қуйи (маргинал) қатламларнинг сиёсий-маданий хусусиятлари ажратилади. Шунга қарамай, сиёсатшунослар субмаданиятнинг ўзига хос хусусиятлари мажмуини ажратишга ҳаракат қиладилар.

Америкалик олим Д. Элазарнинг фикрича, америка сиёсий маданияти уч сиёсий субмаданият: «индивидуалистик», «моралистик» ва «традиционалистик» сиёсий маданиятлар синтези бўлиб, уларнинг ҳар бири бутун Америка сиёсий маданиятининг асослари – «бозор майдони» ва «ҳамдўстлик» концепцияларини ўзида мужассамлаштиради.

«*Сиёсий субмаданият*» тушунчаси сиёсатшунослик фанига Г. Альмонд ва С. Верба ғоялари таъсиридаги олимлар томонидан киритилди. Маълум (сиёсий, касбий, этник, диний ва бошқа) гуруҳнинг сиёсий қарашлари ва кадриятлари жамиятдаги кўпчиликнинг сиёсий маданияти негизини ташкил этувчи нормалар, кадриятлар ва тасаввурлардан жиддий фарқ қилган ҳолда сиёсий субмаданият шаклланади. Жаҳонда умуммиллий сиёсий маданият умуман бўлмаган мамлакатлар ҳам бўлиб, уларда субмаданиятни ажратиш мумкин эмас. Мисол учун, буни турли қабилалар ва элатлараро зиддият узоқ муддатли можаро ва ҳатто урушларга олиб келган Африка қитъасидаги кўпгина давлатлар мисолида кўриш мумкин. Одатда, мамлакатнинг маълум қисми (минтақаси)да яшовчи аҳоли сиёсий субмаданият ифодачиси бўлади. Масалан, Канаданинг Квебек провинцияси, АҚШнинг Луизиана штати француззабон аҳолиси ва ҳ.к.

Шу билан бирга, ҳудудий белгига қараб эмас, балки диний, ижтимоий-маиший ёки жинсий-ёш белгиларига қараб шаклланган ҳамда давлатларнинг турли минтақаларида тарқалган субмаданиятлар ҳам мавжуд. Жумладан, кўпгина радикал ғояларга боғланган ва Фарбнинг айрим мамлакатларида 1960-йилларда тарқалган ёшлар субмаданияти.

Жамиятда субмаданиятларнинг мавжудлиги нормал ва табиий ҳодисадир. Буни қуйидагича изоҳлаш мумкин:

1) маълум субмаданиятнинг қадриятлари ва нормалари умуммиллий маданият қадриятлари билан аёвсиз курашиб, ҳал қилиб бўлмайдиган зиддиятга киришмаса;

2) субмаданиятни ифодаловчи гуруҳ бошқа гуруҳларнинг субмаданият ва қадриятларига нисбатан бағрикенглик ва ҳурмат кўрсатса;

3) жамият ва умуммиллий маданият доирасида турли субмаданият вакиллари таянувчи умумий қадриятлар ва нормалар мавжуд бўлса (масалан, демократик институтларга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига, қонун устуворлигига нисбатан ҳурмат).

Мазкур шартларнинг бажарилиши жамиятда барқарорликни сақлаш ва жамият аъзоларининг тотувлигини таъминлаш имконини беради. Жамият ҳудудий, ижтимоий-иқтисодий, этник, ёши ва диний белгиларга кўра фарқ қилувчи бирликлардан таркиб топади. Бинобарин, сиёсий маданият ҳам бир турли бўлмайди. Шу боис, сиёсатшуносликда сиёсий субмаданиятларнинг алоҳида типлари ҳақида сўз юритилади.

Иқлим ва табиий ресурслар мамлакатнинг турли минтақаларида ҳар хил бўлиши ҳам иқтисодий тафовутларни, одамлар турмуш шароитлари ва даражасини, шунингдек сиёсий маданиятнинг даражасини ҳам белгилаши мумкин. Минтақавий субмаданият мана шу омилларга, хусусан, иқтисодий йўналишга боғлиқ.

Аҳолининг этник гуруҳлари сиёсий маданиятига миллий ўзликни англаш, тил ва анъаналар ҳам таъсир кўрсатади. Бундай этнолингвистик субмаданиятларда миллий, этник қадриятлар ва манфаатлар сиёсий қадриятлар ва манфаатлардан устунлик қилади. Сиёсий маданият ҳодисасини кўриб чиқар эканмиз, Ўзбекистон сиёсий маданиятининг ўзига хос жиҳатларига алоҳида эътибор қаратамиз. Бу маданиятнинг хусусиятини кўп жиҳатдан республиканинг миллий ривожланиш йўналишлари белгилаб беради. Мамлакатимиз кўп асрлик тарихи давомида ўзига хос сиёсий маданият шаклланди.

Бу жараён қуйидаги омиллар таъсирида содир бўлди:

1) республиканинг ўзига хос жуғрофий-сиёсий ўрни, ўтмишда ўлкамизга қилинган босқинчилик урушлари, узлуксиз уруш таҳдиди ёки мустамлака зулми натижасида сиёсий онгимиз ғарбдагига нисбатан ўзгача шаклланди;

2) ислом дини кучли анъаналари ва маданияти таъсирида жамоавий турмуш тарзи ва шакллари кўпроқ ривожланди;

3) мустабид шўро тузуми даврида маъмурий-буйруқбозлик тазйиқи ва чекловларнинг натижаси ўлароқ, жамият кундалик турмуш муаммоларини ҳал қилишда ўзини ўзи бошқариш ва ўзини ўзи тартибга солиш у қадар ривож топмади.

Ўз навбатида, уруш ва бошқа фавқулодда ҳолатлар пайтида таҳдидни бартараф этиш учун миллий жипслашиш ва кучларни сафарбар этиш қобиляти тўлиқ шаклланганини айтиб ўтиш лозим. Ватан ҳимояси учун сафарбарлик туйғуси, айниқса, Тошкент шаҳрида 1999 йил 16 февралда юз берган террорчилик ҳаракатлари, 2000 йилда Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари чегараларини бузишга уринган террорчи жангарилар бедодликлар содир этганда, 2004 йил 28-30 мартда Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятида мудҳиш террорчилик ҳаракатлари юз берган чоғларда яққол намоён бўлди.

Ижтимоий-сиёсий омиллар сиёсий маданиятнинг ушбу хусусиятларини намоён қилди:

биринчидан, шахс манфаатлари билан жамият ва давлат манфаатлари ҳамоҳанглиги;

иккинчидан, ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда давлат ва жамиятнинг ҳал қилувчилик ролининг эътироф этилганлиги;

учинчидан, давлат ҳокимиятига анъанавий ҳурмат муносабати мавжудлиги, раҳбарларнинг маънавий қиёфасига юксак талаблар қўйилганлиги;

тўртинчидан, парламент ва бошқа вакиллик органларининг ижтимоий ҳаётдаги ролига муносабатнинг мавжудлиги;

бешинчидан, сиёсий партияларнинг вакиллари ғоя ва принципларининг тўғрилигига ишончнинг пайдо бўлаётганлиги.

Ана шу омиллар таҳлили асосида юртимизда сиёсий маданият тинчлик ва барқарорликни таъминлашнинг муҳим омилига айланганлигига гувоҳ бўламиз.

Г. Альмонд ва С. Верба «Фуқаролар маданияти» китобида бир қатор мамлакатларнинг сиёсий тизимларини таҳлилдан ўтказиб ва таққослаб, *сиёсий маданият учта «соф» типини ажратиб кўрсатганлар*¹.

1. «*Парохиял*» *сиёсий маданият (parochial culture)* баъзан анъанавий, патриархал деб аталади). Бу тип аҳолининг сиёсий тизимдан буткул узилиб қолганлиги, у ҳақда ҳеч қандай билимга эга эмаслиги билан ажралиб туради. Бундай жамиятда асосий «акторлар» (иштирокчи дохийлар, шомонлар ва бошқалар) сиёсий, иқтисодий ва диний функцияларни барабар бажаради. Бундан ташқари, аҳолининг сиёсий, иқтисодий ва диний йўналишлари табақалаштирилмайди, ҳудудий ва ижтимоий-маданий айнанлаштириш устунлик қилади: шахс ўзини, авваламбор, маҳаллий жамоа (қавм, қишлоқ)нинг бир қисми, деб билади.

Парохиял маданият соҳиблари сиёсий тизимдан нажот кутмайди. Жумладан, Африканинг марказлашган қабила ва князликларида сиёсий маданият асосан парохиял (анъанавий) бўлиб, бу жамиятларда бирон-бир ихтисослашган сиёсий ролларнинг ривожланиши нисбатан табақалашган сиёсий йўналишларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Ҳатто йирик ва табақалашган сиёсий тизимларнинг негизида ҳам парохиял маданият ётади.

Табақалашган сиёсий тизимларда парохиял маданият ўзини ўзи англаш билан изоҳланувчи оддий маданиятдан кўра кўпроқ норматив бўлади. Масалан, Нигерия ёки Гана қабилаларида яшовчи одамлар марказий сиёсий тизимнинг мавжудлигини ғира-шира англашади. Мавжуд тизимга нисбатан уларнинг ҳис-туйғулари ноаниқ ёки салбий бўлиб, ўзаро муносабат шакллари идрок этмайдилар.

2. «*Табаалик*» *сиёсий маданияти (subject culture)*. Сиёсий маданиятнинг бу типига пассив сиёсий ҳуқ-атвор, ҳукмрон расмий қадриятлар ва нормаларга таяниш, қадриятларни мустақил тушуниб

¹ Ўша жойда. —Б. 82-83.

етишга интилишнинг йўқлиги хос бўлади. Одамларда сиёсий тизимга нисбатан боқимандалик – патерналистик муносабат устунлик қилади: жамият аъзолари сиёсий тизимдан неъматлар кутади ёки турли жазодан қўрқади.

3. *Иштирокчилик сиёсий маданияти (participant culture) ёки фаол сиёсий маданият.* Ушбу типда сиёсий ҳаётда индивидларнинг фаол иштирок этиши хосдир. Бу иштирокчилик фуқароларнинг сиёсий жиҳатдан саводлилиги ва сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнига ўз иштироки билан таъсир кўрсата олишига бўлган ишончига асосланади. Бундай жамиятлар юксак даражада функционал табақалашганлиги билан ажралиб туради: жамият ҳаётининг турли соҳалари эркин, “кичик тизимлар” ҳам анча ривожланган ва кенг тармоқ отган бўлади.

1.3. СИЁСИЙ МАДАНИЯТ ТАЛҚИНЛАРИ

1.3.1. Ғарб олимлари сиёсий маданият ҳақида

Таниқли олимлар Г. Альмонд ва С. Верба ўз методологияси асосида сиёсий маданиятнинг уч аралаш типи – провинциалистик-табаалик, табаалик-партисипатор ва провинциалистик-партисипаторни ажратадилар¹.

Биринчи аралаш типнинг хусусияти шундаки, «аҳолининг катта қисми қабила, қишлоқ ёки феодал ҳокимиятнинг даъволарини рад этиб, ихтисослашган марказий ҳукумат тузилмаларига эга бўлган мураккаб сиёсий тизимга нисбатан хайрихоҳлик билдиради». Бу – ягона марказлашган давлатга ўтиш даври учун хос бўлган маданият типи.

*Табаалик-партисипатор маданият типид*а жамиятнинг катта қисмида сиёсий тизим элементларига нисбатан «ихтисослашган муносабат» ҳамда «фаол ўзини ўзи йўналтириш» вужудга келади. Аммо аҳолининг маълум қисми авторитар ҳукумат тузилмасига таянишда ва пассив ўзини ўзи йўналтириш тизимида амал қилишда давом этади.

¹ Ўша жойда. – Б. 84.

Провинциалистик-партиципатор типдаги сиёсий маданият кўпгина ривожланаётган мамлакатларга хос. Уларда асосий масала сиёсий ҳаётда фуқароларнинг фаол иштирок этишини таъминлашдир. Типологиянинг афзаллиги шундаки, у субъектнинг сиёсий институтларга муносабати ва сиёсий фаоллиги тарихий ривожланиш жараёнида ижобий томонга ўзгариб бораётганини кузатиб боради.

Аммо бу концепция камчиликдан холи эмас: фуқаролар маданиятининг моделига фақат демократик тизимларга у ёки бу даражада хос модель деб эмас, «эталон модель» деб қарашади. Бундан ташқари, мазкур ёндашувда индивидлар ва *ижтимоий гуруҳларнинг сиёсий хулқ-атвори* эътибордан четда қолади.

Шунинг учун ғарб олимлари муҳим хулосани чиқарган: «Фуқаролар маданияти, бу – аралаш сиёсий маданият. Унинг доирасида кўпгина фуқаролар сиёсатда фаол бўлишса-да, аммо бошқа фуқаролар нисбатан пассив “табаалар” ролини ўйнайди. Бундан ташқари, ҳатто фуқаролик ролининг фаол ижрочиларида ҳам айрим табаалик хислатлари сақланиб қолади”¹.

Г. Альмонд сиёсий маданиятнинг бошқа бир типологиясини ҳам таклиф қилади, аниқроғи, унинг кўшимча мезон (келишувнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги)га асосланган икки «қарама-қарши» типини ажратди. Бу мезонга асосан сиёсий маданиятларни қарама-қарши ва келишувга асосланган типларга ажратилади (кўпгина миллий маданиятларни қарама-қарши типдан келишувга асосланган типга қараб кетган ўқ чизиғида жойлаштириш мумкин). Қарама-қарши сиёсий маданиятда ўта ўнг ва сўл радикал қарашлар устунлик қилади. Мўътадиллик аҳолининг фақат 25 % га, радикализм эса қарийб 45 % га хос бўлади. Ривожланишнинг устувор қадриятлари юзасидан ҳам келишувга эришиш қийин кечади. Консенсусли сиёсий маданият кўпчиликнинг келишувига асосланади. Унда марказчилик, мўътадил қарашлар устунлик қилади (тахминан 55 %), фуқароларнинг атиги 10 % радикал муносабатда бўлади.

¹ Қаранг: Антология мировой политической мысли. В 5-ти томах. Т. 2. Зарубежная политическая мысль XX в. – М., 1997. – С. 601.

Ҳозирги кунда ғарб мамлакатларида келишувнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги мезони кенг тарқалган бўлиб, яхши натижалар бермоқда. Шу билан бирга, сиёсий қарашларнинг ҳар хил мажмуини ажратишга асосланган типологик схема ҳам янада ривожланган.

*Ғарб олимлари сиёсий маданиятни гомоген, парчаланган, аралаш ва тоталитар типларга ажратиб ўрганишади*¹:

1) *либерал-демократик тизим* ҳукм сурувчи англосаксон мамлакатларидаги гомоген типга жамиятда ҳар хил, аммо тинч-тотув яшовчи, бир-бирини тўлдирувчи фикрлар ва қарашлар (плюрализм)нинг мавжудлиги, сиёсий можаро ва низолар ҳуқуқ нормалари асосида ҳамда можарода иштирок этувчи барча томонларнинг манфаатларидан келиб чиқиб тинч йўл билан ҳал қилиш устун туради. Шу билан бирга, жамиятдаги кўпчилик мавжуд сиёсий тизимни, унинг институтлари ва механизмларини қабул қилади;

2) *парчаланган сиёсий маданият* типи жамиятда ҳар хил зиддиятли қарашлар ва ғоялар бўлса-да, сиёсий тузум асосий принциплари ва сиёсий ҳуқ-атвор қоидаларига нисбатан келишув бўлмаганлигидан сиёсий тузумни куч ишлатиш йўли билан ағдаришни хоҳловчи нуфузли кучлар учрайди. Бу сиёсий маданият типи ижтимоий-иқтисодий ва маданий жиҳатдан яхши ривожланмаган, миллий, диний, маданий ва сиёсий белгиларга кўра, бир-бирига душман гуруҳларга парча-ланган мамлакат ва жамиятлар («Учинчи дунё» мамлакатлари)га хос;

3) *сиёсий маданиятнинг аралаш тип*и гомоген ва парчаланган типларини ўзида мужассамлаштиради, яъни баъзи масалаларда жамиятда келишув бўлади, аммо айрим масалалар бўйича кучли зиддият сақланиб қолади. Масалан, Ғарбдаги баъзи бир ривожланган ва кўп миллатли Канада, Буюк Британия, Бельгияда ижтимоий-иқтисодий моделга нисбатан келишув бўлса-да, миллатлараро муносабатларда зиддият ва кескинлик сақланиб қолмоқда;

4) *сиёсий маданиятнинг тоталитар* типига жамиятда жамоачилик кайфияти ва қарашларнинг устунлик қилиши, бошқача

¹ Одилқориев Х. Т., Ғойибназаров Ш. Р. Сиёсий маданият. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2004. –Б. 85-86.

фикрловчиларга нисбатан мурасасизлик, «умумхалқ» манфаатларидан фарқли шахсий ва жамоавий фикрлар, манфаатларни тан олмаслик, чексиз даражада кучли давлат ҳокимиятига сиғиниш, можароларни ҳал қилишда кучга таяниш, жамиятни жипслаштириш, сафарбар этиш мақсадида ички ва ташқи душманларни излаш ҳамда умумхалқ нафратини уларга йўналтириш кўзга ташланади. Булар, албатта, тоталитар ва қисман авторитар тузумларда учрайди.

Голландиялик олимлар Ф. Хьюкс ва Ф. Хикспурс 1990 йилларнинг ўрталарида сиёсий маданият типологиясини такомиллаштириб, ушбу хулосага келдилар¹:

1. *Фуқаролар иштирокчилиқ маданияти (civil participant culture),*
2. *Клиентелистик маданият (client culture),*
3. *Протест маданияти (protest culture),*
4. *Автоном маданият (autonomus culture),*
5. *Кузатувчилар маданияти (spectator culture).*

Сиёсий маданиятни типларга ажратишнинг классик схемасидан келиб чиқиб, Ф. Хьюкс ва Ф. Хикспурс мазкур ҳодисани ўлчаш кўрсаткичларининг мажмуини таклиф қилдилар. Шахсларнинг сиёсатга қизиқиши даражасини улар сиёсий тизимга муносабатнинг кўрсаткичи, деб қарадилар. Тизимнинг «маҳсули»га нисбатан муносабат кўрсаткичи сифатида давлат институтлари ва бошқарув аппаратига ишонч даражасини олишди. Сиёсатда шахсан иштирок этиш имкониятини баҳолаш ўз сиёсий билимдонлигига муносабат кўрсаткичи бўлиб хизмат қилди.

Немис социологи Н.Луманнинг тарихий даврийлаштириш усулига кўра, сиёсий маданият қуйидаги типларга ажратилди:

- оддий ёки тараққий этган сегментар жамиятнинг сиёсий маданияти;
- стратификациялашган жамият сиёсий маданияти;
- ҳозирги замон функционал табақалашган жамиятнинг сиёсий маданияти.

Табақалаштиришнинг навбатдаги шакли ўзаро тенг бирликлар (оилалар, қавмлар)нинг ташкил топиши эмас, балки тенг бўлмаган

¹ Ўша жойда.

ижтимоий табақалар — деҳқонлар, шаҳарликлар, дворянлар ва бошқаларнинг тафовут этилиши, деб кўрсатилди.

Сиёсий маданиятнинг жамият ва индивидларнинг табақалашши даражасига қараб қисмларга ажратишга асосланган ҳамда замонавийлик ғоясига таянувчи типологик модели истиқболли бўлиб чиқди.

Сиёсий маданиятни парчаланиш ва бирлаштириш даражасига қараб фарқлашни таклиф қилган У. Розенбаум типологиясининг мазмуни ҳам алоҳида ўрганилади.

Парчаланган маданиятга жамиятнинг тарқоқлиги хос, унда асосий ижтимоий-сиёсий кучлар ўртасида келишув бўлмайди ва давлат манфаатларидан маҳаллий манфаатлар устун туради.

Бирлашган сиёсий маданиятда эса, миллий келишув, сиёсий тузумга ва можароларни ҳал қилиш тартибларига жамиятнинг хайрихоҳ муносабати сақланади. Умуман олганда, ҳар қандай сиёсий маданият миллий келишувнинг у ёки бу типини таъминлай олади.

Сиёсатишунослар Америка сиёсий маданиятини — оқилона келишувга асосланган, Буюк Британияникини — анъанавий-келишувли, Германияникини — давлат устунлигига асосланган табаалик сиёсий маданияти, деб таърифлашади¹.

Польшалик социолог Е. Вятр муқобил янги типологияни таклиф қилди. Сиёсий маданиятларнинг сиёсий тизимлар ва улар негизида ётган ижтимоий-сиёсий тузумлар билан алоқасини асос қилиб олиб, у *сиёсий маданиятни қуйидаги уч асосий турга ажратди:*

- 1. Анъанавий сиёсий маданият;*
- 2. Буржуа-демократик сиёсий маданияти;*
- 3. Ижтимоий демократия сиёсий маданияти.*

Сўнг уларни кичик турларга ажратди:

- табақалар демократияси сиёсий маданияти;
- автократик сиёсий маданият;
- қадимдан сақланиб қолган автократик сиёсий маданият.

Бунда буржуа-демократик сиёсий маданияти консерватив-либерал ё либерал-демократик шаклга эга бўлади.

¹ Ўша жойда. - Б. 87.

Е Вятрнинг фикрича, *авторитар сиёсий маданият* фуқароларнинг демократик ҳуқуқ ва эркинликларини ривожлантиришни назарда тутувчи “кучли ҳокимият”ни идеал деб эътироф этади, аммо одамларни сиёсий ҳаётда фаол иштирок этишга йўналтирмайди.

Тоталитар сиёсий маданият раҳбар ва кучли ҳокимиятни раҳбар томонидан белгиланган принципларга мувофиқ фуқароларни сиёсий ҳаётда иштирок этишга фаол жалб қилиш билан бирлаштиради¹. Бу шароитларда фуқароларнинг сиртдан сиёсий фаоллиги ўз фикрини ифодалаш демократик эркинлигини билдирмайди. Е. Вятр типологиясининг бир қатор қоидалари америкалик олимлар концепциясини тўлдиради. Аммо унда баҳсли ўринлар йўқ эмас. Жумладан, «ижтимоий демократия сиёсий маданияти» ҳақида гапиришга ҳали эрта. Бизнингча, СССР ва Шарқий Европа мамлакатларининг яқин ўтмишига татбиқан «маъмурий-буйруқбозлик ижтимоизми сиёсий маданияти» атамаси қўлланса, тўғрироқ бўлади. Универсал маърифий ҳодиса сифатида давлат ва бозорнинг таъсирини эътиборга олувчи ҳамда *бозор иқтисоди сиёсий маданияти ва этатистик сиёсий маданият* ҳақида гапириш имконини берувчи ҳодисани ўрганишга нисбатан ёндашув ҳам эътиборга молик.

Бозор иқтисоди фуқароларни сиёсий жараёнлар ва ҳодисаларни, сиёсий фаолият маҳсулларини эркин, плюралистик алмашиш, М. Дюверже таъбири билан айтганда, «барча фуқароларни жамиятга бирлаштириш ва адолатли давлат қуриш» воситаси, деб тушунишга йўналтиради. Бунда рақобатга асосланган кураш жамият фаолияти ва ривожланишининг универсал принципи, деб тушунилади.

*Этатистик маданият тип*и сиёсий жараёнлар давлат томонидан қаттиқ тартибга солиш шароитларида кечиши ва ривожланишини назарда тутуди, бунда давлат, синф ёки бир партия манфаатлари бошқа табақа ва ташкилотларнинг манфаатларидан устун қўйилади, рақобатга асосланган кураш ва ижтимоий можаролар зарур ҳолда куч ишлатиш йўли билан тартибга солинади.

¹Вятр Е. Социология политических отношений. — М., 1979. — С. 268

Шу билан бирга, сиёсий маданиятнинг жуда кўп типлари, минтақавий ва миллий турларини қайд этиб ўтиш лозим. Сиёсий маданиятнинг Фарбий Европа, Яқин Шарқ, Осиё ва Тинч океани минтақаси ва Марказий Осиёда бир хилда қўлланадиган универсал моделини кўрсатишнинг иложи йўқ. Аммо мавжуд сиёсий маданиятларнинг ютуқларидан ҳар қандай жамият фойдалана олиши, уларни назарий жиҳатдан ўрганиши галдаги вазифалардандир.

Булардан ташқари, сиёсий тизимнинг типига қараб тоталитар, авторитар ва демократик маданиятлар ҳам бўлади.

Тоталитар сиёсий маданиятда қуйидаги белгилар етакчилик қилади:

- дунёни дихотомик нуқтаи назардан идрок этиш. Бу «ўз одамлари»ни «беғоналар»га қарши қўйишда намоён бўлади. Бошқа синфлар, миллатлар, ирқлар ва ғоявий муҳолифлар «беғоналар» жумласига киритилади ҳамда «беғоналар»га душман, деб қаралади;

- бошқача фикрга, турмуш тарзига нисбатан бағрикенглик (толерантлик) кўрсатилмайди;

- келишиш имконияти инкор қилинади ва можароларни куч ишлатиш йўли билан ҳал қилишга таянилади;

- доҳийларни илоҳийлаштириш, уларнинг шахсига сиғиниш кучайтирилади. Бунда омма онгида “доҳий” тирик одам хусусиятини йўқотади ва рамзий маъно касб этади;

- жамият онгида мифлар, масалан, коммунизм ёки ирқий «жаннат» ҳақидаги мифлар етакчилик қилади; ҳокимият ғояларига мутаассиблик билан хизмат қилишади, ҳокимият билан бирдамлик ҳисси кучайиб боради.

Авторитар маданиятда ҳокимият фаол қўллаб-қувватланмайди ва ўз кадр-қимматини йўқотади. Бундай маданият негизда аҳолининг париархал ёки табаалик қарашлари ётади.

Демократик сиёсий маданиятда:

- бошқача қарашларга нисбатан бағрикенглик, бошқача фикрловчиларнинг ўз қарашларини ҳимоя қилиш ҳуқуқини эътироф этиш;

– можароларни ҳал қилишнинг асосий воситаси сифатида муросага келиш йўлларини излаш;

–асосий либерал қадриятлар: шахс эркинлиги, шахс ҳуқуқларининг дахлсизлигини тан олиш етакчилик қилади..

1.3.2. Сиёсий ва ҳуқуқий маданиятнинг алоқадорлиги

Сиёсий маданият маданиятнинг барча турлари, айниқса ҳуқуқий маданият билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Қуйида шу масалага батафсил тўхталамиз.

Профессор У. Таджиханов, академик А. Саидовлар талқинига кўра, жамиятнинг ҳуқуқий маданияти ҳуқуқий онг, қонунийлик, қонунларни такомиллаштириш ва ҳуқуқий тажрибанинг муайян даражасини акс эттирадиган ҳамда инсоният ҳуқуқ соҳасида яратган бутун бойликларни қамраб оладиган ижтимоий маданиятнинг бир туридир. Шахснинг ҳуқуқий маданияти эса жамият ҳуқуқий маданиятининг узвий қисми. Шахснинг ҳуқуқий маданияти – жамият ҳуқуқий маданиятнинг зарурий шарт-шароити ва илк бунёдкори, унинг мақсади ва таркибий қисмидир¹.

Ҳуқуқий маданиятга қисқача шундай таъриф бериш мумкин: *ҳуқуқий маданият – одамларнинг ҳуқуқий муносабатлари соҳасидаги ижтимоий аҳамиятга молик ижодий фаолият шаклларида бири. У ҳуқуқ нормалари, институтларида ва мазкур ҳодисаларни баҳолаш қобилиятида ўз ифодасини топади. Бошқача айтганда, ҳуқуқий маданият шахсий эътиқодларга эмас, балки қонунга асосланиб ҳаракат қилиш қобилияти.*

Ҳуқуқий маданият мазмун-моҳиятини очиб берадиган таърифлар қуйидаги жадвалда берилган.

Ҳуқуқий маданият тушунчаси	
1.	<i>Ҳуқуқий тафаккур ҳамда ҳуқуқий воқеликни ҳиссий идрок этишининг муайян даражаси;</i>

¹ Қаранг.: Таджиханов У., Саидов А.Х. Ҳуқуқий маданият назарияси. 1-жилд. Т.: ИИВ академияси, 1998. – Б. 89.

2.	<i>Аҳолининг қонунларни билиш даражаси;</i>
3.	<i>Ҳуқуқ нормаларига нисбатан ҳурмат, уларнинг нуфузи эътироф этилганлигининг ифодаси;</i>
4.	<i>Ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни амалга ошириш жараёнларининг ҳолати;</i>
5.	<i>Ҳуқуқ фаолияти ўзига хос усуллари (ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари иши, конституциявий назорат ва ҳоказо);</i>
6.	<i>Ҳуқуқий фаолиятнинг одамлар яратган моддий ва маънавий неъматлар кўринишидаги натижалари (қонунлар, қонунчилик тизимлари, суд амалиёти ва ҳоказо).</i>

8-жадвал. Ҳуқуқий маданият тушунчаси моҳияти.

Ҳуқуқий маданият ўзининг ички тузилиши ва ижтимоий алоқалари бойлигига кўра ўта мураккаб ҳодиса. У фақат қонунлар, ҳуқуқ нормаларини билишнигина назарда тутмайди. Ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онгдан ташқари, ҳуқуқий тартибот ва қонунийликни таъминлаш ва мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида ҳуқуқни ижро этиш фаолиятини ҳам ўз ичига олади. Ҳуқуқий маданият кўп қиррали ҳодиса сифатида илмий адабиётда унинг энг муҳим жиҳатлари, белгилари, мезонлари ва сифат хусусиятлари мажмуини аниқлаш йўли билан очиб берилади. Қуйида уларнинг айримларига тўхталиб ўтамиз.

Ҳуқуқий маданият жамиятнинг маълум тарихий босқичдаги ғоявий ҳуқуқий ҳолатини акс эттиради; ҳуқуқий онг, ҳуқуқни билиш ва қонунларни ҳурмат қилиш даражасини ифодалайди. Баъзи бир муаллифлар ҳуқуқий маданиятни юридик устқурманинг барча таркибий қисмлари мажмуи, деб тушунади. Бу ўринда ҳуқуқ соҳасининг олий ютуқлари ўз табиатига кўра, норматив эканлигини қайд этиб ўтиш лозим, зеро улар ҳуқуқни ижро этиш, қонунни, ҳуқуқ нормаларини амалга ошириш фаолиятининг самарали шакллари саналади.

Ижтимоий манфаатларни англаш ва рўёбга чиқариш ҳуқуқий маданиятнинг ривожланишида ҳал қилувчи ўрин тутди. Ҳуқуқда акс эттириладиган манфаат объектив хусусиятга эга, аммо бунда реал манфаат билан унинг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқ нормаларидаги тушунчани

фарқлай билиш керак. Масалан, «манфаат ҳақида тасаввур», «ҳуқуқда мустаҳкамланган манфаат», «объектив манфаат» бир хил тушунчалар эмас, чунки улар ўртасида ижтимоий тараққиётдаги объектив ва субъектив омилларнинг ўзаро таъсири диалектикаси билан белгиланувчи фарқлар ва ҳатто зиддиятлар мавжуд.

Сиёсий ва ҳуқуқий маданиятнинг ўзаро нисбатига ўтар эканмиз, сиёсат ва ҳуқуқ – умумий принциплар, ўзаро мос келувчи мақсадлар, тарихий тақдирларнинг умумийлиги билан бир қаторда, ҳар хил ижтимоий функцияларга эгаллигини қайд этиш лозим.

Ҳуқуқий маданиятнинг сиёсий маданиятдан фарқи, авваламбор, ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни ижро этиш фаолияти, шахс ҳуқуқий онгининг шаклланиши ва фаолият кўрсатишининг хусусиятларида, ҳуқуқ нормалари ва ҳуқуқий муносабатларнинг ўзига хосликларида кўринади.

Сиёсий ва ҳуқуқий маданият бир-бири билан узвий боғлиқ; сабаби, юксак ҳуқуқий маданиятсиз, қонунийлик принципига қатъий риоя этмасдан туриб юксак сиёсий маданиятга эришиб бўлмайди.

Ҳуқуқий маданият ҳуқуқни ижро этиш фаолиятинигина эмас, балки фуқароларга қўйилган сиёсий ва ҳуқуқий талаблар мажмуини ҳам ўз ичига олади, қонунга мувофиқ хулқ-атвор намуналари ва идеалларини сақлайди ва уларни мунтазам бойитиб боради. Фуқароларнинг сиёсий маданият нормаларига амал қилиши ҳуқуқий маданият намунаси дейилади.

Сиёсий ва ҳуқуқий маданият ўзаро таъсир этиш жараёнида бир бирини бойитиб боради. Зеро, сиёсий маданият принциплари ва нормалари ҳуқуқнинг ривожланишига таъсир этади. Сиёсий маданиятнинг нормативлигига алоҳида нормативлик деб қаралади, зеро сиёсий принциплар ва нормалар ижтимоий ҳаётда алоҳида ўринни эгаллайди.

Сиёсий маданият билан ҳуқуқий маданият аксар ҳолларда айнан бир маънавий-ахлоқий ва маданий қадриятларга таянади. Қадриятлар, ҳеч муболағасиз, халқ тарихи, миллат қиёфаси демак. Миллий қадриятлар сўзсиз ҳар бир миллатнинг мавжудлик белгиси ҳамдир. Маданий қадриятлар кишилар ўртасидаги ўзаро маънавий-маърифий

муносабатларни бошқаради ҳамда уларнинг ижтимоий-сиёсий ва ғоявий жипслигини мустаҳкамлайди.

Ғарб олимлари сиёсий ва ҳуқуқий маданиятни таълим тизимида амалга ошириладиган «ижтимоийлашиш», деб билишади. Бу фикрда жон бор. Мактаб ва университет шахсга билим ва тарбия беради, уни шакллантиради. Сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари эса сиёсий ва ҳуқуқий маданиятни ривожлантирувчи қудратли, ҳал қилувчи омилларга айланади.

Сиёсий маданият ва ҳуқуқий маданият ижтимоий манфаатларни акс эттирувчи онг, сиёсий ва ҳуқуқий мафкура, қадриятлар, ижтимоий-сиёсий амалиёт соҳаларига, турмуш тарзига, тарихий ва ижтимоий тажрибанинг ворисийлиги ҳамда уларни ўтказиш механизмларига сингиб кетади. Бу эса икки тушунчанинг кўринишларини социологияда ишлаб чиқилган турли кўрсаткичлар, мезонлар ва методикалар бўйича ўрганиш имконини беради.

Ҳуқуқ асосларини билиш ва унинг асосий қадриятларини ўзлаштириш маданиятли одам шахсининг муҳим жиҳатидир. У аҳоли барча табақаларининг ички, маънавий эҳтиёжига, уларнинг турмуш тарзи элементида, авлоддан авлодга ўтказилувчи анъанага айланиши лозим.

Маълумки, сиёсий ва ҳуқуқий маданият шаклланиши турмуш тарзи билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кечади. Одамларнинг турмуш тарзи сиёсий ва ҳуқуқий қарашлар, ғояларнинг «моддийлаштирилганлик» даражасини акс эттириб, ҳаётий фаолиятнинг изчил ва мунтазам қайта тузилувчи нормаси бўлиб хизмат қилади. Буни шахс, ижтимоий гуруҳ, жамоат ташкилотлари ва, умуман, ижтимоий тизим сиёсий ва ҳуқуқий ривожланишининг норматив натижаси, дейиш мумкин.

Мамлакатимиз асосий норматив ҳужжатларида ушбу масалалар тўлақонли аксини топган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (2023)нинг “Сиёсий ҳуқуқлар” номли VIII-бобида ушбу масалалар ёритилган¹:

¹ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон.

39-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек давлат ҳокимияти вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи мухолифатчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва кадр-қимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмас.

40-модда. Ҳар ким бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда давлат органларига ҳамда ташкилотларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, мансабдор шахсларга ёки халқ вакилларига аризалар, таклифлар ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт.

54-модда. Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсадидир.

Давлат инсон ҳамда фуқаронинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди.

55-модда. Ҳар ким ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қонунда тақиқланмаган барча усуллар билан ҳимоя қилишга ҳақли.

Ҳар кимга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонунга ҳилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, давлатимиз инсоннинг иқтисодий, ижтимоий, маданий ва сиёсий ҳуқуқларини таъминлашга алоҳида ғамхўрлик қилиб келмоқда. Ҳақиқатан ҳам, бугунги фуқаролик жамиятининг негизлари вужудга келиши жараёнида «инсоннинг қадри, шаъни ва диёнати», «адолат ва ҳалоллик», «инсонийлик ва ишонч» тушунчалари билан сиёсий ва ҳуқуқий маданиятнинг алоқаси тобора яқинлашиб бораверади.

Давлат жамиятнинг барча қатламлари ўртасида келишувни таъминлайдиган ва ўз сиёсатини амалга оширишда инсон манфаатини

ҳар томонлама эътиборга оладиган юртдагина ижтимоий адолат ҳукм суради.

1.3.3. Сиёсий онгдан фуқаролар маданиятига ўтиш жараёни ва унинг ўзига хос хусусиятлари

Бу жараён тадрижий ва табиий равшда рўй беради. Фуқаролар маданияти унинг энг юқори нуқтасидир. Хўш, унга қай йўл билан эришилади, деган савол туғилади.

Аввало, айтиш керакки, бу аслини олганда, сиёсий тизимга ижобий йўналтирилган «хайрихоҳ тарзда иштирок этиш маданияти»дир. Фуқаролар маданияти мукамал ва тизимга солинган кўринишда АҚШда (дастлаб Англияда) ўрганилган. Фуқаролар маданиятида сиёсий институтларнинг легитимлиги (қонунийлиги), ижтимоий сиёсатнинг йўналиши ва мазмунига нисбатан консенсус (келишув), манфаатлар хилма-хиллигига нисбатан бағрикенглик ва уларнинг муросага келишига ишонч, шунингдек фуқароларнинг сиёсий билимдонлиги ва ўзаро ишончи кенг тарқалган бўлади. Мазкур типологик моделда саноатлашган мамлакатлар сиёсий тизимига, биринчи навбатда, унинг англо-америка турига мос келувчи ўзига хос эталон сиёсий маданиятни кўриш қийин.

Фуқаролар маданиятида икки «зиддият» кўзга яққол ташланади:

1) ўзининг сиёсий қарорларга асосли таъсир кўрсата олиш имкониятини юқори баҳолаш билан реал таъсир кўрсатиш даражасининг пастлиги ўртасидаги зиддият;

2) фуқаролар сиёсий ҳаётда иштирок этиши шартлигини ялпи эътироф этишнинг даражаси билан иштирокнинг реал аҳамияти ва ҳажми ўртасидаги зиддият.

Фуқаролар сиёсий маданияти ривожланган мамлакатда фуқаролар кўпроқ фаолдир. У сиёсий жараённинг доимий иштирокчиси бўлиб, сиёсий гуруҳларда кам иштирок этса-да, асосли таъсир кўрсатиш салоҳиятига эга бўлади. Яъни, у зарур ҳолда ўз ижтимоий имкониятларини сиёсий мақсадлар йўлида сафарбар эта олади. Бундай мамлакатда яшовчи фуқаро сиёсий алоқаларини юксак савияда сақлашга, бирон-бир ташкилотга аъзо бўлишга ва норасмий

сиёсий мунозараларда иштирок этишга кўпроқ мойилдир. Мазкур фаолият турлари сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнида фаол қатнашишга мажбур этмайди, аммо бундай қатнашиш эҳтимолини оширади.

Фуқаролар маданияти, авваламбор, хайрихоҳ тарзда иштирок этиш маданияти ҳамдир. Индивидлар фақат сиёсатга «кириш»га эмас, сиёсий ташкилотлар ва сиёсий жараёнларда иштирок этишга ҳам ижобий муносабат билдирадилар. Бошқача айтганда, фуқаролар маданияти – иштирокчилик сиёсий маданияти бўлиб, унда сиёсий маданият ва сиёсий тузилма мутаносиб равишда бир-бирига мос келади.

Фуқаролар маданиятида иштирокчилик сиёсий қарашлари париархал ва табаалик сиёсий қарашлари билан уйғунлашади, аммо уларни инкор этмайди. Индивидлар сиёсий жараён иштирокчиларига айланади, аммо улар ўз табаалик ёки париархал қарашларидан воз кечмайди. Бунинг устига, нисбатан олдин юзага келган бу сиёсий қарашлар иштирокчилик қарашлари билан қўллаб-қувватланибгина қолмай, иштирокчилик қарашларига ҳам мос келади.

Анъанавий сиёсий қарашлар шахснинг сиёсатга нисбатан мажбуриятларини чеклашга ва бу мажбуриятларни «юмшатиш»га мойил. Табаалик қарашлари ва париархал қарашлар иштирокчилик қарашларини «бошқаради» ёки йўналтириб туради. Бундай кўрсатмалар сиёсий тизимдаги иштирокчилик қарашларига ижобий таъсир этади ҳамда бошқа одамларга ишонч ва умуман ижтимоий иштирок сиёсий кўрсатмалар каби фуқаролар маданиятида муҳим ўрин тутади. Бундай анъанавий кўрсатмаларни қўллаб-қувватлаш ва иштирокчилик қарашларига қўшилишида сиёсий фаоллик ва мақсадга мувофиқлик мавжуд бўлади. Аммо бу тобелик, анъаналарни сақлаш ва жамоа қадриятларига содиқлик билан мувозанатга келтирилган мувозий сиёсий маданиятга олиб келади.

Хўш, барқарор ва ривожланган демократиялардаги оқилона-фаол модель идеаллари билан сиёсий алоқаларнинг типлари ўртасидаги номувофиқликнинг сабаби нимада? Г. Альмонд ва С. Вербанинг фикрича, бу номувофиқлик демократия ёмон

ишлаётганидан далолатдир. Маълумотларга кўра, фуқаролар маданияти унинг субъекти ҳам фаол-таъсирчан, ҳам пассив роль ўйнашини кўллаб-қувватлайдиган икки асосий йўналиш бор: бир томондан, жамиятда икки қарама-қарши фуқаролик мақсадларини кўзлаган индивидларнинг тақсимланиши содир бўлади; иккинчи томондан индивиднинг қарашларидаги маълум ноизчиллик унга номувофиқ мақсадларни бирваракай кўзлаш имконини беради.

Тадқиқотларга кўра, сўралганларнинг реал сиёсий хулқ-атвори билан уларнинг ўз ҳаракат қилиш қобилияти ва мажбуриятини идрок этиши ўртасида узилиш кўзга ташланади. Буюк Британияда ва АҚШда респондентлар субъектив сиёсий билимдонлик намуналарини кўрсатишган. Сўралганларнинг аксари маҳаллий ҳокимиятнинг қарорига таъсир кўрсатишга қодир деса, яна бир қисми марказий ҳокимиятга нисбатан ўз имкониятига камтарона баҳо берган. Яъни, фуқаро сифатидаги имкониятларини юқори баҳолаш фаол сиёсий хулқ-атвор билан мустаҳкамланмаган. *Сиёсий ҳаётда иштирок этишининг мажбурийлиги ҳисси билан реаллик ўртасида узилиш мавжуд.* Оддий фуқаро ўз маҳаллий жамоаси ишларида иштирок этиши шарт деган респондентлар сони амалда бундай фаолиятда иштирок этганлар сонидан кўп бўлиб чиқди; бу тамойил АҚШ ва Буюк Британияда яққол намоён бўлмоқда.

Шундай қилиб, жамият сиёсий маданияти ўз-ўзидан шаклланмайди, балки фуқароларнинг сиёсий онги, сиёсий фаоллиги натижасида юзага келади. Олиб борилган илмий тадқиқотлар шундан далолат берадики, сиёсий онгнинг даражаси, унинг кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларга қай даражада адекват ёки ноадекват эканлиги жамиятдаги туб ислохотларнинг стратегик ўрнини тушунишга ёрдам беради. Бинобарин, шахс сиёсий онгининг унинг сиёсий маданиятида намоён бўлиши зиддиятли ва мураккаб жараён бўлиб, муайян тарихий шарт-шароитларга ҳам боғлиқ бўлади.

ИККИНЧИ БОБ СИЁСИЙ МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЗАРУРИЯТИ



2.1. СИЁСИЙ ОНГ ВА СИЁСИЙ МАДАНИЯТ

2.1.1. Сиёсий онгнинг тузилиши, таркиби ва функциялари

Сиёсий онг деганда, долзарб сиёсий мазмунга эга бўлган ва маълум сиёсий оқибатларга олиб келадиган масалаларга нисбатан жамиятнинг оммавий онги тушунилади. Бу маънода сиёсий онг оммавий онгнинг алоҳида, сиёсийлашган сегментиدير.

Сиёсий онг статик элементлар (кадриятлар, қарашлар) ҳамда динамик элементлар (кайфиятлар)ни ўз ичига олади. Булар:

Биринчидан, одамларнинг интилиш даражаси ва уларни рўёбга чиқариш мақсадида сиёсий тизимга таъсир кўрсатиш имконияти;

Иккинчидан, мафкуравий эътиқод негизида ётган ижтимоий-сиёсий кадриятлар (адолат, демократия, тенглик, барқарорлик, тартиб ва ҳ. к.);

Учинчидан, ҳокимият, раҳбарлар фаолияти билан боғлиқ сиёсий тадбирларни баҳолаш чоғида ўзгарувчи фикрлар ва кайфиятлар.

Сиёсий онг — сиёсатнинг субъектив мезони. Сиёсий фаолиятни акс эттириш даражаси ва шаклларига кўра, сиёсий онг тузилишида диалектик жиҳатдан ўзаро боғлиқ икки даража — назарий-мафкуралаштирилган кундалик даражалар фарқланади.

Оддий сиёсий онг бир қатор хусусиятлари, жумладан, элементларининг мазмунан ўхшашлиги, чегарасизлиги, ноаниқлиги, зиддиятлилиги, тизимга солинмаганлиги, кўп жиҳатдан тасодифийлиги, сиёсат ҳақидаги кундалик тасаввурлар ва қарашлар таъсирида беқарор равишда шаклланиши ва ривожланиши билан фарқ қилади.

Шу билан бир вақтда, оддий сиёсий онг сиёсий хулқ-атворга барқарор ва мунтазам-узлуксиз таъсир кўрсатиши билан ажралиб туради. Ҳатто назарий, мафкуравийлашган сиёсий онг билан

зиддиятга киришиб ҳам оддий сиёсий онг бундай хулқ-атворни белгилашда давом этиши мумкин. Ундан фарқли ўлароқ, назарий-мафкуралаштирилган сиёсий онг қарашлар ва фикрларнинг яхлит оқилона тизимини, маълум дунёқарашни ташкил этувчи, инсонни қуршаган сиёсий муҳитни у ёки бу мафкуравий концепция асосида тушунтирувчи қатъий ва изчил тасаввурлардан келиб чиқади. *Сиёсий онг у ёки бу элементларининг бир шаклдан иккинчи шаклга ўтиш диалектикаси деганда, ижтимоий-сиёсий ривожланишининг муҳим кўрсаткичи, ички ривожланиш ва намоён бўлиш йўллари тушунилади.*

Сиёсий онг назарий даражада жамият сиёсий ҳаётининг қонуниятларини очиб беради ва амалий сиёсий фаолиятни ташкил этишда улардан фойдаланади. Бу даража мафкурачилар фаолияти билан бевосита боғлиқ, шунинг учун ҳам у кўпинча мафкуралаштирилган, деб аталади. Сиёсий мафкура сиёсий онгга, жумладан оддий онгга қараганда серҳаракат ва ўзгарувчан бўлади. Сиёсий фаолият субъектлари, сиёсий мафкурачилар ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳодисаларни муттасил таҳлилдан ўтказиб, умумлаштириб, сиёсий стратегия ва тактикага тегишли тузатишлар киритиб борса, ижтимоий эҳтиёжлардаги ва қарама-қарши кучларнинг мавқеидаги ўзгаришларни олдиндан кўра олсагина муваффақиятга эришилади.

Давлатга нисбатан ижобий ёки салбий муносабатга қараб *сиёсий онгнинг икки асосий қарама-қарши типи* — «давлатчилик» (этатизм) ва «аксилдавлатчилик» (анархизм) типлари тафовут этилади. Уларнинг ҳар бири сиёсий онгнинг кичик тизими бўлгани ҳолда, ўз мураккаб тузилишига, ғоя ва назарияларининг кенг доирасига эга анархизм ва этатизм сиёсий онг типлари сифатида сиёсий воқеликни акс эттиради, ўзлаштиради ҳамда сиёсий ҳаётда зиддиятли жараёнларнинг шаклланиши ва ҳар хил йўналишда ривожланиши, тезлашиши ёки сустлашишига кўмаклашади.

Сиёсий онг типларининг ички яхлитлиги унинг тегишли кичик тизимларининг тушунчалар, категориялар аппаратининг ўзига хос жиҳатларини белгилайди. Бу ўринда анархик онг анархизм назариясидан анча кенг эканлигини қайд этиб ўтиш керак. У оддий

анархик онг ва анархик психологиянинг тегишли қатламларини, шунингдек этатистик онг назарияси ва концепциясига сингдирилган анархик онг элементларини ўз ичига оладики, бу, масалан, инқилоблар, йирик ислохотлар, инқирозлар даврида кенг тарқалади. Жумладан, давлатга қарши вайрон этувчи онг элементлари 1917-1918 йилларда ва ундан кейинги даврда большевиклар мафкурасида мавжуд бўлган эди.

Сиёсий онгнинг анархик типи, унинг этатистик типи сингари, олис тарихга, давлат ҳокимиятининг илк шакллари вужудга келган даврларга бориб тақалади. Давлатга ва қонунга нисбатан салбий муносабатни илгари сурувчи илк ғоялар хотираси ижтимоий онгда сақланиб қолган аввалги қавм-қабила тузумини идеаллаштириш тарзида вужудга келган, деб фараз қилиш мумкин. Бундай онгнинг ёрқин намуналари қадимги дунёда, хусусан, қадимги Хитойда Лао-цзи, қадимги Грецияда софистларнинг бир қисмида кузатилади. Ўрта асрларда бу анъаналар айрим диний сектантлик оқимларининг сиёсий ғояларида сақланган. XIX асрда анархизм назарий жиҳатдан шаклланди (М. Штирнер, П. Ж. Прудон, М. А. Бакунин, Элизе Реклю, Ж. Гильом, П. А. Кропоткин ва бошқалар). XIX аср охири - XX асрнинг бошида назарий сиёсий онг қарама-қарши тизими ва унинг кичик тизимлари — этатизм ва анархизмнинг шаклланиш жараёни якунланди. Шундан сўнг кичик тизимларнинг мураккаблашуви, тегишли типларнинг ғоялари ва доктриналарини ишлаб чиқиш, назариялар, сиёсий тафаккур оқимларини тип доирасида туркумлаш, уларни замонга мослаштириш жараёнлари содир бўлди.

Профессор Л. С. Мамутнинг фикрича, сиёсий онг тузилишининг умумий жиҳатларини “фақат унинг ўзига назар ташлаш билан тушунтириб бўлмайди, зеро бу жиҳатларни унга мазкур сиёсий онгга кирувчи макротизим тузилиши, яъни умуман онг беради”¹. Бу фикрга қўшилган ҳолда, сиёсий онг типларини ўрганишда онг фаолиятини белгиловчи айрим онтологик жиҳатларни, жумладан, ижтимоий онг ва

¹ Мамут Л.С. Этатизм и анархизм как типы политического сознания. Домарксистский период –М.: 1989. –С.42.

унинг шакллари (маданият, жамият, табиат) кирувчи бошқа макротизимларни ҳам эътиборга олиш лозим.

Тартибсизлик ҳолати – предмет, ҳодиса, ҳодисалар тизимининг ривожланишидаги қонуний жиҳат, босқич, бир ташкилот даражаси ва шаклидан бошқасига ўтиш демакдир. Бу нуқтаи назардан тартибсизлик деганда, «қайта тузилиш» шакли, босқичи, ривожланиш суръатининг ўзгариши тушунилади. Тартиб маълум муносабатда, баъзи бир шартларда, тартибсизлик манбаи, унинг бошланғич ҳолати ёки яширин шакли бўлиши мумкин.

И. Пригожиннинг тартиб ва тартибсизликка «бир-биридан ажралмас» нисбатан қарама-қарши ҳодисалар, деб қараши бежиз эмас. Тартиб ва тартибсизлик ўртасида маълум тесқари ирсий алоқалар мавжуд¹. Бир қатор ҳолларда тизимлар тартибдан тартибсизликка қараб ривожланади. Бу ҳуқуқ соҳасида содир бўлиши, тартибнинг ҳаддан ташқари мураккаблашиши ва қаттиқлашиши, хусусан, зиддиятли қонунлар, фармонлар ва бошқа норматив ҳужжатлар сонининг кўпайиши, улар тегишли тарзда тизимга ва тартибга солинмаганлиги тартибсизлик ва тартиб самарасини вужудга келтириши мумкин. Бошқа ҳолларда тартибсизликдан тартибга қараб ривожланиш кузатилади. И. Пригожин ва И. Стенгерс фанга «мувозийсизлик – модда ёки энергия оқими, тартиб манбаи бўлиши мумкинлиги маълум» эканлигини қайд этадилар.

Сиёсий онг – биполяр, мураккаб ички тузилишга, сиёсий онгнинг мураккаб, жўшқин оқимлар доирасига эга бўлган икки типи, яъни этатизм ва анархизмни ўз ичига олувчи изчил ривожланувчи тизим. Тизим яхлит ҳолда ҳам, типлар ва уларнинг ичидаги оқимлар эволюцияси кўринишида ҳам, ўзи таркибига кирувчи макротизимлар билан ҳам ривожланади («ижтимоий онг», «онг», «жамият» ва ҳ. к.). Сиёсий онг тартибсизлик ва тартибнинг кўп қиррали диалектикасини объектив акс эттиради ва, ўз навбатида, мазкур диалектикага доир билинувчи қонуниятлар, фаразлар ва шу кабиларни онгда (билиш ва ўзини ўзи билиш) ҳамда амалий-сиёсий воқеликда акс эттиради.

¹ Шермухамедова Н. Фалсафа. Ўқув қўлланма. –Т.: Ношир, 2009. – Б. 462.

Сиёсий онг жамият маълум «ривожланиш нуқталари»га киришига қараб сиёсий тизимнинг тартибсизлик ва тартиблилик ҳолатига ўз вақтида ҳамда шаклан ва мазмунан самарали ўтишига кўмаклашади, ўзгараётган сиёсий тизимнинг фаолиятини қўллаб-қувватлайди, унинг «инқироз даври»дан ўтишига ёрдам беради. Мафкуравий ва психологик жиҳатдан у ижтимоий тараққиётда сиёсий барқарорлашиш механизмларининг «уланиши» ва «узилиши»ни таъминлайди. Бунда жамиятнинг сақланишига, ижтимоий тараққиёт талабларига сиёсий тизимнинг жавоб беришига, сиёсий муносабатларни уйғунлаштириш ва воқеликнинг сиёсий томонларини теран билиш ҳисобига ижтимоий муносабатларни уйғунлаштиришга ёрдам бериш муҳим вазифадир.

Анархик онгга қайд этилган ҳодисаларнинг алоҳида ҳолати, идеал тартибсизликнинг шакли, унинг таркибий қисми, деб қараш мумкин. Ушбу «турдошлик»ни кўрсатувчи бир қатор жиҳатлар, хоссалар мавжуд. Анархик онгнинг ғоялари, образлари тизими, аслида «ўзини ўзи тартибсиз ташкил этган» жамиятни моделлаштириш воситасидир.

Ижтимоий инқилоблар, урушлар, йирик ислохотлар даврида «тартибсиз дунёқараш»нинг ўзига хос кучайиб боровчи таъсири вужудга келади. Ижтимоий онгда «тартибсиз онг» – анархизм элементларининг жадал ўсиши ижтимоий тартибсизликнинг кучайишига туртки беради. Сиёсий онг типлари, бир-бири билан яқин алоқа қилиш ва бир бирига фаол таъсир кўрсатиш билан бирга, жуғрофий, иқтисодий, сиёсий, маънавий омиллар тизими билан белгиланувчи ўз ривожланиш цикли ва суръатига, ўз «фаоллик чўққилари» каби хусусиятларга эга.

«Сиёсий онг юз фоиз «давлатчилик» ёки тўлиқ «аксилдавлатчилик» хусусиятига эга бўлган даврни тарих билмайди, деб қайд этади Л. С. Мамут. Зотан, сиёсий онгнинг бу икки типи бир-бирисиз мавжуд бўла олмайди. Мантиққа кўра, улар бир-бирини тўлдиради»¹.

¹ Мамут Л.С. Шкала оценок государства и процесс его оценки // История политической мысли и современность. – М.: 1988. – С. 43.

Онгнинг иккала қутби ҳам билишда, сиёсий ҳаётда ва бир-бирига нисбатан маълум вазифани бажаради. Жумладан, анархизм, этатизм доирасидаги либерализм сингари, кучли аксилтоталитаристик йўналишга эга. Анархизм ва либерализмни таъқиб қилиш ва йўқотиш тоталитар сиёсий тузум ва тегишли онгнинг вужудга келишига қулай замин яратади.

Анархик онгдаги тамойиллар (давлатчилик завоқ топиши) ва этатистик онгдаги тамойиллар (тоталитар давлатнинг кескин шакли) ижтимоий жиҳатдан хавфли бўлади. Аммо сиёсий ривожланиш механизмида, жамият тарихан етилган «тартиблилик» ва «тартибсизлик» ҳолатига ўтишида этатизм ва анархизмнинг объектив ролидан кўз юмиб бўлмайди. Жамият ҳаётида, айниқса, глобаллашув шароитида шиддатли ўзгараётган айна пайтда сиёсий онгнинг иккала типи ҳам талаб этилади.

Этатизм тартиб, барқарорлик тенденцияларининг ифодаловчиси бўлган барқарор ижтимоий синфлар, табақалар, гуруҳларга таянса, анархизмнинг ижтимоий негизи анча ўзига хослиги билан ажралиб туради. Одатда, у омонат, беқарор ижтимоий табақаларга – ижтимоий-сиёсий ҳаётдан узилган табақаларга, синфсизлашган ёки люмпенлашган гуруҳлар ва шахсларга таянади.

*Сиёсий онгнинг анархик тип*и ташкилий жиҳатдан асосан ҳокимиятни эгаллашга интилмайдиган, амалда танқид, муҳолифат, беқарорлаштириш ва дезинтеграция омили бўлиб хизмат қиладиган сиёсий ҳаракатлар билан изоҳланади. Анархизмнинг «тартибсиз» табиати назарияда ҳам, ташкилий жиҳатдан ҳам ўзининг мувофиқ аксини топган. Анархик ҳаракатнинг ташкилий шаклларида қаттиқ интизом кузатилмайди.

Таниқли олимлар Ҳ.Одилқориев ва Ш. Ғойибназаров 2004 йилда чоп этилган йирик тадқиқотларида сиёсий онгнинг ушбу функцияларини қайд этадилар¹:

¹ Одилқориев Ҳ. Т., Ғойибназаров Ш. Р. Сиёсий маданият. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2004. –Б. 116.

Сиёсий онгнинг функциялари		
1.	Илмий-маърифий	гуруҳ ва жамоа манфаатларига бўлган эҳтиёжни ифодалаш;
2.	Билиш	сиёсий воқеликни англаш, идрок этиш, тегишли ахборотни жамлаш ва таҳлил этиш;
3.	Ғоявий	манфаатларни ҳимоя қилиш;
4.	Коммуникатив	алоқалар тизимини таъминлаш;
5.	Прогностик	башорат қилиш;
6.	Тарбиявий	одамларнинг сиёсий фаоллигини шакллантириш, уларни тўғри томонга йўналтириш;

7-жадвал. Сиёсий онг функциялари.

Профессор С. Отамуратов ишлаб чиққан замонавий функциялар кўлами бирмунча кенг бўлиб, у қуйидаги устувор масалаларни қамраб олади¹:

Сиёсий онгнинг замонавий функциялари		
1.	Билиш	Бу шахслар, фуқаролар, ижтимоий гуруҳлар сиёсий сиёсий кучларнинг давлат ҳокимияти, унинг фаолияти ва жамият ҳаётидаги сиёсий жараёнларининг маъно-мазмунини тушуниб олишда намоён бўлади. Улар ҳақида тегишли билимга эга бўлмасдан туриб сиёсий онг ри ривожлана олмайди.
2.	Сиёсий жараёнларни юзага келтириш	Сиёсий онг бўлмаса, давлат фаолияти ва жамият ҳаётидаги сиёсий жараёнлар ҳам содир бўлмайди. Агар масалага янада чуқурроқ ёндашадиган бўлсак, сиёсий онг бўлмаса умуман сиёсий институтлар ҳам шаклланимайди. Сиёсий онг шаклланишига асосий <u>туртки</u> берган омил ҳам сиёсий бошқарувга эҳтиёжнинг юзага келтирганлигидир. Шу маънода ҳам сиёсий

¹ Отамуратов С. Ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантириш омиллари. –Т.: Ўзбекистон, 2015. – Б. 40-43.

		онг жамиятдаги сиёсий жараёнларга муносабатларнинг инъикоси сифатида пайдо бўлган – дейиш мумкин. <u>Парадокс</u> шундаки, сиёсий жараёнларнинг инъикоси бўлиши билан бир вақтда уни ҳаракатга келтирувчи асосий омиллардан бири ҳамдир. Сиёсий онг сиёсий жараёнларни ҳар доим ҳам ижобий томонга ривожланишига олиб келавермайди, баъзан жамият ҳаётида объектив ва субъектив сабабларга кўра юзага келадиган номутаносиблик, инқирозлар ва бошқа салбий ҳолатларда <i>сиёсий онг сиёсий маданиятдан узилиб қолади ва улар ўртасидаги мувозанат барҳам топади.</i> Шунда у сиёсий жараёнларнинг салбий томонга ривожланишига хизмат қилиши мумкин. Бу сиёсий <u>онгнинг жамиятда юзага келиши мумкин бўлган зиддиятлар ва парокандаликлар омилига айлангани</u> деганидир. Мазкур ҳолат сиёсий онгнинг салбий жиҳати ҳисобланади. Шунинг учун сиёсий онгнинг ҳар доим сиёсий маданият доирасидан чиқиб кетмаслиги давлат фаолиятининг муҳим йўналишига киради
3.	Манфаатларни мувозанатга келтириш	Сиёсий онгдаги бу функциясининг моҳияти шундаки, жамиятда мавжуд бўлган фуқаролар, ижтимоий гуруҳлар ва сиёсий кучларнинг манфаатларини ўзаро мувозанатга келтиришда сиёсий онг катта рол ўйнайди. Агар сиёсий онг жамият тараққиёти даражаларига мос равишда ривожланган бўлса сиёсий кучлар манфаатларини ўзаро мувозанатга келтириш имконияти ҳам кучаяди. Унинг акси бўлса, манфаатлар тўқнашуви содир бўлади ва жамиятда сиёсий беқарорлик билан бир қаторда ижтимоий-иқтисодий беқарорлик

		ҳам юзага келади. Муаммо, сиёсий онгдаги омилининг ёвузликни бартараф этишга қай даражада йўналганлигига боғлиқдир. Ана шу жараёнда эзгуликнинг устун даражада ривожланганлиги сиёсий онгнинг манфаатларни ўзаро мувозанатга келтириш омилига айлантиради. Сиёсий онг тараққиётининг юксаклик даражаси ҳам ана шу билан белгиланади.
4.	Демократик кадриятларни шакллантириш ва ривожлантириш	Демократик кадриятлар ўз ичига фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, эркинлигининг таъминланганлиги, фикрлар хилма-хиллигининг амал қилиниши, кўп партиявийлик, сайловларда муқобилликни мавжудлиги, халқнинг давлат ҳокимияти устидан назорат қилиш механизмининг ишлаши ва бошқаларни ташкил қилади. Сиёсий онг уларнинг шаклланиши ва ривожланишидаги асосий омиллардан бирини ташкил қилади. Айни пайтда демократик кадриятлар ҳам сиёсий онг ривожланишига ўзининг ижобий таъсирини ўтказади. Улар ўртасида ана шу ўзаро муносабатлар мувозанатда бўлса сиёсий жараёнлар ҳам барқарор ривожланади. Бу жараёндаги асосий муаммо сиёсий онгнинг ривожланиши демократик кадриятларни “кенг ёйиш” байроғи остида жамиятда сиёсий беқарорликнинг юзага келтириш омилига айланмасликнинг амал қилиш билан боғлиқдир. Худди мана шу ҳолатнинг юзага келишининг олдини олиш бир томондан давлат ҳокимияти фаолияти билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан фуқаролар, ижтимоий табақалар ва сиёсий кучларнинг сиёсий огоҳлик ва сиёсий маъсулиятни ҳис эта билиш салоҳиятига боғлиқдир. Уларнинг

		реал амал қилиши сиёсий онгнинг демократик қадриятларнинг барқарор ривожлантириш омилига айланишига олиб келади.
5.	Йўналтирувчанлик	Онгнинг бошқа шаклларида бўлгани каби сиёсий онгда ҳам фуқароларни маълум мақсадларга йўналтирувчанлик функцияси мавжуд. Унинг бу функцияси: а) фуқароларнинг давлат ҳокимияти фаолиятини билиш ва унда иштирок қилишга мойилликни шакллантириш; б) фуқароларнинг амалдаги сиёсатга нисбатан ўзларининг мустақил позицияларини шакллантириш, кабиларда ўз ифодасини топади. Бу функциянинг амалий аҳамияти шундаки, <i>бир томондан</i>, давлат ҳокимиятини ўз сиёсий фаолияти устидан, ўз назоратини олиб боришига, унинг фуқаролар билан ҳамкорлик қилишга ўзининг ижобий таъсирини ўтказади. Чунки, фуқаролар сиёсий онгнинг ривожланиши нафақат уларнинг ўзлари учун, шунинг билан бирга давлат ҳокимиятининг доим ўз фуқаролари назоратида эканлигини англаб етишга ҳам ёрдам берса, <i>иккинчи томондан</i>, давлат ҳокимиятининг сиёсий бошқарувида бир томонлама кетиб қолишидан огоҳ бўлишига, турли вариантларни ишлаб чиқишда, уларнинг энг самараларини амалиётга тадбиқ этишга фаоллигини оширади. Яъни, сиёсий онгнинг йўналтирувчан функцияси давлат ҳокимияти ва фуқароларнинг ҳамкорлигини мустаҳкамлайди ҳамда сиёсий бошқарувнинг самарали ишлашига ижобий таъсир ўтказади.

8-жадвал. Сиёсий онгнинг замонавий функциялари.

Бу мураккаб, мақсадга йўналтирилган функциялар сиёсий онг ва сиёсий маданиятнинг ўзаро муносабатларини замон талабларига мос равишда куриш ва янада такомиллаштиришда кўл келиши мумкин.

Келинг, энди сиёсий онгнинг даражаларини кўриб чиқайлик. Олимларнинг таъкидлашича, унинг ушбу даражалари фарқланади:¹:

– *эмпирик даража – инсоннинг сиёсий психологияси сифатида одамларнинг сиёсий ҳаёти таъсирида шаклланади;*

– *ғоявий-назарий даража – назарий билимлар тизими;*

– *индивидуал-сиёсий даража – инсон, шахс онги;*

– *жамоавий даража – маълум гуруҳларнинг онги;*

– *оммавий даража.*

Умуман олганда, сиёсий онг даражасига кўра, элитар ва оммавий турларга бўлинади.

1. *Элитар сиёсий онг* – мафкура, фан, тарғибот ва ташвиқот шаклидаги онг бўлиб, у турли ижтимоий ва сиёсий ҳодисалар ўртасидаги сабаб ва оқибатни аниқлаш, сиёсий воқеликни тушунтириш ва тушуниш, сиёсий ҳаётда мўлжал олиш имконини беради. Сиёсий элита бундай онгга эга бўлади, дейиш мумкин. У ўзаро мулоқот, дин, анъана, тарбия, таълим, оммавий ахборот воситалари, тарғибот ва ташвиқот, санъат орқали фуқароларга ҳар хил йўсинда ва мақсадларда сингдирилади. Унинг асосида эса оммавий онг шаклланади.

2. *Оммавий сиёсий онг* кўп жиҳатдан элитар сиёсий онгнинг инъикоси бўлиб, у ёки бу сиёсий мафкура, масалан, консерватив, либерал ёки бошқа турдаги мафкура таъсирида шаклланади.

Оммавий онг деганда, кўпинча эмпирик тадқиқот натижасида олинган индивидуал қарашлар, мойилликларнинг муайян йиғиндиси тушунилади. Унга ҳар хил таърифлар берилади. Б. А. Грушин бу ҳодисани «гносеологик ва ижтимоий табиатига кўра, хилма-хил бўлган, фақат психика шакллари билан чекланиб қолмаган, психология ва мафкура, эҳтирос ва мантиқ, тимсоллар ва муносабатлар, оддий ва назарий онг, рационал ва иррационал (шу жумладан, фантастик) тасаввурларнинг даражаларига мансуб бўлган

¹ Ўша жойда. – Б. 117.

маънавий тузилмалар мажмуи” деб таърифлайди¹. Глобаллашув даврида жамиятимиз ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида туб ўзгаришлар, ислохотларни бошдан кечирмоқда, бу эса оммавий сиёсий онгга ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Очиғини айтиш керакки, ўтиш жараёнларига қадар амал қилган мафкуравий қарашлар ва қадриятларнинг институционал асослари ўзгарди, айрим ҳолларда эса умуман йўқолди. СССРнинг парчаланиши билан давлат мақомига эга бўлган қудратли коммунистик мафкура оммавий онгдаги устунлик мавқеидан маҳрум бўлди.

2.1.2.Сиёсий онг ва сиёсий маданиятнинг ўзаро муносабатлари

Сиёсий онг ва сиёсий маданият бир-бирини тўлғазадиган тушун-чалар бўлиши билан бирга, улар ўзаро уйғун ҳолда ривожланмаслиги ҳолати ҳам мавжуд. Даражанинг хилма-хиллиги эса давлат ҳокимияти ва бошқаруви, ижтимоий гуруҳлар ва сиёсий кучлар фаолиятларида зиддиятли вазиятларни юзага келтиради. Яъни, сиёсий онг ривожланиб кетиши, сиёсий маданиятнинг орқада қолиши, у мамлакат ҳаётида сиёсий беқарорликнинг юзага келтириши жаҳон тарихида учрайди (парчаланиб кетган Югославия, айрим Араб давлатлари). Албатта, бундай ҳолатда сиёсий “ўйинлар” учун вазият юзага келади. Сиёсий жараёнлар умумманфаатларга эмас, ана шу ўйинларни ташкил этувчиларга йўналтирилиб юборилади. Натижада сиёсий беқарорлик миллий тараққиёт учун тўсиқ бўлади.

Европа давлатларида бўлганидек, сиёсий онг сиёсий маданиятга мувофиқ ривожланган тақдирда, барқарор тараққиёт учун шарт-шароит вужудга келади. Аммо, шуни ҳам назарда тутиш лозимки, сиёсий онг сиёсий маданиятга нисбатан олдин шаклланади, яъни сиёсий қарашлар, тасаввурларнинг пайдо бўлишида ўз ифодасини топади. Ўз навбатида, у сиёсий маданият шаклланишининг муҳим манбаси бўлиб хизмат қилади.

Тарихга мурожаат этсак, сиёсий онг давлатнинг пайдо бўлиши билан унда яшаётган шахсларда шакллана бошлаган. Йиллар ўтган

¹ Грушин Б.А. Мнения о мире и мир мнений. – М.: Праксис, 2011. – С. 546.

сари шахс давлат ҳокимиятининг сиёсий бошқарувидаги фаолиятига нисбатан ўз муносабатларини шакллантиради, бунда сиёсий онг шахс фаолиятини таъминловчи *индикатор* вазифасини бажаради.

Сиёсий онг ўзининг барча шакллари (индивидуал онг, ижтимоий онг, назарий онг, миллий онг, эстетик онг ва бошқалар) билан ўзаро боғлиқ ва улар билан бирга ривожланади.

Миллий онг деган тушунча ҳам бор. Миллий онг ҳар бир миллат ёки элатнинг узоқ тарихий тараққиёти, турмуш тарзи, маънавий-диний эътиқоди, маданий ривож жараёнида шалланган дунёқараши. Тақаккури, эътиқод ва ишонч туйғуларини ифодаловчи тушунча. Миллий онг – миллий бирлик ва бирдамлик туйғуси шаклланишининг асосидир¹.

“*Сиёсий маданият* – умумий маданиятнинг муҳим тури, жамият аъзолари, миллат, ижтимоий гуруҳлар ва қатламлар ҳамда ҳар бир фуқаронинг давлатнинг ички ва ташқи сиёсатни тушуна билиш қобилияти, таҳлил қила олиш даражаси ва сиёсий вазиятга қараб, мустақил равишда ўз ҳатти-ҳаракатларини белгилаш ҳамда уларни амалга ошириш маданияти. Олдиндан кўра билиш истейдоди, ҳаракат йўналишини ўзгартириш, назарий ва амалий йўналишилари аниқлай олиш, тарафдорлар топиш, ижтимоий жараёнларнинг тезлигига таъсир ўтказиш сиёсий маданиятнинг жиҳатларидан саналади”². Яна бир луғатда “*сиёсий маданият* – сиёсий онг ва сиёсий фаолият бирлигини ифодалайди ва шахс, ижтимоий гуруҳ ёки бутун жамиятнинг ижтимоий тузумга, ҳокимиятга, давлат амалга ошираётган ички ва ташқи сиёсатга муносабатини акс эттиради”³, деган таъриф ҳам берилган.

Сиёсий онг билан сиёсий маданият ўртасидаги муносабатларга аниқлик киритиш учун уларнинг ҳар бирининг ўзига хос функцияларига эътибор қаратишга тўғри келади.

Сиёсий маданиятнинг функциялари қуйидагилар:

1. Сиёсий онгни тартибга солиш. Сиёсий онгнинг жамиятда мавжуд турли манфаатларни мувозанатда бўлишида унинг сиёсий

¹ <https://www.oyina.uz/kiril/teahouse/2017> Миллий онг.

² Мустақиллик изоҳли илмий-оммабоп луғат. –Т.: Шарқ, 1998. 191-бет.

³ Фалсафа Қомусий луғат. –Т.: Шарқ, 2004. 365-б.

маданият уйғунликда ривожланишини ҳам билдиради. Агар улар ўртасидаги муносабатда узилиш юзага келса, энг аввало, сиёсий маданиятнинг саёзлиги билан боғлиқ бўлади. Иккинчи жиҳатдан бу сиёсий онгнинг ҳам бетартиблик ҳолатини ҳам билдиради. Бу ўз-ўзидан сиёсий беқарорлик учун заминни ҳам юзага келтиради.

2. Миллий ўзига хосликни акс эттириш. Сиёсий маданиятнинг умумсиёсий жиҳатлари билан бир вақтда ҳар миллатнинг ўзига хос урф-одат, анъана, қадриятлари ва менталитетлари билан боғлиқ жиҳатлари ҳам мавжуд. Уларнинг турли халқларда, миллатларда амал қилиши, баъзи ҳолатларда айрим “сиёсатчилар” томонидан у халқда демократик қадриятлар ривожланган, бунисида “ривожланмаган” деган ғайриилмий фикрларни илгари суришлари учун асос ҳисобланади. Энг хатарлиси шундаки, худди ана шуни ғайри илмий ғояни *дастак* қилиб, ғаразли мақсадларни кўзлаган кучлар томонидан айрим мамлакатларга уни олиб киришга ҳаракат қилинади. Улар учун бу ҳолат “демократиянинг тақчиллиги” борлиги дейдилар ва бундай мамлакатларга зудлик билан ҳарбий кучларни олиб киритишга эришадилар. Аслида гап “демократиянинг тақчиллигида” эмас, балки ёвуз кучларнинг ғаразли ниятларини амалга ошириш йўлидаги имкониятини юзага келтириб, ундан фойдаланган ҳолда мамлакатларни ўз измига солиш, уларнинг устидан ҳукмронликка эга бўлиб, бойликларга эгалик қилишдан иборатдир.

Сиёсий маданиятда миллий ўзига хосликнинг намоён бўлиши — деганимизда унда миллат, халқнинг асрлар давомида аجدодлари томонидан миллий давлатчиликни шакллантиришдаги тажрибалари ҳам ўз ифодасини топади. Бу амалиётда фуқароларнинг ижтимоий табақалар ва сиёсий кучларнинг қонунларга итоаткорлиги, сиёсий элитага нисбатан ҳурмат, сиёсий мунозарали масалаларни босиқлик, вазминлик, ҳамжиҳатлик билан ҳал этишга мойилликнинг кучлилиги ёки уларнинг тақчиллига кабиларда ўз ифодасини топади. Шу маънода ҳам демократик қадриятларни у “тақчил” бўлган ҳудудларга кўчириш назарий жиҳатдан ғайриилмий, амалий жиҳатдан хатарли ишдир.

Аслида, *ғарб демократик қадриялари кўчирилмайди, балки шакллантирилади.* Унда сиёсий ҳокимият ва фуқароларнинг бу

қадриятга нисбатан мойиллиги муҳим аҳамиятга эга бўлади. Яъни, ҳар икки томон уни шакллантиришда фаол иштирок қилиши талаб этилади. Давлат ҳокимияти, демократик қадриятларни шакллантириш билан боғлиқ шарт-шароитни яратса-ю, фуқаролар, уни қабул қилишларига салоҳиятлари етмаса ва уни амалиётга айлантиришда фаоллик кўрсатишмаса, демократик қадриятлар шаклланмайди. Аксинча, фуқароларнинг сиёсий фаоллиги ошиб кетиб, демократик қадриятларни шакллантириши кучайиб кетса-ю, давлат ҳокимияти унга мойиллик билдирмаса ёки бевосита иштирок қилмаса ҳам демократик қадриятлар шаклланмайди.

Ана шу жараёнларда миллий давлатчиликни шакллантириш ва халқнинг ўзига хослиги ўз ифодасини топади. Бу сиёсий маданиятнинг ривожланишидаги ўзига хосликнинг намоён бўлишидаги энг мураккаб жиҳатларидан бири ҳисобланади.

3. Шахслар, фуқаролар, ижтимоий гуруҳлар ва сиёсий кучлар манфаатларини мувозанатга келтириш. Юқорида бу функциянинг сиёсий онгга таалукли эканлиги ҳақидаги фикр ҳам илгари сурилди. Унинг сиёсий онгдаги функцияси амалда сиёсий жараёнларнинг авж олиши шароитида кечади. Агар сиёсий онг юқори даражада ривожланган бўлса, сиёсий беқарорликнинг жамиятда мавжуд барча инсонлар, фуқаролар, ижтимоий гуруҳлар ва сиёсий кучлар учун хатарли эканлиги англаб етилади ва унга вазминлик билан муносабатда бўлиш вазияти юзага келади. Аммо, юзага келган сиёсий беқарорлик фақат сиёсий онгнинг юксак даражада бўлиши билан ҳал этиб бўлмайди, бунинг учун, албатта, сиёсий маданиятнинг юқори даражада бўлиши талаб этилади.

Келтирилган бу омиллардан кўриниб турибдики, сиёсий маданият сиёсий тизимнинг барқарор ривожланишига ҳам ижобий таъсир ўтказади.

4. Сиёсий кучлар сиёсий маданияти ва сиёсий мақсадлари даражаларини аниқлаш. Бу функциянинг маъноси шундаки, сиёсий кучларнинг асосан мақсади давлат ҳокимиятини қўлга киритишдир. Аммо, уни қандай йўл билан эгаллаш (мисол учун, Ҳиндистонда 1949 йилларда М. Гандининг куч ишлатмаслик сиёсати орқали

мустамлакачи англизларни енгиш) сиёсий маданиятнинг даражаларига бориб тақалади. Агар сиёсий кучлар давлат ҳокимиятини қўлга киритишда дунёда амал қиладиган демократик кадриятларга таянса, бу уларнинг сиёсий маданиятнинг барқарор ривожланганлигининг кўрсаткичи, аксинча улар ўз атрофига сиёсий ҳаётдан йироқ бўлган кучларни бирлаштириб, жамият ҳаётидан сиёсий беқарорликни вужудга келтиришса (2010 йилларда кўплаб Араб давлатларидаги сиёсий тўнтаришлар), сиёсий маданият тараққий қилмаганлиги ёки инқирозининг белгиси ҳисобланади.

5.Мамлакат хавфсизлигига нисбатан юзага келадиган таҳдидларга қарши фуқароларда сиёсий иммунитетни шакллантириш. Сиёсий иммунитет деганимизда, фуқаролар онги ва дунёқарашида ташқаридан кириб келадиган ва мамлакат ичкарасида шаклланиши мумкин бўлган турли ёвуз ва бузғунчи сиёсий оқимлар ҳамда уларнинг ғояларига нисбатан қарши турадиган сиёсий-рухий салоҳият тушунилади.

“Сиёсий иммунитет” тушунчасига сиёсий фалсафий жиҳатдан фанда таъриф берилмаган ва таҳлил этилмаган. Аммо, унга ўрганиш, шакллантиришнинг имкониятларини излаб топишга бўлган эҳтиёж шунингдек, амалий аҳамияти кундан кунга ошиб бормоқда. Хусусан, ёшлар онгида сиёсий иммунитетни шакллантиришга тобора эҳтиёж ошиб бораётганлигини алоҳида таъкидлагимиз келади.

Глобаллашув шароитида бугунги дунё сиёсий “ўйинлар” ва сиёсий оқимлар билан тўлиб-тошди, боз устига уларни ер юзида оммалаштиришнинг имкониятлари мавжуд эҳтиёжлар даражасидан ҳам ошиб кетди. Энг хатарлиси шуки, ёшлар онги ҳамда қалбини эгаллаш, у орқали эса дунёда ўзларининг сиёсий ҳукмронлигини ўрнатиш учун кураш авж олмоқда. Булар мамлакатларнинг хавфсизлигига хатто уларнинг суверенитетига нисбатан таҳдидларнинг кучайиб боришига олиб келмоқда.

Ана шундай шароитда фуқаролар сиёсий маданиятни ривожлантириш ва унинг мамлакат хавфсизлигига бўлган эҳтиёж янада ошади. Бу сиёсий жараёнда моддий қурол (харбий қуроллар) эмас, балки кўзга кўринмас маънавий-рухий (ғоя, мафкура) қуролдан

фойдаланаётганлиги боис ҳам мамлакат аҳолиси, айниқса, унинг ёшлар ижтимоий гуруҳи онги ва қалбида сиёсий иммунитетни шакллантиришда сиёсий маданиятнинг амалий аҳамияти ва самараси беқиёс бўлади.

6.Миллий ва умуминсоний манфаатларни уйғунлаштириш. Ҳар бир халқ ва миллатнинг ўзига хос сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳада манфаатлари бўлади. Аммо, уларнинг барқарор бўлиши дунёда кечадиган жараёнларга ҳам боғлиқ. Айниқса, XXI аср ахборот асри дунё мамлакатларини бир-бирига шундай боғлаб қўйдики, уларнинг ўзаро айри ҳолда ҳаёт кечириши мумкин бўлмай қолди.

7.Давлатлараро ва минтақалараро сиёсий муносабатлар ҳамда ҳамкорликларни ривожлантириш ва такомиллаштириш. Бу функциянинг амалий аҳамияти шуки, 1991 йил куз ойларида собиқ шўро ҳукмронлиги барбод бўлганидан кейин унинг қарамоғида бўлган собиқ иттифокдош республикалар ўз мустақиллигини қўлга киритиб, мустақил сиёсат олиб боришга киришдилар. Аммо, бу азалдан, бир-бирига тили, урф-одат, анъана ва қадриятлари яқин бўлган халқларнинг баъзи давлатлар лидерларнинг амбициялари, сиёсий ҳис-ҳаяжонларга берилиши ва сиёсий “мен”лигини намоиш этишга қаратилган пинҳона, зимдан сиёсат олиб борганликлари оқибатида, дейлик, Марказий осийдаги халқларнинг ўзаро узоқлашиб боришига ҳам ўзининг таъсирини ўтказмай қолмади.

Сиёсий онгнинг барқарор ривожланишини тартибга солиб турувчи сиёсий маданият унинг даражаларидан орқада қоладиган бўлса, у сиёсий жараёнларни беқарорликка йўналтирувчи омилга айланиши турган гап. Унинг бу функцияси тор доирадаги ёвуз кучлар ва оқимлар манфаатларига хизмат қилади. Шу маънода ҳам сиёсий онгнинг ривожланишини мамлакат ва унинг фуқароларининг манфаатларига йўналтира билиш сиёсий жараёнлардаги негиз вазифадир. У давлат, бошқа сиёсий институтлар ва ташкилотларнинг фаолиятларида амал қилиши барқарор тараққиётнинг қафолати ҳамдир.

Шундай қилиб, сиёсий онг ва сиёсий маданият ҳар бирининг ўзига хос функциялари мавжуд бўлиб, уларнинг ривожланиши, такомиллашуви жамиятда фуқаролар, миллатлар, халқлар ва давлатлардаги сиёсий барқарорликни таъминлашга ўзининг ижобий таъсирини ўтказади. Уларнинг ёшлар онгида ривожлантиришга алоҳида эътибор берилишини эса бутун дунёда авж олган глобаллашув жараёнининг тезлашуви тақозо қилмоқда.

Ўз навбатида, фуқаролар, хусусан, ёшларимизнинг сиёсий онги ва сиёсий маданиятини тобора ривожлантириб бориш даврнинг талабига айланиб улгурди.

2.1.3.Сиёсий маданиятда демократик қадриятларнинг шаклланиш жараёни

Ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳалари билан бир қаторда, шахс, оила, никоҳ, бурч ва турмуш муносабатлари ҳам инсон маънавий камолоти учун асосий омил бўлиб хизмат қилади. Ҳозирги даврда жамиятда бўлганидек, шахс, оилада мураккаб жараёнлар кечмоқда. Уларда муайян тузумнинг характери, жиҳатлари, зиддиятлари, ижтимоий ҳаётда рўй бераётган жараёнлар ўз аксини топади. Шу билан бирга, глобаллашув ҳодисаси таъсирини ҳам ҳисобга олишга тўғри келади.

Ижтимоий институтлар ижтимоий фаолият ва муносабатларни ўзида ифодалаган, жамиятда аниқ вазифаларни бажарадиган ижтимоий уюшмадир. У фуқаро фаолиятини рағбатлантиради, бошқаради, мазмун беради, уни уюштириб ва такомиллаштириб бораверади.

“Умумий социология” номли ўқув қўлланмада унинг амал қилиш доираси, вазифалари ва кўринишлари кўрсатиб берилган¹.

1. *Реляцион институтлар* жинс ва ёшдан тортиб то машғулоти тури ва қобилияти мезонларига асосан жамиятнинг таркибини (ролга оид) аниқлаб боради;

2. *Регулятив (идора этиш) ижтимоий институтлари* шахсий мақсадларнинг жамиятда амал қилиб турган нормаларига дахлсиз ҳолда амалга ошиш чегараларини ва ундан чиқиб кетгандан кейин

¹ Умумий социология. Ўқув қўлланма. –Т.: Университет, 1999. – Б. 75.

қўлланиладиган санкциялари (ижтимоий назорат механизмлари)ни белгилаб беради;

3.Интегратив (уйғунлаштирувчи) ижтимоий институтлар бутун тузумга жамият манфаатларини қондиришга масъул бўлган ижтимоий ролларни ифодалайди.

4. Анъанавий ижтимоий институтлар одатлар, маросимлар ва қариндош-уруғчилик томонидан қатъий белгиланган нормаларни белгилайди.

5. Маданий ижтимоий институтлар дин, адабиёт, санъат соҳаларини шакллантириб боради.

Мазкур ижтимоий институтларнинг вазифалари қуйидагилар:

а) жамият аъзоларини такрор ишлаб чиқариш ва қайтадан тиклашга йўналтириш;

б) ижтимоийлашиш;

в) ишлаб чиқариш ва тақсимотни тўғри белгилаш;

г) жамият тартибларига риоя қилиш ва ахлоқни сақлаб туриш.

Оила – ижтимоий институтларнинг энг асосийси ҳисобланади. Унинг фаолияти асосан ота-оналар, фарзандлар ўртасидаги муносабатлар ва тарбия (методлар) услублари орқали авлодни тарбиялашдан иборат. Бунинг натижаси жамият учун улкан мазмун касб этиб, ижтимоий жамиятнинг ҳуқуқий норма ва қадриятларини аниқлаб беради.

Олимлар ижтимоий-маданий институтларга ўрта ва олий таълим, соғлиқни сақлаш, маданий-тарбиявий, фан-техника, диний муассасаларни киритадилар.

Ижтимоий институтларда аҳил ва дўстона муҳит бўлганида, турган гапки, фуқароларнинг сиёсий маданияти ҳам ривожлана бошлайди.

Ижтимоий институтларда икки муҳим ҳолат ўрганилади:

1. Дисфункция

2. Деперсонация

Дисфункция ижтимоий институтларнинг жамият умумманфаатларига мувофиқ келмайдиган пассив фаолияти бўлиб, бу жамият учун катта иқтисодий-ижтимоий зарар келтиради.

Жараён ташқи кўриниши жамиятда:

1) ташкилий тартибсизлик;

2) келишмовчилик;

3) низо ва ихтилофликни юзага келтиради.

Бу эса жамиятни ташқаридан бузилишига олиб келади.

Ички дисфункциялашув юз бериши хавфли бўлиб, у мақсадсиз фаолият, ноаниқ функция-вазифалар, фуқаролар ижтимоий қиёфаси ва обрў-эътиборининг жамият аъзолари олдида тушиб кетишида кўринади.

Ижтимоий институтлар фаолияти тартибсизлиги оқибатида эҳтиёжлар характери ва кишиларнинг иш фаолияти аҳамияти йўқолади, фақат номигагина, намоийшкорона хизмат кўрсатиш кўзга ташланади.

Деперсоназациялашув (шахслаштириш) жараёнида ижтимоий институтлар барча функцияларининг, хусусан, юқоридан қуйигача бўлган раҳбарлик фаолиятида нотенглик юзага келади. Фуқароларни ишга олишда, хизмат пиллапояларига кўтаришда жамиятга содиқлиги, юртпарварлигини ҳисобга олмасдан, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйишда хатоликлар, яъни ким тўғри келса, қабул қилиш ва ижтимоий институтлар, бутун жамият тақдирини масъулиятсиз шахсларга топшириб қўйиш ҳолатлари юз беради, бу эса жамиятни тўлиқ инқирозга судрайди. Порахўрлик, олибсотарлик, ўғрилиқ, яширин мафия авж олади, жиноятчилик ва коррупция кучаяди.

Оқибатда ижтимоий институтлар фаолият кўрсатишдан тўхтади. Бу ҳолатнинг белгилари халқ орасида сезила боради, дастлаб жиноятчилар бошқарув аппаратларидан жой олиб боради ва кейинчалик жараён тезлашади. Агар бу нохуш ҳолатларнинг олди олинмаса, ижтимоий институтларда бузилишга, сўнг ижтимоий инқирозга, Араб давлатларида кузатилганидек, инқилобга ёки сиёсий давлат тўнтаришига олиб келиши мумкин.

Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этиш Ўзбекистон жамиятини тубдан ислоҳ қилиш жараёнининг стратегик мақсадларидан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунда кўпгина мамлакатлардаги сиёсатшунос, ҳуқуқшунос, социолог, файласуф ва жамиятшунос олимларнинг диққат марказида турган фуқаролик жамияти институтлари муаммоси Ўзбекистон ҳаётида ҳам долзарб аҳамиятга эга. Жамиятимиз маълум сиёсий маданият даражасига эришгани туфайли, республикада фуқаролик жамиятининг асосий элементлари кўзга ташланади.

Фуқаролик жамияти деганда, давлатнинг тазйиқсиз, қонун доирасида вужудга келган муайян кишилик ҳамжамиятининг ихтиёрий ўзини ўзи уюштириш шакли тушунилади. Фуқаролик жамияти давлатга тўғридан-тўғри боғланмаган, аммо мамлакат

доирасида фаолият кўрсатувчи ва ҳокимиятга таъсир этувчи мустақил жамоат, ноҳукумат ташкилотлари мажмуи. Бундай жамият давлат ва шахс ўртасида ўзига хос воситачи.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ўн мингга яқин ноҳукумат ва жамоат ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Булар қуйидаги гуруҳларга бўлинади: 1) сиёсий партиялар; 2) ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар; 3) демократик сайлов тизими; 4) жамоат бирлашмалари; 5) нодавлат нотижорат ташкилотлар; 6) оммавий ахборот воситалари; 7) оила ҳамда унинг манфаатларини акс эттирувчи махсус марказлар, ташкилотлар; 8) таълим-тарбия муассасалари; 9) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари; 10) диний ташкилотлар; 11) миллий-маданий марказлар; 12) жамоатчилик фикрини ўрганиш институтлари.

Бугунги кунда фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган 200 дан ортиқ қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинган. Булар: “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида” (1991), “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида” (1991), “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида” (1992), “Сиёсий партиялар тўғрисида” (1996), “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида” (1997), “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида” (1999), “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида” (1999), “Жамоат фондлари тўғрисида” (2003), “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида” (2004), “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида” (2007), “Жамоатчилик назорати тўғрисида” (2014), “Ижтимоий шерикчилик тўғрисида”ги (2014) Ўзбекистон Республикаси қонунлари.

Бу тизимда *ўзини ўзи бошқариш органлари (маҳалла)*нинг ўрни бекиёс. Биринчи президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, “...*ўзини ўзи бошқариш органлари – бизнинг келажагимиз*. Фуқаролик жамиятини қурмоқчи эканмиз, унинг асосларини ташкил этувчи

пойдевор мана шу органлар бўлади. Биз бугун ана шу асосларни қуришни бошладик”¹.

Маҳалла институти юртимизда минг йиллар давомида синалган ва чуқур илдиз отган, аҳолини бирлаштириб турадиган ижтимоий ҳодиса. Айниқса, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида халқимизнинг урф-одатлари, анъаналари ва қадриятларини сақлаб қолиш, уларни жипслаштириш кафолати сифатида маҳаллалар майдонга чиқмоқда. Шу билан бирга, маҳалла тизимида бирқатор камчиликлар тўпланиб қолганини тан олиш лозим.

2023 йил 26 сентябрь куни Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёев раислигида маҳаллабай ишлаш тизимини янада кучайтириш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилишида мавжуд муаммолар ҳам тилга олинди². Қайд қилинишича, Ўзбекистонда барча ижтимоий-иқтисодий дастурлар аҳоли талабидан келиб чиқиб, жойларда амалга оширилмоқда. Бунинг учун маҳаллаларга кўплаб ваколатлар, ташкилий ва молиявий имкониятлар берилди. Маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси ҳамда профилактика инспекторидан иборат «бешлик тизими» ташкил этилди. Лекин уларнинг ўзаро мувофиқ ишлашида камчиликлар, жуда кўп такрорланишлар бор. Ижтимоий мақсаддаги маблағлар баъзан самарасиз йўналтирилмоқда. Эҳтиёжманд аҳолининг масаласини ҳал қилиш вилоят ва республика идорасига боғланиб қолган. *Маҳалла ходимлари фаолиятини баҳолаш мезони йўқ. Уларнинг кўп вақти «қозғоз тўлдириш» ва мажлисларга кетмоқда.*

Демак, 2023 йил октябрь ойидан бошлаб бу соҳанинг тизими ўзгаради ҳамда маҳалла бошқарувига солиқчи ва ижтимоий хизмат ходими қўшилиб, «*маҳалла еттилиги*» шакллантирилади. Хусусан, эҳтиёжманд аҳолини рўйхатга киритиш, моддий ёрдам, субсидия ва кредит ажратиш каби 70 дан ортиқ масалалар, туман ва вилоят идораларига чиқмасдан, маҳалланинг ўзида жамоавий ҳал қилинади.

¹Каримов И. А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулдирмиз. –Т. 9. Т.: Ўзбекистон. –Б. 317-318.

² <https://kun.uz/news/2023/09/26/mahalla-yettiligi-tashkil-etiladi-mahalla-raisi-vakolatlari-kengaytiriladi>

Шунингдек, Бандлик, Тадбиркорлик ва Касаначилик жамғармалари маблағлари ҳар бир маҳаллага тақсимлаб берилади.

Маҳаллада қулай ва электрон иш юритиш йўлга қўйилади. Амалдаги учта платформа – «Онлайн маҳалла», «Хотин-қизлар», «Ёшлар портали» ўзаро интеграция қилиниб, ягона тизимда мужассамлаштирилади. «Маҳалла еттилиги» ишини мувофиқлаштиришда маҳалла раисларининг ваколатлари кенгайтирилади. Жумладан, улар ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, солиқчи ва ижтимоий ходимни рағбатлантириш ёки интизомий жазо қўллаш бўйича тақдимнома киритиш ваколатига эга бўлади.

Президент ўтказган юқоридаги видеоселектор йиғилишида маҳалла тизимини такомиллаштиришнинг ташкилий чоралари белгиланди. Хусусан, маҳаллаларни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш бўйича республика, вилоят ва туман (шаҳар) кенгашлари жорий этилади. Республика кенгашига – Бош вазир, ҳудудий кенгашларга эса ҳокимлар раҳбарлик қилади. Кенгашлар «маҳалла еттилиги» қўйган масалаларга ечим топади, молиявий манбаларини ҳал қилиб беради.

– Биз фаолиятимизнинг биринчи кунларидан ҳамма ишни маҳаллада, халқимиз билан биргаликда ташкил қилиб келаяпмиз. Бу тизимни босқичма-босқич ривожлантирдик. Энди яна қўшимча куч, имкониятлар бериляпти. Бу ҳам ваколат, ҳам масъулият дегани. Маҳаллалар – давлатимизнинг энг катта замини¹,– деди Шавкат Мирзиёев.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти функцияларини амалга оширувчи кўплаб ҳаракатлар ва ташкилотлар, ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотлари, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари, экологик ташкилотлар, фан, маданият ва таълим соҳасидаги бирлашмалар, хотин-қизларнинг ташкилотлари ва бошқа тузилмалар ҳам имкон доирасида ривожланмоқда. Аммо уларнинг иш кўлами фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг бугунги талабларига ҳали тўлиқ жавоб бермайди.

¹ Ўша манба.

2.2. ШАХС ВА СИЁСИЙ МАДАНИЯТ

2.2.1. Юксак сиёсий маданият –

фаровон жамият қуришнинг муҳим шарти

Айрим скептиклар Ўзбекистон ўз ривожланишида Фарб мамлакатларидан қолиб кетгани ва унда фуқаролик жамияти мавжуд эмаслигини қайд этаётган бўлсалар-да, мамлакатимизда бундай жамиятнинг шаклланаётганлигини кўрсатувчи белгилар тобора кўзга ташланиб бормоқда. Юксак сиёсий маданиятга эришиш – фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуришнинг муҳим ва зарур шартларидан бирига айланмоқда.

Маълумки, фуқаролар маданияти фуқаролик жамиятининг муҳим элементи бўлиб, унинг негизини демократик сиёсий ва ҳуқуқий маданият ташкил этади. Шарқий Европа мамлакатларида авторитар сиёсий маданиятда намоён бўлувчи авторитар менталитет етакчилик қилади. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим шарти бўлган асосий ижтимоий қадриятлар юзасидан ҳануз муросага келингани йўқ. Бу «аномия» деб аталувчи вазиятнинг юзага келишига олиб келди.

Аномия деганда бир норматив қадриятлар тизими бузилган, аммо унинг ўрнида янги норматив қадриятлар тизими ҳали вужудга келмаган вазият тушунилади. Бу маънода биринчи Президентимиз И. А. Каримовнинг: «Янги уйни қурмасдан, эски уйни бузманг», деган сўзлари ёдга тушади. Либерализм институтлари (эркинлик, демократия, қонун устуворлиги ва ҳ. к.) ҳамда инсонийликнинг айрим анъанавий талаблари (фуқаролар фаровонлиги ҳақида ғамхўрлик, уларга муносиб яшаш шароитини яратиш, муайян ижтимоий тенгликни таъминлаш, истеъдодларни қўллаб-қувватлаш ва ҳ. к.)ни синтез қилиш мақсадида ижтимоий давлатни бирлаштириш ғояси етакчи ўринга чиқмоқда.

Ижтимоий давлат одамлар ўртасида ижтимоий адолат, ижтимоий ҳамкорлик ва фуқаролар тотувлиги принципларига асосланган янги ижтимоий алоқаларни шакллантиради. У ўз фуқароларининг барқарор ижтимоий-иқтисодий аҳволини ва

жамиятда ижтимоий тотувликни сақлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Кўпгина ривожланган мамлакатлар ҳозирги кунда мазкур ёндашувни ўз давлат қурилишига татбиқ этишга ҳаракат қилмоқда. Бундай ёндашувда давлатга жамият ишларини бошқариш, яъни ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ва аҳолининг турли табақалари манфаатларини эътиборга олиш, зиддиятларни бартараф этиш ёки юмшатиш ва фуқаролар тотувлиги йўллари излаш механизми деб қаралади.

Шуни айтиш лозимки, дунё тажрибасидан келиб чиқадиган бўлсак, *ижтимоий давлат* бу жамиятнинг сиёсий ташкилоти, яъни том маънода давлатдир. Ижтимоий давлат ўз сиёсатида ижтимоий адолат тамойилларидан келиб чиқиб, фаолият юритади. Асосий мақсад — жамиятда яратилаётган моддий ва маънавий бойликларни ижтимоий адолат тамойили асосида қайта тақсимлашдир. Бунда ҳар бир фуқаронинг маиший турмуш тарзи ҳолатини сифат жиҳатдан юқори даражага олиб чиқиш, аҳолининг турмуш шароити ва сифати жиҳатдан табақаланишига, яъни улар ўртасидаги яшаш учун кетадиган сарф-харажатлар бўйича фарқларнинг катталашиб кетишига йўл қўймаслик ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қисмига давлат томонидан кафолатлар тизим орқали ёрдам кўрсатилади. Бошқача айтадиган бўлсак, мақсад яратилган неъматлардан ижтимоий кафолатлар орқали ҳамма баҳраманд бўлишини таъминлашдан иборат.

Иккинчидан, жаҳондаги социал-демократик ҳаракатларнинг асосий мазмунини ижтимоий давлатнинг яратувчанлик ва унинг воситасида аҳолини ўзига жалб қилиш орқали давлатни бошқаришга ҳаракат ташкил этади. Ўз навбатида, бу усул кўпгина давлатнинг конституцияларида ҳамда бошқа қонунларида акс этган. Давлат томонидан ижтимоий кафолат иқтисодиёт (авваламбор, йирик бизнес) ва солиқ сиёсатини бошқариш орқали таъминланади¹.

Аммо бу ғоялар ва сиёсат олдинги социалистик ғоялардан кескин фарқ қилади. Социалистик ғояларга асосланган собиқ иттифоқ

¹ Қаранг.: Ижтимоий давлат деганда нимани тушунамиз? 14.06.2022. <https://darakchi.uz/uz/146657>

тизимига аҳолини мулксиз қилиб қўйиш, фуқароларнинг ижтимоий кафолати фақат қоғозларда қолиб кетиши, ижтимоий масъулият ва рақобатнинг йўқлиги хос эди. Натижада аҳолининг ижтимоий фаоллиги пасайиб кетганди. Келажакни яратиш, янгилаштиришга, ўзгаришларга бўлган ҳаракат қўллаб-қувватланмагани учун ижтимоий мобиллик ва ижтимоий яратувчанлик йўқолган эди. Умуман, бу тажриба жамият учун тескари натижа беришини ҳаётнинг ўзи тасдиқлади. Лекин тарихнинг бошқа кесимида ижтимоий давлатчилик тажрибасини илгари сурган Ғарб давлатларида катта ижтимоий ўзгаришлар содир бўлди.

Мутахассислар томонидан хорижий давлатлар ижтимоий сиёсатининг таҳлили натижасида ижтимоий давлатнинг учта модели Скандинавия, Континентал, Америка-Буюк Британия моделлари ажратилади¹, деб ёзишади профессорлар С.Жўраев ва Ш. Мадаева.

Биринчидан, Швеция, Финляндия, Дания, Норвегия давлатлари Скандинавия моделини ўзида намоён қилади. Бу мамлакатларда давлат бюджетни қайта тақсимлаш орқали ижтимоий харажатларнинг анчагина қисмини ўз бўйнига олади. Бу давлатлар ўз фуқароларининг ижтимоий фаровонлиги, таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларига, болалар ва ёшларга, кексаларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш учун масъул бўлади. Бу фаолият давлат бюжети ва ижтимоий суғурта жамғармалари томонидан молиялаштирилади. Бу ишларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш асосан муниципалитетлар, яъни маҳаллий бошқарув органлари томонидан амалга оширилади.

Иккинчидан, Германия, Австрия, Бельгия ва Францияда ижтимоий давлатнинг континентал модели юқори даражада ривожланган. Бу давлатларда давлат асосан аҳолининг муҳтож қисмига ижтимоий ёрдам пуллари беришга масъул ҳисобланади. Лекин аҳолига давлат ижтимоий хизматлар кўрсатиш билан шуғулланмайди. Ижтимоий харажатлар давлат ва хусусий ижтимоий суғурта жамғармалари томонидан қопланади. Яъни ижтимоий таъминот бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳамда иш берувчи ва ходимларнинг суғурта бадалларидан таъминланади.

¹Ўша жойда.

Шундай қилиб, биринчидан, Скандивания, Континентал, Америка-Британия моделлари бўйича ижтимоий давлатларда, либерал давлатларда давлат томонидан ижтимоий харажатларга минимал маблағлар ажратилади, бир вақтнинг ўзида ижтимоий ёрдамга мухтожлар ҳар томонлама ўрганилади. Бажарилган иш ҳамда тадбиркорлик билан шуғулланиш натижасида олинган ҳар томонлама кафолатланган даромад фуқароларнинг ижтимоий фаровонлигини таъминлашнинг асосий манбаидир.

Иккинчидан, ижтимоий давлатнинг социал-демократик тури Скандинавия турига мос келади. Бу ерда моддий неъматларни аҳоли орасида қайта тақсимлаш ва ижтимоий эҳтиёжга зарур харажатларда давлатнинг устунлиги мавжуд.

Учинчидан, ушбу жараён давлат ташкилотлари, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан кучли жамоатчилик назорати асосида кузатилади. Шунингдек, жараённинг бориши, самарадорликни аниқлаш, вужудга келаётган муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва зарур қарорлар қабул қилиш учун тизимли мониторинг ва таҳлил қилиб боришнинг мустақил тизими йўлга қўйилган.

Тўртинчидан, ижтимоий давлатчилик Осиё давлатларида – Япония, Жанубий Корея, Тайванда ҳам ривожланиб бормоқда.

Ижтимоий давлат феноменининг мазмунини аниқлаштириш учун масаланинг тарихига мурожаат қилайлик. Ижтимоий давлат назарияси ва амалиёти гарчи давлат ғоясини озиқлантирувчи илдизлар анча олдин - давлатнинг ўзи институт сифатида пайдо бўлиши билан бир вақтда пайдо бўлган бўлса-да, у XX асрнинг иккинчи ярмида ривожланди ва тан олинди.

“Ижтимоий давлат” тушунчаси биринчи марта фанга 1850 йилда Лоренц фон Штайн томонидан киритилган. Штайн таърифича, “ижтимоий давлат” жамиятдаги ҳар хил ижтимоий табақалар, ҳатто алоҳида, хусусий ўзини ўзи белгилайдиган шахс учун мутлақ тенгликни сақлашга мажбурдир. У барча фуқароларнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётига ҳисса қўшиши керак, чунки охир-оқибат,

бирининг ривожланиши иккинчисининг ривожини учун хизмат қилишидан келиб чиқиб, унга ижтимоий давлат дейилади”¹.

Ижтимоий давлат назариясининг умумэътироф этилган назарий асосчилари: Платон, Ж. Ж. Руссо, Ж. Ст. Милль, О. Бауэр, К. Каутский, Ж. М. Кейнс, К. Реннер, Л. Эрхард. Е. Н.. Рудик таъкидлаганидек, "Россиянинг турли хил, баъзан "кутбли сиёсий йўналишлар"даги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий тафаккур эгалари бу муаммони негадир эътиборсиз қолдиришди.

Ижтимоий давлатнинг пайдо бўлиши амалиёти ҳам хилма-хил вариантларга эга. Мисол учун, Парагвайда иезуитлар давлати (XVIII аср ўрталари), Отто вон Бисмаркнинг машҳур ижтимоий ислохотлари (1815-1898), Германия национал-социалистларининг "орийлар учун ижтимоий давлат", "Сало ижтимоий Республикаси" (1943 йил ноябр-1945 йил апрелда - фашистик Италиянинг сўнгги босқичида пойтахтига айланган Сало шаҳри), ижтимоий давлатнинг Советча варианти².

Ҳозирги вақтда ижтимоий давлатнинг демократия билан боғлиқ жиҳатлари Австрия, Германия, Греция, Испания, Италия, Голландия, Португалия, Скандинавия мамлакатлари, Франция, шунингдек, собиқ постсовет республикаларида (Арманистон, Беларусия, Грузия, Қозоғистон, Тожикистон, Украина) у конституциявий нормага киритилди. Дунёнинг барча ривожланган мамлакатлари; уларнинг асосий қонунларида тегишли қоидалар мавжудлиги ёки йўқлигидан қатъи назар, улар кўп ёки камроқ даражада амалда ижтимоий давлатлар сирасига киради. Ўзбекистон ҳам бундан мустасно эмас³.

“Биз Янги Ўзбекистонни “ижтимоий давлат” тамойили асосида қуришни мақсад қиляпмиз. Бунинг Конституцияда мустақамлашимиз керак. Ижтимоий давлат бу, энг аввало, инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш учун тенг имкониятлар, одамлар муносиб ҳаёт кечиришига зарур шароитлар яратиш, камбағалликни қисқартириш, демакдир,

¹См.:<http://www.dslib.net/teoria-prava/publicnye-uslugi-teoretiko-pravovoj-aspekt.html>
Морозова Е.В. Публичные услуги: теоретико-правовой аспект. · Автореферат канд. юрид. наук. Рос. унив-т кооп. –Мытищи, 2009.

² Ўша жойда.

³ Ўша жойда.

деди президентимиз Ш. Мирзиёев. - Шу боис, биринчи навбатда, эътиборни Янги Ўзбекистон учун энг катта инвестиция бўлган таълимни қўллаб-қувватлашга қаратамиз. *“Нажот – таълимда, нажот – тарбияда, нажот – билимда. Чунки, барча эзгу мақсадларга билим ва тарбия туфайли эришилади”*. Маърифатпарвар жадид боболаримизнинг бу сўзлари депутат ва сенаторларимиз, сиёсий партиялар, маҳаллий кенгашлар, бутун давлат аппарати, кенг жамоатчиликнинг амалий ҳаракатига айланиши керак. Шу боис, мактабларда таълим сифати ҳамда жамиятда ўқитувчи касбининг нуфузини ошириш, муаллимларнинг шароитларини яхшилаш 2023 йилдаги энг асосий вазифаларимиздан бири бўлади.

Глобаллашув жараёни ва бозор иқтисодиёти шиддат билан ривожланаётган даврда айрим олимлар ижтимоий давлатнинг ўзига хос белгилари мавжуд эканини таъкидлаб, Лоренс фон Штейндан (“ижтимоий давлат” тушунчасини илк бор 1850 йилда фанга киритган олим) фарқли равишда ушбу омилларини келтириб ўтадилар¹:

– аҳолининг даромадлари ва бойликларини йирик мулкдорларга дахл қилмасдан қайта тақсимлаш имконини берувчи мамлакат иқтисодий ривожланишининг юқори даражаси;

– ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти;
– кўп тармоқли ва аралаш иқтисодиёт;
– фуқаролик жамиятини шакллантириш;
– давлат томонидан турли ижтимоий дастурларни ишлаб чиқиш;
– давлатнинг ҳар бир инсон учун муносиб турмуш шароити, ижтимоий таъминот ва шахс сифатида ўзини ўзи англаш йўлида тенг бошланғич шароитларни таъминлаш мақсадларини тасдиқлаш;

– фуқаролар олдидаги ижтимоий жавобгарлик;
– суғурта ижтимоий тўловларининг ривожланган тизими ва бюджетни ташкил этувчи солиқларнинг юқори даражаси, ижтимоий соҳага тўловларнинг юқори миқдори;

– аҳолининг барча гуруҳлари учун хизмат кўрсатиш ва ижтимоий хизматларнинг ривожланган тизими;

¹ https://www.uzbekistan.org.ua/uz/uzbekistan-uz/107-yangiliklar_/6256-%D1%9E%D0%B7%D0%B1%D0%B5%D0%BA%D0%B8%D1%81%D1%82%D0%BE%D0%BD-%E2%80%94

- бюджет ижтимоий тўловларининг мавжудлиги;
- ижтимоий ҳимоя, ижтимоий таъминот ва бандлик давлат тизимларининг мавжудлиги;
- жамиятнинг барча муҳтож аъзоларини истисносиз ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизими мавжудлиги;
- фуқароларнинг фаровонлик даражаси учун жавобгарликни давлат ўз зиммасига олиши.

Фуқаролик жамиятининг шаклланиши бир вақтда ҳуқуқий демократик давлат ҳам ривожланиб боришини, шахс ва давлат ҳокимияти ҳуқуқнинг тенг субъектлари сифатида майдонга чиқишини тақозо этади. Давлат маълум кафолатлар тизимини ташкил этганлиги туфайли, фуқаролик жамияти фаолият юритиш ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлади. Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатнинг ўзаро боғлиқлиги ана шунда. Демократик тузумнинг зарур шarti ҳисобланган ҳуқуқий давлатнинг аста-секин ривожланишида ҳокимиятнинг анъанавий тарзда уч бўғинга тақсимланишигина эмас, балки уларни тўлдирувчи ҳокимиятнинг фуқаролик жамияти ва давлат ўртасида тақсимланиши ҳам намоён бўлади.

Фуқаролик жамияти негизини кучайтириш ва давлат патернализмининг¹ камайитириш учун ҳозирги кунда Ўзбекистонда ҳам ўзини ўзи тартибга солиш механизми шакллантирилмоқда, иқтисодни монополиядан чиқариш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштиришнинг биринчи даражали масалалари, яъни бозор иқтисодига амалий ўтиш масалалари ҳал қилинмоқда.

Шуни қайд этиш лозимки, бу машаққатли йўлда янги фуқаролик тузилмалари ва давлат ҳокимияти ўртасида баъзан мураккаб муносабатлар юзага келмоқда. Давлат аппарати фуқароларнинг уюшмалари ҳисобига ўз ваколатларини бажаришга ҳаракат қилади. Бағрикенглик ва ҳамкорликда иш олиб бориш ўзбек халқининг менталитетига хосдир. Умид билдириш мумкинки, Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришда айни мана шу хусусиятлар доимо етакчилик қилади.

¹Патернализм – лот. патернус – оталарча, оталик – давлатнинг ўз фуқароларига, бир мамлакатнинг бошқа мамлакатга ҳомийлик, ғамхўрлик муносабати. Paternalizm - Wikipedia (wikipedia.org)

Ўзбекистонда ёшлар фуқаролик жамияти ижтимоий негизининг ўзагини ташкил этиши муҳим масаладир. Бироқ, бир томондан, ёшлар фуқаролик жамиятининг негизини ташкил этишга қодир бўлган анъанавий қадриятлардан ҳали узоқ, аммо, шу билан бир вақтда, улар қонун устуворлиги, муросага келиш сингари ҳуқуқий нормаларни қабул қилишга интилмоғи лозим.

Айни пайтда, мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг ижтимоий негизини ўрта авлод вакиллари, шунингдек аҳолининг олий маълумотли қатлами ташкил этмоқда. Ҳокимият тузилмаларида гендер тенглик асосида хотин-қизлар вакиллари ҳиссасини ошириш жамият ривожланишининг ҳали етарлича фойдаланилмаган салоҳият захирасидир.

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шаклланиши мулкни оқилона ва изчил равишда давлат тасарруфидан чиқариш, бюрократия аппаратини қисқартириш ва мўътадиллаштириш, кўп партияли тизимни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга рағбат бериш, мақбул ижтимоий дастурлар ишлаб чиқиш сингари омилларга боғлиқ бўлиб турибди. Бу нуқтаи назардан фуқаролик жамиятига хос бўлган асосий муносабатларни қарор топтириш ва тартибга солиш ўта муҳим, деб ҳисоблаймиз. У ҳуқуқ ёрдамида уч асосий вазифани ҳал қилиш: фуқаролик жамияти ишларига ва фуқаронинг шахсий ҳаётига давлатнинг ортиқча аралашishiга йўл қўймаслик, давлатнинг фуқаролик жамияти олдидаги бурчларини қонунлар воситасида ҳал этиш, ҳуқуқий давлат тўғрисидаги конституциявий қоидаларнинг рўёбга чиқарилишини таъминлаш имконини беради.

Жамият ҳаётини янгилаш ва жаҳон андозаларига мос равишда қуришда модернизациялаш катта роль ўйнайди. Сиёсий модернизациялаш – мураккаб комплекс жараён. Унда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-маданий тармоқлар ўзаро боғланиб, бир-бирига мазмун бағишлайди; агар улар орасида ажралиш юз берса, модернизация қисман амалга ошиши мумкин.

Таҳлиллардан маълум бўлишича. “жамиятда ижтимоий гуруҳларнинг даромади кескин фарқланса, самарали иқтисодий

ўсишга эришилмайди; маданий даражали етук шахс шаклланмаса, бозор тузилмалари шаклланмайди; фуқаролик жамияти институтлари ривожланмаса, демократик қадриятлар ривожланмайди”¹. Ҳар бир талаб ва мезонлар бир-бирига боғланиб кетади ва улар тўла ҳисобга олинмаса, жараён узоққа чўзилади ва кўплаб босқичларни талаб этади.

Хулоса шуки, глобаллашув даврида жамиятда кечаётган янгиликлар жараёни мураккаб ва зиддиятли жараён бўлиб, эскилик ва янгилик, прогрессив ва регрессив ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг кураши шаклида намоён бўлади. Бундай шароитда фуқаролик жамияти ривожланиши кишиларнинг юксак сиёсий маданиятига боғлиқ бўлади.

2.2.2. Ахборот хавфсизлиги ва ёшлар

Республика аҳолисининг сиёсий онги ва маданиятини юксалтиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Бироқ ҳозирги кунда ОАВдан аҳоли фойдаланадиган ижтимоий-сиёсий ахборот ҳажми унчалик салмоқли эмас. Тегишли материалларни ўқиш, радио тинглаш ва телевизор томоша қилишга сарфланадиган жами вақтнинг қисқараётгани, ОАВ бозорини чет эл ахборот каналлари, ижтимоий тармоқлар аста-секин эгаллаётгани, бозор муносабатларига ўтилиши муносабати билан ОАВга аҳоли ажратаётган вақтнинг қисқариб бораётгани, яъни иқтисодий фаоллашув натижасида телевидениега, газета ва журналларга кам вақт қолаётгани кузатилмоқда. Фақат радио бундан мустасно бўлиб, сўнгги беш йилда республикада FM ахборот-кўнгилочар радиоканаллари сонининг кўпайиши билан уни «истеъмол қилиш» ҳажми ҳам ошди.

Юқоридаги сабабларга кўра, ахборот хавфсизлиги ва ёшлар масаласига тўхталиб ўтмоқчимиз.

Ахборот хавфсизлигига таҳдидлар ички ва ташқи манбаларга бўлинади. Мутахассисларнинг эътироф этишича, ахборот хавфсизлигининг жамият ҳаётида долзарб муаммога айланишига асосан ташқи манбалар сабаб бўлмоқда. Бундай вазиятда ахборот

¹ Омонов Б.А. Жамиятни модернизациялашнинг концептуал асослари.–Т.: Aloqachi, 2019. – Б. 14-15.

технологиялари ва ахборот бошқаруви юксак даражада тараққий этган давлатлар ўзидаги бу устунликдан ижтимоий онгга таъсир кўрсатиш йўлида фойдаланишдан манфаатдор бўлади.

Ахборот хавфсизлигига таҳдиднинг ташқи манбалари ушбулар:

- чет эл жосуслик ва махсус хизматларининг фаолияти;
- чет эл оммавий ахборот ва глобал коммуникация воситалари;
- халқаро гуруҳлар, тузилмалар ва алоҳида шахсларнинг ноқонуний ҳаракатлари;
- ахборот тарқатиш ва фойдаланиш бўйича хорижий давлатлар сиёсатининг амалга оширилиши
- табиий офатлар ва фожеалар.

Ахборот хавфсизлигига таҳдиднинг ички манбалари қуйидагилар:

- сиёсий, иқтисодий ва жамоат ташкилотларининг, алоҳида шахслар ва гуруҳларнинг ахборот тўплаш, тарқатиш ва фойдаланиш соҳасидаги ноқонуний фаолиятлари;
- ахборот соҳасида фуқаролар ва ташкилотлар ҳуқуқларининг бузилишига олиб келувчи давлат тизимларининг қонуний ҳаракатлари ва кўзда тутилмаган хатолари;
- ахборот тизимларининг дастурий-техник воситаларининг базавий технологияларини яратиш, синаш ва ишлаб чиқариш бўйича маҳаллий саноатнинг талаб даражасида эмаслиги¹.

Ахборот маконининг вужудга келиши нафақат уни бўлиб олиш, балки унда кечаётган жараёнларни назорат қилиш ва бошқаришни хоҳловчи томонларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Бу гуруҳларнинг кураш воситаси ҳам айнан ахборот қуролидир. *Таҳлилчилар ахборот қуроли деганда одамларга руҳий таъсир кўрсатадиган ва уларнинг устидан назорат қилиш имконини берувчи воситаларни, компьютер вирусларини, мантиқий бомба, телекоммуникация тармоқларида ахборот алмашинувини бостирувчи мосламаларни, давлат ва ҳарбий соҳаларни бошқаришда ахборотларни сохталаштириш каби ҳаракатларни назарда тутишади.*

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принципи ва кафолатлари тўғрисидаги” 439-П-сон қонуни. 12.12.2002 й. <https://www.lex.uz/acts/52268>

Ахборот хавфсизлигига нисбатан таҳдидларнинг асосий таъсир воситаси бир марталик ташвиқот акциялари, узоқ муддатли тарғибот кампаниялари, мафкуравий тазйиқ, маданий экспансия, ахборот блокадаси каби руҳий-информацион таъсир воситалари ҳисобланади.

Одатда, руҳий-информацион таъсир асосан қуйидаги усуллар орқали амалга оширилади:

- *дискредитация* – воқеанинг аҳамиятини пасайтириб бериш;
- *дезинформация* – ахборотнинг маъносини ўзгартирган ҳолда тақдим этиш;

- *туҳмат*;

- *эътиборни чалғитиш*;

- *фактларни манфаат учун бузиб талқин қилиш*¹.

Руҳий-информацион таъсир оммавий ахборот ва глобал коммуникация воситалари орқали амалга оширилади, У давлатнинг ички сиёсатига ишончсизлик уйғотиш, ички ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштириш, мухолиф кайфиятларни кўзғотиш, ҳаттоки исёнга ундаш каби салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Глобаллашган ахборот майдонида руҳий-информацион таъсир воситаларини тўлиқ чеклаш ёки назорат қилиш имконсиз, зеро, демократик бошқарув, фикрлар хилма-хиллиги бунга йўл қўймайди. Аслида тарқатилаётган ҳар бир ахборот қайта-қайта текширилган бўлиши лозим. Аммо реаллик бу саробни амалга оширишга йўл қўймайди. Шунинг учун муаммонинг бошқа ечимларини излаш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Булар:

биринчидан, ташқи таҳдид кучларига нисбатан муносабатни шакллантириш;

иккинчидан, фуқароларнинг билимини ва таҳлил қилиш маҳоратини ўстириш (оқни қорадан ажратиб олиш);

учинчидан, ахборот оқимида жамият ва давлат манфаатларига мос бўлган ахборотни одамлар тезроқ қабул қиладиган ва ишонадиган даражага олиб чиқиш;

тўртинчидан, миллий ОАВга ишончни ошириш;

¹ Ўша манба.

бешинчидан, ахборот бошқаруви ва технологиялари соҳасини малакали кадрлар билан таъминлаш¹.

Ривожланаётган мамлакатларнинг халқаро ҳамжамиятга интеграциялашувининг кучайиши улардан глобал ахборот майдонида ўз имижини яратишни талаб қилмоқда. Чунки глобаллашув инсон ҳаётини қанчалик шиддаткор қилмасин, ҳар бир миллатнинг ўзига хослиги, миллий қадрият ва анъаналарига содиқлиги, умуман, унинг миллат сифатида ўзлигини сақлаб қолишига жиддий таҳдид солади. Шунинг учун ҳам ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммолари бугун нафақат ривожланаётган, балки дунёнинг етакчи давлатларида ҳам муҳим аҳамият касб этади².

Шахснинг ахборот хавфсизлигига дахл қилганлик учун жавобгарлик нормаларини қўллаш ахборот хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Шу боисдан, мамлакатимизда 2007 йилда “Ахборотлаштириш ва маълумотлар узатиш соҳасида қонунга хилоф ҳаракатлар содир этганлик учун жавобгарлик кучайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинди³.

Ахборот хавфсизлиги жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлаши муҳим масаладир. Жамиятнинг ахборотга оид хавфсизлигига қуйидаги йўллар билан эришилади:

фуқаролик жамияти асослари ривожланиши, оммавий ахборот эркинлигини таъминлаш;

қонунга хилоф равишда ижтимоий онгга ахборот воситасида руҳий таъсир кўрсатишга, уни чалғитишга йўл қўймаслик;

жамиятнинг маънавий, маданий ва тарихий бойликларини, мамлакатнинг илмий ва илмий-техникавий салоҳиятини асраш ҳамда ривожлантириш;

миллий ўзликни англашни издан чиқаришга, жамиятни тарихий ва миллий анъаналар ҳамда урф-одатлардан узоқлаштиришга, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга, миллатлараро ва

¹ Интернетда ахборот хавфсизлиги. <https://nargis.uz/?p=197>

² Қосимова Н. Интернет журналистиканинг технологик асослари. Т.: 2012. – Б. 54-55 б.

³ Ўша манба.

конфессиялараро тотувликни бузишга қаратилган ахборот экспансиясига қарши ҳаракат тизимини барпо этиш”¹.

Шу билан бирга, ахборот хавфсизлигига эришиш йўллариغا қуйидагилар киради:

“ахборот соҳасидаги хавфсизликка таҳдидларга қарши ҳаракатлар юзасидан иқтисодий, сиёсий, ташкилий ва бошқа тусдаги чора-тадбирларни амалга ошириш;

давлат сирларини сақлаш ва давлат ахборот ресурсларини улардан рухсатсиз тарзда фойдаланилишидан муҳофаза қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ахборот маконига ва замонавий телекоммуникациялар тизимларига интеграциялашуви;

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳудудий яхлитлигини, суверенитетини бузишга, ҳокимиятни босиб олишга ёки қонуний равишда сайлаб қўйилган ёхуд тайинланган ҳокимият вакиллари ҳокимиятдан четлатишга ва давлат тузумига қарши бошқача тажовуз қилишга очикдан-очик даъват этишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишидан ҳимоя қилиш;

урушни ва зўравонликни, шафқатсизликни тарғиб қилишни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоват уйғотишга қаратилган, терроризм ва диний экстремизм ғояларини ёйишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишига қарши ҳаракатлар қилиш”².

Албатта, бу ишлар катта куч ва масъулиятни талаб қилади.

Сўнгги йилларда ижтимоий тармоқларнинг шиддат билан ривожланиши дунёни икки қисмга бўлиб юборди: *онлайн* ва *оффлайн*. Халқаро электр алоқаси иттифоқининг 2019 йил 5 ноябрдаги маълумотига кўра, дунёда 4,1 миллиард одам, яъни сайёрамиз аҳолисининг ярмидан кўпи интернетдан фойдаланмоқда ва бу кўрсаткич тобора ортиб бормоқда. Айни пайтда, дунёда юзлаб ижтимоий тармоқлар мавжуд, ҳар бири 10 миллиондан ортиқ аъзога

¹Ходжаев С. Ахборот хавфсизлиги тушунчаси. Сборник тезисов и докладов. Государственный комитет связи, информатизации и телекоммуникационных технологий РУз. ГУП “UNICON.UZ”. Центр научно-технических и маркетинговых исследований. Т., 29.10.2013. –Б.2-4.

² Ўша манба.

эга бўлган тармоқлар сони ҳам 20 дан ошади. Мазкур тармоқлардаги аккаунтларнинг умумий сони 6 миллиарддан кўпроқдир.

Тадқиқотлар ижтимоий тармоқлар фойдаланувчиларининг асосий қисмини 16 ёшдан 30 ёшгача бўлганлар ташкил этаётганини кўрсатмоқда. Бугунги ёшларнинг деярли барчаси ижтимоий тармоқларда фаол эканини инобатга оладиган бўлсак, бу тармоқларнинг қанчалик жиддий куч эканини тасаввур қилиш қийин эмас. Демак, бу борада улкан ташкилий-ҳуқуқий тадбирларни амалга оширишга зарурат кучаймоқда.

Маълумки, ижтимоий тармоқларда исталганча дўст орттириш, гуруҳларга аъзо бўлиш, улашилган ҳаволаларга кириб кўриш, тарқатилган материалларга лайк босиш, ўз қарашларини тарғиб қилиш имкониятлари мавжуд.

Ижтимоий тармоқларнинг қулай жиҳат ва имкониятларидан илм-фан, техника ва технологиялар, адабиёт ва санъат, жумладан, ҳуқуқ-тартибот тизимида ҳам фаол фойдаланилмоқда¹. Жумладан, ижтимоий медиа ҳуқуқ тарғиботи ва аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишнинг энг қулай, оммабоп воситаси эканини бугун ҳеч ким инкор этолмайди. Фақат бу воситадан фойдаланиш самарадорлигини оширишда унинг имкониятларини тўла ўзлаштириш, контентнинг қизиқарли ва жозибадорлигини ошириш, тарғибот материалларининг халқчил, оммабоп, осон тил ва усулда тайёрланишига эришиш лозим.

Бугун «YouTube», «Telegram», «Facebook», «Twitter» ва бошқа ижтимоий тармоқларда ҳуқуқий мавзудаги юзлаб гуруҳлар, бот ва каналлар, аккаунтлар фаолият кўрсатади. Уларнинг айримлари аллақачон юз минглаб обуначиларни тўплаб улгурган.

Ижтимоий тармоқлар ҳаётимизни анча осонлаштириш баробарида бизни ўзига янада кучлироқ жалб этмоқда. Улар ёрдамида мусиқа тинглаш, китоб ўқиш, суратлар томоша қилиш ва бошқа кўплаб ишларни бажариш мумкин. Ижтимоий тармоқ тилимиздаги ҳали оҳори тўкилмаган атамалар қаторидан чиқмаган бўлса-да, унинг

¹ Жабборов Р. Ижтимоий тармоқларда ҳуқуқий тарғибот: тавсиф, таҳлил ва тавсиялар. <https://huquqburch.uz/uz/izhtimoi-j-tarmo%D2%9Blarda-%D2%B3u%D2%9Bu%D2%9Bij-tar%D2%93ibot-tavsif-ta%D2%B3lil-va-tavsiyalar/>

илдизлари анча узоққа бориб тақалади. У ҳақидаги ибтидоий тасаввурлар бир қатор ёзувчиларнинг асарларида ҳам учрайди. Бунга Томас Мор, Герберт Уэльс, Жорж Оруэлл, Рей Брэдбери, Генри Слизар, Жанни Родари сингари адибларнинг асарларини мисол келтириш мумкин.

Бугунги замонавий блоглар, ижтимоий тармоқлар, интернет тизими рус ёзувчиси ва файласуфи Владимир Одоевскийнинг (1803-1869) «4338 йил» романида ҳам ўз аксини топган эди. 1837 йилда ёзилган ушбу асарда тасвирланган манзаралар нимаси биландир ХХІ асрни эсга солади. Унда тасвирланишича, турли уйлар ўртасида магнетик телеграф мосламалари ўрнатилган бўлиб, одамлар уйларида чикмасдан туриб ўзаро мулоқот қиладилар. Ушбу мосламалар орқали улар ўз оилаларида юз бераётган воқеа-ҳодисалар, жамиятдаги ўзгаришлар, кундалик масалалар юзасидан фикр алмашадилар¹.

Ўша пайтда ўқувчилар бу тафсилотларга шунчаки адибнинг тахайюли маҳсули, деб қарашган. Орадан бир ярим асрдан кўпроқ вақт ўтиб бу тахайюл ҳақиқатга айланиши ҳеч кимнинг тасаввурига сиғмаган бўлса керак.

«**Ижтимоий тармоқ**» атамасини 1954 йилда социолог Жеймс Барнс муомалага киритган бўлиб, ўша пайтларда унинг интернетга алоқаси бўлмаган ва унга шундай таъриф берилган: *«Ижтимоий тармоқ – ижтимоий объектлар ҳисобланадиган (одамлар ва ташкилотлар) тугунлар гуруҳи ва улар орасидаги алоқалар (ижтимоий муносабатлар)дан таркиб топган ижтимоий тузилмадир»*².

Оддийроқ қилиб айтганда, ижтимоий тармоқ – маълумотлар, бир тарафлама ёки икки тарафлама алоқаларга эга бўлган одамлар гуруҳидир.

1969 йилда интернет тармоғи пайдо бўлиши билан Жеймс Барнснинг назарияси долзарб аҳамият касб эта бошлади. Бу эса ўз

¹ Одоевский В. Ф. Повести и рассказы, ГИХЛ, 1959. Примечания Е. Ю. Хин No "Im Werden Verlag". Некоммерческое электронное издание. Мюнхен. 2006. <http://imwerden.de>. 4338-й год.

² Жеймс Барнс. Социальная сеть (социология). <https://ru.wikipedia.org/wiki/>

навбатида ижтимоий тармоқларнинг «халқаро ўргимчак тўри» янада кенг оммалашувига олиб келди.

Компьютер техникаси ёрдамида яратилган илк ижтимоий тармоқ 1971 йилга тегишли – унинг аъзолари ўша пайтларда муомалада бўлган ARPANET тизими орқали ўзаро маълумот алмашишган. Орадан 17 йил ўтиб, 1988 йилда финляндиялик олим Ярко Ойкаринен «IRC» – қайта трансляция қилинадиган интернет-чатга асос солди. Бу эса фойдаланувчиларга реал вақт давомида ўзаро мулоқотга киришиш имконини берди.

Бугунги кўринишдаги дастлабки ижтимоий тармоқ – Classmates.com илк бор америкалик Рэнди Конрадс томонидан тузилган. Унга дастлаб турли олий ўқув юртлари битирувчилари аъзо бўлишган. Бу тармоқ орқали кейинчалик ҳар бир битирувчи синфдош ва курсдошларини излаб топа оладиган бўлди. Бизда бир пайтлар анча оммалашган «Одноклассники» ҳам ушбу ижтимоий тармоқнинг русча кўриниши эди.

Айни пайтда оммалашган айрим ижтимоий тармоқ ва мессенжерларга қисқача таъриф бериб, уларда ҳуқуқий тарғиботни қандай юритишга доир тавсияларимизни берсак.

YouTube – фойдаланувчиларга видеомаҳсулотни сақлаб олиш, етказиб бериш ва кўриш имконини берувчи видеохостинг ҳисобланади. Фойдаланувчилар тармоққа чиқарилган видеолавҳаларга изох билдиришлари, баҳолашлари, сақлаб олишлари, бўлишишлари мумкин. 2012 йил январь ойида сайтга жойлаштирилган жами видеолавҳалар сони 4 миллиардга етган.

Бугунги кунда YouTube халқаро реклама бозоридаги энг йирик платформалардан биридир. *2019 йил якунларига кўра YouTube видеосервисидаги рекламадан тушган даромад 15,15 миллиард АҚШ долларини ташкил этди¹.*

Бу каналда иш юритиш ва кутилган натижаларга эришиш учун ижтимоий тармоқлардаги фаолликдан ташқари бошловчилик, режиссёрлик, журналистлик, продюсерлик маҳорати ҳам талаб

¹Жабборов Р. Ижтимоий тармоқларда ҳуқуқий тарғибот: тавсиф, таҳлил ва тавсиялар. <https://huquqburch.uz/uz/izhtimoiy-tarmo%D2%9Blarda-%D2%B3u%D2%9Bu%D2%9Bij-tar%D2%93ibot-tavsif-ta%D2%B3lil-va-tavsiyalar/>

этилади. YouTube саҳифаси орқали минглаб, юз минглаб мухлисларга эга блогерлар жуда кўп.

Ҳар бир интернет фойдаланувчиси деярли ҳар куни ҳуқуқий масалалар билан тўқнаш келади. YouTube эса бундай масалаларга ечим топишда муҳим платформа экани кўпчиликка маълум.

Шу билан бирга, YouTube видеоблог юритишнинг энг ишончли ва осон ҳамкорларидан бири саналади. Чунки YouTube ўз аъзолари сони ошишидан манфаатдор: намоиш этилаётган материаллар учун сиздан пул талаб қилмайди. Фақат бунинг эвазига сизнинг ушбу тармоққа жойлаган контентингиз орасида (агар обуначилар сони 10 минг кишидан ошса) ўз рекламаларини жойлаштиради ва бундан пул ишлаб олиш имкониятини ҳам тақдим этади.

YouTubeда бемалол йирик ҳажмдаги тарғибот фильмлари, видеороликлар, видеоблоглар, кўрсатувларни жойлаш мумкин. YouTube асосан видеоконтент учун мўлжалланган. Шу сабабли ундан интернет тезлиги юқори бўлган жойларда кўпроқ фойдаланишади¹.

Facebook бугунги кунда икки миллиарддан ортиқ аъзоси билан дунёдаги энг йирик ижтимоий тармоқ бўлиб турибди. У фойдаланувчилар учун ўзи ҳақида суратлар ва маълумотлар бериш, дўстларни таклиф қилиш, улар билан хабар алмашиш, ўзининг ва бошқаларнинг «девор»ларида хабар қолдириш, «тасма»да айланаётган суратлар ва материалларни изоҳлаш, турли соҳа ва қизиқишлардан келиб чиқиб гуруҳлар яратиш имконини беради.

Тармоққа 2004 йил 4 февраль куни Гарвард университети талабаси Марк Цукерберг ҳамда унинг сабоқдош дўстлари Эдуардо Саверин, Дастин Москевиц, Крис Хьюзлар асос солишган. Тармоққа дастлаб фақат Гарвард университети, кейинчалик Бостондаги бошқа олий таълим муассасалари ва ниҳоят АҚШнинг барча университетлари талабалари кира олишган бўлса, 2006 йилдан бошлаб электрон почтага эга бўлган бутун дунё интернет фойдаланувчилари бундай имкониятга эга бўлишган².

¹ Қосимова Н. Онлайн журналистика. Дарслик. –Т.: 2019. – 184 б.

²https://www.arendator.ru/articles/157134-facebook_mdash_odna_iz_samyh_populyarnyh_socialnyh_setej_v_mire/

Ўзбекистон шароитида Facebook орқали ҳуқуқий тарғибот материалларини тарқатиш яхши самара бериши мумкин. Facebook нафақат бирор маълумотни қолдириш, балки у ҳақда бошқаларнинг фикрини, изоҳларини ўрганиш учун ҳам анча қулай. Facebookдан бугунги кунда деярли бутун дунёда фойдаланилиши ундаги материалларни хориждаги ҳамюртларимиз билан ҳам бўлишиш имконини беради. Ҳар бир хабарга (пост) муносабат билдириш имконининг борлиги ҳуқуқий соҳадаги бирон-бир ўзгаришни жамоатчилик қандай қабул қилаётганини билишда муҳим ўрин тутаяди.

Постлар хатосиз, содда, аниқ ва тўғри бўлиши керак. Имкони борича инфографика, фотосурат, роликлардан фойдаланган маъқул. Чунки аксарият фойдаланувчилар воқеликни визуал қабул қилишни афзал кўради. Яъни, ўқишни эмас, кўришни хоҳлашади. Шу сабабли қайсидир қонун ёки қарор матнини саҳифага жойлаш ёки тегишли сайтга ҳавола (линк) бериш билан мақсадга эришиш қийин¹.

Тарғибот сўзи одамларни чўчитиб қўйиши мумкин. Шу сабабли одатда тарғибот имкон қадар енгил, халқчил, аҳоли осон ҳазм қиладиган даражада бўлиши керак. Қонун, қарор ёки фармондан тўғридан-тўғри иқтибос ёки кўчирма келтиришдан қочиш керак. Чунки бундай матнларни ҳуқуқий сайтлардан ҳам бемалол топса бўлады.

Инстаграм – ижтимоий тармоқлар ичида юлдузидир. Чунки бугун замонамизнинг барча юлдузлари ўша ерда. Балки шу сабаблидир, инстаграм контингенти бугун ижтимоий тармоқлар орасида энг шиддат билан ўсаётган тармоқдир. У ерда реклама ва тарғибот катта масшабли, салмоқли ва самарали бўлиши мумкин. Фақат инстаграмни тўғри юритишни ва у ернинг «аҳолиси» қизиқишларини ҳисобга олган мос контент тақдим қилишни билиш керак.

Инстаграмга олдинроқ кирганнинг ошиғи олчи, уларни кузатувчилар аудиторияси аллақачон шаклланган ва содиқ. Янги

¹Жабборов Р. Ижтимоий тармоқларда ҳуқуқий тарғибот: тавсиф, таҳлил ва тавсиялар.<https://huquqburch.uz/uz/izhtimoij-tarmo%D2%9Blarda-%D2%B3u%D2%9Bu%D2%9Bij-tar%D2%93ibot-tavsif-ta%D2%B3lil-va-tavsiyalar/>

иштирокчи сифатида кириб бориб бирданига бундай муваффақиятга эришиш анча мушкул вазифа. Чунки рақобатчилар етарли, муштарийлар сони эса чекланган (инстаграмда уларни фолловерлар деб аташади). Лекин эпласа бўлади, айниқса ўзбек тилида юритиладиган ҳуқуқий мавзудаги инстаблоглар деярли йўқлигини ҳисобга олсак.

Хўш, ишни нимадан бошлаш керак? Қандай қилиб инстаграмга ҳуқуқий мазмундаги контентни тайёрлаш ва уни имкон қадар кенгрок аудиторияга тарқатиш мумкин? Аудитория билан мунтазам мулоқот қандай амалга оширилади? Инстафолловерларнинг эътиборини қандай қозониш мумкин? Одамларга таъсир ўтказиш – тарғиботчи учун жуда муҳим, зарур сифат. Аммо ижтимоий тармоқда обуначилар билан яқин, самимий алоқа ўрнатмай туриб, инфлюенсер бўлиш, яъни омманинг фикрига таъсир ўтказиш ва уни эргаштириш мумкин эмас. Ўқувчиларингиз сизни шунчаки ўқишлари кифоя эмас, улар сизга ишонишлари керак.

Инстаграмнинг бошқа ижтимоий тармоқлардан фарқи шундаки, унда маълумотлар асосан позитив йўсинда тақдим қилинса яхши оммалашади. Чунки инстаграм кўпинча гўзал, муаммосиз, ёрқин ҳаётни кўрсатадиган тармоқ.

Twitter сўзи инглизча tweet (чуғурлаш, вижирлаш, сайраш) сўзидан олинган бўлиб, сайровчи, бидирловчи, вижирловчи каби маъноларни англатади. Ушбу ижтимоий тармоқда жойланган материаллар, маълумотлар, постлар «твитлар» деб аталади.

2011 йилда бу ижтимоий тармоқ аъзолари сони 200 миллион киши эди, 2019 йил февраль ойида уларнинг умумий сони 320 миллиондан ошди. 2009 йил август ойидаги тадқиқот натижаларига кўра Twitter тармоғидаги жами хабарларнинг 41 фоизини дунёдаги ўзгаришлар билан боғлиқ мунозаралар, 38 фоизини оддий сўзлашувлар, 9 фоизини ретвитлар (такрорланган «твит»лар) 6 фоизини ўз-ўзини реклама, 4 фоизини спамлар ва фақат 4 фоизини янгиликлар ташкил қилган. 2017 йилдан бошлаб Twitterдаги ҳар бир хабар ҳажми 280 та белгигача оширилди¹.

¹Ўша манба.

Мамлакатимизда Twitter фойдаланувчиларининг аксарият қисмини зиёли қатлам вакиллари ташкил этади. Аммо секин-аста бошқа тармоқлар қатори оммалашиб бормоқда.

Эътибор қилган бўлсангиз, кўпгина йирик ахборот агентликлари, телеканаллар ва сайтлар машҳур сиёсатчилар, давлат раҳбарлари, кино ва эстрада юлдузларининг Twitterдаги саҳифаларидан бирламчи манба сифатида фойдаланадилар. Чунки машҳур инсонлар ўзларининг аниқ, лўнда фикрларини ифодалашда Twitter имкониятларидан кенг фойдаланишади.

Ҳукуқий тарғиботда қисқалик ва аниқлик муҳим ҳисобланади. Айрим қонун ва қарорлардаги узундан-узоқ, мураккаб жумлалар Twitter учун хос эмас. Шу сабабли Twitterга мўлжалланган тарғибот материаллари имкон қадар қисқа ва тушунарли бўлса, кўпчиликка манзур бўлади.

Telegram – бугунги кунда энг кенг тарқалган мессенжерлардан бири. Россиялик дастурчи ва тадбиркор Павел Дуров томонидан 2011 йилда яратилган. Дастлаб ВКонтакте ижтимоий тармоғига асос солган ёш миллиардер Павел Дуров акаси Николай билан яширин ёзишмаларни амалга ошириш учун янги мессенжер яратади. Кўп ўтмай бу мессенжер катта тезликда оммалашиб кетади.

Telegram мессенжери бугунги кунда 420 миллиондан ортиқ фаол фойдаланувчига эга. Бу мессенжердан асосан МДХ ва Болтиқбўйи мамлакатлари, Эрон, Афғонистон, Малайзия сингари давлатлар аҳолиси кенг фойдаланилади.

Дастлаб фақат ёзишмалар ва хабар алмашиш мақсадида ташкил этилган мессенжер йил сайин ўз имкониятларини кенгайтириб келмоқда. Ҳозир Telegram тармоғида ташкил этилган минглаб каналлар ахборот етказишдаги муҳим манбалар қаторидан ўрин олмоқда. Телеграм-гуруҳлар турли мақсадларда бирлашган жамоа аъзоларининг оммавий фикр алмашиши учун энг ишончли воситалардан бирига айланган. Турли корхона ва ташкилотлар учун жамоатчилик билан ишлашда автоматик тарзда фаолият кўрсатадиган телеграм-ботлар катта ёрдам бермоқда.

Мамлакатимизда Telegram мессенжери онлай-мулоқотнинг энг қулай воситаси саналади. Айни пайтда Ўзбекистон аҳолисининг 70 фоизидан ортиғи ушбу тармоқ хизматларидан фойдаланади. Бошқа ижтимоий тармоқлар ва мессенжерлардан фарқли ўлароқ, Telegramнинг қамрови кенг. Бу иловадан фойдаланадиганлар орасида турли ёшдагилар, ҳар хил қизиқиш ва касб-кор эгаларини учратиш мумкин¹.

Юртимизда телеграм-каналлар ахборот тарқатишнинг энг қулай ва тезкор воситасига айланиб улгурди. Бугунги кунда kun.uz, daryo.uz сингари телеграм каналларнинг ҳар бири миллиондан ортиқ ўқувчисига эга. Шунингдек, кўпгина блогерлар ҳам ўз блогларини асосан Telegram тармоғидаги каналлар орқали юритишни афзал кўришмоқда.

Бундай телеграм каналлар орасида ҳуқуқий тарғиботга йўналтирилганлари ҳам анчагина. Улар қаторида Адлия вазирлигининг Huquqiy axborot телеграм каналини алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин.

Кузатишлардан шу нарса маълум бўлмоқдаки, телеграм фойдаланувчилари қисқалик, аниқликни ёқтиришади. Шу боис бу тармоқда ҳуқуқий мавзудаги хабарлар қисқа, тушунарли, содда, аниқ ва лўнда бўлиши лозим.

Телеграм-гуруҳлар ҳам бугунги кунда Ўзбекистон медиамаконида энг асосий ахборот манбаларидан бири бўлиб қолмоқда. Унинг телеграм-каналдан фарқи гуруҳ аъзоларининг ҳар бири ўзи тайёрлаган ёки бошқа манбалардан олган маълумотларини эълон қилиши мумкин. Албатта, гуруҳда ҳар хил савиядаги, ҳар хил қарашдаги инсонлар бўлиши табиий. Шу боис уни мавзу жиҳатдан бошқариш, материалларни муайян «фильтр»дан ўтказиш имкони йўқ. Шундай бўлса-да, гуруҳ аъзолари фикрлар оқимини йўналтириб туриши мумкин.

TikTok. Бу ижтимоий тармоқ 2016 йилда Хитойда «ByteDance» компанияси томонидан ишга туширилган бўлиб, асосан қисқа видеотасвирлар платформаси ҳисобланади. У дастлаб Хитойда ички

¹ Ўша манба.

фойдаланиш учун «Доуинь» номи билан очилган, кейинчалик халқаро бозор учун TikTok номи билан чиқарилган.

2019 йилда мазкур компания TikTok дастури орқали 300 миллион АҚШ доллариға яқин маблағ тўплаган. 2020–2021-йилларда компания миллиардлаб доллар фойда кўриши тахмин қилинмоқда¹.

Мазкур дастур контентини асосан мемлар, кўшиқлар, лабларни синхронлаш, комик видеолар ташкил қилса-да, айти пайтда ундан реклама, ижтимоий роликлар, ҳуқуқий тарғибот мақсадларида ҳам кенг фойдаланилмоқда. Ўзбекистон ёшлари орасида ҳам ниҳоятда оммалашиб бораётган бу ижтимоий тармоқдан йигит-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда унумли фойдаланиш мумкин. Бунинг учун эса TikTokдаги ёшлар нимага кўпроқ қизиқиш билдираётганини ўрганиш зарур.

TikTok қисқа видеолавҳалар, суратлар билан анча машҳур. Шу боис ушбу тармоқ орқали ҳуқуқий мавзудаги видеороликларни тарқатиш мумкин. Хусусан, бу платформада ёш йигит-қизлар иштирокидаги енгил, юморга йўғрилган, содда ва қизиқарли кўринишда қисқа роликлар, савол-жавоблар, инфографикалар тарқатиш самара беради².

Бизга маълумки, Ўзбекистонда TikTok, Twitter ва «ВКонтакте» ижтимоий тармоқлар фаолиятига чеклов қўйилганидан сўнг, VPN дастурига талаб бирданига ортди. Сўнгги марта бундай ҳолат 2018 йилнинг кузида, Facebook ва YouTube блокланганида кузатилган эди.

App Annie мобил таҳлил хизмати маълумотларига кўра мобил VPN нинг оммалашуви Ўзбекистонда кескин ўсди, дея хабар бермоқда Spot. VPN дастурлари App Store да биринчи иккита ўринни эгалламоқда:

Google Play да ТОП-3 та га кирди:

2021 йил 2 июль куни Ўзбекистонда TikTok, Twitter ва «ВКонтакте» ижтимоий тармоқлари фаолияти вақтинчалик чеклангандан сўнг, VPNларга қизиқиш ортди (бунга мамлакат

¹ Қосимова Н. Интернет журналистиканинг технологик асослари. –Т.: 2012. Б.74.

² Ўша жойда.

ташқарисида бўлган ўзбекистонликларнинг шахсий маълумотларини сақлаш ва қайта ишлаш сабаб бўлган)¹.

Мазкур ҳолатни динамикадан ҳам кўриш мумкин - ижтимоий тармоқларнинг чекланишидан олдин VPN дастурлари ҳатто ТОП-50 га ҳам кирмаган:

“Сўнгги марта VPN дастурларини бундай катта юклаб олиш кўрсаткичлари 2018 йилда, Facebook ва YouTube мамлакатда блокланганида кузатилган эди.

Ижтимоий тармоқларга чекловлар ўрнатилгандан сўнг, турли хил Telegram-каналларда Ўзбекистонда VPN`дан фойдаланганлик учун жиноий жавобгарлик борлиги тўғрисида маълумотлар тарқалган. Аммо бу ундай эмас.

2018 йилда ҳақиқатан ҳам жавобгарлик жорий этилган эди, аммо телекоммуникация тармоғига ноқонуний кириш учун — бу VPN билан ҳеч қандай алоқаси йўқ. Шундан сўнг, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги мазкур фарқни батафсил баён қилган эди.

Наманган вилояти ҳокими Шавкатжон Абдураззоқов 2019 йил 3 июль куни ёшлар кўпроқ китоб ва газеталарни ўқишлари учун ижтимоий тармоқларни бир ойга ёпишни таклиф қилди. Ўз навбатида, депутат Расул Кушербаев ахборот асрида ижтимоий тармоқларни чеклашни кулгили ва абсурд қарор деб атади.

2019 йил ёзида ўша пайтдаги Президент Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг директори Комил Алламжонов Alter Ego лойиҳасига берган интервьюсида YouTube и Facebook`га чекловлар қўйганлар энди «қамокда» эканликларини таъкидлаган. Унинг сўзларига кўра, шу йўл билан улар салбий маълумотлар оқимини камайтиришга ҳаракат қилишган. Комил Алламжонов таъкидлашича, интернетни ўчириб қўйиш орқали ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Бундан ташқари, VPN`ларнинг тобора оммалашиб бориши кўплаб керак бўлмаган

¹ Ўзбекистонда ижтимоий тармоқлар фаолияти чекланганидан сўнг мобил VPN бирданига оммалашди <https://www.gazeta.uz/uz/2021/07/05/vpn/>

манбаларга кириш имкониятини очади ва шу билан хавфсизлик тизимларини йўқ қилади”¹.

Бугун интернет маконида ижтимоий тармоқлар, мессенжерлар жуда кўп. Уларнинг барчасидан бирдек фойдаланишнинг эса имкони йўқ. Аммо ҳар бирининг ўзига яраша қулайликлари, аудиторияси борлигини ҳисобга олиб, уларнинг ҳар биридан хабардор бўлиш, аудитория билан ишлаш, имкониятларидан халқимиз, юртимиз манфаатлари йўлида фойдаланиш айтиш мумкин бўлар эди.

Бугунги замон шиддати ҳаётимизни интернет ёки ижтимоий тармоқларсиз асло тасаввур этиб бўлмаслигини намоён этаётир. Аксарият одамларнинг фаолияти интернет, ижтимоий тармоқлар ва телеграм каналлари орқали дунёда содир бўлаётган кундалик янгиликлардан хабардор бўлиш, уларни бир-бирига узатиш билан боғлиқ.

Мамлакатимиз ва дунё миқёсида содир бўлаётган ўзгаришлар, воқеа-ҳодисалар, янгиликлар тўғрисидаги маълумотлар барча ижтимоий тармоқларда акс этиб борапти. Бу янгиликлардан хабардор бўлишда эса интернет тизими, мобиль телефонлар ва компьютер технологияларидан фойдаланиш анча қулай ҳисобланади. Бундан ташқари, ўзаро маълумот алмашиш ёки бирор воқеа-ҳодисага муносабат билдириш, ўз фикрини баён этиш ёки ўзаро мулоқот қилишда ижтимоий тармоқлар жуда қулай воситадир.

Буларнинг бари ижтимоий тармоқлардан фойдаланувчилар учун ўз фикрлари, қарашлари ва туйғуларини баён қилишда тенгсиз имконият эканлигини кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам ижтимоий тармоқлар ҳар қандай ёшдаги одамни бемисл даражада ўзига «мафтун» қилиб туради.

Аксарият ёшлар ўзларининг қимматли вақтларини беҳуда сарфлаб, ижтимоий тармоқлардан кун бўйи фойдаланишади. Шу тариқа, улар деярли барча ахборотга эга бўлишади ва ўз дунёқарашидан келиб чиқиб, у ёки бу масалага муносабат билдиришади. Бироқ билдирилган муносабатларнинг барчасини савияли, яъни маънавийатли кишиларнинг фикри, деб бўлмайди,

¹ Ўша манба.

албатта. Айниқса, бугунги кунда етарли билим ва кўникмаларга эга бўлмаган кимсалар ҳам тўғри ё нотўғрилигини ўйлаб ўтирмасдан, ижтимоий тармоқларда тарқатилган ҳар қандай маълумот юзасидан ёхуд баъзи масалаларга билим ва салоҳияти етадими, йўқми, бундан қатъи назар, ўз фикрини билдиришади. Ёки ўзларининг ёзган «асарлари» ё «мақола», «хабар», «шеър»ларини ижтимоий тармоқларга жойлаштириб, бир-бирларини кўкларга кўтариб макташади.

Қизиғи шундаки, баъзи одамлар аслида шу ишни қилиш керакми, йўқми, деган иштибоҳга ҳам бормайди. Ижтимоий тармоқларда ҳавола этиладиган маълумотларни «безаб турган» ғализ жумлалар ҳамда имловий хатолар ўша тармоқ фойдаланувчисининг савияси қай даражада эканлигини кўрсатиб туради. Бу эса ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларида ҳам афсусланиш, ачиниш ҳолатларини келтириб чиқаради¹. Баъзида эса ижтимоий тармоқлар орқали ҳавола этилаётган асоссиз ва савиясиз маълумотларнинг санаб адоғига ҳам етиб бўлмайди.

Айниқса, ижтимоий тармоқларда шундай гуруҳлар пайдо бўлганки, фойдаланувчилар бир-бирини мактаб кўкка кўтаришлари, шунингдек, кимларнингдир номини лойга чаплашлари оддий ҳолга айланиб бормоқда. Ғийбат улар учун оддий ҳолга айланган. Баъзи кимсалар эса ижтимоий тармоқдан ўзларига ёқмаган одамларнинг обрўсини тўкиш, ерга уриш, бунинг учун бор имкониятидан фойдаланишга ҳаракат қилишади. Ижтимоий тармоқларни назоратга олиш имконияти йўқлиги боис, унда ҳар қандай ишни қилиш мумкин, деб ўйлашади. Эркин фикр айтиш имкониятидан шундай йўллар билан фойдаланиш мумкин деганлар, савиялари қай даражада эканликларини катта аудиторияга шундай йўллар билан ошкор қилишади. Шу сабаб кўпчилик бу тармоқларни ёқтиришмайди. Лекин шунга қарамай, статистик маълумотларга назар солсак, дунё ёшларининг 96 фоизи ижтимоий тармоқлар воситасида ўзаро мулоқотга киришишмоқда².

¹ Мусаев М., Улуғов А. Ижтимоий тармоқ: Ундан сиз қандай фойдаланасиз?. <https://iiv.uz/oz/news/ijtimoiy-tarmoq-undan-siz-qanday-foydalanasiz>

² Ўша манба.

Инсон онги, қалби ва руҳиятига тазйиқ ўтказишга ҳаракат қилаётган ғаразли кучлар ахборот хуружларини амалга оширишда энг таъсирчан воситалар сифатида интернет тизими ва ижтимоий тармоқлардан самарали фойдаланишмоқда. Айни пайтда интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали тарқатилаётган миллий маънавиятимизга ёт ғоялар ва ахборот хуружларининг ёшлар томонидан қабул қилинаётганлиги ва унинг оқибатлари кишини ташвишга солмоқда.

Қайд этиш жоизки, «оммавий маданият» намоён бўлиш хусусиятларига кўра, тил, дин, эътиқод, ирқ, макон, халқ ва миллат танламайди. У жамиятнинг маданий ва эстетик қадриятларига раҳна солиш орқали ижтимоий муносабатларда инсонпарварлик тамойилларини бузади. Зеро, ижтимоий тармоқлардан фойдаланишда, албатта, барчамиз медиа хавфсизлик ҳақида, Ғарб давлатлари олиб бораётган мафкуравий кураш турлари ҳақида маълумотга эга бўлишимиз ва буни ёшларга ўргатишимиз лозим¹.

Давлат статистика қўмитаси маълумотига кўра, “Ўзбекистонда бугунги кунда 35 миллион аҳоли бўлса, 27,2 миллиондан ортиғи интернет хизматида фойдаланади. Интернет катта ахборот манбаи бўлиб, у орқали исталган маълумотни топиш мумкин. Умуман олганда, интернет ҳамда ижтимоий тармоқлар ҳаётимизнинг ажралмас бўлагига айланиб улгурган.

«Дарё» пойтахтликларнинг бир кунда ижтимоий тармоқларга неча соат вақт ажратиши борасида кичик сўровнома ўтказибди. Сўровномада иштирок этганларнинг кўпчилиги ижтимоий тармоқларда фаол эканини айтди. Ёши катта қатлам бир кунда ижтимоий тармоқ учун 2-3 соат вақт сарфлашини таъкидлаган бўлса, ёшлар 8-9 ва ундан ҳам кўпроқ вақт интернетда ўтказишини айтади. Шунингдек, интернет хизматларидан мутлақо фойдаланмасликларини айтганлар ҳам бўлди»².

Ижтимоий тармоқлар орқали инсон онги ва дунёқарашини ўзгартириш мақсадида ғоявий, мафкуравий таъсир ўтказиш,

¹ Ўша манба.

² Ижтимоий тармоқларга қанча вақт сарфлайсиз? “Дарё”да кичик сўровнома. <https://daryo.uz/k/2022/07/07/ijtimoiy-tarmoqlarga-qancha-vaqt-sarflaysiz-daryoda-kichik-sorovнома/>

дизинформацион ахборот тарқатиш каби ҳолатлар, айниқса, хушёрликни талаб этмоқда. Ахборот хуружида инсон онги, миллат руҳияти нишонга олинади. Аслини олганда, ахборот хуружларини амалга оширишда, аввало, инсон онги ва қалбини забт этиш орқали мафкуравий таъсир ўтказиш ғояси ётади. Мазкур ҳолат давлатларнинг барқарорлигига раҳна солиб, миллатнинг тарихан шаклланган кадриятлари, унинг ўзига хослиги, миллат ва халқ сифатида яшаб қолишини хавф остига қўяди. Ижтимоий тармоқлар орқали ғоявий-мафкуравий таҳдид сифатида намоён бўлаётган ёвуз ва бузғунчи ғоялар таъсирини ўз вақтида англаш, улардан доимо огоҳ бўлиш бугунги куннинг долзарб вазифаси эканини ҳар бир юртдошимиз, биринчи навбатда, ёш авлод вакиллари чуқур англаб етишлари лозим бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «... биз фарзандларимизнинг онги, дунёқараши асрлар давомида синовдан ўтган, юксак маънавият хазинаси бўлган жаҳон ва миллий адабиётимиз асосида эмас, балки қандайдир шубҳали, зарарли ахборотлар асосида шаклланишига бепарво қараб туролмаймиз»¹. *Бинобарин, бугунги давр биздан дунё миқёсида бўҳтон ва уйдирмаларни тарқатиш орқали ёшларимизни алдаб, ўз қармоғига илинтиришга интилаётган ижтимоий тармоқлардаги турли салбий ҳолатларга ҳеч қандай имкон бермаслигимизни талаб этмоқда. Зеро, миллий маънавиятимизни асраш орқали ёшларимизни она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаб, ўз халқига, юртига бўлган муҳаббатини ошириш асосий вазифамиздир.*

Шу ўринда халқаро тажрибалардан келиб чиқиб ҳамда ёшларнинг Интернетнинг салбий таъсирига дуч келишларини ҳисобга олган ҳолда, Ёшларни Интернетнинг салбий таъсиридан ҳимоя қилишга оид режа ишлаб чиқишга зарурат ошмоқда. Ушбу сиёсий жараёнда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. –Т. : Ўзбекистон, 2017. –Б. 247.

– халқаро тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда «Интернет тармоқлари орқали ёшлар маънавий дунёсига салбий таъсир қилувчи ахборотларни олдини олиш тўғрисида»ги қонунни ишлаб чиқиш;

– давлат органларининг веб-сайтларини ривожлантириш, фойдаланувчи учун қулай шаклда интерактив хизматларни тақдим этиш. Миллий-ижтимоий тармоқларни шакллантириш ва ривожлантириш;

– матнли ва аудиовизуал материалларни бирлаштирувчи ягона ахборот ресурс майдончасини мустаҳкамлаш;

– миллий ижтимоий тармоқларга тажрибали педагоглар, маданият ва санъат вакиллари, ёзувчилар, эстрада юлдузларини жалб қилиб, уни оммалаштириш;

– Интернет провайдерлар механизмининг даражасида «қора рўйхат»ларни шакллантириш, салбий маълумотлардан иборат бўлган веб-сайтларни блоклаш;

– салбий маълумотлардан иборат бўлган Интернет ресерсларини беркитишга имкон берувчи дастурлар ишлаб чиқиш ва тарғиб этиш;

– давлат ва жамият тизимлари ва ўқув муассасаларини ушбу лойиҳага жалб этиш ва бирлаштириш;

– болаларни салбий маълумотлардан ҳимоя қилишга бағишланган ҳужжатли дастурлар ва роликлар яратиш;

– болаларни салбий маълумотлардан ҳимоя қилишга йўналтирилган маълумотларни электрон ОАВда жойлаштириш;

– ушбу муаммога бағишланган конференциялар, форумлар, семинар-тренинглар, давра суҳбатларини доимий ўтказишдан иборат.

2.3.3. Сиёсий етук шахснинг ижтимоийлашуви

Шахс – сиёсатнинг асосий объекти, мезони ва омили. У сиёсатни яратади, бир вақтнинг ўзида сиёсатнинг субъекти ва объекти сифатида майдонга чиқади, сиёсат шахсга нисбатан йўналтирилган бўлади. Шахс сиёсатнинг, сиёсат эса, ўз навбатида, инсон кундалик ҳаётининг бир қисмидир. Ҳатто *шахс сиёсат билан шугулланмаган тақдирда ҳам, сиёсат шахс билан шугулланади.*

Шахс ва сиёсатнинг ўзаро муносабатлари асосан ижтимоий нормалар билан тартибга солинади. Инсон ўзи билмайдиган йўл-йўриқларга бўйсунишга мажбур бўлса, шахснинг фуқаролик мажбурияти ҳақида ҳеч қандай гап бўлиши мумкин эмас. Уни фармон чиқариб, ҳукумат комиссияси тузиб ёки телекўрсатувларнинг жамоавий томошасини уюштириб сингдириб бўлмайди. Авваламбор, мамлакатда шахснинг талабларига жавоб берувчи сиёсий ҳаёт мавжуд бўлиши лозим. Аммо бу ўринда дарҳол «сиёсий ҳаёт» ва умуман «сиёсат»нима деган савол туғилади.

Ўрта асрларда «сиёсат» ва «бошқарув» тушунчалари асосан бири-бирига мос келган. Сиёсатни подшога, ҳозирги кунда эса давлат хизмати ва бошқарувига қиёслаш ўша даврдан қолган. Бошқарув қоидалари қонунларга айлантирилган, бунинг натижасида ҳуқуқнинг сиёсатдан ажралиши содир бўлган. Аммо энди алоҳида шахс эмас, балки маълум ижтимоий институтлар – оила, жамоа, ҳарбий қўшилма (дружина), черков ва, ниҳоят, давлат бошқарув объектини ташкил этган. Давлатнинг ўзи подшо шахсига тенглаштирилган, бу Людовик XIV нинг «Давлат бу –Мен!» деган иборасида ўзининг яққол ифодасини топган.

XVIII асрдан аввал Европа ва Америкада, сўнг Осиё ва Африкада давлат ва сиёсатга нисбатан бошқача қараш юзага келди. У фуқаролар тотувлигининг тимсоли бўлган ўзини ўзи бошқарувчи шаҳар – антик полисга бориб тақалади. Шаҳарликлар барча оммавий ишларни ўзаро келишиб ҳал қилардилар. Ўзаро тенг ҳуқуқли фуқароларнинг мана шу ўзини ўзи бошқаруви «сиёсат» номини олган. Бундай қараш давлатни ўзини ўзи мустақил бошқарувчи тизим деб идрок этади ва унинг суверенлигини назарда тутди. Шу асно сиёсатга одамларни юқоридан туриб бошқариш санъатидан ҳам кўра кўпроқ фуқароларнинг манфаатларини мувофиқлаштириш санъати деб қарала бошланди. Бу ўринда бошқалар билан бирга ўзи учун ҳам қонунлар ўрнатувчи ва уларни ижро этиш учун оммавий ҳокимиятни сайловчи фуқаронинг шахси сиёсатнинг асосий субъектидир. Бу эса, ўз навбатида, бундай шахсда тегишли сиёсий маданиятнинг мавжудлигини назарда тутди.

«Шахснинг сиёсий маданияти» – мураккаб, кўп қиррали тушунча. Унинг негизида инсоннинг умумий маданияти ётади. Шахснинг сиёсий маданияти идеаллар ва, умуман, қадриятлар, тегишли билимлар ва кўникмалар, ҳатто сиёсий ҳис-туйғулар мажмуини ўз ичига олади.

Шундай қилиб, сиёсий маданият – шахснинг умумий маданияти ва маънавий оламининг таркибий қисмини ташкил қилади. У фуқаронинг сиёсий хулқ атворини белгилайди. Шахснинг психологик ҳолати ва унинг маданияти даражасини фарқлаш лозим. Одатда, сиёсий маданиятнинг баланд, ўрта ва паст даражаси тафовут қилинади. Саводсиз одамлар, люмпенлашган ва қуйи қатламлар, умумий қоидага кўра, сиёсий ҳаётда иштирок этмайдилар. Нормал шароитда, барқарор вазиятда кундалик сиёсий ҳаётда фуқароларнинг 4-10 % қатнашади, холос. Қолганлари сиёсатда онда-сонда, одатда сайловолди кампаниялари ва референдумлар пайтида иштирок этади.

Шўро тузуми даврида шахс давлат тазйиқи остида яшар эди. Шунинг учун ҳам бизда боқимандаликка асосланган ҳамда Ўзбекистонда демократик жамият қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга ҳалақит бераётган патерналистик сиёсий маданиятнинг таъсири сезилади.

Мамлакатимиз ўз ривожланишида вакиллик демократияси йўлини тутмоқда. Бу борада, бир томондан давлатчиликни мустаҳкамлашга қонуний интилиш; иккинчи томондан, фуқаролик жамияти функцияларини давлат функциялари ҳисобига кенгайтириш тамойили намоён бўлмоқда.

Бизнинг фуқаролик жамиятимиз эндигина шаклланмоқда, Фарбда носиёсий воситалар ва институтлар билан ҳал қилинувчи кўпгина масалалар ва зиддиятлар бизда ҳали сиёсийлашган мазмунини йўқотганича йўқ. Шундай қилиб, фуқароларнинг моддий таъминланганлиги, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари масалалари, муайян вазиятга қараб, сиёсий муаммоларга мансуб бўлиши ёки мансуб бўлмаслиги мумкин.

Хўш, Ўзбекистон тадрижий тараққиёт йўлидан муваффақиятли бориши учун шахс сиёсий маданиятининг қайси ўзига хос жиҳатлари

қарор топиши талаб этилади? Бизнингча, бу йўл «бошқа»ни, «ўзга»ни тушуниш маданиятини, бағрикенглик, озчиликнинг фикрини ҳурмат қилиш маданиятини, музокара маданиятини, келишиш, фуқаролар тотувлиги ва хайрихоҳ тарзда ҳамкорлик қилиш маданиятини талаб этади.

Ўзбекистон жамияти шароитида фақат хилма-хил музокара жараёнларини ўз ичига олувчи сиёсий маданият одамларни жипслаштира олади. Аммо ўзаро ишонч бўлмаса, миллий тотувлик ва келишувга эришиш қийин кечади. Ўз навбатида, ҳамкорлик муносабатлари, ижтимоий муносабатларнинг очиқлиги ва ошкоралиги маълум демократик тартиблардан фойдаланишни назарда тутди.

Шахснинг сиёсий ижтимоийлашуви унинг сиёсий ўсиши, сиёсат дунёсига кириши ва ҳокимият муносабатларига қўшилиши жараёни демак.

Ижтимоийлашув деганда, инсоннинг айти сиёсий тизимга мослашиш ҳамда маълум сиёсий функциялар ва ролларни бажариш учун зарур хислатларнинг шаклланишига ёрдам берувчи сиёсий маданият нормалари ва анъаналарини ўзлаштириш жараёни тушунилади.

Шахснинг сиёсий ижтимоийлашуви вазифалари:

– жамият сиёсий тизими, унинг нормалари, кадриятлари ва муносабатларини такомиллаштириш жараёнига шахснинг кенг жалб этиш;

– сиёсий маданият нормаларида ўз аксини топган сиёсий тажрибани янги авлодларга ўтказиш;

– шахсий фаолият ҳисобига янги сиёсий билимлар олиш, янги сиёсий тажрибани ўзлаштириш (уни шахснинг фаолиятига сингдириш).

Сиёсий ижтимоийлашув – сиёсат сари бир томонлама, изчил юксалиш эмас, Бунда кимдир фаол, кимдир пассив бўлади, кимдир эса сиёсатдан узоқроқда бўлишни маъқул кўради.

Сиёсий ижтимоийлашувнинг шартлари ва омиллари қуйидагилар:

1) шахс хислатларининг шаклланиши жараёнига билвосита таъсир кўрсатувчи ташқи объектив шартлар ва омиллар (тарихий вазият, иқтисодий вазият);

2) кенг ижтимоий муҳит (ижтимоий сиёсий онг ва жамиятни уюштириш);

3) бевосита ижтимоий-сиёсий муҳит (муайян вазият, шахсни куршаган муҳит);

4) шахснинг биогенетик ва психологик хусусиятлари;

5) табиий-жуғрофий шароитлар;

6) ижтимоий аҳвол (шахснинг мақоми).

Аммо шу билан бирга, бугунги кунда шахс дунёқарашига салбий таъсир кўрсатаётган ва ижтимоийлашувига халақит бераётган интернет таъсири ҳақида ҳам тўхталиб ўтишга тўғри келади. *Юртимизга оломонча маданият асосан интернет тармоғи орқали кириб келмоқда.* Бу ҳол одоб-ахлоқ, миллий ва диний қадриятларга ҳурмат пасайиши каби кўплаб нохушликларни келтириб чиқаряпти. Ёшларнинг ҳаёсизларча кийиниши, таналарига расм чиздириши, қулоқ ва бурунларини тешиб, “зирак” тақиб олишлари, қиз болаларнинг ўғил болаларга ўхшаб кийиниши каби “мода” унсурлари айнан интернет орқали ёйилаётгани аниқ¹.

Глобал ахборот тизимидаги хабарларни “филтрсиз” қабул қилиш оқибатида ёшлар онги заҳарланмоқда. Масалан, бирор керакли маълумотни олиш мақсадида сайтга кирган ёшларнинг “фалончи машҳур шахс ҳалокатга учради” каби шов-шувли эълонга кўзи тушади ва беихтиёр уни очади. У ерда эса яна бир сайт очилади ва унда алдамчи хабарларнинг давомини ўқийди. Шу тариқа ғўр ёшлар ғаламисларнинг тузоғига илинади.

Интернетдаги ғоявий тузоқлар гўё маданиятга ўхшаши ва ёшларга мойдек ёқиши билан ҳам хатарлидир. Инсоний ахлоқда терс оломонча маданият айрим ёшлар онгига чанг солиб, маънавият кушандасига айланмоқда. Ачинарлиси, мазкур “маданият” таъсирига

¹ Нарзуллаев О. Ёшларни интернетдаги ахборот хуружлари ва мафкуравий таҳдидлардан асраш.<http://fitrat.uz/yoshlarni-internetdagi-ahborot-huruzhlari-va-mafkuravij-ta-didlardan-asrash/>

берилиб қолганини ёки унинг қурбонига айланаётганини кўпинча ёшлар ўзлари сезмай қолади.

Бундай жирканч “маданият” таъсирига берилган ўсмир лоқайд, ҳаётга енгил-елпи қарайдиган, юрт равнақи ва халқ тинчлигига бефарқ кимса бўлиб улғаяди. Шунингдек, оломонча маданият тузоғига илинган болалар инсон истаган ишини қилавериши мумкин, деб билади, яъни ўтакетган манқуртга айланиб қолади.

Ёшларнинг истиқболини, ёрқин келажагини истайдиган ҳар бир ота-она тарбия масаласига жиддий эътибор бермоғи зарур. Бола тарбияни турли компьютер уйинлари, интернет ва ижтимоий тармоқлардан эмас, энг аввало ота-оналаридан, бобо-момоларидан, эзгуликка, покликка ва дину диёнатга чакирувчи яхши китоблардан олсин.

Инсонлар қалби ва онги учун катта курашлар кечаётган глобаллашув даврида юксак маънавият, одоб ахлоқ тарбиясига эътиборни кучайтириш долзарб вазифадир. Ўсиб келаётган ёш авлодни диний – миллий қадриятлар асосида тарбиялаш, улар қалбида ўз халқи, Ватанига меҳр-садоқат туйғусини кучайтириш, уларни хархил бузғунчи кучларнинг ахборот хуружларидан огоҳ этиш, муносиб ҳимоя қилишдан иборатдир.

Ижтимоий тармоқларнинг оила ва жамият барқарорлигига солаётган энг катта таҳдидларидан яна бири – улардаги мулоқотлар сабабли кўплаб тинч-тотув оилалар барбод бўлиб кетаётганидир. Интернет, телеграм, фейсбек, ютуб – тубсиз уммон, чексиз олам. Шувоситалар чиққанидан бери одамлар, қавм-қариндошлар ўртасида, меҳр-оқибат кўтарилиб, ҳурмат йўқолмоқда.

2.3. СИЁСИЙ МАДАНИЯТ ТАКОМИЛИДА МОДЕРНИЗАЦИЯ ОМИЛИ

2.3.1. Сиёсий маданиятнинг модернизация жараёнидаги ўрни

“Модернизация” (фран. *moderisatio*, *modere* – энг янги) замонавий талабларга мувофиқ ўзгариш ва такомиллаштириш маъносини билдиради. Гап нафақат саноат-техника тараққиёти, балки

инсоннинг дунёқараши, унинг методологик ёндошуви, тафаккур услублари, ҳатто турмуш тарзи ўзгариши билан белгиланади. Бу тамойилларнинг тубдан ўзгариши инсон томонидан қўлланилаётган тушунчалар, концепцияларнинг ўзгаришига олиб келади.

Бизга маълумки, ҳар қандай жамият ҳаётида сиёсий ривожланишни тадқиқ этиш учун турли хил назарий-методологик ёндашувлар танланади. Ҳозирги даврда модернизация парадигмаси орасида формацион, цивилизацион ёндашувлар алоҳида аҳамият касб этади. Модернизация – ўта мураккаб сиёсий жараён. Унда ўзгаришлар инсон ва жамият фаолиятининг барча соҳаларида рўй бериши натижасида янги тушунчалар, тамойиллар ва ёндашувлар ҳам янгидан шакллантириб борилади.

Ўзбекистонда модернизация тузилмасининг структуравий-функционал таркиби мустақил илмий тадқиқот мавзуси сифатида комплекс-тизимли ўрганилмагани бу соҳага қизиқишни кучайтиради. Баъзи илмий тадқиқотларда, дарслик ва ўқув қўлланмаларда модернизацияга муқобил қарашлар берилган бўлса-да, бугунги кунгача унинг ягона тузилмаси, жамиятни модернизациялаш тушунчасининг моҳияти ва мақомини белгиловчи мезонлар ишлаб чиқилмаган. Илмий адабиётларда ҳам унинг мазмуни турлича талқинда берилмоқда. Мисол учун “Фалсафа қомусий луғати”да тушунчага умуман таъриф берилмаган.

Бу сиёсий жараён нима мақсадда амалга оширилади? Албатта, биринчи навбатда, унга катта эҳтиёж туғилади, тобора шиддатли тус олаётган глобаллашув ҳам унга туртки бериб, жараённи тезлаштириб юборади. Асли *модернизациялашдан қўзланган мақсад*: анъанавий турмуш тарзидан замонавий жамиятга ўтиш, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланишда юқорироқ босқичга эришишдан иборат.

Модернизациялашнинг янги тарихи XVIII асрда Европа мамлакатларида ихтироларнинг яратилиши, инсон фаолиятига илмий, муҳандислик билимларининг кириб келиши ва улардан фойдаланиш маҳсули сифатида дунёга келган. Бу атама асосан, XX асрнинг ўрталарида илмий таомилга киритилди. Модернизация назарияси 1950-1960-йилларда АҚШ университет таълимида Т. Парсонс,

Р. Мертон томонидан дастлаб илгари сурилган эди. Унинг асосчилари таниқли америкалик мутахассислар С. Липсет, Ф. Ригге, Д. Энгер, Р. Уарт, С. Хантингтон бўлишган. XIX аср 80-йилларида модернизациялаш назарияси қайта кўриб чиқилиб, у ривожланишнинг шарти эмас, балки функцияси сифатида қаралди. Унда кўпроқ ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий тузилмаларни ўзгартириш устувор мақсад, деб қабул қилинди.

Фақат XX асрнинг 90-йилларига келиб, Хитой, Япония, Малайзия, Сингапур каби давлатларнинг жадаллашган моделлари олимлар томонидан эътироф этила бошланди. Мазкур жараёнга ўтишда “моддий ва маданий бойликлар тақсимооти”, “ўхшашлик”, “легитимлик” каби инқирозлар содир бўлиши тан олинди. Демак, инқирозларни енгиб ўтган халқ ва давлатгина бу жараёнда ютиб чиқади ва фаровонликка эришади...

Модернизациянинг “қувиб боровчи”, “жадаллашган”, “такрорланувчи” номли моделлари мавжуд. Модернизация парадигмаси (андозаси) доирасида кўпдан-кўп назарий-методологик ва хусусий фанларга асосланган ёндашувлар яратилган. Шарқ мамлакатлари янгича моделларни “кашф” этганидан кейин уларда Ғарб турмуш тарзини мажбурий қабул қилиш эмас, балки уйғунлашган жамиятни қуриш имкони вужудга келди.

Модернизация нима, деган ҳақли савол туғилади. Бунинг илмий талқинлари жуда кўп. Ғарб ва Шарқ мамлакатларида унга муносабат ва қарашлар турлича. Шулардан келиб чиқиб, биз умумий таърифни келтирамиз: *“Модернизация деганда аграр (анъанавий) жамиятни индустриаллаштириш, ижтимоий-иқтисодий тузумни трансформациялаш тушунилиб, бу жараёнда давлат тараққиёти ижтимоий-иқтисодий концепциясини қайта кўриб чиқиш, инсон ҳуқуқ-эркинликларини янги норма, стандартлар асосида таъминлаш, шахс, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатлар тизимини янгича, замонавий ёндашувлар асосида шакллантириш кўзда тутилади”*¹.

¹ Омонов Б.А. Жамиятни модернизациялашнинг концептуал асослари. – Т.: Aloqachi, 2019. – Б. 6-7.

Модернизация назарияси ўз тараққиётида шартли равишда уч ривожланиш босқичидан ўтди: XX асрнинг 50-60-йиллари, 60-70-йиллари ва 80-90-йиллар. 50-60-йилларда модернизация назарияси универсализмга асосланган эди. Барча мамлакатлар ва халқларнинг ривожланишига универсалга ҳодиса, яъни бир йўналишда содир бўладиган, бир хил босқичлар ва қонуниятга эга бўлган ҳодиса деб қараларди. Миллий хусусиятларнинг мавжудлиги эътироф этилса-да, аммо улар иккинчи даражали аҳамиятга эга деб ҳисобланарди.

Хўш, жамият ҳаётининг муайян соҳаларини модернизация қилиш деганда унинг тадқиқотчилари нимани тушунган? Ижтимоий соҳада модернизация одамлар, жамоат ва давлат институтларининг фаолият турлари бўйича ихтисослашиши билан боғланган, зотан, мазкур ихтисослашиш одамларнинг жинси, ёши, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий алоқаларига камроқ ва – модернизациянинг ривожланишига қараб - инсоннинг шахсий сифатлари, унинг малакаси, маълумоти, ғайратига кўпроқ боғлиқ бўлган. Модернизация назариётчилари анъанавий жамиятдан ҳозирги замон жамиятига ўтиш жараёнида онгнинг ўрни ва функциялари, демографик тузилиш қандай ўзгаришини, жадал урбанизация мазкур ўзгаришлар билан қай даражада боғлиқлигини ўрганганлар.

Сиёсий модернизация: биринчидан, ҳудудларни кенгайтириш ва маъмурий-сиёсий чегараларни тартибга солиш, миллий ёки федератив давлатларни ташкил этиш, марказий (қонун чиқарувчи ва ижро этувчи) ҳокимиятни кучайтириш ва шу билан бир вақтда ҳокимиятнинг тақсимланишини; иккинчидан, жамиятда барқарорликни ва ички тотувликни сақлаган ҳолда иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳаларда структуравий ўзгаришларни амалга оширишга давлатнинг қодирлигини назарда тутган; учинчидан, сиёсий жараёнга кенг аҳоли оммасини жалб этиш (ҳеч бўлмаса сайловлар орқали) сиёсий модернизациянинг муҳим жиҳати ҳисобланган; ниҳоят, тўртинчидан, сиёсий модернизация сиёсий демократия ёки ҳеч бўлмаса популистик бошқарувни ўрнатишни, ҳокимиятни қонунийлаштириш усуллари ўзгартиришни назарда тутган. Шу билан бир вақтда, модернизация назарияларининг муаллифлари Осиё,

Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларида ривожланган фуқаролик жамияти мавжуд эмаслиги, шунинг учун ҳам уларда сиёсий модернизацияни амалга ошириш анча қийинлигини қайд этиб ўтганлар?.

Маънавий модернизация маданият ва кадрият тизимлари ҳамда қарашларни табақалаштиришни, таълимни секуляризация қилиш ва саводхонликни оширишни, фалсафа ва фанда мактаблар ҳамда оқимларнинг хилма-хиллигини, диний бағрикентгликни (конфессионал плюрализмни), ахборот бериш ва тарқатиш воситаларини ривожлантиришни, маданият ютуқлари билан аҳолини таништиришни, индивидуализм кадриятларини ёйишни назарда тутган. Бундан ташқари, модернизация илмий билимлар негизда онгни ривожлантириш ва анъаналарга мувофиқ хулқ-атвордан воз кечишни назарда тутган.

Шундай қилиб, модернизация ҳозирги кунда классик модернизация сифатида эмас, балки «модернити», яъни миллий ижтимоий-маданий хусусиятлар, анъаналар ва партикуляризмга асосланган модернизация сифатида тушунилади. Биз Фарб тажрибаси ёки бошқа тажриба қай даражада жозибали бўлмасин, биз ўз хусусиятларимизни унутмаслигимиз, миллий ўзига хослик ва менталитетни эътиборга олишимиз керак. Зотан, миллий хусусиятлар эътиборга олинмаган ҳар қандай модернизация, шу жумладан сиёсий маданиятни модернизация қилиш жараёнлари ҳам муваффақиятсизликка учраши мумкин.

2.3.2. Сиёсий модернизациянинг мақсад ва вазифалари

Сиёсий модернизация анъанавий жамиятдан ҳозирги замон жамиятига ўтишдек мураккаб жараённинг таркибий қисмидир. *Сиёсий модернизация деганда, жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларида содир бўлган ўзгаришларга мувофиқ сиёсий тизимни ўзгартириш тушунилади.* Сиёсий модернизация жараёнида янги сиёсий институтлар вужудга келади, мавжуд сиёсий институтлар эса, ривожланади ва вазиятга мослашади. Бунда, бир томондан, ижтимоий тараққиётнинг муҳим шарти сифатида сиёсий барқарорликни сақлаш объектив зарурат бўлса, иккинчи томондан, фуқароларнинг сиёсий

иштирок этиш имкониятлари ва шакллари кенгайтириш талаб этилади. Бундай шарт-шароитларнинг йўқлиги инқирозли оқибатларга олиб келиши мумкин.

XX асрнинг иккинчи ярми ва XXI аср бошида модернизация тушунчаси моҳияти, мазмуни бўйича янги ёндашувлар пайдо бўлди. Ушбу долзарб масалани ўрганган Р. Дал, Г. Алмонд, Л. Пай бу жараёнда ўрта синфнинг пайдо бўлиши, таълим даражасининг ўсиши сиёсий ҳокимиятда жиддий ўзгаришлар ясадини, С. Хантингтон, К. Дойч, Х. Линдз қаттиққўл авторитар бошқарув, ҳукмрон партия бўлиши зарурлигини¹ илгари сурдилар. XX асрнинг 60-йилларида инглиз олими Ш. Эйзенштадт биринчи марта модернизациянинг содда таърифини топди: “Тарихий модернизация Ғарбий Европа ва Шимолий Америкада ўн еттинчи асрдан йигирманчи асргача ривожланган, кейинроқ барча Европа давлатларига тарқалган, ўн тўққизинчи ва йигирманчи асрларда Жанубий Америка, Осиё ва Африка қитъаларига кўчирилган ғоя бўлиб, у ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий тизимнинг жиддий ўзгаришига олиб келади”²,– дейди у.

Д. Аптер, С. Блэк, С. Хантингтон, А. Турен, Ш. Эйзенштадт Лотин Америкаси, Осиё, Африкадаги сиёсий ривожланиш объектив қонуниятлари, мавжуд тенденцияларини ўрганиб, модернизациянинг катта истиқболи мавжудлигини исботлаб бердилар³. Г. Спенсер, М. Хрох, Э. Хобсбаумларнинг тадқиқотларида⁴ шахс, давлат ва жамият муносабатлари ягона тизимга келтирилди.

¹ Eisenstadt S.N. Modernization: Protest and Change. –Englewood Cliffs. – N.Y.: 1966. –P.28.

² Қаранг.: Пугачев В., Соловьев А. Сиёсатшуносликка кириш. – Т.: Янги аср авлоди, 2004. – Б. 436-437.

³ Қаранг.: Apter D. The politics of modernization. –London, 1965; Black C.E. op.cit.; Huntington S.P. Political order in changing societies.–New haven, 1968; Huntington S.P., Nelson G.M No easy choice: political participation in developing countries. –Cambridge, 1976; Tourene A. Modernity and Cultural specificities // International Social Science Journal. November. 1998, № 18; Эйзенштадт Ш. Революции и преобразование обществ. Сравнительное изучение цивилизаций. –М.: 1999.

⁴Спенсер Г. Опыты научные, политические и философские. –М.: Современный литератор, 1998; Хрох М. От национальных движений к полностью сформировавшейся нации: процесс строительства наций в Европе // Нации и национализм. –М: Праксис, 2002. –С. 121-145; Хобсбаум Э. Принцип этнической принадлежности и национализм в современной Европе // Там же.– С. 332-346

Шарқ олимлари ва давлат арбоблари томонидан жамиятни янгилаш, ислоҳ этиш муаммоси махсус ўрганилган. Ўрта асрлардаги мусулмон Шарқидаги давлат арбобларидан бири Низомулмулк (1018-1092) “Сиёсатнома ёки Сияр ул-мулк” асарида (1091) шахс ва давлат тушунчасига эътиборни қаратади. “Жамиятда адолатни қарор топтириш ночор, иложсиз кишиларга молиявий кўмак бериш ва инсонларнинг ҳуқуқларига риоя қилишдир,—деб ёзади аллома.—Адолат арконлари орқали давлатда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилади. Шунинг учун давлат хизматчилари ҳар бир ишда оқсоқоллар, олимлар ва жамиятнинг мўътабар кишилари билан маслаҳатлашиб туриши лозим»¹. Низомулмулкнинг қарашида адолатли давлат сиёсати жамиятнинг янгиланишига олиб келади, деган фикр ётади, бу эса европалик олимлар И. Кант ва Ж. Ж. Руссоларнинг “жамият сулҳи” ғоясига ҳамоҳанг туради.

Машҳур немис файласуфи И. Кант (1724-1804) нинг фикрича, инсон эрки унинг эмпирик (тажриба) таъсирлардан холи ҳолда, ўз хоҳишига биноан йўл тутишини талаб этади². Унинг идеалида сиёсий эркинликнинг асосий шарти жамият аъзоларининг қонун олдидаги тенглиги. Кантчилик таълимотининг моҳиятида «кишиларнинг ахлоқий онгини ўстириш, ўз-ўзини тарбиялаш, шахсий ғурурни ўстириш, маданиятни такомиллаштириш ва шундай йўллар билан одамлар эътиборини сиёсий, иқтисодий, ижтимоий масалалардан маънавий-ахлоқий тикланишга, барча ижтимоий гуруҳларнинг ўзаро ахлоқий алоқаларини мустаҳкамлаш»³ ғояси ётади.

XX асрнинг ўрталарига келиб, модернизация тушунчаси кенг тадқиқ этила бошланди. Масаланинг туб моҳияти, мазмунини илмий очиб беришда америкалик Ж. Хабермас, англиялик М. Хоркхаймер, Т. Адорно, Ж. Томсон, М. Шадсон, К. Кэлхаун, Д. Келлнер каби олимларнинг илмий-назарий қарашлари муҳим ўринни эгаллайди. Масалан, Ж. Хабермас ижтимоий фаровон жамиятни шакллантириш жараёнида ҳокимият тизими аралашувини чеклашни ёқлайди.

¹ Низомулмулк. Сиёсатнома ёки Сияр ул-мулк. —Т.: Адолат, 1997. — Б. 256.

² Кант И. Метафизические начала учения о праве // Сбор.соч. — М.: Мысль, 1966. Т. 4 (2). — С. 109-112.

³Фалсафа: қомусий луғат. — Т.: Шарқ, 2004. — Б.190.

Муаллифнинг нуқтаи назарига кўра, давлат ҳокимияти орқали жамиятни бошқариш фуқаролар сиёсий иштирокини сусайтиради, натижада индивид ва шахс, ҳокимият тизими ва эркин ҳаёт тарзи ўртасидаги ўзига хослик йўқолади¹.

М. Хоркхаймер, К. Кэлхаун жамиятнинг сиёсий модернизацияси материалистик (ижтимоий таъминланганлик, молиявий барқарорлик) ва идеалистик (меҳр-оқибат, ҳурмат-эътибор, хайрихоҳлик) ўзаро ёндашуви асосида рўй беради, дейди. Д. Келлнер фикрича, бозор муносабатига мослашган жамиятда шахс, жамият, давлат каби фалсафий категориялар моҳиятан моддий қиймат билан ўлчанади, ижтимоий муносабатлар инсонийлик эмас, балки “бартер” хусусиятига эга бўлади². Бизнингча, бу ёндашувлар бирмунча баҳсли бўлиб, у фақат Ғарб мамлакатларига мос тушади.

XX асрнинг иккинчи ярми ва XXI аср бошида кўплаб илмий ёндашувлар кузатилди. Сиёсатшунос С. Верба ва Л. Пай модернизациялашда жамият аъзолари психологиясини ўзгартириш ва янги кадриятлар (демократия) тизимини қабул қилишни³, У. Мур⁴ ва Х. Экстайн⁵ мамлакатни индустрлаштиришни биринчи ўринга қўйдилар. Гарчи бу фикрлар илмий асосланган бўлса-да, сиёсий жараённи ўтказишда ҳар бир мамлакатнинг шарт-шароити, иқтисодий имкониятлари инобатга олинмаган. Хусусан, У. Мур ва Х. Экстайн фикрини ҳар бир маконда қўллаб бўлмайди. Мисол учун Совет иттифоқи парчалангандан кейин ўз мустақил йўлини бошлаган ёш республикаларда иқтисодий асоснинг ўзи мавжуд бўлмаган. Иқтисодий пойдевор қурмасдан модернизация тузилмаларини яратиш ва индустрлаштиришни жадаллаштириб бўлмайди. Демак, МДҲ мамлакатларида жамиятни модернизациялаш учун олдин мустаҳкам

¹Habermas J. Postmetaphysical Thinking.—Cambridge: Polity, 1992.— pp. 127-132.

²Kellner D. Critical Theory, Marxism and Modernity.—Cambridge: Polity, 1989. — p. 64.

³Pye L.W., Verba S. Political Culture and Political Development.—Princeton, 1965.—p. 13.

⁴Moore J. Colonialism: The case of Mexican-Americans. in Social Problems, 1970, Nr.17. —p. 463-472; Capitalism over the Longue Duree: A Review Essay.In: CriticalSociology, 1997, Nr. 23 (3). — P. 103–116.

⁵ Eckstein H. The Idea of Political Development: From Dignity to Efficiency. in: World Politics, 1982, NY. 34. — p. 451-486.

иқтисодий заминни тайёрлаш масаласи кўндаланг турибди, деб ҳисоблаймиз.

Сиёсий модернизациялаш – мураккаб комплекс жараён. Унда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-маданий тармоқлар ўзаро боғланиб, бир-бирига мазмун бағишлайди; агар улар орасида ажралиш юз берса, модернизация қисман амалга ошади. Жамиятда ижтимоий гуруҳларнинг даромади кескин фарқланса, самарали иқтисодий ўсишга эришилмайди; маданий даражали етук шахс шаклланмаса, бозор тузилмалари шаклланмайди; фуқаролик жамияти институтлари ривожланмаса, демократик қадриятлар такомиллашмайди. Ҳар бир талаб ва мезонлар бир-бирига боғланиб кетади ва улар тўла ҳисобга олинса, жараён узоқ вақт ва босқичларни босиб ўтади. Ҳатто Европа давлатларида у икки юз йилга чўзилди...

Сиёсий модернизациянинг қуйидаги мақсадлари фарқланади: тобора кенгайиб бораётган ижтимоий ва иқтисодий муаммолар доирасини ҳал қилиш учун янги сиёсий институтлар ташкил этиш; элита ва лидерларнинг очик курашга нисбатан сиёсий қарашларини ўзгартириш; оқилона бюрократияни шакллантириш.

Сиёсий модернизацияни ҳозирги замон сиёсий институтлари ва уларнинг амалиётини, шунингдек замонавий сиёсий тузилмани шакллантириш ва ривожлантириш деб таърифлаш мумкин. Бунда ҳозирги замон сиёсий институтлари ва амалиёти деганда ривожланган демократик мамлакат-ларнинг сиёсий институтларидан кўр-кўрона андоза олишни эмас, балки ўзгараётган шароитларга, замон талабига сиёсий тизимнинг мувофиқ равишда мослашишини таъминлашга максимал қодир бўлган сиёсий институтлар ва амалиётни тушуниш керак.

Сиёсий модернизация деганда, ижтимоий мақсадларнинг янги андозаларига мослашишга ва ижтимоий тизимнинг ривожланишини таъминлайдиган янги институтларни ташкил этишга сиёсий тизим имкониятининг ортиши ҳам тушунилади. Бу жараён ҳам объектив (ижтимоий-иқтисодий ва маданий), ҳам субъектив (сиёсий раҳбариятнинг сиёсий тизимни озми-кўпми самарали ўзгартиришга қодирлиги) омиллар билан белгиланади.

Сиёсий модернизация узок йиллар давомида амалга оширилади. Бу даврда жамият беқарорлик ва инқирозлар билан ажралиб турадиган алоҳида сифат ҳолатига ўта бошлайди.

Ҳозирги замон олимларининг тадқиқотларида сиёсий модернизация жараёнида содир бўладиган инқирозларнинг беш асосий тури фарқланади: мувофиқлик; легитимлик (қонунийлик); иштирокчилик; кириб ўрнашиш; тақсимлаш.

Биринчи тип миллий ёки ҳудудий ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш талаблари билан таърифланадики, буни биз ҳозирги кунда ҳозирги замон Ўзбекистон жамиятида ҳам кузатамиз.

Иккинчи тип жамиятнинг ижтимоий табақаланиши билан таърифланади. Бунда кескин ижтимоий-синфий тафовутлар миллий бирлашишга тўсқинлик қилади. Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тизимини модернизация қилиш аҳолининг турли табақалари ижтимоий ҳолатининг сифат жиҳатидан ўзгаришига олиб келади.

Учинчи тип этник ва миллий мансублик ўртасидаги қарама-қаршилик билан тавсифланади. Миллатчиликнинг кучайиши мувофиқлик инқирозининг кўринишларидан биридир. Аввалги ижтимоий алоқаларнинг бузилиши миллатнинг ижтимоий намоён бўлишининг муҳим воситаси сифатидаги вазифасини кучайтиради.

Фикримизча, модернизация жараёнларини шакллантириш учун шарт-шароит туғдирадиган омилларни ҳисобга олиш зарур бўлади. Булар қуйидагилар:

Ҳуқуқий омил: фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини тарбиялашга хизмат қилувчи тизим (оила, мактаб, олий ва ўрта махсус таълим) даражаси модернизациянинг самарадорлигига ижобий ёки салбий таъсир этади. Чунки ҳуқуқий масалаларни яхши билиш фуқаронинг фаоллашуви ва ижтимоийлашувига олиб келади. Модернизациялашда аҳолининг сиёсий онги, бозор иқтисоди, демократиянинг асосий тушунча ва тамойилларини қабул қилишга тайёргарлик даражаси ҳам муҳим роль ўйнайди.

Иқтисодий омил: XVII асрда Европадаги саноат инқилоби иқтисодиётни ривожлантириб, одамларнинг турмуш тарзини яхшилади. АҚШ, Европа мамлакатларидан техника ва

технологияларнинг Осиё ва Африка давлатларига «экспорт» қилиниши ҳам аста-секинлик билан бу ўлкаларга ғарбона яшаш тарзини сингдира бошлади.

Маънавий-ахлоқий омил: сиёсий ҳокимият тизимида модернизациялаш ижобий ҳодиса ҳисобланади. Аммо маънавият бобида, барибир, у миллий қадриятлар, анъана ва урф-одатларнинг бузилишига олиб келишини биз айрим шарқ мамлакатлари мисолида кўрамиз.

Юқоридаги илмий назариялар ва қарашларни таҳлил қилиб, қуйидаги хулосага келинди¹:

биринчидан, модернизация тушунчаси тарихий воқеликдаги мавжуд ҳолатнинг замонавий ҳаёт тарзига мос келмай қолганлиги сабабли унда комплекс сиёсий янгиланишларга кучли эҳтиёж туғилганини англатади;

иккинчидан, анъанавий жамиятда модернизациялашни амалга ошириш олдидан муайян жойнинг объектив шарт-шароитлари, иқтисодий ва сиёсий ресурслари ҳисобга олинади;

учинчидан, аграр жамиятдан замонавий жамиятга ўтишда шахс, жамият ва давлат ҳаётининг маълум бир соҳасигина эмас, балки жамиятнинг сиёсий ҳаёти тўлалигича янгиланади ва ислоҳ қилинади;

тўртинчидан, жараён тизимли, изчил давом этгудек бўлса, мамлакатнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий ва илмий-техникавий соҳаларида ижобий ўзгаришлар рўй беради, одамларнинг тафаккури ва дунёқараши ҳам ошади.

2.3.3. Ўзбекистонда сиёсий модернизация жараёнлари: ютуқлар ва муаммолар

Модернизациялаш анъанавий жамиятларни замонавийлаштириш, миллий ривожланишда бир қадам олға силжиш. Модернизацияга қуйидагича таъриф бериш мумкин: **“Модернизациялаш** эски ижтимоий ҳодисаларни бузиш; ижтимоий-маданий ўзгаришларни яшаш; анъанавий жамиятдан

¹Омонов Б.А. Жамиятни модернизациялашнинг концептуал асослари. – Т.: Aloqachi, 2019. – Б. 15-16.

индустрлаштирилган жамиятга ўтиш; ижтимоий-иқтисодий тузумни трансформациялаш; ривожланишнинг ижтимоий-иқтисодий парадигмасини алмаштириш ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини ўзгартириш демак”¹. Бу таърифда сиёсий жараённинг жамики вазифалари ва мақсадлари ўз мужассамини топган.

Дунёда қабул қилинган халқаро андозалар талабларига жавоб бериш ниятида *Ўзбекистонда модернизациянинг жадаллашган моделига ўтилди*. 2017 йилдан бошлаб мамлакатимизда сиёсий ислохотларнинг тамоман янги босқичи бошланди. Жумладан, 2017 йилнинг 7 февralида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси мазкур жараёнга методологик асос бўлиб хизмат қилмоқда². Бундай янги ҳаёт ёндашув ва тамойилларни ишлаб чиқишга қуйидаги объектив омиллар сабаб бўлган: биринчидан, мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили; иккинчидан, жаҳон бозори конъюнктурасининг кескин ўзгараётгани; учинчидан, глобаллашув шароитидаги тобора кучаяётган рақобат.

Сиёсий ҳокимиятнинг асл мақсади — юртимизда халқ ҳокимиятини номига эмас, балки амалда жорий қилиш механизмларини мустаҳкамлашдир. Бундай кенг миқёсдаги ислохотлардан мақсад эса халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилишига эришишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрда ПФ-6079-сонли “Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан қабул қилинган “Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегияси бу борадаги ислохотларнинг тубдан янги босқичини бошлаб бергани ҳолда айни соҳани такомиллаштиришга Учинчи Ренессанс сари қадам қўяётган Янги Ўзбекистонда катта зарурат мавжудлигини кўрсатди.

¹ Ўша жойда. — Б. 175.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. [www. Lex. uz](http://www.lex.uz)

Президентимизнинг Фармони¹ (ПФ–158-сон, 11.09.2023 й.) билан “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тасдиқланди ҳамда уни 2023 йилда ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш бўйича Президент қарори² (ПҚ–300-сон, 11.09.2023 й.) қабул қилинди.

Фармонга кўра, “Ўзбекистон – 2030” стратегияси қуйидаги 5 та устувор йўналиш ҳамда 100 та мақсад кўрсатиб ўтилди.

1-йўналиш. Ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароитлар яратиш;

2-йўналиш. Барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш;

3-йўналиш. Сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;

4-йўналиш. Қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш;

5-йўналиш. “Хавфсиз ва тинчликсевар давлат” тамойилига асосланган сиёсатни изчил давом эттириш.

Ўрни келди, давлат бошқаруви тизимида ва фуқаролар сиёсий маданиятидаги айрим нуқсонларни таъкидлаб ўтмоқчимиз. Илмий таҳлилларимиз Ўзбекистон жамияти қатламларида *тоталитаризмдан мерос қолган иллатлар сақланиб қолаётганидан* дарак беради. Миллий онгимизда давр билан ҳамоҳанглик масаласида оқсаш масаласини кўрамиз. Сиёсий фанлар номзоди У. Муҳаммадиев менталитетимизга хос бўлган иккита жиҳатни таҳлил этиб, халқимизда “биринчидан, бир пайтнинг ўзида, ҳокимиятга ҳурмат билан бирга, ўзига хос “қўрқув” ҳисси мавжуд; иккинчидан, сиёсий ҳаётга муносабатда қонунга таянишдан кўра, кўпроқ “анъаналар”га таяниш руҳияти устуворроқ”³, деб ёзади. Ана шу психологик тўсиқнинг мавжудлиги модернизациялаш жараёнларига салбий таъсир ўтказмоқда. Профессор А. Қодиров масаланинг илдизига чуқурроқ кириб боради: “Унитар давлат тизими қолдиқларининг

¹ Қаранг.: Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.09.2023 й., 06/23/158/0694-сон.

² Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.09.2023 й., 07/23/300/0693-сон; 11.11.2023 й., 06/23/193/0844-сон; 24.11.2023 й., 06/23/199/0882-сон.

³ Муҳаммадиев У. Ўзбекистонда сиёсий маданият ва миллий маънавиятнинг ўзаро муносабати муаммоси. Сиё. фан. ном. дис. автореф. –Т.: 2002. – Б. 25.

сақланиб қолиши, эскича раҳбарлик услублари; давлат аппаратида маъмурий-буйруқбозлик (бюрократизм), таниш-билишлик, қариндош-уруғчиликнинг кучайиши; юқори лавозимдаги раҳбарларнинг ўз лавозимини суиистеъмол қилиши; фуқаролар онги ва маданияти, умумий савиясининг пастлиги; ҳар бир ишни пора бериш ва олиш ёрдамида битиришга интилишнинг мавжудлиги; маъмурий шахсларнинг таъмагирлиги ва бошқалар коррупцияни юзага келтиради”¹. Чиндан ҳам, жамият ривожига халақит бераётган бундай нохуш ҳодисалар, салбий иллатлар давлат сиёсатининг самарадорлиги ва обрўйига путур етказмоқда. Айниқса, бу масалада жамиятда хатарли иллатга айланган коррупция салбий роль ўйнамоқда. Бу иллат ҳуқуқ-тартибот органларида, молия-иқтисод, банк тизимларида сақланмоқда. Гарчи “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунга имзо чекилиб (2016), махсус агентлик 2017 йилда ўз фаолиятини бошлаган бўлишига қарамай, бу масалада Сингапур, Грузия тажрибасига ўхшаган самарали механизм ҳамон топилмаган.

Аниқ фактларга мурожаат қиламиз: *Transparency International Corruption Perceptions Index (CPI)* эълон қилган маълумотда Ўзбекистон 2017 йилда 157 та ўринда эътироф этилган. Олий Мажлис юқори палатаси раиси Ниғматилла Йўлдошев 2019 йил 15 июнда Сенатда бўлиб ўтган мажлисда қуйидагиларни таъкидлаб ўтганди: “Ижтимоий фикр” республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан 2019 йилда ўтказилган коррупция бўйича сўров натижалари хавотирлидир. Чунки сўровда қатнашганларнинг 66,5 фоизи Ўзбекистонда коррупция сингари салбий иллат тарқалган, деб ҳисобламоқда. Қарийб 17 фоиз иштирокчилар коррупция ҳамма жой ва соҳаларни қамраб олган, деган фикрда бўлса, сўралганларнинг 29 фоизи мансабдорларнинг ҳар иккинчиси коррупционер, деб ҳисоблайди”².

Энг ачинарли жиҳат шундаки, коррупцияга қарши курашнинг олдинги сафларида турувчи, бунга бевосита масъул бўлган баъзи

¹ Кодиров А. Сиёсат фалсафаси. –Т.: ТДЮИ, 2005. – Б. 115.

²Қаранг.: Рўзиохунов А. Табиий савол: нега халқаро ташкилотлар Ўзбекистонни коррупция ботқоғида кўрмоқда. [www. kun.uz](http://www.kun.uz)

ҳуқуқ-тартибот органларининг ўзида ҳам коррупцияга тўлиқ барҳам беришга эришилмаган. Хулоса шуки, мамлакатда давлат ҳокимияти тизимини модернизациялаш, хусусан, маъмурий ислоҳотларни тезлаштириш фурсати етиб келди. Сиёсий ислоҳотлар кушандаси бўлган коррупция масаласига ечим топилмас экан, жамиятда модернизациялаш ҳам, ислоҳ қилиш ҳам, миллий ривожланиш ҳам юз бермайди. Иқтисодиёт қийин аҳволга тушади.

Масаланинг ечимида хорижий тажрибасидан фойдаланиш зарур, деган фикрдамиз. Масалан, АҚШда репортёр журналистлар отряди коррупцияга қарши курашда энг самарали жамоат назорати саналади. МДХда, жумладан Ўзбекистонда ҳам жамиятдаги жиноятчилик ва коррупция ҳолатлари чуқур таҳлили ҳақидаги журналист суриштируви, ОАВ таҳлиллари ҳозирча анча саёз ҳолатда бўлиб, бугунги давр эҳтиёжидан орқада қолмоқда.

Бизнингча, аввало оилада, боғчада, мактабда ўғил-қизларимиз онгига, руҳиятига таъмагирлик, порахўрлик ёмон иллатгина эмас, балки жамиятимиз таназзулига олиб боровчи қудратли куч эканлиги ҳақида тарбиявий ва тарғибот ишларини олиб боришимиз керак. Албатта, сиёсий ҳаётимизга “парламент назорати”, “жамоатчилик назорати” деган қоидалар, тартиботлар кириб келиши муҳим қадамлардир. Энди гап, қонунлар ва шу тартиботларни амалиётга киритиш механизмини такомиллаштиришда қолган.

Ўзбекистонда сиёсий модернизациялаш жараёнлари тезлашгудек бўлса, жамият ҳаётида қуйидаги ижобий ўзгаришлар юз беради:

Биринчидан, иқтисодий соҳада: билимларга асосланган технологияларни кўпроқ қўллаш, индустриаллаштириш, банк, товарлар ва меҳнат бозорини ривожлантириш, инновацияни амалиётга жорий этиш ва рағбатлантириш механизмлари яратилиши натижасида сиёсий модернизация жараёни тезлашади.

Иккинчидан, ижтимоий соҳада: фуқаролар, жамият, давлат институтларини йўналишига қараб ихтисослаштириш ва ривожлантириш лозим. Ихтисослашувда ижтимоий келиб чиқиши,

ёши, маълумотига эмас, балки шахсинг билимдонлиги, профессионал касбий маҳоратига кўпроқ эътибор берилади.

Учинчидан, сиёсий соҳада: миллий давлатчилиқни қайтадан ташкил этиш, ҳокимиятларнинг тенг тақсимланишига эришиш, жамиятда барқарорлиқни сақлаш учун давлатимиз иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий тармоқларида бозор иқтисодига мос тузилмавий ўзгаришлар ўтказиши оқибатида (Сингапур, Хитой тажрибаси), давлатнинг демократик тизим ўрнатилишига лаёқати ошади, бу масалада янгидан шаклланган сиёсий институтлар, нодавлат, нотижорат ташкилотлари кўмаклашади.

Тўртинчидан, маънавий соҳада: илм-маърифат аҳлига, хусусан, мактаб таълимига эътиборни кескин ошириш, таълим сифатини такомиллаштириш, ўқитувчиларни жаҳон андозасига кўра рағбатлантириш, хорижий тиллар, мусиқага ихтисослашган мактаб ва махсус курсларни очиш, хусусий мактабларни кўпайтириш, сўз, виждон ва фикрлар эркинлигини таъминлаш, ОАВ ва суд тизимини эркинлаштириш, индивидуализм қадриятларини қўллаб-қувватлаш механизминини амалиётга киритиш вақти етиб келди¹.

¹Батафсил қаранг.: Омонов Б.А. Жамиятни модернизациялашнинг концептуал асослари. Монография. – Т.: Aloqachi, 2019. – Б. 196-197.

УЧИНЧИ БОБ
ЎЗБЕКИСТОНДА СИЁСИЙ МАДАНИЯТ:
МУАММО ВА ЕЧИМЛАР



3.1. ГЛОБАЛЛАШУВ ВА ЁШЛАР

**3.1.1. Глобаллашув жараёнининг
ёшлар тарбиясига салбий таъсири**

Бугун “глобаллашув” жуда кенг даражада оммавийлашиб кетган тушунчага айланди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки унинг таъсир ўтказмаган бирорта соҳаси қолмади. Унинг моддий куч сифатида шаклланиши тарихий тараққиётнинг объектив қонунияти ҳисобланади. Глобаллашувнинг авж олиши бир қатор зиддиятли вазиятларни вужудга келтирди. Бу, ўз навбатида, унга дунё миқёсида турли қарашларнинг шаклланишига ҳам олиб келди. Бундай қарашларни шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳга XX асрнинг 80-йилларида жаҳон иқтисодий ҳаётида содир бўлган табиий интеграцион жараёнларга нисбатан Ғарб олимларининг қарашларни киритиш мумкин. Албатта, табиий интеграцион жараён унинг барча иштирокчиларининг манфаатларига хизмат қилган. Аммо мамлакатлар иқтисодий тузилмасида трансмиллий корпорацияларнинг ривожланиб кетиши, уларнинг катта куч сифатида майдонга чиқиши табиий интеграцион жараёнларда тенгсизликнинг юзага келишига олиб келди. Шунга қарамасдан, дастлаб бу жараёнга дунёни бир бутунликка олиб келадиган жараён сифатида қаралган ва тараққиётга ижобий таъсир ўтказиши ҳақида фикрлар билдирилган.

“Глобаллашув” тушунчаси америкалик олим Т.Ливитт томонидан 1983 йилда «Гарвард бизнес ревью»¹ журналида эълон қилинган мақолада қўлланилган. У бу тушунчани қўллаш орқали жаҳон, хусусан, тараққий топган мамлакатларда иқтисодий соҳада юзага келган ўзгаришларни, уларда трансмиллий корпорацияларнинг вужудга келиши ва уларнинг ўзаро бирлашиб бозорларни эгаллаши,

¹ Мировая экономика и международные отношения. – М.:1988. – №1. – С.13.

шу тариқа ягона иқтисодий маконни вужудга келтиришга қаратилган ҳаракатларни кўрсатиш мақсадида қўллаган. Бу даврда Европанинг бир қатор мамлакатлари ва АҚШда иқтисодиётнинг тез суръатлар билан ривожланиши содир бўлди ҳамда уларнинг жаҳон иқтисодиётида етакчилиги таъминланди. Энг асосийси, улар жаҳон бозорида ягона куч сифатида мустаҳкам ўрин эгаллашга муваффақ бўлган эдилар.

Бу жараённинг авж олиши уни илмий жиҳатдан ўрганишга бўлган қизиқишни ҳам орттириб юборди. Бу жараённи биринчилардан бўлиб Роланд Робертсон 1985 йилдан бошлаб илмий тадқиқот объекти сифатида ўргана бошлади¹. Роланд Робертсон глобаллашувга тараққиётнинг маълум босқичи, унинг тобора ривожланиши жаҳонда бир бутунликка олиб келувчи омил сифатида қаради. Унинг бу жараённи ўрганишдаги хизмати шунда бўлдики, у глобаллашувни тараққиётни тезлашувига, иқтисодиётнинг марказлашувига ва ютуқларнинг оммавийлашувига олиб келувчи омил эканлигини, шунинг учун уни илмий жиҳатдан ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда унинг имкониятларидан фойдаланиш зарурлигини англаб етди.

Кейинги вақтларда “глобаллашув” тушунчаси мазмун-моҳиятини ва унинг мамлакатлар ҳамда инсонлар ҳаётидаги ўрнини ўрганишга бўлган қизиқишлар ортди, унга нисбатан турли қарашлар, зиддиятли фикрлар шаклланди. Бугунги кунда глобаллашувга бағишланган илмий-назарий анжуманлар, семинар, тренинглар ўтказиб келинмоқда, махсус илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Аммо унинг ижобий ёки салбий жиҳатлари ҳақида ягона фикрга келинмаган. Бу табиий ҳол, чунки вақт ўтиши билан глобаллашувнинг янги қирралари юзага чиқмоқда, унинг жаҳон тараққиётига ва инсоният ҳаётига ўтказаетган таъсири кучайиб бормоқда. Айни пайтда, бу жараёнларда бир қатор зиддиятлар ҳам юзага келмоқда. Уларни чуқур ўрганмасдан туриб эса инсоният барқарор тараққий қила олмайди.

Глобаллашув ўта зиддиятли жараёндир. Дастлаб уни Ғарб олимлари ўрганганлар ва бугун ҳам ўрганишда давом этмоқдалар.

¹ [http \(www.word.widewar\)](http://www.word.widewar)

Агар улар дастлаб глобаллашувни тараққий топган мамлакатлар иқтисодиётида кечаётган жараёнлар орқали ўрганишга эътибор берган бўлсалар, бугунги кунда уни комплекс ҳолатда таҳлил қилиб, истиқболда унинг ривожланиши нималарга олиб келиши мумкинлигини башарот қилишга ҳаракат қилмоқдалар. Жумладан, Колумбия университетининг профессори Жозеф Стиглиц глобаллашув жараёнини тараққиётга олиб келувчи, инсонлар ҳаётини яхшилашнинг омили сифатида қараб, шундай ёзади: «Глобаллашув инсонлар ҳаётини яхшилашнинг энг яхши потенциалидир, шу жумладан, ривожланаётган мамлакатлар аҳолисининг ҳаёти яхшиланмоқда. Унинг айрим йўналишлари ҳозирнинг ўзида, масалан, илмнинг глобаллашувига, соғлиқни сақлаш, инсонларнинг умрини узайтиришга олиб келмоқда»¹.

Дунёнинг таниқли иқтисодчиларидан бири Жагдиш Бхагвати глобаллашувнинг аниқ йўналиши ҳақида фикр юритиб, уни шундай таърифлайди: «Глобаллашув деганда, савдони тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, трансмиллий корпорациялар фаолияти, мамлакатлар ўртасидаги молиявий оқим, халқаро миграцияларни ўз ичига олувчи иқтисодий глобаллашув тушунилади»².

Глобаллашувни кўпчилик олимларнинг фикрларидан фарқли ўлароқ, мафкура сифатида кўрувчилар ҳам топилади. Жумладан, немис олими Ульрих Бек: «Глобаллашувни мен дунё бозори сиёсий фаолиятини сиқиб чиқарувчи ёки ўрнини босувчи жаҳон бозори ҳукмронлиги мафкураси ёки неолиберализм мафкураси, деб тушунаман», деб ёзади³.

Рус олими Л.Е.Гринин «Глобаллашув – бу минтақалар ва умуман дунёнинг интеграцияланишуви ва яқинлашувининг натижасидир»⁴, дейди. Яна бир россиялик олим Карен Момджян «Глобаллашув – бу фаолият эмас, бу бизни ўзига фақат субъект сифатида, шунингдек,

¹ Uzbekistan and Central Asia – Центр политических исследований. Информационно-аналитический бюллетень, 2007. IX. – С. 42.

² Ўша манба. – Б. 44.

³ Сумерки глобализации: Настольная книга антиглобалиста. Автор-составитель А.Ашкерова. – М.: ООО «АСТ», 2004. – С. 48.

⁴ Гринин Л.Е. Глобализация и национальный суверенитет // История и суверенитет, 2005. – №1. – С. 8.

объект сифатида боғлаб қўйган жараёндир. Глобаллашув – бу инсонлар қиладиган, бу инсонларда содир бўладиган, уларда содир этиладиган жараён»¹, деган фикрни илгари суради.

Қозоқ олими А.Н.Нисанбаевнинг фикрича, «Глобаллашув жаҳон ҳамжамияти тараққиётидаги етакчи тенденциялардан бири бўлиб, у нафақат иқтисодий ва сиёсий жараёнларга, шунингдек, маданий тамаддунлар (цивилизациялар) соҳаси муносабатларига ҳам таъсир ўтказади»².

Бу фикрлардан келиб чиқадиган **хулосалар** қуйидагича:

Биринчидан, олимларнинг айримлари глобаллашувга тушунча сифатида ва тараққиётга таъсир ўтказувчи омил сифатида қарашади;

Иккинчидан, унга дастлаб мамлакатлар иқтисодиётининг ўзаро интеграциялашуви ва яқинлашувининг натижаси, деб билишган. Кейинги ривожланиши жараёнида содир бўлган ўзгаришларга қараб, унга бир томонлама эмас, балки кенгроқ, яъни нафақат иқтисодиётда, шунингдек, унинг таъсирида мамлакатлараро, минтақалараро ва жаҳондаги турли муносабатлардан келиб чиққан ҳолда³, кўп томонлама таъсирга эга бўлган жараён сифатида қарашлар шаклланганди;

Учинчидан, глобаллашувнинг дунёда бошланган вақти, турли жараён ва ҳодисаларга таъсир ўтказиш имкониятлари тўғрисида Ғарбда, ҳатто АҚШлик олимларда ягона фикр шаклланмаган. Лекин уларнинг кўпчилиги фикрларининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, бир-бирига зиддиятли, ҳатто бир-бирини инкор қиладиган фикрлар мавжуд⁴.

Тўртинчидан, Ғарб ва АҚШлик олимлар глобаллашувнинг миллат ва унинг маънавиятига таъсири, истиқболда у нималарга олиб келиши мумкинлиги масаласини қўймаганлигини кўрамиз.

¹ Сумерки глобализации: Настольная книга антиглобалиста. Автор-составитель А.Ашкеров. – М.: ООО АСТ, 2004. – С. 48.

² Нисанбаев А.Н. Гуманистические основы конфессионального диалога и философия взаимопонимания / Материалы международной научно-практической конференции. – Алматы, 2012. – С.13.

³ Ўша манба.

⁴ Гринин Л.Е. Глобализация и национальный суверенитет // История и суверенитет, 2005. – №1. – С. 9.

Шу билан бирга, ҳозирда ҳам глобаллашувнинг миллий онгимизни саёзлашувига, маънавиятимизнинг емирилишига ўтказётган таъсири моддий куч сифатида намоён бўлаётган шароитда ҳам унинг фақат ижобий натижаларига маҳлиё бўлиб, салбий натижаларига эътиборсизлик билан қараш ҳолатлари учраб турибди. Бундан қатъи назар, Ўзбекистонда, айниқса, кейинги пайтда бу жараёнга нисбатан турли қарашлар, ўрганишга бўлган қизиқиш ортиб бормоқда. Тадқиқотчи олим Баҳодир Зокир глобаллашувнинг зиддиятли жараён эканлиги ҳақида: “... Жамият ҳаётининг барча соҳалари – иқтисодиёт, сиёсат, мафкура, маданият ҳатто шахсий турмуш тарзини қамраб олган глобаллашув билан боғланмоқда»¹, деган ғояни дастлаб илгари суриб, глобаллашувга жамият ҳаётини тубдан ўзгартираётган жараён сифатида қараган эди.

Таниқли олим, фалсафа фанлари доктори, профессор Саъдулла Отамурастов “глобаллашув”нинг миллий маънавиятнинг емирилишига ўтказадиган таъсири ва унинг олдини олиш омилларига бағишланган “Глобаллашув ва миллат” (2008), “Глобаллашув ва миллий-маънавий хавфсизлик” (2013) каби йирик монографияларини чоп эттирди. “Глобаллашув, бир томондан инсоният интеллектуал салоҳияти тараққиётининг янги босқичи бўлиши билан ижобий жараён бўлса, иккинчи томондан, ривожланаётган ва кам тараққий қилган миллатларнинг юксак тараққиётга эришган миллатларга боғланиб қолишига олиб келадиган салбий жараёндир”², деб ёзади профессор С. Отамурастов. Шу маънода ҳам уни объектив жараён сифатида қабул қилса бўлади. У инсоният ва мамлакатлар тараққиётига ўзининг таъсирини ўтказмоқда, жумладан, фан, техника ва технологиянинг ривожланиши, уларнинг жаҳонда кенг оммавийлашувига, инсон моддий фаровонлигининг ошишига ўзининг ижобий таъсирини ўтказувчи омилга айланмоқда. *Муаммо глобаллашувнинг ўзида эмас, балки унинг бошида кимлар турганлигида ва ундан асосий манфаатларни кимлар кўраётганлигидадир*³, дейди профессор С. Отамурастов.

¹ Зокиров Б. Глобаллашув зиддиятлари // Тафаккур, 2004. – №1. – Б. 26-27.

² Отамурастов С. Глобаллашув: миллатни асраш масъулияти. – Т.: Ўзбекистон, 2018. – Б. 73

Чиндан ҳам, бу жараён оммалашишида ғарблик сиёсатдонларнинг “хизматлари” бекиёс. Унинг бошида юксак тараққиётга эришган мамлакатлар турганлиги, моддий ва интеллектуал имкониятлар билан шакллантирилаётганлиги, асосий манфаатни ҳам ўзлари кўраётганлиги, тараққиёт йўлидан бораётган ва орқада қолаётган мамлакатларнинг иқтисодий, техник ва технологик жиҳатдан уларга боғланиб қолаётганлиги глобаллашувнинг умуминсониятга хизмат қилиш функциясининг барбод бўлишига олиб келмоқда.

Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёв бу борада жиддий фикрларни билдирди: “Биз бир нарсани ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз зарур. Агар “оммавий маданият” таҳдиди фақат четдан – Ғарбдан кириб келади, десак, қаттиқ адашамиз. Бу бало, афсуски, ўзимиздан, ўз орамиздан ҳам чиқиши мумкин. Мен бу гапларни осмондан олиб айтаётганим йўқ. Юртимизда нашр этилаётган айрим газета-журналлар, китобларни, сураатга олинаётган баъзи клип ва киноларни, эфирга берилаётган кўшиқ ва рақсларни кузатиб, соғлом фикрлайдиган ҳар қандай одам шундай хулосага келиши табиий”¹. Булардан хулоса шуки, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий тизимимизда бўшлиқлар мавжуд. Давр ана шу ташкилий-тузилмавий институтларни янада такомиллаштириш орқали ёшлар қатламига яқинлашиш ва уларда миллий ғурурни кўтаришни тақозо этмоқда.

3.1.2. Ёшларга оид қонун – ёш авлод сиёсий маданиятини юксалтиришнинг ҳуқуқий асоси

Ёшлар – келажагимиз. Ёшлар – бунёдкор куч. Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сифатида биринчи имзолаган қонун ҳужжати – 2016 йил 14 сентябрдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонун эканида ҳам рамзий мазмун-моҳият мужассам. Бинобарин, аҳолисининг ярмидан кўпроғи ёшлардан иборат бўлган мамлакатда ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга ошириш, ёш авлодни ҳар томонлама етук ва баркамол,

¹ Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси. Халқ сўзи. 2017 йил 5 август.

интеллектуал салоҳиятли, ўз қатъий позициясига эга, юртда амалга оширилаётган ислохотларга бефарқ бўлмаган, юртнинг эртанги муносиб келажаги учун дахлдорликка тайёр, мақсадга интилувчан, серғайрат, ватанпарвар, садоқатли, комил шахслар сифатида тарбиялаш Ўзбекистонни дунёнинг энг ривожланган давлатлари сафидан ўрин олишининг муҳим омили эканини мамлакат раҳбари ва ҳукумат яхши англайди.

Мамлакатда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиб бериш борасида мустаҳкам ҳуқуқий база яратилган ва бу тизим замон талабларига ҳамоҳанг равишда такомиллаштириб борилмоқда. Хусусан, бугунгача парламент томонидан ёшларга оид 40 дан зиёд қонун ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб, 30 дан ортиқ халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ратификация қилинган.

Юқорида келтирилган “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонун 33 моддадан ташкил топган. Қуйида тарихий ҳужжатнинг энг зарур моддалари билан таништирамиз:

“3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ёшларга оид давлат сиёсати — давлат томонидан амалга ошириладиган ҳамда ёшларни ижтимоий жиҳатдан шакллантириш ва уларнинг интеллектуал, ижодий ва бошқа йўналишдаги салоҳиятини камол топтириш учун шарт-шароитлар яратилишини назарда тутадиган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий чоратadbирлар тизими;

ёшлар (ёш фуқаролар) — ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган шахслар;

ёш оила — эр-хотиннинг иккиси ҳам ўттиз ёшдан ошмаган оила ёхуд фарзанд (бола) тарбиялаб вояга етказаётган ўттиз ёшдан ошмаган ёлғиз отадан ёки ёлғиз онадан иборат бўлган оила, шу жумладан никоҳдан ажралган, бева эркак (бева аёл);

ёш мутахассис — олий ёки ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасини битирган, таълим муассасасини битирганидан сўнг олган ихтисослиги бўйича уч йил ичида ишга кирган ва маълумоти

тўғрисидаги хужжатда кўрсатилган ихтисослиги бўйича ишлаётганига уч йилдан кўп бўлмаган ўттиз ёшдан ошмаган ходим;

ёшлар тадбиркорлиги — юридик шахс ташкил этмаган ҳолда ёш фуқаролар томонидан, шунингдек таъсисчилари ёш фуқаролар бўлган юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолияти.

4-модда. Ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий принциплари
Ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

очиклик ва шаффофлик;

ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда ёшларнинг иштирок этиши;

ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш;
маънавий, ахлоқий ва маданий кадриятларнинг устуворлиги;
ёшларнинг камситилишига йўл қўйилмаслиги.

5-модда. Ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари
Ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш;

ёшларнинг маънавий, интеллектуал, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан камол топишига кўмаклашиш;

ёшлар учун очик ва сифатли таълимни таъминлаш;

ёшларни ахлоқий негизларни бузишга олиб келадиган хатти-ҳаракатлардан, терроризм ва диний экстремизм, сепаратизм, фундаментализм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоя қилиш;

ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш;

ёш оилаларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитларни яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тизимини амалга ошириш” ва ҳоказо

Кўриниб турибдики, ёшларга катта ғамхўрлик, ишонч ва масъулият юкланмоқда. Ёшлар келажак бунёдкори эканлигига урғу

берилмоқда. Маълумки, 2017 йилдан эътиборан, юртимизда 30 июнь — «Ёшлар куни» деб эълон қилинди. Турли соҳаларда юксак натижа ва ютуқларга эришаётган фидойи ёшларимизни рағбатлантириб бориш мақсадида «Мард ўғлон» давлат мукофоти ва «Келажак бунёдкори» медали таъсис этилди.

Ўзбекистон Президенти томонидан 2018 йил 27 июнда имзоланган “Yoshlar – kelajagimiz” Давлат дастури тўғрисида»ги Фармон бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган муҳим ҳужжат бўлди, дейиш мумкин. Фармон билан «Yoshlar – kelajagimiz» жамғармаси ташкил этилди ва ушбу жамғарма ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, ғоялари ва лойиҳаларини амалга ошириш учун тижорат банклари орқали *йиллик 7 фоиз ставка билан имтиёзли кредит ва мол-мулкни лизингга бериши белгилаб қўйилди*. Ушбу ҳужжатга эътибор қаратилса, ёшлар тадбиркорлиги ва ташаббускорлигини комплекс ривожлантириш вазифалари аниқ ва тизимли белгиланганини кўриш мумкин¹.

Ўз навбатида, Ўзбекистондаги барча ўзгаришларнинг негизи ҳисобланган таълим-тарбия тизимида ҳам туб ислоҳотлар олиб борилмоқда. Айни вақтда *таълим, шу жумладан, ижтимоий соҳа учун харажатлар миқдори давлат бюджети харажатлари умумий қийматининг ярмидан кўпрогини ташкил этмоқда*. Табиийки, ҳар қандай давлат ҳам бундай катта харажатларни кўтара олмайди, аммо қанчалик оғир бўлмасин, бунинг учун зарур маблағ ва ресурслар излаб топишмоқда.

Ўзбекистон раҳбари мазкур харажатларни харажат эмас, балки келажак учун қўйилган энг самарали сармоя деб ҳисоблаб, таълим даражаси ва сифати ҳар қандай давлатнинг истиқболини белгилаб берадиган муҳим омил эканини таъкидламоқда. Ҳақиқатан ҳам, ислоҳотларнинг тақдири, натижаси, биринчи навбатда, кадрлар савиясига, уларнинг давр ва тараққиёт талабларига нечоғли жавоб бера олишига боғлиқ.

Шу мақсадда мамлакатда Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилди, мактаб таълим тизими тубдан ислоҳ қилиниб, 11 йиллик

¹ <https://strategy.uz/index.php?news=615> 24.07.2019.

умумий ўрта таълим қайта жорий этилди. Вилоятларда янги олий таълим муассасалари, илмий ва ижодий марказлар ташкил этилмоқда. Олий ўқув юртларига қабул квоталари сезиларли даражада кенгайтирилди. Сиртқи ва кечки олий таълим шакллари тикланди. Кейинги икки йил ичида 20 дан зиёд ривожланган давлатларнинг 60 га яқин нуфузли университетлари филиаллари очилди.

Ёшларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларнинг ахборот технологиялари бўйича саводхонлигини ошириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш вазифаларини ўз ичига олган *бешта муҳим ташаббус* йўлга қўйилди.

Ёшлар сиёсати борасида кўплаб сезиларли ўзгаришлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг *2020 йил 30 июндаги ПФ-6017-сон “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони*га биноан, мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга олиб чиқиш, ёшлар соҳасидаги муаммоларга самарали ечимлар ишлаб чиқиш, ваколатли органлар фаолиятини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 декабрдаги мамлакат ёшлари билан учрашувида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ташкил этилди.

Демак, ёшларимизга кенг имкониятлар эшиги очилмоқда. Давлатимиз ва жамиятимиз эътиборида бўлиб турган ижтимоий қатламлардан бири ҳам ёшлар ҳисобланади. Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улардаги бор имкониятлардан фойдаланишга ва ўз иқтидорларини янада намоён этишига шарт-шароит яратиб бериш, баркамол ёш авлодни тарбиялаш ва ёшларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш давлатимиз олдида турган вазифалардан бирига айланмоқда.

Ёшларни рағбатлантиришга доир бешта муҳим ташаббусни олайлик. Бизга маълумки, бу ташаббус дастлаб Тошкент вилоятининг Бўка, Қуйичирчиқ туманлари ва Тошкент шаҳрининг Учтепа туманида тажриба

сифатида жорий этилган эди¹. Ўшанда 42 та туман ва шаҳарларнинг 168 та олис ва оғир аҳволдаги маҳаллаларда тажриба муваффақиятли амалга оширилди. Шунингдек:

Биринчи ташаббус – ёшларнинг мусиқа, рассомчилик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини ошириш йўналишида:

Ёшларни маданият ва санъатга жалб этиш йўналишида бахшичилик ва мақом мактаблари фаолияти йўлга қўйилди. Термизда Бахшичилик, Қўқонда Хунармандчилик халқаро фестиваллари ўтказилди.

Республикамиздаги барча туман (шаҳар) маданият марказлари ва умумтаълим мактабларида ёшларнинг қизиқишидан келиб чиқиб, қўшимча 1,5 мингта тўғарак ташкил этилди. 6 та маданият маркази қайта таъмирланди.

“Мен нечун севаман Ўзбекистонни!” мавзусида ижодий ишлар танлови ташкил этилди. Танловда 1 млн 730 минг нафарга яқин ўқувчи ёшлар иштирок этди².

Иккинчи ташаббус – ёшларни жисмоний чиниқтириш ва спорт соҳасидаги қобилиятларини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратиш бериш йўналишида:

2019-2023 йилларда жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш концепцияси тасдиқланди.

Олимпия ўйинлари, жаҳон ва Осиё чемпионатлари ғолиби бўлган 204 нафар спортчи туман ва шаҳарларга бириктирилди.

15 та сунъий қопламали спорт майдончалари қурилиб, 9 таси қайта таъмирланди, 2 та мактабда янгидан спорт заллари барпо этилиб, 41 тасининг спорт заллари қайта таъмирланди.

Ёшларни жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратиш мақсадида “Спорт карвони” лойиҳаси доирасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги 230 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ҳамда 7 542 та умумтаълим мактабларига

¹ Жонажон Ўзбекистонимизни янада обод қилайлик! <https://uza.uz/uz/posts/>

² yoshlar.gov.uz

умумий қиймати 50 млрд сўмлик 96 турдаги спорт жиҳозлари, инвентарлари ва кийимлари етказиб берилди.

“Ёшлар куни” муносабати билан жойларда жами 32 минг нафар ёшлар иштирокида 14 та “Youth Day” номли 5 км.га оммавий югуриш марафонлари ўтказилди.

186 маротаба “Миллий ўйинлар” (*арқон тортиш, кураш, тош кўтариш ва бошқа*) спорт мусобақалари ташкил этилиб, уларда жами 16 200 нафар ёшлар иштирок этди.

Учинчи ташаббус – аҳоли ва ёшлар орасида компьютер технологиялари ва интернетдан фойдаланишни ташкил этиш йўналишида:

Аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни жорий этиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг туман шаҳарларида 50 та Рақамли технологиялар ўқув марказлари ташкил этилди. Мазкур ўқув марказларида 50 та янги иш ўринлари яратилиб, уларда 19 та махсус фан дастури ишлаб чиқилди¹.

Тошкент шаҳри, Сирдарё, Андижон ва Фарғона вилоятларида ёшларнинг стартап лойиҳаларини ривожлантиришга қаратилган IT парклар қурилди.

Рақамли технологиялар ўқув марказларида қисқа ва узоқ муддатли ўқув курслари ташкил этилган бўлиб, бугунги кунга қадар 5 минг нафардан ортиқ тингловчилар ўқув курсларини якунлаган.

Ёшларга компьютер технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини сингдириш, уларнинг замонавий интеллектуал билимларини янада ошириш мақсадида Самарқанд шаҳридаги Ёшлар марказида янги “IT markaz” ташкил этилди.

Республика бўйича 19 та “Меҳрибонлик” уйлари ва болалар шаҳарчалари замонавий компьютер жамланмалари билан таъминланиб, интернет ва “ZiyoNet” таълим тармоғига уланди.

Бугунги кунга қадар 3 672 та халқ таълими, 1 205 та мактабгача таълим ва 1 469 та соғлиқни сақлаш муассасаларининг юқори

¹ Норкулова Н. Шахс ижтимоий хулқи ва аффилиацияси мотивацияси диагностикаси. –Т.: ТДПУ нашриёти, 2017. –Б. 34.

тезликдаги интернет тармоғига уланиши таъминланди. Шунингдек, 3 433 та халқ таълими, 1 836 та мактабгача таълим ва 1 127 та соғлиқни сақлаш муассасаларига жами 4 154 км оптик толали янги алоқа линиялари тортилди¹.

Ёшларнинг замонавий ахборот технологияларини ўрганиши, олган билимларини юртимизнинг барча ҳудудларидаги ёшларга етказиши ва бу орқали мамлакатимизда янги авлод технологиялари ривожига ҳисса қўшиш мақсадида “Digital Generation”, “Бир миллион дастурчилар” лойиҳалари ва “Google Dev Fest” дастурчилар фестивали ташкил этилди.

Тўртинчи ташаббус – аҳоли, айниқса, ёшлар маданиятини юксалтириш, улар орасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш йўналишида:

2020-2025 йилларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастури² амалга оширилди. Ҳудудларга “Маърифат қарвони” тадбирлари доирасида 3 млн. дан ортиқ китоблар етказиб берилди. “Ёшлар кутубхонаси” рукни остида 59 та номдаги 590 минг дона бадиий адабиётлар чоп этилиб, республикаимиздаги барча таълим муассасалари кутубхоналарига тарқатилди³.

“Ёш китобхон” республика танловининг саралаш босқичларида 2019 йилда 1 млн 200 мингдан ортиқ ёшлар фаол иштирок этиб, Республика босқичида ғолиб бўлган 3 нафар ёшларга Ўзбекистон Республикаси Президенти совғаси сифатида “Spark” автомашинаси берилди.

Сирдарё вилоятида ёш оилаларни китобхонликка кенг жалб қилиш мақсадида “Энг яхши китобхон оила” танлови ўтказилиб, ғолибга Ўзбекистон Республикаси Президенти совғаси сифатида “Spark” автомашинаси берилди. Ўтган давр давомида китобхонларга жами 9 та “Spark” автомашинаси совға сифатида тақдим этилди.

¹ Лойиҳалар. // <https://yoshlar.gov.uz/uz/project/teztop/>

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2020 -2025 йилларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастурини тасдиқлаш тўғрисида” 2020 йил 14 декабрдаги 781-сон қарори <https://lex.uz/docs/5160827>

³ Бизнес саёҳатлар. // <https://yoshlar.gov.uz/uz/privilege/biznes-sayohatlar/>.

Бешинчи ташаббус – хотин-қизларни иш билан таъминлаш ишларини тизимли ташкил этиш йўналишида:

Қизларимизнинг касб кўникмаларини мустаҳкамлаш, ҳаётда муносиб ўрин эгаллаш, уларни доимий иш билан банд қилиш мақсадида 75 та туманда 111 та тикув-трикотаж мажмуалари ташкил этилиб, 35 минг нафар қизлар ишга жойлаштирилди.

Хотин-қизлар учун жами 170 мингга яқин иш ўрни яратилди. Тижорат банклари, Хотин-қизлар ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағлари ҳисобидан 172 мингдан ортиқ хотин-қизларга жами 4,9 триллион сўм кредитлар ажратилди.

Ҳақиқатан ҳам, тан олиш керакки, республикамизда бешта ташаббус доирасида катта ҳажмли ишлар бажарилди. Ёшларнинг демографик ҳолатини ҳамда дунёда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларни ҳисобга олиб, мамлакатни демократлаштириш ва янгилаш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёnlарида ёшларнинг фаоллигини ошириш, уларнинг манфаатларини қўллаб-қувватлаш, жисмонан ва маънан соғлом, ақлан етук авлодни вояга етказиш мақсадида давлат ва жамият олдига чуқур ўйланган ва илмий асосланган махсус дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш кабилар бу борадаги энг долзарб вазифаларга айланмоқда¹.

3.1.3. Сиёсий ислохотлар – ёшлар сиёсий маданиятини шакллантириш омили

Мамлакатимизда амалга оширилаётган инқилобий ўзгаришлар фуқароларнинг сиёсий маданияти билан чамбарчас боғлиқ. Сиёсий маданият шахснинг ижтимоий тузумга, ҳокимиятга, давлат амалга ошираётган ички ва ташқи сиёсатга муносабатини акс эттирибгина қолмай, балки шахснинг сиёсий онги билан сиёсий фаолияти бирлигини ҳам ифодалайди. Шахс сиёсий маданиятининг ҳолати, даражаси қанча баланд бўлса, унинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида иштироки шунча юқори бўлади.

Жаҳон тажрибаси ҳам, ўзимизнинг ўтган йиллар тажрибамиз ҳам шундан далолат берадики, жамиятда амалга оширилаётган ҳар қандай

¹ Ёшлар – Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги, бебаҳо хазинаси // “Халқ сўзи” газетаси, 2020 йил 26 декабрь, №273.

ислоҳотларнинг, жумладан, сиёсий ислоҳотларнинг ҳам кўзланган ютуқларга эришуви, мазкур ислоҳотларнинг жамият аъзолари томонидан фаол равишда қўллаб-қувватланиши орқали юз беради. Давлат билан жамият ўртасида бўладиган ўзига хос ижтимоий ҳамкорлик тараққиётнинг гарови бўлиб хизмат қилади. Сиёсий маданият турли ижтимоий гуруҳларнинг давлат ҳокимиятига, сиёсий ташкилотларга, уларнинг жамият ҳаётидаги ролига, бошқа давлатлар ва миллатлар билан муносабатлар ҳамда шу кабиларга қарашларининг тизимга солинган назарий ифодасидир. Демак, сиёсат – давлатни, жамиятни бошқаришда муайян мақсадларга эришишни кўзда тутиши, турли ижтимоий гуруҳлар ҳамда давлат ўртасидаги муносабатлар мувозанатини сақлаб турувчи халқнинг иқтисодий, ижтимоий, маънавий эҳтиёжларини қондириш йўл-йўриқларини ишлаб чиқиб амалга оширувчи воситадир. Ҳар бир мамлакатда назарий билимлар қанча чуқур ва кенг бўлса, сиёсат шу қадар мустаҳкам ва реал бўлади. Сиёсий маданият, мафкура ва маънавият даражаси жамият ҳаётида инсон иштироки қандайлигини белгилайди. Сиёсий маданиятга эга ҳар қандай фуқаро қонун ва қарорлар қандай қабул қилиниши ва уларнинг ижро этилишига муносабат билдиради.

Сиёсий маданият ижтимоий онгнинг унсурлари ва феноменларини, у ёки бу мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий институтлари ва сиёсий жараёнлари билан алоқадор бўлган маънавий маданиятни ҳам ўз ичига олади. Шу билан бирга, сиёсий маданият жамият сиёсий ҳаётида бир қанча муҳим *вазифаларни*, хусусан:

биринчидан, жамиятда ва миллий манфаатларни рўёбга чиқаришни сиёсий жиҳатдан таъминлаш;

иккинчидан, ижтимоий гуруҳлар, қатламлар, миллий ва миллий тузилмалар манфаатлари йўлида сиёсий муносабатларнинг қайта ўзгариши ва ўзлаштириш;

учинчидан, сиёсий жараёнларда тартибга солувчилик (сиёсий тизим, сиёсий ташкилотлар ва бошқалар);

тўртинчидан, тарбиявий вазифани бажаради.

Шу маънода олганда, сиёсий маданият – жамият сиёсий тизимининг муҳим таркибий қисмларидан бири. Унинг тараққиёт

даражаси мазкур тизим сифатларини ўзида ифода этади. Фуқаролар, жамоатчилик ва сиёсий арбобларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимдонлигини, уларнинг сиёсий феъл-атворини акс эттирувчи сиёсий маданият сиёсий институтларнинг шаклланиши ва амал қилишига кучли таъсир этади, давлат ва фуқаролик жамияти ўртасидаги ўзаро таъсирнинг табиатини белгилаб беради.

Сиёсий жараёнлар ва сиёсий ҳулқада намоён бўладиган эътиқодлар, ҳис-туйғулар ва қадриятлар олдидagi бундай чегаралаш, ўз навбатида, сиёсий маданиятнинг муҳим унсури ҳамдир.

Сиёсий маданиятнинг шаклланишида жамиятда амал қиладиган сиёсий мафкураларнинг ўрнини алоҳида таъкидлаш лозим.

Мафкура нима? Мафкура, аввало, муайян ижтимоий гуруҳ ё қатламнинг, миллат ёки давлатнинг еҳтиёжларини, мақсад ва интилишларини, ижтимоий-маънавий тамойилларини ифода этадиган гоялар, уларни амалга ошириш усул ва воситалари тизимидир.

Мафкуранинг асосий функцияси – аҳолининг оммавий сиёсий онгини эгаллаш, унга жамиятнинг бугунги ва келгусидаги тараққиётини баҳолаш, ўзининг мезонларини жорий қилиш, сиёсий маконда кишилар мўлжал қиладиган мақсад ва вазифаларни белгилашдан иборат.

Мафкура амалга оширмоқчи бўлган йўлнинг оқилона ва холисона образини яратишга, унинг у ёки бу синф, миллат, давлат манфаатига мос келишига интилади. Бу борада мафкура у ёки бу идеаллар ва қадриятларни тарғибот қилиш билан чегараланиб қолмасдан, фуқаролар, сиёсий партиялар ва бошқа сиёсий тузилмаларнинг мақсадга мувофиқ фаолиятини рағбатлантириш билан шуғулланади.

Бугунги кунга келиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг ижобий натижаси кўп жиҳатдан давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг тамомила янгича поғонага кўтарилиши билан боғлиқ бўлиб қолди. Ушбу вазифа амалга оширилишининг асосида эса, фуқароларимизнинг, айниқса, ёшларнинг сиёсий фаоллигини ошириш ётади, сиёсий маданият даражасининг юксалиб

бориши эса, ана шу фаолиятнинг Конституциямиз ва бошқа қонунларимизни ҳурмат қилиш, жамият барқарорлиги учун масъулиятни доимо ҳис қилиб туриш каби жиҳатлар билан тўлдиради. Бу эса шу жамиятда, мана шу давлатда яшаётган ҳар бир шахснинг эртанги куни, келажаги учун доимо масъулиятли бўлишга чорлайди.

Халқнинг сиёсий маданияти юксалган сари у сиёсий жараёнларга тобора яқин кириб бораверади. Айни шу жараёнларга кириб борган фуқаро эса тез орада шу жамиятнинг бошқарувида бевосита иштирок этади. Ҳозирда давлатимиз олдида қўйган асосий вазифаси ҳам шу – халқнинг, фуқароларнинг жамият бошқарувида фаол иштирокини таъминлашдир.

Хўш, ёшларнинг сиёсий маданиятини юксалтириш қандай амалга оширилади? Бунинг учун маълум бир муассаса, ташкилот ёки фуқаронинг ўзи масъулмикин? Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларга жалб этиш, сиёсий маданият ва сиёсий фаолликни тарғиб этувчи партиялар зиммасига қандай вазифа ва масъулият юкланмоқда? Масъулият юки турмуш тарзимиз ҳаётимизда акс этмоқдами? Ушбу саволларга ижобий жавоб топиш эса сиёсий партиялар фаолиятидаги фаолликни талаб этади. Шу билан бирга, ёшлардан ҳам сиёсий жараёнларга қизиқиш, фаоллик ва билим талаб этилади.

Мамлакатимизда ёшлар ҳаётига доир қонунлар қабул қилиши, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари белгилаб берилиши, ва албатта, ҳар бир ёшнинг мазкур жамият фуқароси сифатида сиёсатда фаол иштирок этишини эътиборга олиш ёшларни баркамол авлод қилиб тарбиялаш омили сифатида намоён бўлмоқда. Демак, ёшларни сиёсий фаоллигини ошириш, сиёсий маданиятлилик даражасининг кўтарилиши, уларнинг баркамол авлод сифатида шаклланишини таъминлайди. Шу ўринда ёшларни баркамол авлод даражасига кўтарилиши, сиёсий фаол фуқарога айланишида сиёсий таълим-тарбиянинг тўғри амалга оширилиши ҳар жиҳатдан муҳим. Сиёсий таълим-тарбия – бу ижтимоий-сиёсий фаолиятда амалий иқтидорининг таркиб топиши, сиёсий ҳаракат, фаол ҳаётий позицияни вужудга келтиришидир. Ёшлар сиёсий маданиятини шакллантириб

бориш, аввало оилада, мактабда, олий ўқув юртида, меҳнат жамоаларида ва оммавий хизмат кўрсатиш жойларида амалга оширилади. Бу жараён оилада, аввало, ота-онанинг ибрати, илик оилавий муносабатлар орқали амалга ошади. Оила аъзоларининг газета, журналлар ўқиш ва таҳлил қилишга қизиқиши, теледастурларни мунтазам кузатиб бориши ёшлар сиёсий маданиятини ўсишига хизмат қилади.

Ёшлар тақлидчан, қизиқувчан ва тез ўрганувчан бўлади. Шу жиҳатдан уларда масъулият, иштиёқ, “ҳавасмандлик” каби ҳиссиётларни ҳисобга олиш лозим. Шундай экан, оиланинг ёшларни баркамол қилиб тарбиялашдаги ўрни беқиёсдир. Шахснинг индивидуаллашганлик жараёни қанчалар тезлашса, унинг ижтимоийлашуви ҳам шу қадар тез шаклланиб боради. Натижада уларнинг аста-секин баркамол авлод сифатида шаклланиши тез кечади.

Ёшлар сиёсий маданияти – уларнинг онги орқали сиёсий тизимнинг моҳиятини билиш, унинг мақсадини идрок этиш ва сиёсий жараёнда эркин иштирок этишга тайёр бўлишини англатади. Ёшлар сиёсий маданиятини шакллантириш жараёни миллий ғоянинг амалга ошишида муҳим омил бўлиши билан ҳам белгиланади. Миллий ғоянинг мақсадга эришувида ёш авлод вакилларининг сиёсий маданиятининг шаклланиши юксак аҳамиятга эга. Сабаби миллий ғоя инсон манфаатларини тўлиқ рўёбга чиқишини таъминлайдиган янги демократик жамият қуришни назарда тутди. Демократик сиёсий жамиятни барпо этиш эса сиёсий онги юқори, сиёсий фаол ва сиёсий маданияти юксак ёшлар кўп бўлганда тезлашади.

Ёшларнинг давлат бошқаруви ва ижтимоий-сиёсий ҳаёт соҳаларида фаол иштирокини таъминлаш муҳим масалалардан бири бўлиб қолади. Бу ёшларнинг ижтимоий-сиёсий муносабатларда объектив ижтимоий роли билан боғлиқ. Унинг у ёки бу ижтимоий-сиёсий тизимга интеграцияси, улар билан мослашувчанлиги жамиятда ўзаро ҳамкорлик муносабатларнинг шаклланиши ва унинг бирлиги ҳамда ҳавфсизлигининг сақланиб қолиши омили ҳисобланади.

“Ёшларнинг давлат ҳокимияти ва бошқарувида иштироки” ва “ёшларнинг давлат ҳокимияти ва бошқарувида иштирокини таъминлаш ҳамда қўллаб-қувватлаш” тушунчалари фарқини ҳисобга олиш лозим. Биринчиси, ёшларнинг давлат ва жамият бошқаруви соҳаларидаги фаолиятини билдирса, иккинчиси, уларнинг бевосита давлат ҳокимияти бўғинларида ишга қабул қилиши ва ишлаши учун яратилган ҳуқуқий асосларининг мавжудлиги назарда тутилади.

Ёшларнинг давлат ҳокимияти ва бошқарувида иштироки унинг ўзини ташкил қилишнинг турли хил шаклларда намоён бўлади. Плюрализм, эркинлик шароитида ёшларнинг ўзини намоён қилиши имконияти кенгаяди. Бунда ҳуқуқий асослар ёшлар фойдасига ишлайди.

“Ёшларнинг жамоавий ҳаракатлари янги ижтимоий-сиёсий тузилмаларнинг шаклланишига ёки мавжудларини трансформациясига йўналтирилган бўлади. Ўз-ўзини бошқаришда ёшларнинг ижтимоий-сиёсий субъектив эканлиги деярли тўлиқ намоён бўлади. Ёшлар ижтимоий ҳаракатлари ўз-ўзини бошқаришнинг ёрқин мисоли бўлиб хизмат қилади¹.

Давлат ҳокимияти ва бошқарувида ёшлар бу ўзининг ижтимоий, психологик, психофизиологик хусусиятлари мавжуд бўлган, жамият ҳаётида фаолият олиб боровчи, ички дифференцияга эга, жамиятнинг ижтимоий бўлинишига ҳамда ўзининг субмаданиятига мос келувчи ижтимоий демографик гуруҳ ҳисобланади. Бугунги кунда ёшлар аҳолининг энг кўп ўрганилаётган бўғинидир. Чунки улар жамият ривожланишидаги ўзгаришларни амалга оширувчи ҳамда белгилаб берувчи муҳим индикатори ҳамдир.

В.Т.Лисовский таърифига кўра: “Ёшлар – ижтимоийлашув босқичидан ўтувчи, таълим, касбий ва маданий вазифаларни амалга оширувчи ва жамиятда ижтимоий ролларни қабул қилувчи ва бажарувчи авлод”². Бу тушунчага И.С.Кон кенгроқ таъриф беради: “Ёшлар – ўз кўрсаткичи, ижтимоий роли, у ёки бу ижтимоий

¹ Минченя Е.А.. Социология молодежи. ГУВПО Белорусско-Российский университет. – Могилев: 2017. –С.8.

² Лисовский В.Т. Методология и методика изучения идеалов и жизненных планов молодежи: Автореф. дисс. канд. псих. наук. – Л.: 1968. –С.19.

психологик хусусиятларга эгаллиги асосида аниқланувчи ижтимоий демографик гуруҳ.

Ёшлик ҳаёт давомидаги маълум бир босқич бўлиб, у биологик жиҳатдан универсал, лекин унда ижтимоий мақом, ижтимоий психологик жиҳатлар билан боғлиқ ёш тўсиқлари, чегаралар ижтимоий ҳаёт соҳалари, маданият ва ижтимоийлашувнинг ушбу жамиятга хос қонуниятларига боғлиқ бўлади”. Албатта, бу фикрларга қўшилиш мумкин. Унда ёшлар ижтимоийлашуви билан боғлиқ бўлган қонуниятлар ва мураккаб жараёнлар ҳисобга олинган.

Жамиятда ёшларимизнинг фаоллиги нимага олиб келиши масаласида қуйидаги илмий хулосаларга келинди:

Биринчидан, ёшларнинг давлат ҳокимияти тизимида кўпроқ бўлиши, турган гапки, қонунлар, қарорларни ишлаб чиқишда фаоллигини таъминлашга, парламентдаги қизғин иш фаолиятига олиб келади.

Иккинчидан, Ўзбекистонда Ёшлар парламентининг ташкил этилганлиги ёшларни давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизими билан таништиришга ҳамда уларни иштирокини таъминлашга муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Учинчидан, Республика Олий Мажлиси Қуйи ва Юқори палатаси таркибида ёшларнинг улушини ўрганиш шундан далолат берадики, депутатлар орасида 30 ёшгача бўлганлар жуда кам ёки айрим маҳаллий кенгашларда умуман мавжуд эмас. Бу ҳолатни жиддий ўйлаб кўриш ва ёшларни парламент фаолиятида фаол иштирокини таъминлаш талаб этадиган шарт-шароитларни яратиш зарур.

Тўртинчидан, ёшларга нисбатан сайловчилар орасида мавжуд бўлган анъанавий қараш билан боғлиқ стереотипларни ҳам ўзгариши тақозо этилади. Ёшлар қатлами парламентда янгича тафаккур ва қарашларни шаклланишига асос яратишга имконият беради.

Бешинчидан, маҳаллий кенгашларда ҳам ёш депутатларни сайлаш, ҳокимликка кўтариш жамиятда ёшлар ташаббуси билан боғлиқ янгича таклиф ва мулоҳазаларни кириб келиши, янги қонун ва қарорларни қўллаб-қувватлаш учун ўзига хос сиёсий макон яратиш имкониятини беради.

Олтинчидан, бошқарув соҳасида ахборот коммуникация тизимининг роли ошиб бораётганлигини ҳисобга олсак, бошқарув кадрлари орасида ёш раҳбар кадрларни қўллаб-қувватлаш масаласи стратегик аҳамиятга эга бўлиши тарафдоримиз.

Қисқа қилиб айтганда, ёшларни плюрализм, фикрлар хилма-хиллиги шароитида юксак даражада тарбиялаш жамият ривожига муҳим роль ўйнайди. Фикримизни қуйидагилар билан изоҳлаймиз:

1. Ёшлардан сиёсий воқеа ҳодисаларнинг моҳиятини англашни, юксак сиёсий онг ва маданиятга эга бўлишларини даврнинг ўзи талаб қилмоқда.

2. Плюрализм одатда фикр эркинлиги, демократик муҳит ва тамойиллар билан узвий боғлиқ ҳолда кечади. Ҳар бир жамиятда демократия ва фикрлар хилма-хиллиги етакчи роль ўйнайди.

3. Фикрлар хилма-хиллиги ижтимоий ҳаёт ва турли фан соҳаларида бир-биридан фарқ қилади ҳамда ўзига хос маъно мазмунга эга бўлади. Шунга мос фалсафий ва сиёсий фикрлар хилма-хиллигини бир-биридан фарқлаш лозим.

4. Плюрализм, эркинлик, фикрлар хилма-хиллиги ёшларнинг сиёсий маданияти юксалиб бориши учун катта имконият эшигидир. Айни пайтда, ёшлардан унга алоҳида масъулият ва компетентлик билан ёндашиш талаб этилади.

3.2. ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАР СИЁСИЙ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ ВАЗИФАЛАРИ

3.2.1. Ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантириш жараёнлари

Бугун жаҳондаги мураккаб ва тез ўзгарувчан глобаллашув шароитида ҳар қандай давлатнинг замонавий жамиятга трансформацияланганлик даражаси улар томонидан сиёсий, иқтисодий ҳамда социомаданий воқеликдаги ёшларнинг сиёсий маданиятини ривожлантиришга йўналтирилганлиги билан белгиланади. Ёшлар сиёсий маданиятининг ривожланиш жараёнлари муаммоларини ҳал қилиш соҳасидаги самарали давлат сиёсатини амалга ошириш ҳамда унда қўлланиладиган механизм ва

технологияларни такомиллаштириб бориш ижтимоий барқарорлик кафолати бўлиш билан бирга ижтимоий тараққиётнинг ҳам гарови ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантириш жараёнларида замонавий методларни қўллаган ҳолда амалга ошириладиган узоқ муддатли сиёсат моделини ишлаб чиқишга бўлган заруратни янада кучайтирмоқда.

Ҳозирги вақтда дунёнинг аксарият мамлакатларида ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантириш билан ишлашнинг янгича моделларини яратиш ҳамда уларни амалга оширишда инновацион механизм ва технологияларни яратишга оид кўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Кўпгина мамлакатларда бундай моделларни ишлаб чиқишда уларнинг замон талабларига мослигига, бажарадиган вазифаларига катта миқдордаги маблағларни жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундан ташқари, ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантириш бўйича миллий моделларнинг нафақат локал нуқтаи назардан муваффақиятли амал қилиши, балки уларнинг мазкур соҳадаги халқаро муносабатларга интеграциялаша олиши, мазкур сиёсатнинг самарадорлигини белгиловчи муҳим мезонлар сифатида қаралмоқда.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида бошқа соҳалар қатори ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантириш жараёнларига ҳам алоҳида эътибор қаратиб келинди. Айниқса, сўнгги йилларда мамлакатимизда ёшларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб улғайишлари учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда. “Биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишмасдан, қатъият билан давом эттирамиз. Нафақат давом эттирамиз, балки бу сиёсатни энг устувор вазифамиз сифатида бугун замон талаб қилаётган юксак даражага кўтарамиз. Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз”.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантириш жараёнларини илмий жиҳатдан тадқиқ этиш ва уни

янада такомиллаштириш ва ривожлантиришнинг замонавий механизмларини ишлаб чиқиш жамиятимиз, қолаверса, давлатимиз олдида турган энг долзарб вазифалардан биридир.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги ПФ-5106-сон, 2018 йил 28 июндаги “Yoshlar – kelajagimiz” Давлат дастури тўғрисида”ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги “Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3138-сон қарори ҳамда мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда бир қатор вазифалар белгиланиб, амалга оширилди. Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда илгари сурилган ғоялардан сиёсий фанлар, давлат бошқаруви, халқаро сиёсий муносабатлар, фалсафа, ижтимоий фалсафа, психология, социология, фуқаролик жамияти ва тарих фанлари бўйича тадқиқотлар ҳамда методологик ёндашувларни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Сиёсий маданият ўз ичига сиёсий билимлар доирасидаги анъаналар, қадриятлар, сиёсий хулқ-атворлар бирлигини мужассам этганлиги боис, унинг мавжудлиги давлат ва жамиятнинг тараққиёти учун замин бўлиб хизмат қилишини билдиради. Аммо бу жараён мураккаб ва хилма-хиллик хусусиятига эга. Чунки сиёсий тизимлар, анъаналар ҳар бир халқ, миллат учун алоҳида аҳамият касб этади. Жамият бошқарувини жорий этган мамлакат ва жамиятлар мисолида айнан бир хил сиёсий институтларнинг турлича фаолият кўрсатишлари, айнан бир хил сиёсий соҳадаги янгиликларни қайсидир мамлакатда осонлик билан, қолганларида умуман жорий этиб бўлмаслиги каби муаммоларни тушуниш, уларнинг ечимини топиб беришда сиёсий маданиятнинг ўрни катта. Чунки, бу янгиликлар инсонлар гуруҳига хос хусусият бўлиб, улар эса автоматик фаолият

кўрсатувчи механизм эмас. У аста-секин мослашувчанлик, шунингдек, унга юклатилган вазифаларни бир маромда бажарувчи табиатга эга бўлган мавжудотдир. Айнан шу ҳолатларни амалга оширишнинг манбаи инсон жамиятнинг муайян соҳасига эга бўлган кадрият ва анъаналари йиғиндиси, яъни маданият бўлиб хизмат қилади. Бошқача айтганда, сиёсий маданият сиёсий тизимлар ва давлат ҳақидаги билимлар, қарашлар йиғиндиси сифатида намоён бўлади. Сиёсий маданият шаклланиши бир неча босқичларда амалга оширилади ва давомийлик хусусиятига эга бўлган ижтимоийизация, яъни ижтимоийлашув жараёнини босиб ўтиши лозим.

Ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантириш жараёнлари билан боғлиқ ҳар қандай тадқиқот кўп ёқлама характер касб этади. Зеро, мазкур муаммоларнинг ечими маҳаллий ва давлат бошқаруви, социология, ижтимоий иш, педагогика соҳасидаги амалиётчи ва назарий мутахассисларнинг ўзаро ҳамкорлигини талаб қилади. Айни соҳаларнинг ҳар бири ёшлар муаммоларини ҳал қилиш билан боғлиқ ўз категориал аппаратига эга. Шу маънода, “ёшлар” тушунчаси бир сўз билан ифодаланса-да, мазмуни ва ҳажмига кўра, турли соҳаларда турлича қўлланилади. Бу эса, ўз навбатида, жиддий коммуникатив ва тадқиқотчилик муаммоларини юзага келтиради.

Мамлакатимизда ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантириш жараёнларига оид давлат сиёсатининг шаклланиш ва амалга ошириш жараёнини икки босқичга ажратиш мумкин. Биринчи босқич Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатининг меъёрий-ҳуқуқий, ташкилий асосларининг шаклланиши ва ёшларга оид давлат сиёсати субъектларининг вужудга келиши ҳамда ривожланиши ташкил этиб, у 1991-2016 йилларни ўз ичига олади. Иккинчи босқич 2016 йилдан то 2023 йилгача бўлган даврни қамраб олади.


Ҳозирги кунда давлат бошқарувида амалга оширилаётган сиёсий ислохотлар даврида сиёсий маданиятнинг ўрни қандай бўлиши керак? Сиёсий маданиятнинг ўзи нима? Уни қандай шакллантириш мумкин? Бу каби чуқур таҳлил талаб, муаммоли саволларга бот-бот дуч келмоқдамиз. Бугунги кунда бундай саволларга тегишли ҳамда мантиқли жавоб топиш, ушбу соҳа билан шуғулланувчи тадқиқотчи

олимларнинг олдида турган энг муҳим ва долзарб вазифалардан бирига айланмоқда.

Сиёсий маданият – умумий маданиятнинг муҳим ажралмас таркибий қисми, жамиятнинг сиёсий ривожланиши жараёнида фуқароларнинг тегишли сиёсий билим ва тажрибаларга эга бўлишида, сиёсий воқеаларга ўз муносабатларини билдиришлари ҳамда баҳо беришлари ва шу каби ҳолатларда намоён бўлади. Давлатнинг ички ҳамда ташқи сиёсатини тушуна билиш, уни таҳлил қила олиш ва сиёсий вазиятга қараб, мустақил равишда ўз хатти-ҳаракатини белгилай олиш, сиёсий воқеаларни олдиндан кўра билиш, назорат қилиш ва амалий йўналишларни аниқлай олиш каби хислатлар эса фуқаролар, хусусан, ёшларнинг сиёсий маданиятини белгиловчи мезонлардир.

Ёшлар интеллектуал маданияти улар сиёсий маданиятининг асоси сифатида қуйидагиларни ўз ичига олади:

- китобхонлик, сўз, нутқ маданияти, мустақил ўқилган манбаларнинг асосий мазмунини англаш, вербал интеллект;
- шахснинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий муаммолар ечимини топиш қобилияти;
- белгиланган мақсадларни рўёбга чиқаришга хизмат қиладиган шахсий лаёқат, яъни амалий интеллект.



Ҳозирги кунда давлат ва ҳукумат томонидан амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ватанимизнинг истиқболи, тинчлиги ва фаровонлигига йўналтирилган. Республикамизнинг бу борада тараққиёти ва фаровонлигини, ўзининг ҳаёт фаолияти ҳамда

келажаги билан узвий боғлаб мақсад сари интиладиган интеллектуал ёшларни тарбиялаш энг муҳим вазифалардан саналади. Илм-фан ва технологияларнинг жадал ривожланиши, глобал дунёда рақобатнинг ортиши шароитида ҳар бир давлат ва жамиятнинг бу жараёнда рақобатбардошлиги ёшларнинг интеллектуал ривожи ҳамда уларнинг истеъдоди ва қобилиятларини тўлиқ амалга оширишга эътибор беришга боғлиқ бўлади. Бу борада "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддасида "Ёшларга оид давлат сиёсати – давлат томонидан амалга ошириладиган ҳамда ёшларни ижтимоий жиҳатдан шакллантириш ва уларнинг интеллектуал, ижодий ва бошқа йўналишдаги салоҳиятини камол топтириш учун шарт-шароитлар яратилишини назарда тутадиган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий чоратadbирлар тизимини яратиш" деб белгиланган.

Мамлакатимиз инсонларнинг яшаш шарт-шароитларини яхшилаш, ёшларга билим бериш, бўш вақтларини самарали ташкил этиш ва бунинг натижасида жамият ҳаётида фаол иштирок этиш, оиласи, касби, ватанини севиш каби ижобий хислатларни рўёбга чиқаришга катта эътибор қаратмоқда. Шу боис ҳам жамият тараққиётига тегишли бўлган барча соҳаларга алоҳида аҳамият берилмоқда. Янгиланаётган Ўзбекистон шароитида ёшларга давлат сиёсати даражасида эътибор берилиб, фан, таълим ва ишлаб чиқариш жараёнида ёшларнинг интеллектуал салоҳияти ва тафаккур тарзи йилдан-йилга ижобий тарафга ўзгариб бормоқда.

Бироқ, замонавий трансформацион жараёнлар ҳозирги дунёда тобора жадаллашиб бормоқда ва мазкур жараёнларнинг ёшлар ҳаётига кўрсатаётган таъсири ҳар қачонгидан ҳам долзарблашиб, маданиятнинг универсиаллашувини кучайтирмоқда. Ҳозирги пайтда мазкур жараёнларнинг ғоят ўткир ва кенг қамровли таъсирини деярли барча соҳаларда кўриш мумкин. Айниқса, давлатлар ва халқлар ўртасидаги интеграция ва ҳамкорлик алоқаларининг кучайиши, хорижий инвестиция, кўплаб янги иш ўринларининг яратилиши, замонавий коммуникация ва ахборот технологияларининг, илм-фан ютуқларининг тезкорлик билан тарқалиши, турли кадриятларнинг

умуминсоний негизда уйғунлашуви, цивилизациялараро мулоқотнинг янгича сифат касб этиши, экологик офатлар пайтида ўзаро ёрдам кўрсатиш имкониятларининг ортиши, табиийки, ёшлар масаласига жиддий эътибор бериш ва уларни турли маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш ва дунё ҳамжамиятида ўз ўрнини топишга кўмаклашиш зарурлигини долзарблаштирмоқда.

3.2.2.Интеллектуал ёшлар – сиёсий маданиятнинг негизи сифатида

Бугунги ёшларимиз янгича фикрлашга ва замон билан ҳамнафас бўлишга интилмоқда. Унинг асоси эса интеллектуал қобилият ва интилишдир. Айниқса, 2000 йиллардан бошлаб ахборот коммуникация технологияларининг юқори суръатдаги тараққиёти инсоният тафаккурида ўзгариш ва ҳаётида мазмунга эга бўлиб бормоқда. Ахборот асри деб ном олган асримизни телекоммуникациясиз тасаввур қилиш қийин. Сўнги русумдаги телефон, планшет, ноутбук ва компьютерлар интернет орқали бизга керакли маълумот ва янгиликларни бир зумда аниқлашда беминнат хизмат қилади.

Ҳозирги замонда интернет тармоғидаги сайтлардан ўзимизга керакли бўлган ахборотларни бир неча дақиқаларда олишимиз мумкин. Бу биз учун жуда қулай, осон ва вақтдан ютишимиз имконини беради. Аммо масаланинг иккинчи тарафи ҳам борки, Интернетдан кераксиз ва бузғунчи ғоялар ёки ахборот хуружи ҳамда ҳар хил ёшларни миясини захарловчи восита сифатида фойдаланувчилар ҳам топилади. Албатта, тажрибадан маълумки, мустақил тафаккурига, интеллектуал илмий салоҳиятга эга ёшлар ҳар қандай хуружлардан ўзини ҳимоя қила олади. Бу борада ёшлар маънавияти ва сиёсий маданияти ривожланганлиги, шубҳасиз, фойда беради. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида таъкидлаганидек, “Сайёраамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси "вируси" тарқалишининг олдини олишдир. Бунинг

учун ёш авлодни ижтимоий кўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш лозим, деб ҳисоблаймиз. Шу муносабат билан Ўзбекистон глобаллашув ва ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётган бугунги шароитда ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган умумлаштирилган халқаро ҳуқуқий ҳужжат – БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқишни таклиф этади”¹.

Чиндан ҳам, бугунги кун ёшлардан ижтимоий-фаоллик, инновацион ёндашувни амалга оширишни тақозо қилмоқда. Чунки дунё жадал ўзгаришларга юз бурган бўлиб, ёшларнинг ижтимоий-инновацион фаоллигига эҳтиёжи туғилган. Бугунги ёшлар юрт тараққиёти, истиқболини белгиловчи кучлар сифатида эртага эстафетани кўлга оладилар. Ўз навбатида, жамиятни модернизация қилинишида кеча амал қилиб келган услублар бугунги шиддат билан кечаётган ўзгаришлар талаблари ва эҳтиёжларига жавоб бермай қолмоқда. Модернизация жараёнларидаги сусткашлик, ноаниқлик, назария ва амалиётдаги бирликнинг етарли даражада амал қилмаётганлиги ёшларда моддий, маънавий ва ижтимоий-сиёсий эҳтиёжларнинг тез ошиб бораётгани омилларни қайта кўриб чиқишни тақозо қилмоқда. Яъни, ижтимоий тузилма тармоқларида ёшлар ижтимоий гуруҳлари фаоллигини мамлакатда кечаётган модернизация жараёнларидаги бугун юзага келган эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда инновацион ёндашувни шакллантириш зарур.

Шу билан бирга, баъзи ёшларимиз интернет кафелари, компьютер ўйинлари марказларига интилади. Аслида, улар навқирон, айти кучга тўлган ёшида билим эгаллаш, касб-ҳунар ўрганиш, ўзини келажагини яратиш учун ҳаракат қилишлари лозим. Интернетда тарқаладиган турли ёшлар маънавиятига салбий таъсир кўрсатаётган хабарлар, беъмани расмлар, видеолар ва компьютер ўйинлари натижасида ёшларнинг савияси пасайиб, ҳаётга, атроф-муҳитга ва инсонларга бўлган муносабати тубдан ёмонлашиб бормоқда.

¹ <https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-prezidenti-shavkat-mirziyev-bmt-bosh-assambleyasi-20-09-2017>

Ёшларда ижтимоий-инновацион фаолликни ошириш жамиятга нима учун керак бўлмоқда, деган саволга социология фанлари доктори Сарвар Отамуратов шундай изох беради¹: биринчидан, жамият ижтимоий тузилмасида катта ўзгаришлар содир бўлди. Хусусан, янги синфлар, ижтимоий гуруҳлар (ўрта синф шаклланиб бормоқда, банд бўлмаган ёшлар гуруҳлари, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ривожланиши, амал қилиб келаётган кадриятларнинг саёзлашуви, янгиларининг жадаллашиб бораётган эҳтиёжлардан орқада қолиши) пайдо бўлди. Уларнинг ижтимоий тузилмада барқарор ривожланишига эришиш учун янги ёндашувларни шакллантириш зарурияти вужудга келди; иккинчидан, ёшларнинг азалдан амал қилиб келаётган айрим кадриятлардан бегоналашув ҳолатлари юзага келди. Оилага нисбатан бефарқлик, қариндош уруғчиликда бир-бирини қўллаб-қувватлаш оммавий бўлмаса-да улар тобора ривожланмоқда. Ҳалол меҳнат билан пул топиш, фаровон яшашдан кўра уни меҳнат қилмасдан, осон топишга интилиш кучайди; учинчидан, ёшларда ўзлигидан бегоналашув миллий ўзлигини англашнинг сусайишига таъсир ўтказмоқда. Ёшлар қалби, онги ва амалий ҳаракатларида бойликни ҳар қандай кадриятдан устун қўйиш руҳияти шаклланиши оқибатида бойлик уларни бошқарадиган хавфли ҳокимият шаклига айланмоқда. Эндиликда бу ижтимоий гуруҳ сафига ўз “мен”лигини пул, бойлик, ҳар қандай ахлоқсизликни “замонавий” ахлоқ сифатида англайдиган ёшлар гуруҳларининг янги авлоди шаклланмоқда; тўртинчидан, бугун жамиятда амал қилаётган ғоявий-маънавий турлитуманликлар, ёшларнинг онги ва дунёқарашларидаги иккиланиш, ўз истиқболига хизмат қиладиган йўналишларни танлашда қийинчиликлар, салоҳиятнинг саёзлиги ҳолатлари сезилмоқда. Бу юзага келган муаммоларни ҳал қилмай туриб, жамиятда барқарор ривожланишга эришиб бўлмайди. Уларни ҳал қилишнинг асосий омили эса ёшлар онги ва дунёқарашини ижтимоий-инновацион ғоялар билан бойитишга йўналтиришдир”. Олим мантиқли ва асосли

¹ Отамуратов С. Янгиланаётган Ўзбекистон ижтимоий-инновацион жараёнларида ёшлар фаолияти. –Т.: Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi, 2021. - Б. 200-201.

фикрларни билдирган. Бундай омилларнинг туб моҳиятини англаб етиш ва янги вазифаларни ҳал этишни кечиктирмаслик керак.

Хулоса ўрнида шунини айтиш лозимки, сўнгги йилларда мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатининг устувор вазифаларининг кўлами тобора ортиб бормоқда. Айниқса, интеллектуал ёшлар тарбияси, ташаббускорлик қobiliяти, илмий салоҳияти, уларда ижодкорлик ва ижтимоий фаолликни ошириш тамойиллари муҳим саналади. Ёшларни тинчлик, тоқатлилик, инсонпарвар, миллатлараро мулоқот руҳида тарбиялаш ҳамда уларни жамиятда ижтимоий фаоллигини ошириш борасида қилиниши керак бўлган ишлар ўз долзарблигини ҳеч қачон йўқотмайди.

Ёшларнинг келажагини ўйлаб самарали фаолият олиб бориш, интеллектуал ёшларни тарбиялаш энг муҳим вазифа бўлиб қолишини алоҳида таъкидлаган ҳолда, малакали ёш кадрларга бўлган эҳтиёжни тўла амалга ошириш борасида қуйидаги тавсия ва мулоҳазаларимизни келтирамиз:

- Ёшлар ўртасида медиа маданиятни шакллантиришда уларнинг эътиборига асосли, муҳим, зарур ва фойдали ахборотларни ўрганишларини тавсия этиш;

- Ота-оналарнинг медиа саводхонлигини ошириб, оила, таълим муассасалари билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш;

- Тарбиявий ишлар баҳс-мунозаралар, дебатлар, муаммоли ва зиддиятларни таҳлил қилиш педагогик-психологик профилактика ишларини олиб бориш;

- Узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида вояга етмаганларнинг медиа муҳитга самарали ҳаракатланиш, кўникма, малакаларга эга бўлишларини таъминловчи ўқув ва тарбиявий ишларни ташкил қилиш;

- Медиа таълимни самарали ташкил этиш юзасидан тўпланган хорижий ва маҳаллий тажрибаларни оммалаштириш;

- Таълим муассасаларида медиа таълимни ташкил этилишини йўлга қўйиш учун зарур педагогик шарт-шароитларни яратиш мақсадга мувофиқ.

Ижтимоий-ҳуқуқий фаоллик ёшларнинг жамият ҳаётидаги ижтимоий-ҳуқуқий ва маърифий-ҳуқуқий тадбирларда фаол иштирок этишларида акс этади. Ушбу фаолият жамиятдаги ижтимоий муҳитга таъсир қилади. Бу ўринда бир-бирига боғлиқ икки жараён уйғунлашиб келади. Биринчидан, ёшлар жамиятнинг ижтимоий-ҳуқуқий ва маърифий-ҳуқуқий фаолиятида фаол субъект сифатида қатнашадилар, бу жараёнда ўзида ижтимоий, жамоатчилик хислатларини (масалан, ташкилотчилик, коммуникация, рекреация кабиларни) шакллантирадилар. Иккинчидан, улар ҳуқуқий билим ва тажрибаларини оширадилар. Кўриниб турибдики, жамиятдаги ижтимоий-ҳуқуқий ва маърифий-ҳуқуқий тадбирлар талаба ёшларни ижтимоий-амалий фаолиятга, ҳуқуқий амалиётга жалб этиш билан тўлдирилган махсус чора-тадбирлардир.

3.2.3. Жамиятда ёшлар сиёсий маданиятининг ўрни

Инсоният тараққиётидаги барча жамиятларда мамлакат ижтимоий тузилмаси (структураси)да ёшлар мустақил ижтимоий гуруҳ сифатида муҳим ўринни эгаллаб келган ва бундан кейин ҳам ўз ўрнини йўқотмайди. Бунинг сабаблари қуйидагилар:

а) мамлакат тараққиётини таъминлашда улар кучли меҳнат ресурслари;

б) аجدодларни авлодлар билан боғлаб мамлакат, миллат барҳаётлиги ва истиқболини таъминлашда етакчи куч;

в) мамлакат суверенитети хавфсизлиги ва чегаралари мустаҳкамлигини таъминлашда фаол иштирокчи;

г) аجدодлардан қолдирилган моддий ва маънавий бойликларни асраш ва ўзларидан кейинги авлодларга етказувчи, мамлакат тараққиёти учун зарур бўлган фан, техника ва технологияларни ўсиб борадиган эҳтиёжларга мос равишда ривожлантиришда ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшадиган ижтимоий гуруҳдир.

Демак, *ёшларининг ижтимоий-инновацион фаоллигини* ошириш давлат сиёсатида устувор вазифалардан бири бўлиши керак. Аммо муаммо ёшларнинг ўсиб борадиган эҳтиёжлари билан мавжуд меҳнат ресурсларига бўладиган эҳтиёжлар ўртасидаги номутаносибликнинг доимо сақланиб қолиши муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Ёшларимизнинг маълум қисми шиддат билан ўзгараётган глобаллашув ритмларига “мослаша” олмаётганлиги ҳам муаммонинг янада чуқурлашувига олиб келмоқда. Катта авлоднинг вазифаси эса мавжуд ҳолатларни бартараф этиб бориш ва уларни мамлакатда амалга ошириладиган ислохотларнинг фаол иштирокчисига айлантиришдир.

Гапнинг очиғи, ёшларнинг сиёсий маданияти давлат сиёсий салоҳиятининг шаклланишида муҳим омил ҳисобланади. Мамлакат ички сиёсатида аҳоли, хусусан, ёшларнинг сиёсий ҳуқуқлари таъминланганлиги, демократик сайлов тизими, ҳокимиятнинг тақсимланиш принципи ва фуқароларнинг сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнидаги иштирокининг фаоллиги ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашга асос бўлади.

Жамиятимизни модернизациялашнинг вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, уларни амалга оширишда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлашда моддий эҳтиёжларни қондиришнинг муҳим механизмлари сифатида:

а) уларнинг жамият ижтимоий тузилмаси (структураси)даги мавқеини кўтариш ва мустаҳкамлаш, тузилма тармоқларида мавжуд бўладиган қарама-қаршилик ва зиддиятларни бартараф этиш;

б) ёшларнинг ижтимоийлашуви жараёнларини позитив (ижобий) дунёқараш ва амалий фаолиятга айланишига эришиш уларда жамият ва мамлакат манфаатларига нисбатан зид бўлган турли кучлар, оқимлар мақсадлари нимага ва кимларнинг манфаатларига қаратилганлигини объектив ва холисона баҳолай оладиган онгни ва интеллектуал салоҳиятни шакллантиришни тақозо қилмоқда¹.

Шу ўринда бир хавф-хатар ҳақида тўхталиб ўтишга тўғри келади. Сиёсий маданиятнинг кенг маънодаги маданият билан боғлиқлигини ҳисобга олганимизда, “оммавий маънавият”нинг ёшлар онги, дунёқараши ва калбини эгаллаши жамият ҳамда мамлакатда тузатиб бўлмайдиган кенг маънодаги маънавий инқирозни ҳам вужудга

¹ Отамурастов С. Янгиланаётган Ўзбекистон ижтимоий инновацион жараёнларида ёшлар фаолияти. –Т.: Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi, 2021. –Б. 243.

келтириши мумкин. Бу — мамлакатнинг таракқиётдан орқада қолишига, хатто боши берк кўчага кириб қолишига сабаб бўлади.

Юқоридагилардан хулоса шуки, Янги Ўзбекистонни қуриш палласида жамиятни ислоҳ қилиш фақат сиёсий-иқтисодий масала саналмайди. Биз олимлар глобаллашув шароитида маънавий-маърифий, ижтимоий соҳалар, одамлар турмуш тарзи, ахлоқ-одобида вужудга келадиган ва кутилаётган инқирозларнинг илдизини жиддий тадқиқ қилишимиз керак. Ҳар бир давлатда жамиятнинг юқори элита қисми оммавий маданият, глобаллашув муаммоси ва асоратларига ечим излагандагина миллат олдидаги вазифасини виждонан адо этган бўлади.

3.3. ЎЗБЕКИСТОН – 2030 СТРАТЕГИЯСИ – СИЁСИЙ МАДАНИЯТНИНГ РИВОЖЛАНИШ АСОСИ

3.3.1. Ўзбекистон Конституциясида сиёсий институтларнинг такомиллашуви жараёни

Бизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси янги таҳрири 2023 йил 1 майдан эътиборан кучга кирди. Бунга 30 апрел куни бўлиб ўтган референдум натижасига кўра 11 та моддадан иборат тегишли қонуннинг қабул қилиниши асос бўлди. Бу қонуннинг 1-моддасига Конституциянинг янги таҳрири илова қилинган.

Бунга қадар 1992 йилдан буён конституцияга жами 15 марта ўзгартиш киритилган эди. Бу сафар эса ўзгаришлар кўлами катталиги сабаб ҳужжатнинг янги таҳрири қабул қилинди. Янгиланиш натижасида, бош қомусдаги моддалар сони 128 тадан 155 тага, ундаги нормалар эса 275 тадан 434 тага ошди. Умуман, расмийларга кўра, конституция 65 фоизга янгиланган.

Қуйида *Kun.uz* назаридаги энг муҳим ўн та йўналишда рўй берган ўзгаришлар ҳужжатдаги кетма-кетлик бўйича келтириб ўтилади¹.

1. Ўзбекистон – ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат

Конституциянинг 1-моддасидаги “*Ўзбекистон – суверен демократик республика*” жумласи қуйидагича ўзгартирилмоқда:

¹ <https://kun.uz/news/2023/05/02/yangi-konstitutsiya-10-ta-asosiy-ozgarish>

Ўзбекистон – бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат.

Бошқарувнинг республика шакли – давлат ҳокимиятининг олий органлари халқ томонидан муайян муддатга сайланишини англатади.

Суверен давлат – ўз ҳудудида тўла-тўқис мустақил ҳукмронлик ва мутлақ юрисдикцияга эга бўлиш демакдир.

Демократия эса халқ ҳокимиятини ифода этиб, давлат бошқарувида сайланиш ва ўз вакилларини сайлаш орқали барчанинг тенг ҳуқуқли иштироки таъминланишини кўзда тутди.

Ҳуқуқий давлатда барча жараёнлар қонуний асослар устига курилади, давлат хизматчиларидан ҳуқуқ доирасида фикрлаш, барча масалаларга ҳуқуқий кўз билан қараш талаб этилади. Қолаверса, ҳуқуқий давлатда барча фуқаролар қонун олдида тенг бўлади, давлат ҳокимиятининг олий органлари ҳам қонунларга бўйсунди ва қонунларнинг муқаррар ижросини таъминлайди.

Ўзбекистон ўзини **ижтимоий давлат** деб эълон қилиши билан, ҳар бир фуқаросига муносиб турмуш кечириши учун шарт-шароит яратиш мажбуриятини олмоқда. Бу – мавжуд ресурсларни ижтимоий адолат тамойиллари асосида тақсимлаш, жамиятда кучли табақаланиш авж олишига йўл қўймаслик, энг заиф қатламлар учун ҳам сифатли таълим ва тиббиёт кафолатланиши, самарали ижтимоий ҳимоя дастурлари ишлаши, имконияти чекланган ва қўлловга муҳтож фуқароларни қўллаб-қувватлаш, адолатли меҳнат қонунчилиги ва жозибадор пенсия тизими кабиларни англатади. Оддийроқ айтганда, энг камбағал оиланинг болаларида ҳам соғ-саломат ўсиб-улғайиб, яхши таълим олиб, фаровонликка эришиш имконияти бўлиши керак.

Дунёвий давлатда давлат ва дин бир-биридан ажратилган бўлади. Давлат диний эътиқодидан қатъи назар барчага бир хил муносабатда бўлади, динга оид масалаларда нейтрал позицияни эгаллайди.

Янги конституциянинг 154-моддаси билан, **1-моддадаги қоидаларни қайта кўриб чиқиш мумкин эмас**, деб белгиланди.

Худди шунингдек, 154-модданинг ўзидаги айнан шу қоидадан иборат банд ҳам қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас.

Бошқача айтганда, бу норма – Ўзбекистон ҳеч қачон демократиядан воз кечмаслиги, ҳуқуқий давлатчиликка содиқлиги, монархияга ёки исломий республикага айланмаслигини назарда тутди.

2. Конституция тўғридан тўғри амал қилади

15-моддага қўйидагича қўшимча қўшилди:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатнинг бутун ҳудудидида олий юридик кучга эга, тўғридан тўғри амал қилади ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этади.

Конституциянинг тўғридан тўғри амал қилиши фуқароларга нафақат қонунлар, балки бевосита конституциядаги нормаларга ҳам асосланган ҳолда иш олиб боришга, хусусан судга мурожаат қилишга имкон беради.

Референдумда қабул қилинган қонунга биноан, Олий суд 3 ой ичида тегишли Пленум қарорини қабул қилиши керак. Бу қарор асосида судлар томонидан конституция нормаларини тўғридан тўғри амал қилувчи ҳужжат сифатида қўллаш юзасидан ягона суд амалиёти жорий этилади.

3. Имтиёзлар қонунда ёзиб қўйилиши шарт эмас

Янги конституциянинг 19-моддаси (аввалги 18-модда) – фуқароларнинг жинси, миллати, мавқеи ва ҳоказолардан қатъи назар қонун олдида тенглиги ҳақида. Бу модданинг 2-қисми қўйидагича ўзгармоқда:

Эски: Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт.

Янги: Имтиёзлар фақат қонунга мувофиқ белгиланади ва ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт.

Бу билан конституциянинг амалда ишламай келган нормаларидан бири реал воқеликка мослаштирилмоқда. Амалиёт шундайки, турли жабҳалардаги имтиёз ва преференциялар нафақат қонунлар асосида, балки кўп ҳолатларда қонуности ҳужжатлар – қарор ва фармонлар асосида бериб келиняпти.

4. Барча ноаниқликлар – инсон фойдасига

Конституциянинг янги таҳририга асосан:

Инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилади.

Ижтимоий муносабатлар чексиз шаклларга эга, уларни норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда тўлиқ кодификация қилиб чиқиш амалда имконсиз.

Эндиликда, қонунчиликда аниқ белгилаб қўйилмаган масалаларда зиддият юзага келса, масала давлат эмас, инсон фойдасига ҳал этилади.

Бундан ташқари, турли ҳужжатларни юритишда давлат органлари томонидан хато-камчилик ўтган тақдирда, масалан пенсия тайинлашда тегишли ҳужжатлар базадан топилмай, ноаниқлик юзага келганида ҳам вазият фуқаро фойдасига ҳал этилиши керак.

5. Инсон ҳуқуқлари ижтимоий ахлоқ ва жамоат тартибини сақлаш мақсадида чекланиши мумкин

Ҳуқуқ ва эркинликларнинг чекланиши масаласи аввалги конституцияда қуйидаги иккита норма билан тартибга солинган эди: *Инсоннинг конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас.*

Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишида бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт.

Конституциянинг янги таҳририда юқоридаги иккита норма деярли ўзгаришсиз сақлаб қолинди. Шу билан бирга, қуйидагича янги норма қўшилди:

Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари фақат қонунга мувофиқ ва фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлигини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш мақсадида зарур бўлган доирада чекланиши мумкин.

Ҳуқуқлар чекланишига доир бу меъёрлар, янги конституциянинг бошқа бир моддасига асосан, сўз эркинлиги ҳуқуқига ҳам тегишли. Яъни ахборот излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқи фақат конституциявий тузумни, аҳоли соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлиги ва тартибини таъминлаш, давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирнинг ошкор этилишига йўл қўймаслик мақсадида чекланиши мумкин.

Таъкидлаш лозимки, “ижтимоий ахлоқ” тушунчаси Ўзбекистон қонунчилигига ҳали киритилмаган. Ушбу тушунча ҳамда мазкур модда бўйича инсон ҳуқуқлари “жамоат тартибини таъминлаш мақсадида” чекланиши бўйича ваколатли органнинг ҳуқуқий шарҳига зарурат бор. Ҳуқуқлар таъминланиши билан ижтимоий ахлоқ ва жамоат тартибини сақлаш ўртасидаги олтин ўрталик аниқ белгилаб қўйилиши керак. Шу билан бирга, юқорида айтганимиздек, конституцияга биноан эндиликда барча ноаниқликлар инсон фойдасига ҳал этилади.

Шу ўринда, намоёнларга оид моддани ҳам эслатиб ўтиш ўринли. Бу модда аввалги ҳолида, ўзгаришларсиз сақлаб қолинди:

Фуқаролар ўз ижтимоий фаолликларини Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намоёнлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқига эга. Ҳокимият органлари фақат хавфсизлик нуқтаи назаридангина бундай тадбирлар ўтказилишини тўхтатиш ёки тақиқлаш ҳуқуқига эга.

6. Ўқитувчилар алоҳида эътирофда

Конституцияга ўқитувчилар ҳақида модда қўшилди. У икки банддан иборат:

Ўзбекистон Республикасида ўқитувчининг меҳнати жамият ва давлатни ривожлантириш, соғлом, баркамол авлодни шакллантириш ҳамда тарбиялаш, халқнинг маънавий ва маданий салоҳиятини сақлаш ҳамда бойитишнинг асоси сифатида эътироф этилади.

Давлат ўқитувчиларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ғамхўрлик қилади.

Шу тариқа, устозлар ҳуқуқ соҳаси вакили бўлмаган, лекин олий қонунда алоҳида тилга олинган ягона касб эгаларига айланди. Конституцияда номи келтирилган ўқитувчилардан бошқа касб эгаларининг барчаси – ҳуқуқ соҳаси вакиллари (судьялар, прокурорлар ва адвокатлар). Бошқа ҳолатларда касб эгалари эмас, соҳалар ҳақида гап кетган (масалан, оммавий ахборот воситалари, турли жамоат бирлашмалари).

7. Ер хусусий мулк бўлиши мумкин

Ўзбекистонда 2022 йилдан эътиборан қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаш-тириш бошланган. Шу билан деярли бир вақтда, ўтган йили эълон қилинган янги конституция лойиҳасининг бирламчи версиясида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни хусусийлаштириш мумкин эмаслигига ишора қилинган эди. Якуний талқиндан бундай чеклов олиб ташланди ва ерни хусусийлаштиришга оид норма қуйидагича шаклга келтирилди:

Ер қонунда назарда тутилган ҳамда ундан оқилона фойдаланишни ва уни умуммиллий бойлик сифатида муҳофаза қилишни таъминловчи шартлар асосида ва тартибда хусусий мулк бўлиши мумкин.

Бош қомуснинг ўтган йили эълон қилинган биринчи лойиҳасида унга қуйидагича жумлани киритиш таклиф этилган эди: *“Иқтисодий фаолиятда инсофсиз рақобатга, монополлаштиришга йўл қўйилмайди”*. Якунда бу борадаги нормалар қуйидагича кўриниш олди:

Давлат бозор муносабатларини ривожлантириш ва ҳалол рақобат учун шарт-шароитлар яратади.

Монопол фаолият қонун билан тартибга солинади ва чекланади.

Ҳужжатнинг бирламчи лойиҳасида мавжуд бўлган: *“Хусусийлаштириш натижалари қайта кўриб чиқилмайди ҳамда бекор қилинмайди”* деган нормани конституцияга киритмасликка қарор қилинди. Эслатиб ўтамиз, амалдаги қонунчиликда ҳам бунақа қоида йўқ.

8. ОАВ фаолиятига тўсқинлик қилиш жавобгарликка сабаб бўлади

Аввалги конституциянинг “Оммавий ахборот воситалари” номли боби битта моддадан иборат эди. Унда шундай дейилганди: *“Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар. Цензурага йўл қўйилмайди”*.

Янги конституцияга кўра, бу боб иккита моддадан иборат бўлди:

Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ иш олиб борадилар. Давлат оммавий ахборот воситалари фаолиятининг эркинлигини, уларнинг ахборотни излаш, олиш, ундан фойдаланиш ва уни тарқатишга бўлган ҳуқуқлари амалга оширилишини кафолатлайди. Оммавий ахборот воситалари ўзи тақдим этадиган ахборотнинг ишончилиги учун жавобгардир.

Цензурага йўл қўйилмайди. Оммавий ахборот воситаларининг фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки аралашшиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Асосий янгилик – ОАВ фаолиятига тўсқинлик учун жавобгарлик конституция даражасида белгиланди. МЖТК ва Жиноят кодексларига тегишли жавобгарлик киритилиши ҳақида 4-5 йилдан бери гапириб келинади, лекин уларнинг барчаси оғизда ва қоғозда қолиб кетмоқда.

Эндиликда, референдумда қабул қилинган қонунга кўра, Вазирлар Маҳкамаси қонунчиликни янги конституцияга мослаштириш дастурини 2 ой муддат ичида ишлаб чиқиб, парламентга киритиши керак.

9. Давлат бошқарувидаги ўзгаришлар. Президентнинг ваколат муддати 7 йил бўлди

Ўзбекистоннинг янги таҳрирдаги конституциясига биноан:

Президентнинг ваколат муддати 5 йилдан 7 йилга узайтирилди. Президентнинг “давлат бошлиғи” мақоми, айтиб бериш керак, сурункасига икки муддатдан ортиқ президент бўлиши мумкин эмаслиги, президентнинг қасамёди матни ва президентга тааллуқли бошқа аксарият нормалар ўзгаришсиз қолдирилди. Маълумот учун, президентнинг ваколат муддати 2003 йилда ҳам 5 йилдан 7 йилга узайтирилган, 2011 йилда эса қайтиб 7 йилдан 5 йилга туширилган эди.

Бош вазир номзодини энди президент тақдим этади. Президент бош вазир номзодини тақдим этишдан олдин парламентга кирган барча партияларнинг фракциялари билан маслаҳатлашувлар ўтказиши белгиланди. Қонунчилик палатаси президент тақдим этган номзодни кўриб чиқади, агар депутатларнинг ярмидан кўпи маъқулласа, бош вазир лавозимга тасдиқланади. Агар депутатлар номзодни уч марта рад этса, президент бош вазирни тайинлаб, Қонунчилик палатасини тарқатиб юборишга ҳақли. Аввалги тартибга кўра, бош вазир номзодини Қонунчилик палатасида энг кўп ўринни эгаллаган партия таклиф қилар, президент маъқуллагач, номзод икки палата томонидан тасдиқланиши талаб этиларди.

Сенаторлар сони 100 нафардан 65 нафарга туширилади. 14 та ҳудуддан 6 нафардан эмас, 4 нафардан сенатор сайланади, президент томонидан тайинланадиган сенаторлар сони 16 нафардан 9 нафарга қисқаради. Бу ўзгариш 2024 йилда бўладиган парламент сайлови вақтида кучга киради. Қонунчилик палатаси депутатлари сонини (150 нафар) оширмасликка, ўзгаришсиз қолдиришга қарор қилинди.

Бош вазирни тайинлаш ва унга ишончсизлик вотуми билдиришда Сенатнинг иштироки бекор қилинди. Эндиликда бунинг учун депутатлар умумий сонининг учдан икки қисми овоз бериши етарли (аввал ҳар икки палата аъзоларининг учдан икки қисми овоз бериши зарур эди; эслатиб ўтамиз, ишончсизлик вотуми эълон қилинса, президент бош вазирни лавозимидан озод этади). Бош вазир ва ҳукумат аъзоларининг ҳисоботларини эшитиш ҳам қуйи палатанинг ваколатига ўтказилди. Бундан ташқари, Қонунчилик палатаси ҳукумат аъзоларини истеъфога чиқариш тўғрисида президентга таклиф киритиш ваколатига эга бўлди.

Коррупцияга ва монополияга қарши курашиш органлари раҳбарларини президент тақдимига биноан сайлаш Сенатнинг ваколатига киритилди. Сенат, шунингдек, энг юқори рангдаги суд мансабдорларини сайлайди, бош прокурор ва Ҳисоб палатаси раислигига номзодларни кўриб чиқиб маъқуллайди, ДХХ раислигига номзод бўйича президент билан маслаҳатлашув ўтказади, Марказий банк раисини тайинлайди ва лавозимидан озод этади, хориждаги

асосий дипломатларни тайинлайди ва лавозимидан озод этади (буларнинг барчаси президент тақдимига биноан амалга оширилади). Бундан ташқари, Сенат маҳаллий кенгашларнинг қонунга зид қарорларини бекор қилиш ваколатига эга бўлди.

Қонунчилик палатаси қонунлар бўйича қўшимча ваколат олди. Унга кўра, эндиликда Сенат қонунни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисида 60 кун ичида қарор қабул қилмаса, Қонунчилик палатаси қонунни президентга юборади. Қонунларнинг президент томонидан имзоланиши ва эълон қилиниши учун белгиланган муддат 30 кундан 60 кунга узайтирилди. Президент томонидан қайтарилган қонун парламент палаталари томонидан яна қабул қилинган тақдирда, президентнинг бу қонунни имзолаш ва эълон қилиш муддати ўзгаришсиз (14 кун) қолдирилди.

Президент муддатидан илгари президент сайловини тайинлашга ҳақли экани белгиланди. Бундан ташқари, Қонунчилик палатаси ва Сенатга ўзини ўзи тарқатиб юбориш ваколати берилди (палата аъзоларининг камида учдан икки қисмининг овози талаб этилади). Шунингдек, жиддий воқеалар рўй берганида, икки палата қўшма қарор қабул қилган ҳолда парламент текшируви ўтказиши мумкинлиги ёзиб қўйилди.

Судялар муайян ишлар бўйича ҳисобдор бўлмайди. Конституцияга қўшилган бу норма бўйича ҳам ҳуқуқий шарҳга зарурат бор. “Судлар тўғрисида”ги қонунда “ҳисобдор” тушунчаси учрамайди. Судяларнинг ўзлари чиқарган қарорлари бўйича ҳисобдор бўлмаслиги одил судловни таъминлашга қандай таъсир қилиши – изоҳталаб ҳолат, бизнингча. Бу каби мавҳум қоидалар пировардида янги конституцияни унинг тарғиботида кўп марта айтилган ва ҳужжатнинг ўзида ҳам белгиланган тўғридан тўғри ишлайдиган қонун бўлишини савол остида қолдиради.

Конституциявий суд судялари 10 йил муддатга сайланади ва қайта сайланиши мумкин бўлмайди. Аввалги тартибга кўра, бу муддат биринчи марта сайланганида 5 йил, кейингисида 10 йил эди.

Айни бир шахс сурункасига икки мартадан ортиқ битта лавозимни эгаллаши мумкин эмаслиги ҳақидаги қоида, президентдан

ташқари, Сенат раиси, Қонунчилик палатаси спикери, Олий суд раиси ва ўринбосари, Судьялар олий кенгашининг раиси ва ўринбосари, Марказий сайлов комиссияси раиси, бош прокурор, ҳокимлар ва кенгашлар раисларига нисбатан ҳам татбиқ этиладиган бўлди.

Референдумда қабул қилинган қонуннинг 7-моддаси билан, барча даражадаги давлат мансабдорларининг айна пайтга қадар эгаллаб келган муддатлари ноллаштирилди. Улар лавозимларини эгаллаб келаётганининг сурункали муддатлари сонидан қатъи назар, бошқа фуқаролар билан тенг равишда худди шу лавозимларга сайланиш ва тайинланишга ҳақли, деб белгиланди.

10. Маҳаллий давлат ҳокимиятидаги ўзгаришлар. Ҳокимлар кенгаш раислигидан кетади.

Маҳаллий давлат бошқарувида вакиллик ва ижро этувчи органлар бир-биридан ажратилмоқда. Бу борадаги ҳозирги тартиб ҳокимиятнинг бўлиниш ва ҳокимият бўғинларининг ўзаро тийиб туриш принципига зид. Бош қомуснинг янги таҳририга асосан, бунга барҳам берилиб, маҳаллий кенгашлар сайланадиган вакиллик органлари, ҳокимликлар эса ижро органлари деб белгиланмоқда.

Шунга мувофиқ, қуйидаги саналардан бошлаб, ҳокимларнинг кенгашларда раислик қилишига барҳам берилади:

вилоятларда ва Тошкент шаҳрида 2024 йилги депутатлик сайловлари якунлари бўйича;

туман ва шаҳарларда 2026 йил 1 январдан бошлаб.

Маҳаллий кенгашлар раислари кенгаш депутатлари орасидан 5 йил муддатга сайланади. Ҳокимлар эса 5 йил муддатга тайинланади, тайинланган ҳокимни кенгашлар тасдиқлайди. Шу тариқа, кенгаш раислари ҳам, ҳокимлар ҳам тўғридан тўғри аҳоли томонидан сайланмайди.

Кенгашларнинг ваколатларига, жумладан, қуйидагилар киради: маҳаллий бюджетни кўриб чиқиш ва қабул қилиш, унинг ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурларини тасдиқлаш;

ҳокимни лавозимга тасдиқлаш, унинг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни эшитиш.

Ҳокимларнинг ваколатлари эса, жумладан, қуйидагилардан иборат бўлади:

конституция ва қонунларни, парламент палаталарининг қарорларини, президентнинг фармонлари, қарорлари ва фармойишларини, Вазирлар Маҳкамасининг, юқори турувчи ҳокимларнинг ва тегишли халқ депутатлари кенгашларининг қарорларини бажариш;

ҳудудларни иқтисодий, ижтимоий, маданий ва экологик жиҳатдан ривожлантиришни таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш.

Ҳокимлар ва маҳаллий кенгашларнинг фаолиятини ташкил этиш тартиби бўйича алоҳида қонунлар қабул қилинади. Маҳаллий масалалар бўйича уларнинг ваколатлари қандай тақсимланиши ана шу қонунларда акс этади.

Юқоридагилардан ташқари, конституцияга бошқа кўплаб нормалар ҳам қўшилган, жумладан:

Ўзбекистонда ўлим жазоси тақиқланади.

Агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмас.

Қонунни бузган ҳолда олинган далиллардан одил судловни амалга ошириш чоғида фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Ҳар ким ўз шахсига доир нотўғри маълумотларнинг тузатилишини, ўзи тўғрисида қонунга хилоф йўл билан тўпланган ёки ҳуқуқий асосларга эга бўлмай қолган маълумотларнинг йўқ қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Давлат интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланишни таъминлаш учун шарт-шароитлар яратади.

Эслатиб ўтамиз, президентимиз Шавкат Мирзиёев конституция ислоҳоти ҳақида 2021 йил 6 ноябр куни, иккинчи президентлик муддатига киришиши юзасидан инаугурация маросимидаги нутқида

биринчи марта айтиб ўтган эди. Жумладан, “Барча номзодларнинг сайловолди учрашувларида электорат вакиллари томонидан бугунги кунда ҳаётнинг ўзи, ислохотларимиз мантиғи талаб этаётган яна бир муҳим таклиф илгари сурилди. У ҳам бўлса, мамлакатимизда конституциявий ислохотларни амалга оширишдан иборат. Агар дунё тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, туб бурилиш даврида кўпгина давлатларда конституциявий ислохотлар амалга оширилганини кўрамиз. Шу сабабли, аввало, сенатор ва депутатларимиз, кенг жамоатчилигимиз, халқимиз билан яна бир бор маслаҳат қилиб, жаҳон конституциявий тажрибасини ўрганиб, пухта ўйлаган ҳолда бугунги ва келгуси тараққиётимизни белгилаб берадиган асосий қонунимизни такомиллаштириш масаласини ҳам кўриб чиқишимиз керак”¹, деган эди.

Давлат раҳбари 2021 йил декабрь ойида, конституция байрами арафасида халққа йўллаган табригида: “Конституцияни янгилашдек ғоят муҳим, стратегик вазифани ҳал этишда етти марта эмас, етмиш марта ўйлаш” зарурлигини таъкидлаган эди. 2022 йил май ойида конституциявий комиссия тузилиб², ҳужжатни янгилаш жараёни бошланди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, юридик фанлар доктори, академик Акмал Саидов мазкур комиссия раиси этиб тайинланган эди.

Расмийларга кўра, конституция қабул қилинган кун сифатида бундан кейин ҳам 1992 йил 8 декабр санаси эътироф этилади, 8 декабр – байрам санаси ўзгармайди.

Хулоса шуки, қайта ишланган Конституциямиз (2023) да сиёсий институтларнинг ўрни ва аҳамиятига катта эътибор қаратилган. Бу омилнинг ўзи демократик ҳуқуқий давлат куришда пойдевор вазифасини ўтайди. Озод ва обод Ватан куриш ҳар бир фуқародан чексиз меҳнат, ирода ва қонунга тенг бўйсуннишни, адолат мезонини

¹<https://kun.uz/news/2021/11/06/ozbekistonda-konstitutsiyani-takomillashtirish-masalasini-korib-chiqish-rejalashtirilmoqda> Ўзбекистонда конституцияни такомиллаштириш масаласини кўриб чиқиш режалаштирилмоқда. 06.11.2021.

² <https://kun.uz/news/2022/05/20/konstitutsiyaviy-islohotlar-boyicha-kengash-tarkibi-tasdiqlandi> Конституциявий ислохотлар бўйича кенгаш таркиби тасдиқланди. 20.05.2022.

сақлашни тақозо этади. Бу борада қиладиган ишларимиз эса ниҳоятда кўп.

3.3.2. “Ўзбекистон-2030” стратегиясининг истиқболлари

2023 йил 30 апрелда ўтказилган референдумда умумхалқ овоз бериш орқали Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституцияси қабул қилинганлиги Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг конституциявий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Янги таҳрирдаги Конституцияга мувофиқ, ўтказилган президентлик сайлови яна бир бор жамиятимизнинг сиёсий етуқлиги, Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ислохотларни халқимиз тўлиқ қўллаб-қувватлаганидан далолат бермоқда.

Шу билан бирга, янгиланган конституциявий-ҳуқуқий шароитларда мамлакатимиз тараққиётининг асосий йўналишларини такомиллаштириш ва амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларни янги босқичга олиб чиқиш талаб этилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимиз ёшларининг сиёсий эътиқодини мустаҳкамлаш, уларнинг сиёсий маданиятини шакллантириш, етук баркамол комил инсонни тарбиялаш билан боғлиқ стратегик вазифалар давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган. Таъкидлаш лозимки, сиёсий маданиятни ижтимоий ҳаётда юксалтириш, ижтимоий ва сиёсий фаолликни тарбиялаш янги Ўзбекистон тараққиёт концепциясининг муҳим стратегик йўналишидир.

Айни пайтда, мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг илмий назарий ва сиёсий таҳлили шундан далолат берадики, глобаллашув шароитида инфорацион рақобат тобора кучайиб бораётгани ва давлатимизни янада барқарор суръатлар билан ривожлантириш учун янгича ёндашув ҳамда тамойилларини ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқариш давр талабига айланиб бормоқда.

Ўзбекистон ёшларининг сиёсий онги ва сиёсий маданияти бевосита уларнинг ҳуқуқий маданияти билан боғлиқ жараён. Қонун устуворлигини таъминлаш халқ хизматидаги давлат бошқарувини

ташкил этиш ва уларнинг фаолияти самарадорлигини таъминлаш ҳуқуқий ва сиёсий маданият муштараклиги асосида самалга оширилади. Ҳуқуқий онг ижтимоий онг шаклларида бири бўлиб жамиятда қабул қилинган юридик ҳужжатларни билиш, баҳолаш ва уларга риоя қилишда намоён бўлади. Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият муайян ҳуқуқий нормалар ва қонунлар асосида шаклланади ва ривожланади. Ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданияти сиёсий маданиятнинг асосларидан бири ҳисобланади. Айниқса, ҳуқуқий онгнинг таркибий қисмлари унинг элементларининг функционал табиати сиёсий маданият шаклланишида алоҳида аҳамият касб этади.

“Ўзбекистон 2030” стратегиясининг устувор йўналишлари ва унда белгиланган асоий вазифа ва мақсадлар бевосита давлатимиз ривожланишининг истиқболи ва унинг барқарор ривожланишини таъминловчи муҳим дастурий аҳамиятга молик бўлган манбадир.

Мамлакатимизда ёшларга сифатли **олий таълим** бериш, тараққиёт билан ҳамқадам бўлиб келаётган мутахассисларни тайёрлаш борасида ҳам изчил ишлар амалга оширилмоқда. Олий таълим соҳасидаги ислохотлар, аввало қамровни ошириш, институт ва университетларнинг молиявий ҳолатини яхшилаш, профессор-ўқитувчиларни моддий қўллаб-қувватлашга қаратилди.

Сўнгги 5 йил давомида олий таълим тизимини такомиллаштириш мақсадида 12 та Президент фармони, 65 та Президент қарори, 169 та Вазирлар Маҳкамаси қарори, 66 та идоравий ҳужжатлар, 1 та қонун, жами **313** та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди¹.

Мамлакатда олий таълим тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологиялари асосида ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш

¹ <https://strategy.uz/index.php?news=1387&lang=uz2> Янги Ўзбекистонни барпо этишда таълим ва фан тараққиёти. 19.10.2021.

концепцияси¹ тасдиқланди ва у ҳозирги кунда амалга ошириб келинмоқда.

Амалга оширилган ислоҳотлар натижасида республикада сўнгги 3 йилда олий таълим муассасалари сони 132 тага етказилди (2016 йилда 77 та), улардан 99 таси маҳаллий ҳамда 33 таси хорижий олий таълим муассасалари ва уларнинг филиаллари ҳисобланади. Қабул квотаси 66 мингдан 181 мингтага оширилди. Олий таълим муассасаларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Хорижий мамлакатлар билан қўшма таълим дастурлари доирасида 64 та янги касб бўйича мутахассисларни тайёрлаш йўлга қўйилди. Профессор-ўқитувчиларнинг маоши ўртача **3,5 бараварга** оширилди.

Банд бўлган аҳолига олий маълумот олиш учун қулайликлар яратиш мақсадида олий таълим муассасаларининг 71 тасида сиртқи ва 18 тасида кечки таълим шакллари йўлга қўйилди. Олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талабалар сонининг 2,2 баробарга ошишига эришилди (агар 2016 йилда 268,3 минг талаба таҳсил олган бўлса, 2020 йилда 590,1 минг талаба таҳсил олмоқда).

Шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, мамлакат ҳаётининг барча соҳаларида бўлгани каби илм-фан ва инновацион ривожланиш соҳасида ҳам ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда. Ушбу соҳани тубдан ислоҳ қилиш бўйича қуйидаги тадбирлар амалга оширилмоқда:

илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратишни назарда тутувчи 2017–2021 йилларда илмий-тадқиқот муассасаларининг инфратузилмасини мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятни ривожлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар тасдиқланди²;

Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилга келиб Глобал инновацион индекс рейтинги бўйича жаҳоннинг 50 та илғор мамлакат қаторига киришига қаратилган 2019–2021 йилларда Ўзбекистон

¹ <https://lex.uz/docs/4545884>

² <https://www.lex.uz/docs/3398528>

Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси қабул қилинди¹;

мамлакатда инновацион фаолият соҳасидаги муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб берувчи “Инновацион фаолият тўғрисида”ги қонун қабул қилинди²;

илм-фан ва илмий фаолиятни ривожлантириш ва истиқболда уни мунтазам ислоҳ қилиб боришнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий ғазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, илмий-тадқиқот муассасаларини модернизация қилиш, замонавий инновацион технологияларни иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳага жадал тадбиқ қилишни ривожлантириш мақсадида “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси қабул қилинди³.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган тизимли ислохотлар илм-фан ва инновацияларда кўплаб камчиликларни бартараф этди, натижада **Глобал инновация индекси** (Global Innovation Index) ҳисоботи натижасига кўра, республика рейтинги 29 позицияга яхшиланди ва 131 мамлакат орасида 93-ўринни эгаллади.

Бозор иқтисодиёти шароитида демократик қадриятларни ривожлантириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида инсон иқтисодий ва сиёсий ҳаётнинг фаол субъекти сифатида фаолият кўрсатади. Бу эса, ўз навбатида, ёш авлодни бутун ҳаёти давомида ўрганиш ва таълим олиш қобилияти билан қуроллантириш зарурлигини кўрсатади.

Хулоса ўрнида шунни айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг замонавий босқичи жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ҳаёти, ижтимоий соҳасини чуқур ислоҳ қилиш жараёнларини амалга ошириш билан боғлиқ, фан ва таълим эса мамлакатимиз иқтисодий ҳамда ижтимоий тараққиётининг ажралмас манбаи бўлиб, аҳоли учун муносиб турмуш даражасини, жамиятни

¹ <https://lex.uz/ru/docs/3913188>

² <https://www.lex.uz/docs/4910391>

³ <https://www.lex.uz/docs/5073447>

ташкил этишнинг демократик тартибини, юксак маданият стандартларини кафолатлайди.

Давлат раҳбарининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган мурожаатномасида қайд этилганидек, *“Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуг мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улугбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак. Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий гоямизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим”*¹, деган пурҳикмат сўзлар, албатта таълим, фан ва инновацияларнинг янада адолатли ва барқарор ривожланишига интилишни рағбатлантиришга қаратилган.

3.3.3.Сиёсий маданият йўналишидаги вазифалар

Маълумки, ёшлар сиёсий маданиятини шакллантириш ва такомиллаштиришнинг ички ва ташқи эҳтиёжлари бўлади. Унинг биринчиси, мамлакатнинг барқарор ривожланиши билан боғлиқ бўлган барча иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий соҳаларни изчиллик билан тараққий қилдириш; иккинчиси, ёшларнинг давлат, мамлакат, умумхалқ манфаатлари йўлида бирлашувига эришиш; учинчиси, ёшларнинг сиёсий маданиятини мамлакат тараққиёти даражаларига мос равишда ривожлантириш ва жамият манфаатларини англаб етишдан иборат.

Ёшларнинг манфаатларини ҳисобга олиш ва қўллаб-қувватлаш жамият тараққиётида муҳим роль ўйнайди, деб ҳисоблаймиз. Қаерда ана шу эҳтиёжлар ҳисобга олинмаса, ёшларнинг фаоллиги сусая бошлайди, норозилиги кучаяди, демак, улар имкониятлари бой берилади. Бу эса давлат ва жамиятга маънавий ва ижтимоий зарар келтиради. Вақтида эътибор ва кўнгилдаги рағбат бўлмас экан, мақсадлар ва орзулар амалга ошмайди, бесамар йиллар ҳавога учади.

¹ <https://president.uz/uz/lists/view/4057> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29.12.2020.

Шу жиҳатдан олганда, давлат ҳокимияти ва ёшлар муносабини бозор иқтисоди талаблари асосида қуришга зарурат туғилмоқда.

Ёшлар наздида манфаат – наф, фойда, самара, натижа, индивид фаолиятини, ҳуқуқини белгилайдиган асосий омил, эҳтиёж маъносини беради, бу омилни ҳисобга олиш: биринчидан, ўз эркинлиги, озодлигини ҳаётга татбиқ этиш; иккинчидан, “мен”ни ҳаракатга келтирувчи куч, қудрат; учинчидан, ҳокимиятга интилиш, умид маъноларини билдиради. Булар ҳаммаси бирлашиб, ёшларга қанот бағишлайди.

Ёшлар сиёсий онгининг кескин ўсиб кетиши ва сиёсий маданият ривожининг ундан орқада қолишига давлат амалий фаолиятида ёшларнинг ўсиб борадиган эҳтиёжларини ҳисобга олувчи аниқ дастурларнинг ишлаб чиқилмаганлиги билан изоҳлаймиз.

Яна бир муаммо – мураккаб глобаллашув шароитида отанинг Россия ёки Жанубий Кореяга ишлаш ва даромад топиш учун йиллар мобайнида кетиши оилада кемтикликни келтириб чиқармоқда. Оила ўзбек жамиятида илк марта 2000 йиллардан бошлаб, ижтимоий тузилма тармоқлари ичида фаолияти сусайган институт даражасига келиб қолмоқда. Фарзандлар билан ота-оналар ўртасидаги азалий қадриятларга дарзкетмоқда, оила ташвишлари хотин-қизлар зиммасига тушмоқда. Оилада объектив ва субъектив сабабларга кўра, оталарнинг фарзандларга тарбиявий таъсири ҳам пасайиб бормоқда.

Мамлакатимизни модернизациялаш жараёнида унинг самарали амалга ошишида ёшларимиз ичидан етишиб чиқаётган иқтидорли ёшларнинг бир қисми хорижий мамлакатларга кетиб қолаётгани ҳам интеллектуал салоҳиятимизни талаб даражасида ривожлантиришга ўзининг салбий таъсирини ўтказмоқда. Уни сунъий равишда тўхтатишнинг эса имконияти йўқ. Аммо, таълим ва тарбия тизимимизда бир қатор реал чора-тадбирларни амалга ошириш йўли билан уларнинг олдини олиш имкониятлари мавжуд.

Ўзбекистонда ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантиришнинг *замонавий тенденцияларига* оммавий ахборот воситалари, интернет, ижтимоий тармоқлар фаолияти киради. Уларнинг бу жараёндаги ўрни: маълумот, воқеа-ҳодисалар ва турли жараёнларни оммага етказишда

ҳозиржавоблиги, илғор технологияларнинг мавжудлиги; оммавийлиги орқали ўз ифодасини топади. Мамлакатимизда ислохотларнинг демократик мазмунга эгалиги, унга хос бўлган трансформацион жараёнларда чуқур, жадал ижтимоий ўзгаришлар, иқтисодий ривожланиш, диний бағрикенглик, миллатлараро толерантликни таъминлашда, мамлакатнинг халқаро майдондаги ўрнининг мустақамланишида глобал интернет тармоғи муҳим аҳамиятга эга.

Янги Ўзбекистон шароитида Интернет тармоғи ва ундаги миллий сегмент фаолиятининг социологик таҳлили ва глобал компьютер тармоғининг ижтимоий жараёнларга таъсирини олимлар томонидан жиддий тадқиқ қилиш вақти келди. Расмий ва норасмий интернет коммуникацияларининг оммавий аудиторияга бевосита таъсири, трансформациялашаётган жамият шароитидаги ижтимоий ўрнининг сиёсий-фалсафий жиҳатларини мустақил ўрганиш жараёни назарий, методик ва амалий жиҳатлари улкан вазифаларни олдимизга қўймоқда.

Ўзбекистонда фуқаролар сиёсий маданияти йўналишида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. “Сиёсий маданият тизими деганда давлат ҳокимияти ва фуқаролар сиёсий муносабатларида амал қиладиган элементлар яхлитлиги тушунилади”.

Бу тизимга сиёсий онг, сиёсий тафаккур, сиёсий мафкура сиёсий ахлоқ, сиёсий тарихий тажриба, сиёсий иммунитет, сиёсий қадриятлар кирази. Буларнинг ҳар бири сиёсий маданиятнинг мустақил элементи сифатида ўзига хос тарзда шаклланади ва тегишли вазифаларни бажаради.

2. “Сиёсий маданият деганда сиёсий онг, сиёсий тафаккур, сиёсий огоҳлик, сиёсий вазминликни ўзида уйғунлаштирган ҳолда шахс, фуқаро, давлат ҳокимияти, ижтимоий гуруҳлар, сиёсий кучлар умумманфаатлар ва мақсадлар йўлида ўз фаолиятларида амал қилишининг кўрсаткичи англашилади”.

Мазкур таърифимиздаги муҳим ғоя сиёсий маданиятнинг шахс, фуқаро, давлат ҳокимияти, ижтимоий гуруҳлар ва сиёсий кучларнинг сиёсий беқарорлик ёхуд сиёсий можароларни ҳал қилишдаги ижобий

фаолиятининг кўрсаткичи эканлигини кўрсатишда ўз ифодасини топади.

3. “Ёшлар сиёсий маданияти деганда, уларнинг сиёсий ҳокимият, сиёсий жараёнларга бўлган муносабатлари, уларни идрок этишдаги сиёсий қарашлар, сиёсий тафаккур ва сиёсий фаолиятларида амал қиладиган маданият шакли тушунилади”.

Бу таърифдаги асосий ғоя ёшларнинг сиёсий маданиятини белгилаб берадиган, уларнинг сиёсий ҳокимиятга муносабати, сиёсий жараёнлар ривожига қарашлари, уни идрок қилишлари ва ўз сиёсий фаолиятларида ижобий жиҳатдан ривожланишига ҳисса қўшишдаги иштироки улар сиёсий маданиятларининг муҳим кўрсаткичи барометри ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, айтиш лозимки, Ўзбекистонда ёшларимизнинг сиёсий онги ва сиёсий маданиятини ўзаро мувозанатда ривожлантириш сиёсий тарбиявий фаолиятимизнинг муҳим йўналишига айланиши керак.

Ёшлар сиёсий маданиятининг ривожланиши мамлакатимизда сиёсий барқарорликнинг янада мустаҳкам бўлишига ва ёшларимизнинг сиёсий онгида бунёдкорлик руҳиятининг тараққий қилишига ёрдам беради.

Жамиятда сиёсий онг ва сиёсий маданият бугунги ҳолатининг таҳлилларидан маълум бўлдики, ана шу икки омилнинг ривожланишида ўзаро мувозанат амал қилиши мамлакатимизда тинчлик, осойишталик ва сиёсий барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Улар ўртасида мувозанатнинг амал қилмаслиги эса сиёсий беқарорликни юзага келишига сабаб бўлиши мумкин.

Ана шу жиҳатдан ҳам мамлакатимиз фуқароларининг, хусусан, ёшларнинг сиёсий онги ва маданиятини ўзаро мувозанатда ривожлантириш даврининг талабидир.

Шу билан бирга, ёшлар сиёсий маданияти гоявий-сиёсий эволюциясини ўрганиш натижасида қуйидаги амалий таклифлар илгари сурилади:

1. Глобал мафкуравий жараёнлардаги ўзгарувчан тенденциялар ҳамда мафкуравий таъсир кўламининг етарлича баҳоланмаслиги

миллий сиёсатшунослик тадқиқотлари тизимида замонавий сиёсий мафкуралар моҳиятини янада чуқур ўрганиш заруратини тақозо этаётганлигидан келиб чиқиб, “Замонавий сиёсий мафкуралар” номли ўқув фанини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

2. Сиёсатшунослик соҳасида мутахассис тайёрловчи олий таълим муассасалари қошида “Аналитик марказ”ларни ташкил қилиш.

3. Ота-оналар ва ўсмир-ёшлар учун мактаб ўқув дастури орқали “Интернет маданияти”, “Виртуал педагогика”, “Медиа маданияти” каби ўқув қўлланмаларини яратиш мақсадга мувофиқ.

3.4. ЁШЛАР СИЁСИЙ МАДАНИЯТИНИНГ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

3.4.1. Ўзбекистон ёшлари сиёсий маданияти ҳақида мулоҳазалар

Мамлакатимизда бошқа соҳаларда бўлганидек, сиёсий онг ва маданият бобида ҳам жиддий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Бир сўз билан айтганда, жамиятимиз ҳаётида маданий трансформация жараёни қизғин кечмоқда. Трансформация латинча *transformatio* — қайта ўзгариш, қайта ҳосил бўлиш маъносини англатади. У асосан, маданият, жамият ва инсон тараққиётининг муайян бир даражаси, кишилар ҳаёти ва фаолиятининг турли кўринишларида, улар яратадиган моддий ва маънавий бойликларда ўз ифодасини топади.

Трансформация – қайта ўзгаришдир. Ўзгаришлар ҳар доим бизга ҳамроҳ бўлади ва бу ҳаётнинг ҳаммаси – табиий ўзгариш, ўсиш, тараққиёт. Маданий трансформация – бу маданиятда корпоратив маданий макон кучлари таъсирида имплицит ҳолатда бўлган хусусиятларни мустаҳкамлаш жараёнидир. Бу жараён маданиятнинг ўзлигини йўқотмайди, балки унинг маданий элементларини мустаҳкамлашга қаратилган бўлиб, у макондаги маданиятлар синергиясини таъминлайди.

Бугунги глобллашув жараёни шундай жараёнки, ундан четда тураман деган давлат ўзи истамаган ҳолда унинг таъсирига тушиб қолиши мумкин.

Ёшлар сиёсий маданиятини шакллантиришнинг амалий трансформацияси, ёшлар сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини шакллантиришнинг ўзаро алоқадорлиги, мамлакатимиз ёшларининг сиёсий маданияти ва миллий ўзликини англаш концепцияси бўйича халқаро тажриба ва Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ўлчаш мезонлари билан боғлиқ масалалар Ўзбекистонда ёшлар сиёсий маданиятини оширишда эътибор қаратиладиган муҳим масалалар, деб ҳисоблаймиз. Демократик тараққиёт йўлини танлаган ҳар қандай мамлакатда сиёсий ва ҳуқуқий маданият савияси демократик давлатларга мос бўлмоғи лозим.

Ўзбекистонда ёшлар сиёсий маданиятини шакллантиришнинг амалий трансформацияси Ғарб мамлакатларидан фарқ қилади. Ғарб намунаси эса кўп ҳолларда индивидуализм фалсафасига таянади ва оммани ҳаддан ташқари сиёсийлаштиришга олиб келади.

Мамлакатимизда шакланган сиёсий маданиятнинг қуйидаги умумий хусусиятларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

—алоҳида олинган шахс манфаатларининг давлат ва жамият манфаатларига ҳамоҳанглиги;

—ижтимоий муаммоларни ҳал этишда давлат ва жамиятнинг ҳал қилувчи аҳамиятга молик ролининг эътироф этилиши;

—ҳокимиятга ҳурмат билан муносабатда бўлиш анъанасининг мавжудлиги, раҳбар легитимлигига юксак талаблар қўйилиши;

—парламент ва бошқа вакиллик органларининг ижтимоий ҳаётдаги ўрнига эътиборли муносабатнинг мавжудлиги.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, ҳар қандай жамиятнинг сиёсий ҳаётини англашга унинг сиёсий маданиятини ҳар тарафлама ўрганиш орқали эришилади. Фақат шу жиҳатдан сиёсий тизимнинг манбаи, характери ва ўзига хос хусусиятлари, жамиятда ҳукмронлик қилаётган сиёсий тартибот, ижтимоий гуруҳларнинг хатти-ҳаракати ва сиёсий онги, сиёсий жараёнларнинг йўналиши ва ҳаракати ҳақида маълумотга эга бўлиши натижасида маънавий ва маданият савиясининг юқори даражага кўтарилиши таъминланади. Баъзида турғунлик ҳолати ёки бунинг акси ҳам кузатилади (собик иттифоқнинг 1980 йилларини эсланг).

Шахснинг сиёсий фаолиятини такомиллаштиришнинг муҳим шарти, бу – сиёсий таълим тизимини демократлаштириш! Шу билан бирга, сиёсий таълимни шакллантиришнинг энг муҳим йўналиши мамлакатнинг олий ва ўрта таълим муассасаларида бюрократия ва қоғозбозликни камайтиришдан иборат. Шу мақсадда таълимнинг асосий хусусиятларини таҳлил қилиш, сиёсий ва ахлоқий жиҳатдан билимли инсонни тарбиялашга янги ёндашувларни ишлаб чиқиш муҳимдир.

Олий ўқув юртларида сиёсий таълим ва сиёсий билимларга эътибор фуқароларнинг муҳим ҳаётий кўникмаларини - мураккаб ва зиддиятли сиёсий жараёнларни мустақил англаш қобилиятини ривожлантиришга ёрдам беради. Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2019 йил 29 январдаги «Сиёсий фанлар соҳасида кадрларни тайёрлаш, фундаментал ва амалий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»¹ги қарори қабул қилинганлиги¹ ушбу йўналишда муҳим қадамлардан бўлди. Жумладан, қарорда ёзилганидек, сиёсий фанлар соҳасида кадрлар тайёрлаш самарадорлигини ошириш, фуқаролик жамияти, миллий давлатчиликнинг сиёсий асосларининг шаклланиши ва ривожлантириш соҳасида комплекс тизимли тадқиқотлар олиб бориш, глобаллашув шароитида давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш, шу асосда ижтимоий-сиёсий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ва дастурларни ишлаб чиқиш мақсадида “Сиёсатшунослик”, “Амалий сиёсатшунослик”, “Сиёсий фанлар” фани тармоғи ихтисосликлари бўйича бирқатор олий ўқув юртларига қабул квоталари берилди. Бундай янгиликлар давр талаби бўлиб, глобаллашув шароитида сиёсатшунос ёш кадрларга талаб ошиб бораётганлигидан далолат беради.

Сиёсий маданиятни чуқур ўрганмай туриб, ҳар бир жамиятда содир бўлаётган сиёсий жараёнларнинг ҳаракатлантирувчи кучини англаш қийин кечади. Сиёсий маданият эса сиёсий жараёнларнинг ривожланиши учун етарлича имконият яратади, жамиятдаги турли

¹ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.01.2019 й., 07/19/4139/2544-сон.

ижтимоий гуруҳ ва қатламларнинг хулқ-атворини белгилаб беради. Айни пайтда, сиёсий маданият жамиятда фуқаролар турмуш тарзи ва интилишларида янгиликлар ҳосил бўлишига шарт-шароит яратувчи ёки унга тўсқинлик қилувчи “ижтимоий иқлим”нинг ажралмас ва муҳим қисмига айланиб боради. *Сиёсий маданият жамият сиёсий тизимининг энг барқарор, таъбир жоиз бўлса, энг консерватив унсури ҳам ҳисобланади*¹. Бу ҳолат катта тарихий ўзгаришлар даврида янада ёрқинроқ кўзга ташланади. Худди шундай ўзгаришлар бизнинг мамлакатимизда ҳам рўй бермоқда.

Ҳақиқатан ҳам, ёшлар онги ва сиёсий маданиятини ривожлантирмасдан ҳеч бир давлат тараққиётга эриша олмайди. Чунки, сиёсий онг ва сиёсий маданиятнинг ривожланиши нафақат сиёсий ҳаётнинг бир маромда тараққий қилишига, шу билан бирга, мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий соҳаларда тараққий қилишига, халқаро нуфузининг ошишига ҳам ўзининг ижобий таъсирини ўтказади.

Таҳлилларимизга кўра, ёшлар сиёсий маданиятини шакллантириш ва такомиллаштиришнинг ички ва ташқи эҳтиёжлари бўлади. Унинг биринчиси, мамлакатнинг барқарор ривожланиши билан боғлиқ бўлган барча иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий соҳаларни изчиллик билан тараққий қилдириш; иккинчиси, ёшларнинг давлат, мамлакат, умумхалқ манфаатлари йўлида бирлашувига эришиш; учинчиси, ёшларнинг сиёсий маданиятини мамлакат тараққиёти даражаларига мос равишда ривожлантириш ва жамият манфаатларини англаб етиш.

Ёшларнинг манфаатларини ҳисобга олиш ва қўллаб-қувватлаш жамият тараққиётида, шубҳасиз, катта роль ўйнайди. Ёшлар наздида манфаат — наф, фойда, самара, натижа, индивид фаолиятини, ҳуқуқини белгилайдиган асосий омил, эҳтиёж маъносини беради, бу омилни ҳисобга олиш: биринчидан, ўз эркинлиги, озодлигини ҳаётга татбиқ этиш; иккинчидан, “мен”ни ҳаракатга келтирувчи куч, қудрат; учинчидан, ҳокимиятга интилиш, умид маъноларини билдиради.

¹Қирғизбоев М. Сиёсатшунослик. Ўқув қўлланма. —Т.: Янги аср авлоди, 2013. —Б. 387.

Ёшлар сиёсий онгининг кескин ўсиб кетиши ва сиёсий маданият ривожининг ундан орқада қолишига давлат амалий фаолиятида ёшларнинг ўсиб борадиган эҳтиёжларини ҳисобга олувчи аниқ дастурларнинг ишлаб чиқилмаганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Ҳозирги кунда оила ижтимоий тузилма тармоқлари ичида мураккаблашиб бораётган институт бўлиб қолмоқда. Унда фарзандлар билан ота-оналар ўртасидаги азалий қадриятлар сусаймоқда. Оилада оталарнинг фарзандларга тарбиявий таъсири пасайиб бормоқда.

Мамлакатимизни модернизациялаштириш жараёнида унинг самарали амалга ошишида ёшларимиз ичидан етишиб чиқаётган иқтидорли ёшларнинг бир қисми хорижий мамлакатларга кетиб қолаётгани ҳам интеллектуал салоҳиятимизни талаб даражасида ривожлантиришга ўзининг салбий таъсирини ўтказмоқда. Уни сунъий равишда тўхтатишнинг эса имконияти йўқ. Аммо, таълим ва тарбия тизимимизда бир қатор реал чора-тадбирларни амалга ошириш йўли билан уларнинг олдини олиш имкониятлари мавжуд.

Ўзбекистонда ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантиришнинг *замонавий тенденцияларига* оммавий ахборот воситалари, интернет, ижтимоий тармоқлар фаолиятини киритиш мумкин. Уларнинг бу жараёндаги ўрни: маълумот, воқеа-ҳодисалар ва турли жараёнларни оммага етказишда ҳозиржавоблиги, илғор технологияларнинг мавжудлиги; оммавийлиги орқали ўз ифодасини топади. Мамлакатимизда ислохотларнинг демократик мазмунга эгалиги, унга хос бўлган трансформацион жараёнларда чуқур, жадал ижтимоий ўзгаришлар, иқтисодий ривожланиш, диний бағрикенглик, миллатлараро толерантликни таъминлашда, мамлакатнинг халқаро майдондаги ўрнининг мустақамланишида глобал интернет тармоғи муҳим аҳамият касб этмоқда.

Янги Ўзбекистон шароитида Интернет тармоғи ва ундаги миллий сегмент фаолиятининг социологик таҳлили ва глобал компьютер тармоғининг ижтимоий жараёнларга таъсирини тадқиқ қилиш вақти келди. Расмий ва норасмий интернет коммуникацияларининг оммавий аудиторияга бевосита таъсири, трансформациялашаётган жамият шароитидаги ижтимоий ўрнининг

сиёсий-фалсафий жиҳатларини мустақил ўрганиш жараёни назарий, методологик ва амалий аҳамият касб этадиган вазифаларни илгари суради.

3.4.2. Ёшлар сиёсий маданиятининг ўзига хос жиҳатлари

Сиёсий маданиятнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у воқелик ҳақида умумий тасаввур ҳосил қилишда иштирок этади, у шахснинг онгига қотиб қолган стереотипларнинг сингиб кетишига йўл қўймайди, шу тариқа дунёқарашнинг яхлитлиги ва ягоналигини таъминлайди. Билимнинг ворисийлигини таъминлаш орқали сиёсий маданият ижтимоий воқелик анъаналарини сақлаб қолиш ва ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди. Сиёсий маданиятда ижтимоий фаолиятнинг бирламчи схемалари ва объектив фикрлаш шакллари ўзининг муайян ифодасини топади. Айни шу схемалар шахс фаолиятининг барча даражалари ва шакллари ўртасида боғловчи бўғинларни ташкил этади. Бинобарин, сиёсий маданият англаб етилаётган воқеликни тасаввур қилиш имкониятларини белгиловчи ўзига хос гносеологик схема (ўрганилаётган борлиқ манзараси) вазифасини бажаради.

Сиёсий маданиятнинг функционал шакллари жамулжам ҳолда сиёсий маданиятнинг таркибий тузилишини белгилайди. Сиёсий маданиятнинг ҳаракатчанлиги, ўзгарувчанлиги ва ривожланиш жараёнини ҳисобга олиб, биз унинг тарихий хусусиятини акс эттиришга ҳаракат қилдик, зеро у илмий омиллар билангина эмас, балки ижтимоий-маданий омиллар билан ҳам белгиланади. Сиёсий маданиятнинг амалда мавжудлик ва амал қилиш соҳалари сиёсий назариянинг категориялар ва тушунчалар мажмуи ҳамда воқеликни инсон томонидан оқилона ўзлаштиришнинг турли хил шакллариidir. Бу ҳолда сиёсий маданият ижтимоий билимларни ташкиллаштириш, жамғариш, сақлаш, саралаш ва ретрансляция қилиш механизмининг муайян усули сифатида намоён бўлади. Сиёсий маданиятнинг негизини эса инсон фаолиятининг ўта умумлашган схемалари ва дастурлари ташкил этади. Шу тариқа сиёсий маданият шахсларнинг интеллектуал фаолиятини оқилона тартибга солиш омилига айланади.

Сиёсий маданият –шахс ўз ижодий ниятлари ва уларни амалга татбиқ этиш шакллариининг ранг-баранглиги орқали яхлит намоён бўлишидир. Сиёсий маданиятнинг ўзгаришига тафаккур инерциясига барҳам бериш кучли таъсир кўрсатади. Сиёсий маданиятнинг ранг-баранглиги икки ҳолат: тарихий шароитлар ва ижтимоий омиллар билан белгиланади. Сиёсий маданиятнинг ўзгариши фикрловчи субъект ижодий фаолиятининг хусусияти билан боғлиқ. Бу хусусият категорияларнинг таркибий тузилиши ва ижод жараёнининг ўзида акс этади. Шу билан бирга, сиёсий маданият давлат мафкурасининг объекти, йўналиш ва шарт-шароитларига сезиларли даражада боғлиқ. Турли давлатлар сиёсатчилари тафаккурининг хусусияти айна шу омил билан белгиланади.

Сиёсий маданиятнинг шаклланишида миллий ўзликни англаш ва ватанпарварлик муҳим омил сифатида улкан аҳамият касб этади. Ушбу омилнинг аҳамияти шундаки, у миллийликнинг ривожланиши учун кенг имкониятлар яратади, ўзбек халқининг миллий анъаналар, урф-одатлар ва миллий маданиятни ўзлаштириш йўлидаги саъй-ҳаракатлари ва улардан илмий изланишларда фойдаланишга кўмаклашади. Миллий қадриятларга баҳо беришда миллийлик ва миллатчиликнинг айниқлаштирилишига йўл қўймаслик, атоқли тарихий шахслар инсоният тараққиётига қўшган ҳиссасига конкрет шароитлар, жой ва вақтни ҳисобга олиб ҳолисона баҳо бериш жуда муҳим.

Сиёсий маданиятга баҳо беришда унинг муайян бирликка мансублиги муҳим аҳамият касб этади. Ватанпарварлик инсоннинг кишилар муайян тарихий бирлигига мансублиги билан белгиланган конкрет тарихий хусусиятга эга. Шу билан бирга, ватанпарварликда даврлар ва авлодлар ҳамкорлиги ўз аксини топади, у инсоният тарихий хотирасининг манбаи ҳисобланади. Ватанпарварлик гўёки турли тарихий даврлар ва кишиларнинг авлодларини бирлаштиради. Ватанпарварликнинг теран мазмуни инсон ижтимоий манфаатларни англаб етишида намоён бўлади. Бизнингча, миллий ўзликни англаш ва ватанпарварлик миллий маҳдудликка барҳам беради, турли этнослар

ва ижтимоий гуруҳлар ўртасида ўзаро алоқаларнинг ривожланишига кўмаклашади.

Ҳар қандай мамлакатнинг тараққиёти давомида ёш авлод билан боғлиқ муаммолар юзага келади. Бундай муаммолар ичида энг долзарблари, энг муҳимлари ажралиб туради, булар ёшлар муҳитида мавжуд турли мойиллик ва ўзига хосликларни ифодалайди. Чунончи, ёшлар ўз ҳаётининг асосий жиҳатларига, айниқса, сиёсий жараёнлар, ижтимоий мақом, маданиятчилик даражаси, таълим-тарбия, ижтимоий муассасаларнинг аҳволига бевосита таъсир кўрсатувчи омилларга бефарқ эмас.

Шу билан бирга, уларни маълум давр нуқтаи назаридан ўзгартиришга, ривожлантиришга, янги мазмун касб этишга ўзларида мойиллик сезишади. Ёшларда ташаббускорлик, ташкилотчилик, сиёсий жараёнларга сезгирлик, ҳаракатлардаги илдамлик ва соғлом фикрлашга интилиш каби фазилатларни тарбиялаш уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини таъминлайди. Ёшлар муҳитида мавжуд бўлган бундай жиҳатлар аксарият ҳолларда эътибордан четда қолиб кетиши мумкин, яъни кўпинча ёшларга сиёсий билими, тажрибаси етарли бўлмаган, ҳар қандай ишни уддалай олмайдиган, ҳали пишиб етилмаган, навнихол деб қаралади ва уларнинг реал ижтимоий-сиёсий фаоллиги, замон талабларига мос илғор технологияни амалиётга татбиқ этиб, янги куч сифатида роли унутиб қолдирилади. Шу билан бир қаторда, ёшларнинг жамиятдаги барқарорликка зиён етказадиган хатти-ҳаракатлари ва фаолиятларига баъзан бепарво қарашлар ҳам мавжуд. Бундай қарама-қарши тенденциялар вазиятни имкони борича ўрганиш, таҳлил ва тадқиқ этишни, шунингдек, ушбу жараёнда вужудга келувчи муаммоларни аниқлаб, уларни ҳал этиш йўллари хусусида тегишли хулосалар чиқаришни тақозо этади.

Мамлакатимизда ёшлар ҳаётига доир қонунлар қабул қилиниши, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари белгилаб берилиши, албатта, ҳар бир ёшнинг мазкур жамият фуқароси сифатида сиёсатда фаол иштирок этишини эътиборга олиш уларни баркамол авлод қилиб тарбиялаш омили сифатида намоён бўлмоқда. Демак, ёшларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, сиёсий маданиятчилик даражасининг кўтарилиши уларнинг

баркамол авлод сифатида шаклланишини таъминлайди. Шу ўринда ёшларни баркамол авлод даражасига кўтарилиши, сиёсий фаол фуқарога айланишида сиёсий таълим-тарбиянинг тўғри амалга оширилиши ҳар жиҳатдан муҳим. Сиёсий таълим-тарбия ижтимоий-сиёсий фаолиятда амалий иқтидорнинг таркиб топиши, сиёсий ҳаракат, фаол ҳаётий позицияни вужудга келтиради.

Мамлакат тақдирини, келажагини белгилайдиган асосий куч завқ-шавқ билан меҳнат қилаётган, билим олаётган ёш авлоддир. Зеро, уларнинг онг-шуурини, тафаккурини тўғри шакллантириши, шу асосда тарбиялаш ҳар қачонгидан ҳам муҳим ва долзарбдир.

Бугунги ёшлар бундан 15-20 йил илгариги ёшлардан тубдан фарқ қилади. Чунки шиддат билан инсон онгига таъсир этаётган “сиёсий ахборотларнинг оқиб келиши”, электрон технологияларнинг жамият ҳаётидаги ўрни, Ғарб урф-одатлари, санъати (куй-қўшиқ, кинофильмлар), шу билан бир қаторда, либерал тарздаги қарашлар барчаси ёшлар маданиятини, дунёқарашини четлаб ўтолмайди.

3.4.3. Ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантириш омиллари

Ёшлар сиёсий маданиятини шакллантириб бориш, аввало, оилада, мактабда, олий ўқув юртида, меҳнат жамоалари ва оммавий хизмат кўрсатиш жойларида амалга оширилади. Бу жараён оилада, аввало, ота-онанинг ибрати, илиқ оилавий муносабатлар орқали амалга ошади. Оила аъзоларининг газета, журналлар ўқиш ва таҳлил қилишга қизиқиши, теледастурларни мунтазам кузатиб бориши ёшлар сиёсий маданияти ўсишига хизмат қилади. Ёшлар тақлидчан ва қизиқувчан, тез ўрганувчан бўлади. Шу жиҳатдан уларда масъулият, иштиёқ, ҳавасмандлик каби ҳиссиётларни ҳисобга олиш лозим. Шундай экан, оиланинг ёшларни баркамол қилиб тарбиялашдаги ўрни беқиёс. Шахснинг индивидуаллашганлик жараёни қанчалар тезлашса, унинг ижтимоийлашуви ҳам шу қадар тез шаклланиб боради. Натижада, уларнинг аста-секин баркамол авлод сифатида шаклланиши тез кечади. Бунда асосий ролни мактаб ўйнайди. Мактаб нафақат шахс, ёшлар эътиқодини, орият, ғурурини, ҳиссиётини шакллантириш билан бирга, одамийлик, дунёқараш, дунёни ҳис этиш, уни идрок этиш ва шу асосда кишиларга муносабатда бўлиш каби

хислатларни шакллантириб боришнинг асосий ўчоғидир. Ўзлигини англаган шахс ижтимоий баркамол давлат ва жамият қурилиши, Ватан равнақи ва тақдирига бефарқ, лоқайд бўлмайди. Ёшларнинг сиёсий маданиятини янада ўстириш ва шу асосда сиёсий ўзлигини англаш мураккаб, узоқ давом этадиган, чуқур ва ҳар тарафлама меҳнат талаб этадиган тарбиявий, назарий, амалий жараёндир. Мактаб даврида шаклланган дунёқараш, баркамол авлод сифатида тарбияланишини лицей ва коллежларда мантиқий тарзда давом эттириш, уни янада юксак даражага кўтариш, жамият тараққиётида, хусусан, ёшлар сиёсий онгини ўстириш кафолатидир. Ёшларни баркамол авлод қилиб тарбиялашнинг муҳим манбаларидан бири –ўтмиш, ўтган ҳаётимиз, давлат ва жамият қурилишига, ҳаётига дахлдор бўлган шарқона бой меросимиз намуналаридан баҳраманд бўлиш. Ёшларнинг, умуман, инсоннинг баркамоллиги жисмонан, маънан ва ақлан етуклик даражаси билан боғлиқ. Ана шу уч элементнинг уйғунликда ривожланиши баркамолликни таъминлаши муқаррар.

Ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантиришда яна бир муҳим омил, бу - *сиёсий тарбия* ҳисобланади. Сиёсий тарбияга турли қарашлар ва фикрлар билдирилиб келинмоқда. Жумладан, фалсафа қомусий луғатида “Сиёсий тарбия – ижтимоий тарбиянинг сиёсий онг ва маданиятни шакллантиришга қаратилган муҳим шаклларида бири”¹, деган таъриф берилган. Аммо бу тушунчага Ўзбекистонда эълон қилинган бошқа луғатларда таъриф берилмайди, шунингдек сиёсатни ўрганишга бағишланган монографияларда ҳам илмий таърифлар учрамайди.

“Сиёсий тарбия” жамият ҳаётида сиёсий онг ва сиёсий маданиятни ривожлантириш эҳтиёжларидан келиб чиқади. У сиёсий онг ва сиёсий маданиятни ривожланишига таъсир ўтказувчи омилдир. “Иккинчи жиҳатдан, айти пайтда, уни сиёсий жараёнлардаги мураккаб омилларни мувозанатини юзага келтирувчи тарбия шакли, дейиш мумкин. Сиёсий тарбиянинг яна бир жиҳати, шахснинг сиёсий мавжудот сифатида ўзининг “мен”лигини англаб етишда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади. *Сиёсий тарбия деганда* давлат, сиёсий

¹ Фалсафа қомусий луғат. —Т.: Шарқ, 2004. —366.

партиялар, жамоат ташкилотлари институтларининг фуқароларнинг сиёсий онги ва сиёсий маданиятини мувозанатда ривожлантириш, ана шу институтлар билан фуқаролар ўртасидаги муносабатларини умумманфаатларга йўналтириш, шахснинг сиёсий мавжудот сифатидаги “мен”лигини англаб етишга қаратилган сиёсий фаолиятини тушуниш мумкин”¹.

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар замонавий ёшлар сиёсий фаоллигига ижобий таъсир кўрсатиш билан бир қаторда уларнинг сиёсий маданияти ривожланишига ҳам таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 14 сентябрдаги 406-сон “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонунида жамият ҳаётининг барча устувор соҳалари, жумладан, Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, таълим, маданият, спорт, меҳнат, прокуратура, ички ишлар, адлия органлари ва бошқа мутасадди ташкилотларнинг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатлари аниқ белгилаб берилди. Хусусан, қонуннинг 4-моддасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат эканлиги таъкидланди: очиқлик ва шаффофлик; ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда ёшларнинг иштирок этиши; ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш; маънавий, ахлоқий ва маданий қадриятларнинг устуворлиги; ёшларнинг камситилишига йўл қўйилмаслиги².

Бугунги кунда республикамізда “уюшмаган ёшлар” атамаси ўрнига “ёшлар дафтари” қўлланилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 мартдаги 152-сон қарори билан “Маҳаллабай” ишлаш тизими амалиётга жорий этилди. Бу йўналишда манзилли, ҳар бир шахс билан индивидуал ва тизимли равишда мунтазам иш олиб боришни ташкил қилиш мақсадида моддий ёрдам

¹ Отамуродов С. Ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантириш омиллари. – Т.: Ўзбекистон, 2015. – Б. 106.

²Қаранг.: Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 37-сон, 426-модда; 2017 й., 24-сон, 487-модда; “Халқ сўзи” газетасининг 2016 йил 15 сентябрдаги 182 (6617)-сони.

ва кўмакка муҳтож оилалар бўйича мутлақо янги — “Темир дафтар”, ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, билим ва касб-ҳунар ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи бўлган хотин-қизлар ва ёшлар бўйича тегишлича “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари” тизимлари ҳаётга татбиқ этилди. Булардан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 июндаги 312-сон “Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори¹ бу борада катта қадам бўлди. Қарорга биноан, моддий аҳволи оғир ёшларга бир марталик моддий ёрдам, хорижий тилларни ўрганиши учун 7,2 млн сўмгача субсидия берилади. Шунингдек, ушбу қарорда тасдиқланган “Ёшлар дафтари”ни юритиш орқали ёшлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисида”ги Низомга кўра, “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларга қуйидаги ёрдам турлари кўрсатилади²: моддий аҳволи оғир ёшларга бир марталик моддий ёрдам (*БХМнинг 4 бараваригача*) берилади; ёшларни тадбиркорликка ва касб-ҳунарга ўқитиш учун сарфланган харажатларнинг 75 фоизигача қисми (*бир ойгача БХМнинг 4, бир ойдан икки ойгача БХМнинг 8, икки ойдан ортиқ муддатли ўқув курслари учун БХМнинг 12 бараваридан кўп бўлмаган қисми*) қоплаб берилади; тадбиркор ёки ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтган ёшларга фаолиятини амалга ошираётган нотурар жойнинг 12 ойгача ижара харажатларининг бир йилда 30 фоизи, бироқ БХМнинг 25 бараваригача бўлган қисми қоплаб берилади; Республикадаги профессионал таълим ташкилотларида ўқиётган, шунингдек, Ўзбекистондаги барча олий таълим ташкилотларида бакалавриятнинг кундузги, сиртқи ва кечки шаклида, магистратуранинг кундузги йўналишида таълим олаётган ўқувчи-талабаларга тўлов-контракт асосида ўқиш бўйича йиллик харажатларининг бир қисми қоплаб берилади; ёшларга таълим,

¹ <https://lex.uz/docs/6051791>

² “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларга қатор ёрдамлар кўрсатилади – тафсилотлар. 08.06.2022.

[https://sputniknews-uz.com/20220608/yoshlar-daftariga-kiritilgan-yoshlarga-qator-yordamlar-korsatilad.i-tafsilotlar-25137325.html](https://sputniknews-uz.com/20220608/yoshlar-daftariga-kiritilgan-yoshlarga-qator-yordamlar-korsatilad-i-tafsilotlar-25137325.html)

маданият ва санъат, спорт, ахборот технологиялар соҳасига ва фанларни ўқитишга ихтисослашган нодавлат таълим ташкилотининг 3 ой муддатгача нотурар жой ижара харажатлари учун БҲМнинг 50 бараваригача миқдорда қоплаб берилади;

никоҳи қайд этилганига 3 йилдан ошмаган ёшларга якка тартибдаги ўз хонадонида қўшимча уй-жой қуриш учун 33 млн сўмгача гаровсиз кредит ажратилади.

Низомга кўра, ёшларга қуйидаги миқдорларда субсидиялар ажратилади:

- 0,1 гектардан 1 гектаргача ер майдони ажратилган ёшларга уруғлик ва кўчатлар харид қилиш учун БҲМнинг 8 бараваригача;

- тадбиркорлик ёки ўзини ўзи банд қилиш фаолиятини бошламоқчи бўлган ёшларга асбоб-ускуна ёки меҳнат қуролларини харид қилиш учун БҲМнинг 40 бараваригача;

- ёшларга замонавий касбларни эгаллаши, ахборот технологияларни ўрганиши ва уларни хорижий тилларга ўқитиш бўйича 6 ойгача муддатли ўқув курслари учун ҳар ойда БҲМнинг 4 бараваригача;

- ёшларнинг илм-фан, спорт, санъат ва маданият йўналишларидаги 6 ойгача муддатли ўқув курслари учун ҳар ойда БҲМнинг 1 бараваригача;

- ёшларнинг илм-фан, спорт, санъат ва маданият йўналишларидаги олимпиада, танлов ва мусобақаларнинг маҳаллий босқичларида қатнашиш учун иштирокчиларнинг яшаш ва транспорт харажатларини қоплаш учун БҲМнинг 4 бараваригача ҳамда ушбу олимпиада, танлов ва мусобақаларнинг халқаро босқичларида қатнашиш харажатлари учун БҲМнинг 40 бараваригача;

- “Ёшлар дафтари”га киритилган бемор ёшларга мамлакатда ёки хорижий давлатларда даволаниш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун БҲМнинг 50 бараваригача;

- ижтимоий ҳимояга муҳтож ёш оилаларга 12 ойгача турар жой учун ижара компенсацияси ҳар ойда БҲМнинг 3 бараваридан ошмаган миқдорда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги ПҚ-92-сон “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига асосан¹, ҳар бир шаҳарча, қишлоқ, овулда, шунингдек, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ҳамда овуллардаги ҳар бир маҳаллада ёшлар етакчиси лавозими жорий қилинди. Ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, иқтидори, истеъдоди ва ташаббусларини рағбатлантириш ҳамда ҳаётда ўз ўрнини топишларига кўмаклашиш ёшлар етакчиларининг асосий вазифалари этиб белгиланди.

Юқоридаги ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий тадбирлар ёшлар муаммоларини ҳал қилиш ва сиёсий маданиятини оширишга замин вазифасини ўтамоқда, дейишга ҳақлимиз.

Ёшлар сиёсий маданиятининг шакллантириш ва ривожлантириш ҳар қандай тараққиёт йўлидан бораётган давлат учун муҳим вазифалардан бирини ташкил этади. Чунки, давлат тараққиётининг бир босқичдан иккинчисига ўтишида кечаги авлоднинг яратган моддий ва маънавий неъматларини бугунги авлод давом эттириши, ривожлантириш ва янги юқори босқичга кўтаришини тақозо қилади. Аниқроқ қилиб айтганда, мамлакат тараққиётининг бугунги ва эртанги истиқболи ёшларнинг қандай тарбия олишига боғлиқ бўлади. Улар нафақат меҳнат ресурслари, шу билан бирга, аждодлар давомчилари, ворисларидир.

3.5. ЖАМИЯТДА СИЁСИЙ МАДАНИЯТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

3.5.1. Фуқароларнинг сиёсий маданиятини оширишнинг имкониятлари

Ҳозирги замон Ўзбекистон жамиятида сиёсий маданият етакчи мавқени эгаллайди. Маданият умуман ҳаётдаги хулқ-атвор нормаларини белгилагани сингари, сиёсий маданият ҳам жамият

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги ПҚ-92-сон “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 20.01.2022 й., 07/22/92/0046-сон.

ҳаётидаги хулқ-атвор нормалари ва «ўйин қоидалари»ни белгилайди, энг муҳими, тизимни бирлаштирадигга қудратга айланади.

Ҳар қандай ижтимоий-сиёсий тизимнинг яшовчанлигини таъминлаш ва ворисийлигини сақлашда сиёсий маданиятнинг туб кадриятлари биринчи даражали аҳамиятга эга. Сиёсий маданиятга умуммиллий маданиятнинг шакли, унинг ажралмас қисми деб қараган тақдирда, уни тўғри тушуниш мумкин. Бу аҳолининг кўпчилиги қўллаб-қувватловчи кадриятлар, нормативлар, сиёсий хулқ-атвор қоидалари ва стереотиплари тизимидир. Буларнинг барчаси узок йиллар давомида, бутун миллий тарих мобайнида шаклланади.

Совет давридан қолган салбий мерос мустақил Ўзбекистондаги сиёсий маданият даражасига бевосита таъсир кўрсатаётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги муаммолардан бири ҳисобланади. Сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларни ислоҳ қилишнинг зарурлигини партия бюрократик доираларидан ташқари, СССРнинг яқин ўтмишдаги барча олий раҳбарлари яхши англаб эдилар. «Турғунлик» даврида аввалги яхши ўсиш суръатлари бой берилди, бу Ғарб мамлакатларига структуравий ислохотларни амалга ошириш ва СССР билан бўлган «совуқ уруш»да ғалаба қозониш ҳамда тарихий тараққиётнинг сифат жиҳатидан янги босқичига қадам қўйиш имконини берди.

Ижтимоий тараққиётда, озгина бўлса ҳам оқсаш замондан орқада қолишни истамаган кейинги авлодлар учун катта қийинчиликлар туғдиришини тарих яна бир карра намоиш этди. Метиндек мустаҳкам бўлиб туюлган СССР қумдан ясалган уйдек бир лаҳзада тўкилиб тушганидан сўнг, халқаро ҳаётнинг мустақилликни қўлга киритган янги субъектлари жаҳоннинг етакчи мамлакатларидан анча орқада қолганликларини ҳис этдилар. Бундай парчаланиш натижасида ўзининг кўпгина иқтисодий алоқаларини йўқотган Ўзбекистон қийин аҳволда қолди. У «тараққиётни қувиб етиш» парадигмасига қайтишга мажбур бўлди. Бу эса сиёсий маданиятда эски стереотиплар тикланишига қулай замин ҳозирлади. Мамлакатнинг ҳозирги авлод раҳбарлари ҳал қилиши керак бўлган вазифалар салмоғи кўпайди. Ҳозирги замон Ўзбекистон жамиятининг

манзарасини ижобий томонга батамом ўзгартириб юборадиган туб ислохотларни амалга ошириш масаласи кун тартибига қўйилди. Баъзи бир олимлар ҳозирги ривожланиш босқичини капитализмга ва ҳатто ёввойи капитализмга ўтиш босқичи, деб таърифлайди. Аммо бу янгиланиш жараёнлари XX асрнинг охири - XXI асрнинг бошида сифат жиҳатидан бошқа шароитларда содир бўлаётганини унутмаслик лозим. Бунда Ўзбекистон кўпгина акторлари (тенг иштирокчилари) у билан яқинлашиш ва ҳамкорлик қилишдан манфаатдор бўлган жаҳон ҳамжамиятининг таркибий қисми бўлиб қолаётир. Бу нуқтаи назардан сўнгги йиллардаги ташқи халқаро вазият энг муҳим ички ислохотларни амалга ошириш учун қулай шарт-шароитларни яратди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Илғор технологияларнинг фаол жорий қилинаётгани ва глобал ахборот коммуникация макони тараққий этаётгани барча жараёнларни жадал ва тез ўзгартирмоқда, қитъалар, минтақалар, давлатлар ва бизнес даражасидаги ҳамкорликнинг янги шакллари ривожлантиришга хизмат қилмоқда”¹.

Юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар жамият ҳаётининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ҳарбий, маъмурий, ҳуқуқий ва бошқа соҳаларини қамраб олган. Бу ислохотларнинг барчасини бир вақтда амалга ошириш талаб этилади, аммо амалда бу жуда мушкул вазифа. Ислохотларнинг ҳали давом этаётганлиги бугунги куннинг ўзига хос жиҳатларидан биридир, аммо сўнгги йилларда содир бўлган янгиланиш жараёнларининг ортга қайтмаслиги одамлар онгида илдиз отганининг ўзи мамлакатни ривожлантириш истиқболлари умидбахш бўлишига кафолат беради.

Шу билан бирга, жамиятни жипслаштирадиган ўзак - миллий ғоя шаклланаётгани катта ютуғимиз, дейиш мумкин. Миллий мустақилликнинг асосий мақсад деб эълон қилиниши бутун халқни бир байроқ остига бирлаштириш, мустақилликнинг илк даврида демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамияти қуриш йўлидан олға силжишга ёрдам берди. Ҳозирги ривожланиш босқичида

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 12 октябрдаги МДХ Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисидаги нутқи. <http://press-service.uz/ru/lists/view/1132>

демократия ва демократик кадриятлар йўлида сўнгги ҳал қилувчи қадамни ташлаш учун халқни бирлаштиришга яна бир марта ёрдам берадиган янги миллий ғояларни аниқ ифодалаш талаб этилади. Бу нуқтаи назардан, урушдан кейинги даврда ҳар уч-беш йилда янги ғоялар ва принциплар илгари сурилган Япония тажрибаси эътиборга моликдир. Зотан, мазкур ғоялар ва принциплар пировард натижада мамлакатга собиқ милитаристик тузумнинг таъсири оқибатларини бартараф этиш, вайронгарчиликни тугатиш ва янги жамият, либерал-анъанавий типга мансуб жамият қуриш ва пировардида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасига кўра жаҳонда иккинчи ўринга чиқишга ёрдам берди.

Мамлакат кўп партияли тизим йўлидан бормоқда. Фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги тегишли қонунлар ва ҳуқуқий механизмлар билан уюштирилмаганида «турли гуруҳларнинг ўз манфаати йўлида яширинча ҳаракати авж олади. Бундай шароитда барча воситалар - адолатнинг оёқ ости қилиниши, ҳақиқатнинг бузилиши, қонунни менсимаслик ишга солинади. Жамиятни инқирозга олиб боровчи бу йўлга қарама-қарши ўлароқ, гуруҳларнинг ўз манфаатларини ҳимоя қилиши учун сиёсий партияларга бирлашишдек демократик йўл ҳам мавжуддир.

Сиёсий ҳурфикрлилик, эркинлик ва озодлик ғояларининг, маърифатчилик ҳаракатининг кенг ёйилиши билан демократик кадриятларни ҳимоя қилувчи, давлатнинг якка ҳокимлигини чеклашга даъват этувчи сиёсий бирлашмалар, партиялар ижтимоий-сиёсий тизимда ўз ўрнини топа боради. Натижада сиёсий партиялар ўз олдига сиёсий хоҳиш ва истакнинг шаклланишига доимий таъсир этишни мақсад қилиб қўйиб, уни амалга ошириш йўлидаги барқарор ташкилий тузилма сифатида шаклланади. «Сиёсий партиянинг характерли хусусияти ўз таъсирини ҳукуматга ўтказиш, ҳокимиятни ўз қўлида сақлаб туриш ва таъсир ўтказиш учун сайловларда иштирок этишдир. Партия мақсадини амалга ошириш учун партия аъзолари партиянинг жамиятдаги таъсирини ўтказа боришда сиёсий тизимда раҳбарлик ўринларини эгаллашлари лозим. Демак, ҳокимиятга интилиш партиянинг асосий белгисидир. Бизда эса аксарият бу ҳақиқатни ё

тушунмайди ёки тан олгиси келмайди». Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда сиёсий партиялар фаолиятдан, тутган позициясидан қониқмаслик, ҳатто уларнинг мавжудлиги, тадбирлари ва дастурлари билан қизиқмаслик кенг тарқалган. Сиёсатшунос Ш. Мамадалиевнинг маълумот беришича, «Ўзбекистонда ташкил этилган сиёсий партияларнинг дастурларидан хабардормисиз?», деган саволга респондентларнинг 71,8% - «йўқ», 21,2% - «яхши эмас», атиги 6,2% - «ҳа» деб жавоб берган. «Йўқ» деб жавоб берганларнинг 80% га яқинини 35 ёшгача бўлганлар ташкил этган. Демак, биров бўлса-да, салбий хулосаларга келиш мумкин. Ҳозирги ёшлар тушунчасида сиёсий партиялар ўз мавқеи, обрўи эга эмас ёки уларнинг нима билан шуғулланиши уларни қизиқтирмайди. 35 ёшгача бўлганларнинг атиги 2,8% у ёки бу партия тадбирларидан, дастурларидан хабардор эканлигини айтганлар.

Сиёсий партияларни фаоллаштириш улардаги айрим нуқсонларни бартараф қилишни тақозо этади. Сиёсий партияларда ички демократия ҳали кенг ривож топмади. Баҳс-мунозара улар ҳаётининг асосий мезонига айланмаган. Худди шунингдек, партиялараро баҳслар ҳам кузатилмаяпти. Парламентга сайланган партия етакчилари, фаоллари келгуси сайловгача партия ички фаолиятини жонлантиришга эмас, балки эришган мандатини, лавозимини сақлаб қолишга интиладилар, холос. Натижада партия ҳаёти мўрт бўлиб қолишга мажбур. Демак, партияларда ички демократия ва ҳурфикрлиликни, партиялараро баҳсни, мунозарани, ўзини ўзи танқидни шакллантириш механизмларини яратиш зарур. Ўзбекистонда одамларни сиёсий муаммолардан ҳам кўра кўпроқ ўтиш даврининг иқтисодий муаммолари ташвишлантиради. Зотан, 90-йилларнинг бошида аҳолининг турмуш даражаси анча пасайди. Иқтисодий ислохотлар ижтимоий йўналтирилган ҳолда бўлса-да, эволюция йўли билан амалга оширилган аҳолининг боқимандалик кайфиятлари кучли бўлган, эскича ишлашга ўрганиб қолган қисмига, айниқса, замонга мослашувчанлик даражаси ёшларга қараганда анча паст бўлган катта авлод вакиллари муайян қийинчиликлар туғдирди. Мамлакатимизда демократиянинг шаклланиши билан боғлиқ

қийинчиликлар кўп жиҳатдан демократик типга мансуб реал сиёсий маданиятнинг сустиги билан изоҳланади. Зеро, бир қатор мансабдор шахслар ва оддий фуқаролар, баъзан ўзлари сезмаган ҳолда, эски сиёсий маданият императивлари билан фикрлайдилар ва ҳаракат қиладилар. Ўзбекистон яна маълум вақт мобайнида совет сиёсий маданиятининг муайян таъсирини ўзида ҳис этади деб ҳисоблаш учун айрим асослар мавжуд. Шунга қарамай, бугунги Ўзбекистонда сиёсий маданиятнинг муайян ўзига хос типи мавжуд ва уни ўрганиш бўйича фаол тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Тадқиқотларда илгари сурилаётган фаразларда ва айрим бошқа жиҳатларда мавжуд тафовутларга қарамай, уларнинг барчаси бир нарсада якдил: ҳозирда Ўзбекистон фуқароларининг сиёсий маданиятида жиддий ўзгаришлар содир бўлган. Бунда ОАВ ва ижтимоий тармоқларнинг ўрни юқори, миллий телевидениенинг ўрни камроқ кўринади, назаримизда.

Республикада Фарб демократиясига хос бўлган принциплар: сайлаб қўйиладиган президент ва парламент, сиёсий партияларнинг хилма-хиллиги, эркин матбуот ва ҳоказоларга асосланган янги сиёсий тизим вужудга келди. Аммо Ўзбекистоннинг сиёсий ҳаётида кўп нарсалар «таракқий этган» Фарб жамиятларидагидан бошқача содир бўлган ва содир бўлмоқда. Бу табиий ҳолдир. Ўтказилган тадқиқотлар кўпгина фуқаролар «демократия» тушунчасининг мазмуни ҳақида аниқ тасаввурга эга эмаслигини кўрсатади. Аммо мамлакатимиз фуқароларининг туб қадриятлари Фарб мамлакатлари фуқаролариники билан бир хил (тенглик, адолат, эркинлик ва ҳоказо).

Ўзбекистон фуқароларининг мутлақ кўпчилиги ҳозирги кунда сайловда овоз беришни сиёсатчиларга нисбатан ўз муносабатини ифода этишнинг ягона усули, деб билади. Сиёсий маданиятни ўзгартиришдаги қийинчилик республика аҳолисининг маданий-тарихий менталитетини ўзгартириш зарурлиги билан боғлиқ. Демократик институтлар, демократия амалиёти жамиятимизда чуқур илдиз отишига ҳали бор. Бунга мамлакатдаги раҳбар доиралар ва оддий халқнинг баҳамжиҳат ҳаракати билан эришилади. Буларнинг барчаси катта меҳнатни, иродани, вақтни ва муайян тажриба

тўпланишини талаб этади. Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг ўтиш давридаги сиёсий маданиятини классик «фуқаролар» маданиятига ҳам, «иштирокчилик» маданиятига ҳам мансуб, деб бўлмайди. Чунки бундай қарашлар жамиятимизда ҳали кенг тарқалгани йўқ, аммо уларнинг илк куртаклари ҳозирги кунда нишона бермоқда.

3.5.2. Янгича сиёсий маданиятни шакллантиришнинг асосий омиллари, йўллари ва усуллари

Ўзбекистонда сиёсий маданиятнинг ривожланишига доир башоратлар илмий адабиётда асосан XX асрнинг 90-йиллари бошида, мамлакатимиз қайси йўлдан бориши ҳали концептуал даражада ишлаб чиқилмаган, сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан тегишли тадбирлар ва ҳужжатлар билан расмийлаштирилмаган даврдаёқ қилинган эди. Ўша вақтда кўплаб тадқиқотларнинг муаллифлари «демократик» сиёсий маданият шаклланиши учун халқ «унинг учун анъанавий қадриятлари билан маълум даражада ҳамоҳанг бўлган» янги қадриятлар ва қарашларни қабул қилиши кераклигини қайд этган эдилар.

Ўзбекистонда янги сиёсий маданият тўрт манбадан таркиб топиши тавсия этилади:

- сиёсий амалиёт (янги тажриба, анъаналар ва ҳ.к.);
- чет эл тажрибасини ўзлаштириш;
- совет давридан қолган ижобий мерос;
- ўзига хос тарихий маданиятни тиклаш.

Аммо Ўзбекистон сиёсий маданияти қандай кўринишга эга бўлади, у АҚШ ва Буюк Британияда ҳукм сураётган «фуқаролар маданияти»ни эсга соладими ёки ҳеч қайси маданиятга ўхшамайдиган, соф ўзбекона ҳодиса бўладими, деган саволга ҳеч ким аниқ жавоб бера олмади. Ҳозирги вақтда мамлакат сиёсий маданияти ўзига хос йўналишда ривожланишга мойил, деб комил ишонч билан айта оламиз. Шу тариқа, биз кўпгина давлатлар эътироф этган тараққиётнинг ўзбек модели мавжудлиги ва ишлаганини қайд этишимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И. А. Каримов давлатимиз ташқи сиёсатининг олтиат асосий принципини аниқ кўрсатиб берган эди¹:

1) ўз миллий давлат манфаатларини устувор қўйган ҳолда, ўзаро манфаатларни жаҳон миқёсида эътиборга олиш;

2) тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш; можароларни тинч йўллар билан ҳал қилиш; мамлакатнинг ядро зонасисиз қолиши; инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, баҳсли масалаларни ҳал қилишда куч ишлатишдан ва куч ишлатиш билан таҳдид солишдан воз кечиш;

3) тенг ҳуқуқлилиқ, ўзаро манфаатдорлик ва бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик;

4) ташқи сиёсатда очиклик, мафкуравий қарашлардан холилиқ принципи;

5) халқаро ҳуқуқ нормалари давлатнинг ички ҳуқуқи нормаларидан устунлигини тан олиш;

6) икки томонлама ва кўп томонлама алоқалар ўрнатиш ҳамда уларни ривожлантириш.

Ҳар бир мамлакатнинг сиёсий маданияти ўзининг ўтмишдаги маданиятлари ва бошқа мамлакатларнинг маданиятлари таъсирини ҳис қилиши, шубҳасиз. Аммо бунда Ўзбекистон ўзининг шаклланиш жараёнида, ҳозирги кунда ва яқин келажакда, ўз тарихий маданий қадриятлари дурдоналаридан, собиқ совет тузуми меросидан ва Ғарб мамлакатларининг сиёсий маданиятлари намуналаридан фақат энг яхши жиҳатларини оқилона жамлаб олди, деб айта оламиз.

У ёки бу мамлакатда содир бўлаётган сиёсий жараёнга сиёсий маданиятнинг хусусияти таъсир кўрсатиши, ҳар хил гуруҳларнинг манфаатларини мувофиқлаштириш ва сиёсий барқарорликни таъминлаш эҳтимолини ошириши ёки камайитириши шубҳасиз. Ўзбекистон билан боғлиқ ҳолатда сиёсий маданият, унинг мавжуд сиёсий воқеликка мувофиқлиги муаммоси долзарб, зотан, сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар аҳолининг сиёсий қарашлари янгиланишига туртки бериши лозим. Мазкур шарт бажарилмаган тақдирда,

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура.1 жилд. —Т.: Ўзбекистон, 1996. — Б. 310.

одамларни сиёсатдан узоқлаштирувчи сиёсий маданият шаклланади ва бу фуқароларнинг ижтимоийлашувини сусайтиради.

Бу ўринда сиёсий маданиятдаги ўзгаришларга давлат изчил таъсир кўрсатиши мумкинми, агар мумкин бўлса, давлат сиёсий маданиятдаги ўзгаришларга қандай воситалар ёрдамида таъсир кўрсатади, деган ҳақли савол туғилади. Сиёсий маданиятни шакллантирувчи омиллар ва субъектларнинг таҳлили, умуман олганда, уларнинг схемаси маълум қарашлар ва қадриятларнинг ўзгариши содир бўладиган ижтимоийлашиш жараёни механизмига мос келади, деган хулоса чиқариш имконини беради. Бизни кўпроқ қизиқтирадиган жамоавий ижтимоийлашишнинг қуйидаги шакллари фарқланади:

- анъанавий (маданиятни анъаналар орқали ўтказиш); сафарбар этувчи (ташқи, ғавқулодда омиллар таъсирида содир бўлади);
- модернизацион (маданиятни ўзгартиришнинг анъанавий механизмлари таъсир қилмайдиган жамиятларда мавжуд бўлади);
- ўтиш шакли (анъанавий механизмлардан - модернизацион шаклларга ўтиш).

Жамиятимиз ижтимоийлашиш жараёнида маданий анъаналардан ҳам кўра кўпроқ маданиятдаги янгиликлар етакчи ўрин тутадиган модернизация босқичини бошдан кечирмоқда. Бунда иккиламчи ижтимоийлашишнинг таъсири кучаяди, уни амалга оширишда анъанавий институтлар инқирозга учраган шароитларда ҳар хил инновацион воситалар, шу жумладан уларнинг энг таъсирчани - телевидение етакчи ўрин эгаллай бошлайди. Фан-техника инқилоби жараёнида у, аслида, бирламчи ижтимоийлашиш омилига ҳам айланади ва шахс маданиятининг ривожланишига унинг шаклланишининг дастлабки босқичларидаёқ таъсир кўрсатади.

Сиёсий маданият умумий маданиятнинг бир қисми сифатида тарихий тажриба тўпланишига қараб ривожланиб боради. Рональд Инглхартнинг фикрича, «...маданият - ўзгармас мезон эмас. Маданият шундай бир тизимки, жамият мазкур тизим ёрдамида атроф муҳитга мослашади. Агар атроф муҳит ўзгарса, маълум вақтдан сўнг маданият ҳам ўзгариши мумкин». «Янги» демократик мамлакатлардагина эмас,

«эски» демократик мамлакатларда ҳам маданият вақти-вақти билан ўзини ўзи янгилаб туради. Ҳар қандай маданият одамлар сиёсий онги ва ҳуққ атворининг янги ва анъанавий элементларини ўзида мужассамлаштиради. Унинг мана шу хоссаси жамиятга ютуқларни тўплаб бориш ва атроф муҳитдаги ўзгаришлар мослашиш қобилиятини такомиллаштириш имконини беради. Шунинг учун ҳам сиёсий маданиятнинг анъанавий ва янги элементларининг ўзаро таъсири муаммоси жаҳоннинг барча мамлакатларида мавжуд.

XXI асрда иқтисоднинг ривожланиши ва жадал ўсиши ҳисобига Ўзбекистон фуқароларининг сиёсий маданияти ижобий томонга ўзгариб борса, унда «иштирокчилик» элементлари етакчилик қилувчи «фуқаролик» маданиятига ўтади. Аммо ҳозирги кунда Ўзбекистон фуқароларининг сиёсий маданияти, классик типологияга кўра, аралаш типга мансуб. Бир томондан, халқ сайлов жараёнларида фаол иштирок этади (республикада ўтказиладиган сайловларда ўрта ҳисобда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган мамлакат аҳолисининг 90-92% қатнашади), аммо, бошқа томондан, одамларда «айнан менинг овозим» умумий натижада ҳеч нарсани ҳал қилмайди, деган қараш ҳам анча кенг тарқалган.

Шундай қилиб, фуқароларнинг фаоллиги ҳақида фақат шахсий кузатишларга асосан ҳукм чиқариш қийин. Ўзбекистонда сиёсий маданиятни ривожлантириш йўллари ҳақида ишонч билан сўз юритиш учун юқорида зикр этилган масала юзасидан анча кенг қамровли тадқиқотлар ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон қайси йўлдан бориши керак, деган баҳслар ҳали ниҳоясига етгани йўқ, аммо шуниси аниқки, Президентимиз қайд этиб ўтганидек, бизни танлаган йўлимиздан ортга қайтариб бўлмайди. Демократик тараққиёт ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўли ягона тўғри йўлдир. Бу йўналишда сиёсий маданият алоҳида аҳамиятга эга, зотан у омма ва алоҳида шахсларнинг сиёсий ҳуққ-атвори назарияси ва амалиётини, сиёсий анъаналар ва ходисаларни, сиёсий психология ва онги ривожини белгилайди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг янгиланиш жараёнларини бошдан кечираётгани юқорида зикр этилган масалалар юзасидан узил-

кесил хулоса чиқариш имконини бермайди. Бундай хулосаларни фақат мазкур жараёнлар ниҳоясига етиб, республикада яшаётган одамларнинг мутлақ кўпчилиги оёқлари тагида мустаҳкам заминни ҳис қила бошлаганидан сўнг чиқариш мумкин. Бу борада ХХІ аср том маънода мамлакатимизнинг юксалиш даври бўлиши лозим.



7-жадвал.

3.5.3. Жамият сиёсий маданиятини оширишда миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ўрни

Жамият сиёсий маданиятини юксалтиришда миллий қадриятларни умуминсоний қадриятлар билан муштараклигини сезиш керак. Миллий қадриятлар дунёвий тараққиёт тамойилларидан орқада қолмаслигига эътиборни қаратиш давр талабидир. Жаҳон

тажрибасидаги умуминсоний демократик қадриятларнинг моҳиятини таҳлил қила бориш ва ҳаётга татбиқ эта бориш миллий қадриятларни ривожлантиришга ёрдам беришини унутмаслик ҳар бир юксак маънавиятли шахсни диққат эътиборида туриши талаб этилади. Бунинг учун ҳар бир шахсининг, фуқаронинг сиёсий маданиятини такомиллаштириш, дунёвий муаммоларни тўғри тушунишга етаклаш кун тартибига қуйилади.

Жамият инқирозга юз тутганда мутафаккир-у донишмандлар, шунингдек, бир тизимдан иккинчисига ўтишда давлат етакчиларининг қадрият масаласини жиддий тарзда майдонга ташлаши ҳам элни бошқариш заруратидан келиб чиққан. Масалан, эрамиздан олдин Афина демократияси инқирозга учраганида юнон файласуфлари қадрият масаласини кўтарган эди. Улар ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий тафаккур тарихида биринчи бор «Инсон-олий қадрият», деб кўрсатди, оламдаги барча жиҳатларни «инсонийлик мезони» билан ўлчашни тарғиб этди. Буюк мутафаккир Суқрот эса “қадрият нима” деган саволга “ҳар бир инсоннинг ўзлигини англаши” деб жавоб берган. Ижтимоий тафаккур ривожига қадриятларнинг жамиятни бошқаришдаги ўрнига оид нуқтаи назарлар қадимги юнон файласуфлари Аристотель ва Эпикур асарларида ҳам учрайди. Бундай қарашлар бугунги кунда ҳам бир қатор халқаро ташкилотлар ҳужжатларида ўз ифодасини топган. Бу борада Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Амир Темур, Алишер Навоий асарларида ҳам қимматли фикрлар билдирилган.

Қадимги грек ва ўрта аср Шарқ мутафаккирлари маънавиятли ва ахлоқли инсоннинг жамият ривожигаги ўрнини юксак баҳолайди: “Эзгуликни касб этган инсон ҳеч кимга зарар етказмайди, аксинча, эзгуликдан узоқ инсон энг гуноҳкор ва ёввойи мавжудотдир, жинсий лаззатланиш ва еб-ичишга нисбатан у ҳар қандай ҳайвондан ҳам тубандир. Ахир, турли ҳайвонлардан инсон эзгулик ва ёвузлик, адолатлилик ва адолатсизлик кабиларни идрок этиши билан фарқланади”.

Маънавиятни умуминсоний қадриятларнинг энг олий мақоми сифатида тараннум этган буюк мутафаккир Алишер Навоийдир. У

“Ҳайратул-аброр” асарида маънавиятли инсонни қуйидагича тасаввур қилган: “Сен инсонларга фойда етказишни ўзингга шиор этдинг; шундан келадиган нафни ўзингга ёр айладинг. Сенинг халққа кўрсатган фойданг шак-шубҳасиздир; лекин билиб қўйки, бундан ўзингга тегадиган наф кўпроқдир...Кимки бошқаларга зарар етказишни одат қилса, бундан элга эмас, аввало ўзига жабр этган бўлади...Кимнинг халқ ғамидин ғами бўлмаса, ҳақиқий одам бўлсанг, уни одам дема”¹.

Инсониятнинг жамиятга уюшиб яшаши, кишиларнинг ўзаро ҳамкорлиги, жамият ҳаётининг барқарорлиги ва фаровонлигини таъминлашнинг ички манба ҳам маънавийлик, ҳам маърифийликдир. Маънавий бойлик чегара билмайди, миллатни тан олмайди, у қайси мамлакат ёки жамиятда бўлмасин, бу ўша жойдаги маънавий қомил инсонлар мулкидир.

Умуминсоний қадриятлар қайси ҳудудда ривожланган бўлса, ўша жойда маънавиятнинг униб-ўсиши учун муҳит, ҳар томонлама шарт-шароитлар туғилади. Лев Толстой маънавий бой ва маънавий қашшоқ одамни шундай таърифлаган эди: “Энг яхши одам - ўз фикри ва ўзгалар ҳис-туйғулари билан яшаётганидир, инсоннинг энг паст тоифаси эса - ўзгалар фикри ва ҳис-туйғулари билан яшаётганидир”.

Машҳур адиб Чингиз Айтматов маънавий қадриятларни қуйидагича баҳолайди: “Инсоният идеаллари ютуқлари сифатидаги моделларда бизнинг ижтимоий тузумимизни характерлайдиган маънавий принципларнинг баҳридан ўтмаслигимиз лозим. Бу принциплар ичида энг асосийлари – жамият фаровонлиги йўлидаги ҳалол меҳнат, кишилар ўртасидаги инсоний муносабатлар ва ўзаро ҳурмат, ҳалоллик ва ҳақгўйлик, адолатсизлик билан келишмаслик қабилардир. Аслида, булар диёнатнинг таркиблари бўлиб, ўз ўрнида, диёнат фуқаровийликни ҳаракатга келтирувчи кучдир... Маънавият – бу инсон учун дастлабки ва энг асосий мавжудлик қонунидир. Уни ҳар

¹ Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр. —Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. — Б. 95.

бир авлод, ҳар бир индивид ўтмиш аجدодларнинг муқаддас ва бузилмас мероси сифатида қабул қиладилар”¹.

Адолатли ва фозил жамият қуриш учун давлат бошқаруви, ҳокимият ва сиёсат маънавий қадриятлар асосида қурилмоғи ва фаолият кўрсатмоғи лозим. Шунинг учун ҳам ҳозирги даврга келиб сиёсат билан маънавий қадриятларнинг уйғунлашуви умуминсоний қадриятлар талабларидан бирига айланди.

Шу билан бирга, маънавият фақат меросий, тарихий ва анъанавий қадрият эмас, балки доимо ривожланиб, такомиллашиб, янги ҳаёт тарзи билан уйғунлашиб боровчи воқеликдир. Аксарият олимлар маънавиятга доир ўз изланишларини фақат ўтмиш билан чеклайдилар, ҳозирги куннинг долзарб мақсад ва вазифалари билан боғламайдилар. Ҳар бир назарий изланиш бугунги кун амалий ҳаёти талаблари ва эҳтиёжларидан келиб чиққандагина, у янада ривожланиш ва ислохотлар учун муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги даврда Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини барпо этиш мақсадини ҳаётга татбиқ этиш билан ҳамоҳанг тарзда бозор иқтисодиётига ўтиш, демократик қадриятларни эгаллаш, фуқаролар ижтимоий-сиёсий фаоллигини юксалтириш, шахс эркинлигини амалда жорий этиш, сиёсий жараёнларни эркинлаштириш, кўппартиявийлик тизимини демократик меъёрлар асосида такомиллаштириш каби янгидан-янги долзарб вазифалар пайдо бўлди.

Янги жамият қуришдаги бу омилларнинг барчаси умуминсоний қадриятлар нуқтаи назаридан қараганда кўпроқ маънавиятга яқин мезонлардир. Ҳар бир миллатнинг турли табақалари ўртасида қадриятлар ривожланиши ва амал қилишда миллий онг, миллий бирдамлик туйғусининг аҳамияти каттадир. Миллий қиёфа ва маънавиятдан маҳрум бўлган кишилар бошқа миллатлар маданияти таъсирига тез берилиши, ўз тили, тарихи анъаналарига эса нигилистик муносабатда бўлиши мумкин. Агар шундай аҳвол маълум сиёсат таъсирида кенгайиб борса, миллат бирлиги ва камолоти учун ниҳоятда хатарли бир ҳол юзага келади. Албатта, агар ҳар бир миллат ўз миллий

¹ <https://www.ziyouz.com/portal-haqida/xarita/maqolalar/insonparvar-adib>

кадриятлари қобиғида ўралашиб қолса, шу миллатнинг тараққиётига путур етади. Миллий маҳдудлик ва калондимоғлик ҳеч вақт маънавий камолот омили бўлган эмас. Бошқа миллатларнинг маданияти, кадриятларини ўрганиш ҳамма вақт ҳам тараққиётнинг омилларидан бири бўлиб келган.

Маънавият инсоннинг ўз эркинлигини ҳис этиши, мутелик руҳиятидан покланиши, миллат, жамият ва ўз Ватанига нисбатан муҳаббат ва эзгуликка эришиш кафолати ҳамдир. Фақат маънавиятли инсон ўз шахсий манфаатларини жамият манфаатларидан паст қўя олади. Инсон жамоа, миллат ва давлат манфаатларини ифода этиш ва қондириш учун фаоллик кўрсата олса, ўзининг ҳам манфаатларини англашда маънавиятлилиқ даражаси юксалиб бораверади. Ҳақиқий баркамол ва маънавиятли инсонда жамиятдаги барча манфаатлар ва эҳтиёжларни мувофиқлаштиришга интилиш, бу фаолиятни у худди ўзининг умри мазмунидек ҳис қилиш характери шаклланади.

Сиёсий маданият – ижтимоий ҳаётнинг ҳали лозим даражада атрофлича ўрганилмаган элементларидан бири. Сиёсий маданият амал қилишининг физиологик, психологик ва ижтимоий механизмлари илмий адабиётларда тўлақонли ўрганилмаган ва ёритиб берилмаган. Сиёсий маданиятни белгиловчи инсон руҳиятининг кам ўрганилган ва ҳали номаълум бўлган хоссалари ва томонлари, масалан, онглилик ва онгсизлик, мантиқийлик ва интуитивликнинг ўзаро нисбати муаммолари мавжуд.

Сиёсий маданият – бу шахс ўз ижодий ниятлари ва уларни амалга татбиқ этиш шаклларининг ранг-баранглиги орқали яхлит намоён бўлишидир. Сиёсий маданиятнинг ўзгаришига тафаккур инерциясига барҳам бериш кучли таъсир кўрсатади. Сиёсий маданиятнинг ранг-баранглиги икки ҳолат: тарихий шароитлар ва ижтимоий омиллар билан белгиланади.

Хулоса қилиб айтганда, ўтмиш, ҳозирги замон ва келажакни уйғунлаштирувчи кадриятлар тизими биз қураётган демократик жамиятнинг пойдевори бўлиб хизмат қилади. Шу билан бирга, келажак авлодни тарбиялаш, уларда миллий ифтихор, она Ватанга меҳр-муҳаббат туйғуларини сингдириш ва ёшларимизни комил инсон

қилиб тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, миллий ўзлигимизни англаш, Ватанимизнинг қадимий ва бой тарихини ўрганиш, бу борада илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш, гуманитар соҳа олимлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз лозим. Ўтмишга берилган баҳо албатта ҳолисона, энг муҳими, турли мафкуравий қарашлардан ҳоли бўлиши зарур.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейин ўтган даврда ёшлар эҳтиёжлари давлатимиз сиёсатидаги энг устувор вазифалардан бирига айланди. Ёшларнинг таълим олиши, иш билан таъминланиши ва интеллектуал жиҳатдан ўсиб-улғайишларига катта эътибор қаратилмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда ёшларнинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллашлари борасида қуйидаги вазифаларни белгилаб берган эди: “Юксак маънавиятли, замонавий билим ва касб-ҳунарларга, ўз мустақил фикрларига эга бўлган ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш биз учун энг муҳим масалалардан биридир”¹.

Бугунги кунда ёшлар сиёсий маданияти шаклланишининг объектив шарт-шароитлари ва субъектив омиллари фан ва техника тараққиётининг таъсири остида ўзгариб, такомиллашиб бормоқда. Аммо шуни англаш жоизки, ҳар қандай даврда давлатнинг сиёсий тизими ҳолати ёшлар сиёсий маданиятини оширишда етакчи роль ўйнайди.

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. —Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2017. —Б. 88-89.

ХОТИМА

Ушбу китоб сўнгги йилларда дунёда юз бераётган мураккаб инқилобий ўзгаришлар, геосиёсий қадриятларнинг кескинлашуви, глобаллашув шароитида ёшларнинг сиёсий онги ва маданиятини эгаллашга таҳдидлар кучайган шароитда ёзилди. Буни ёзишдан асосий мақсад эса ёшларнинг ана шу воқеа-ҳодисалардан бохабар этиш, сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчисига айлантириш ва мамлакат тараққиётига ҳисса қўшадиган фарзандлар қилиб етиштишларига ҳисса қўшишдан иборат. Бу борада қиладиган ишларимиз кўп.

Биринчидан, ёшларимизнинг сиёсий ижтимоийлашуви, жамиятимизда кечаётган ислохотларга дахлдорлик ҳиссини уйғотиш, *иккинчидан*, оила–маҳалла–ижтимоий институтлар, шунингдек, жамоат ташкилотлари, нодавлат нотижорат тузилмаларнинг фаолиятида ёшлар сиёсий дунёқарашини шакллантириш, *учинчидан*, ёшларнинг фуқаролик маданиятини юксалтириш, *тўртинчидан*, таълим тизимида ёшларнинг мафкуравий-маърифий маданиятини такомиллаштиришга эътиборни қаратиш лозим бўлади.

Ўзбекистон кенг имкониятлар мамлакати. Бу имкониятларни рўёбга чиқариш тараққиёт стратегиямизнинг асосий вазифаларидан биридир. Шу масалада ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантиришга безътибор бўлиш уларнинг турли ғаразли мақсадларни кўзлаётган кучлар ва оқимлар таъсирига тушиб қолишига олиб келади. Бу, ўз навбатида, сиёсий беқарорлик учун хатарли хавф-хатар ҳисобланади. Ёшлар сиёсий маданиятининг юксалиб бориши мамлакатимизда сиёсий барқарорликнинг янада мустаҳкам бўлишига ва ёшларимизнинг сиёсий онгида бунёдкорлик руҳиятининг тараққий қилишида амалий аҳамиятга эга бўлади.

Энг муҳими шуки, Ўзбекистоннинг келажагига бўлган ишонч ёшларимизнинг қатъий маънавий эътиқодига айланиб бормоқда.

Агар юқоридаги устувор йўналишлар ривожига ушбу монографияда тилга олинган илмий кўрсатмалар, тавсиялар ва таклифларимиз хизмат қилса, беҳад хурсанд бўлардик.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

Раҳбар адабиётлар

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2023
- Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
- Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
- Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2019.
- Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2020.
- Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон Стратегияси. – Т.: Ўзбекистон, 2021.
- Каримов И.А. Эришган марралар билан чегараланмасдан, бошлаган ислохотларимизни янги босқичга кўтариш – бугунги кундаги энг долзарб вазифамиздир 23-том. – Тошкент: Ўзбекистон, 2015. -395 б.
- Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008. – Б. 135-136.
- Каримов И. А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулдирмиз. –Т. 9. Т.: Ўзбекистон. –Б. 317-318.

Асосий манбалар

- Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. / Абдусодиқ Ирисов таржимаси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2018. – Б.320.
- Алмонд Г. А. Гражданская культура. Подход к изучению политической культуры / Г. А. Алмонд, С. Верба // Полития. — 2010. — № 2 (57). — С. 122-144.
- Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр. -Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. – Б. 95.
- Амир Темур. Темур тузуклари. – Т.: Илм-Зиё-Заковат, 2020. – 144 б.
- Антология мировой политической мысли. В 5-ти томах. Т. 2. Зарубежная политическая мысль XX в. – М., 1997. – С. 601.
- Аристотель. Политика / переводчик С.А.Жебелёв; под общей ред. А. И. Доватура. – Москва: Юрайт, 2019. –297 с/
- Афлотун. Давлат / Таржимон: Урфон Отажон. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2015. – 464 б.

Аширов А. Ўзбек миллий менталитети ҳақида баъзи мулоҳазалар.”Ўзбек халқининг келиб чиқиши: илмий-методологик ёндашувлар, этногенетик ва этник тарих”. Тошкент-2004, 78-бет.

Ватан туйғуси / Масъул муҳаррирлар Б. Омонов, К. Бўронов.- Т., Ўзбекистон, 1996. - Б. 115.

Вебер М. Политика как призвание и профессия. / Перевод с немецкого и вступительная статья А. Ф. Филиппова. – М.: Рипол Классик, 2018.

Гилинский Я.И. Глобализация, девиантность, иждимойный контроль / Я. И. Гилинский. — СПб.: ДЕАН, 2009.

Гринин Л.Е. Глобализация и национальный суверенитет // История и суверенитет, 2005. – №1. – С. 8.

Грушин Б.А. Мнения о мире и мир мнений. – М.: Праксис, 2011. – С. 546.

Жабборов Р. Иждимой тармоқларда ҳуқуқий тарғибот: тавсиф, таҳлил ва тавсиялар.<https://huquqburch.uz/uz/izhtimoij-tarmo%D2%9Blarda-%>

Зокиров Б. Глобаллашув зиддиятлари // Тафаккур, 2004. – №1. – Б. 26-27.

Кант И. Метафизические начала учения о праве // Сбор.соч. – М.: Мысль, 1966. Т. 4 (2). –С. 109-112.

Ланцов С.А. Политология. 2-е изд., испр. и доп. / Учебник для вузов. – Москва: Издательство Юрайт, 2020.454 с.

Легойда В.Р. Гражданская религия США: некоторые символы и ритуалы //Полития, 1999. № 4. -С. 28.

Макиавелли Н. Ҳукмдор. / Абу Муслим таржимаси. – Тошкент: Davr-Press, 2019. – 144 б.

Маллева Э.М. “Фуқаролар сиёсий маданиятини ривожлантиришнинг мафкуравий омиллари” сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. –Т., 2020.

Малахов В. С. Национализм как политическая идеология / В. С. Мохов. – М., 2005.

Мамут Л.С. Этатизм и анархизм как типы политического сознания. Домарксистский период –М., 1989. –С .42.

Маметова М. ЎЗА. Пойтахтимизда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришга бағишланган анъанавий конференция. 2016 йил. 14 сентябрь. www.minjust.uz.

Минченя Е.А.. Социология молодежи. ГУВПО Белорусско-Российский университет. –Могилев: 2017. С. 8.

Мустақиллик изоҳли илмий-оммабоп луғат. Т.: Шарқ, 1998. Б.191.

Муҳаммадиев У. Ўзбекистонда сиёсий маданият ва миллий маънавиятнинг ўзаро муносабати муаммоси. Сиё. фан. ном. дис. автореф. –Т.: 2002. – Б. 25.

Низомулмулк. Сиёсатнома. Т.: Янги аср авлоди, 2014. – Б.256.

Норкулова Н. Шахс ижтимоий хулқи ва аффилиацияси мотивацияси диагностикаси. Т.: ТДПУ нашриёти, 2017. –Б. 34.

Одилқориев Х. Т., Ғойибназаров Ш. Р. Сиёсий маданият. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2004. –Б. 85-90.

Отамуратов С. Глобаллашув ва миллий-маънавий хавфсизлик. -Т. Ўзбекистон, 2013. – 456 б.

Отамуратов С. Янгиланаётган Ўзбекистон ижтимоий-инновацион жараёнларида ёшлар фаолияти. –Т.: Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi, 2021. - Б. 200-201.

Омонов Б. Жамиятни модернизациялашнинг концептуал асослари. Тошкент, Алоқачи, 2019. 6-7, 14-15 б.

Мелешкина Е, Ю., Толпыгина О.А. Политическая культура// Политический процесс: основные аспекты и способы анализа: Сборник учебных материалов – М.:, 2001.

Одилқориев Ҳ.Т., Ғойибназаров Ш.Ғ. Сиёсий маданият. Ўзбекистон ИИВ Академияси – Т.: 2004.

Отамуратов С. Ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантириш омиллари. – Т.: Ўзбекистон, 2015.

Пивоваров Ю.С. Политическая культура: Методолог. очерк. ИНИОН РАН. – М.: 1996.

Политическая культура: учебное пособие / Г. Л. Тульчинский и др. –М.: Юрайт, 2015. –324 с.

Политическая культура. В 2 ч. Часть 2. Страны Востока: учеб. пособие для академического бакалавриата / Ю.В. Ирхин. – 2-е изд. испр. и доп. – М.: Юрайт, 2017. – 242 с.

Политическая культура: учеб. пособие для академического бакалавриата/ А.С. Паначёва. – 2-е изд. испр. и доп. – М.: Юрайт, 2017. – 292 с.

Parsons C. Introduction to Political Science. Textbook. Pearson. USA, 2017.

Пахрутдинов Ш. Таҳдид–ҳалокатли куч.–Т.: Академия, 2001. –Б. 155.

Пахрутдинов Ш. Тараққийётга таҳдид: назария ва амалиёт. Т.: Академия, 2006. - Б. 88-90.

Политическая идентичность и политика идентичности : в 2 т. / отв. ред. И. С. Семененко. — М. : Российская политическая энциклопедия, 2012.

Политическая психология: учебник для бакалавров / А.А. Деркач, Л.Г. Лаптев. — 2-е изд. — М.: Юрайт, 2015. — 591 с.

Политология. Ўқув қўлланма. —Т.: Абдулла Қодирий, 2002. 178-бет.

Пугачев В., Соловьев А. Сиёсатшуносликка кириш. — Т.: Янги аср авлоди, 2004. — Б. 436-437.

Рўзиохунов А. Табиий савол: нега халқаро ташкилотлар Ўзбекистонни коррупция ботқоғида кўрмоқда. www.kun.uz

Сумерки глобализации: Настольная книга антиглобалиста. Автор-составитель А.Ашкерov. — М.: ООО «АСТ», 2004. — С. 48.

Туленов Ж. Ҳаёт фалсафаси. - Т., Ўзбекистон, 1993. -Б. 112.

Туйчиев Б. Т. Политическая культура и демократизация общества. —Т.: Университет, 2011. - С. 82.

Туйчиев Б.Т. Социальная философия. Т.: Университет, 2015. С. 292.

Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисидаги” 439-П-сон қонуни. 12.12.2002 й. <https://www.lex.uz/acts/52268>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. www.Lex.uz

Умумий социология. Ўқув қўлланма. —Т.: Университет, 1999. — Б. 75.

Хрох М. От национальных движений к полностью сформировавшейся нации: процесс строительства наций в Европе // Нации и национализм. —М: Праксис, 2002. —С. 121-145.

Хобсбаум Э. Принцип этнической принадлежности и национализм в современной Европе //Нации и национализм. —М: Праксис, 2002.—С. 332-346.

Қирғизбоев М. Сиёсатшунослик. Ўқув қўлланма. — Т.: Янги аср авлоди, 2013. — Б. 379, 387.

Қосимова Н. Онлайн журналистика. Дарслик. Т.: 2019.— Б.184.

Қосимова Н. Интернет журналистиканинг технологик асослари. Т.: 2012. – Б. 54-55 б.

Қодиров А. Сиёсат фалсафаси. –Т.: ТДЮИ, 2005. – Б. 115.

Фалсафа Қомусий луғат. Т.: Шарқ, 2004. 365-б.

Харрисон Л. Главная истина либерализма: Как политика может изменить культуру и спасти ее от самой себя / Л. Харрисон. — М. : Новое изд-во, 2008.

Шарп Д. От диктатуры к демократии. Стратегия и тактика освобождения / Д. Шарп. — М. : Новое изд-во, 2012.

Шеманов А. Ю. Самоидентификация человека и культура / А. Ю. Шеманов. — М., 2007.

Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг / Таржимон: Абдуҳамид Парда. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2018. – 556 б.

Юсупов Э., Юсупов Ў. Маънавият ва жамият тараққиёти. — Хужанд, 1996. - Б. 65.

Инглиз тилида

Almond Gabriel A., Sidney Verba. The Civic Culture: Political Attitudes and Democracy in Five Nations. Princeton University Press, 1963. – P.574.

White L. The science about culture. -Washington, 1943. - P. 21.

Eisenstadt S.N. Modernization: Protest and Change. –Englewood Cliffs. – N.Y., 1966. –P.28.

Tuychiev B. Politikal culture. Monography. – New York, 2019. P. 59.

Uzbekistan and Central Asia – Центр политических исследований. Информационно-аналитический бюллетень, 2007. IX. – С. 42.

Habermas J. Postmetaphysical Thinking.–Cambridge: Polity, 1992.– pp. 127-132.

Kellner D. Critical Theory, Marxism and Modernity.–Cambridge: Polity, 1989. – p. 64.

Pye L.W., Verba S. Political Culture and Political Development.– Princeton, 1965.–p. 13.

Moore J. Colonialism: The case of Mexican-Americans. in Social Problems, 1970, Nr.17. –p. 463-472; Capitalism over the Longue Duree: A Review Essay.In: CriticalSociology, 1997, Nr. 23 (3). – p. 103–116.

Eckstein H. The Idea of Political Development: From Dignity to Efficiency. in: World Politics, 1982, NY. 34. – p. 451-486.

Интернет манбалари

www.president.uz – Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти

www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали.

www.natlib.uz – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси.

www.ziyounet.uz – Таълим портали.

www.ziyouz.uz – Фан ва таълим портали

Жеймс Барнс. Социальная сеть (социология).

<https://ru.wikipedia.org/wiki/>

Ижтимоий давлат деганда нимани тушунамиз? 14.06.2022.

<https://darakchi.uz/uz/146657>

<https://www.xabar.uz/siyosat/prezident-matbuot-va-ommaviy-axborot-vositlari> Хабар. 27.06.2023.

<https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%A2%D0%B8%D0%BF%D0%BE%D0%BB%D0%> Типология культуры Питирима Сорокина.

<https://www.oyina.uz/kiril/teahause/2017> Миллий онг.

<https://kun.uz/news/2023/09/26/mahalla-yettiligi-tashkil-etiladi-mahalla-raisi-vakolatlari-kengaytiriladi>

Программы ЮНЕСКО «Информация для всех» / <http://ww.unesco.org/webworld/ifap>; www.ifar.ru

<https://www.arendator.ru/articles/157134-facebook-mdash-odna-iz-samyh-populyarnyh-socialnyh-setej-v-mire/>

Инсон қадри, ҳалоллик стандартлари, прагматик ташқи сиёсат. Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясининг 100 мақсади <https://www.gazeta.uz/uz/2022/01/31/strategiya/>

Интернетда ахборот хавфсизлиги. <https://nargis.uz/?p=197>

Ўзбекистонда ижтимоий тармоқлар фаолияти чекланганидан сўнг мобил VPN бирданига оммалашди <https://www.gazeta.uz/uz/2021/07/05/vpn/>

Ёшлар – Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги, бебаҳо хазинаси // “Халқ сўзи” газетаси, 2020 йил 26 декабрь, №273.

<https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-prezidenti-shavkat-mirziyeev-bmt-bosh-assambleyasi-20-09-2017>

Янги конституцияда ўнта асосий ўзгариш. <https://kun.uz/news/2023/05/02/yangi-konstitutsiya-10-ta-asosiy-ozgarish>

<https://kun.uz/news/2021/11/06/ozbekistonda-konstitutsiyani-takomillashtirish-masalasini-korib-chiqish-rejalashtirilmoqda>

Ўзбекистонда конституцияни такомиллаштириш масаласини кўриб чиқиш режалаштирилмоқда. 06.11.2021.

<https://kun.uz/news/2022/05/20/konstitutsiyaviy-islohotlar-boyicha-kengash-tarkibi-tasdiqlandi> Конституциявий ислохотлар бўйича кенгаш таркиби тасдиқланди. 20.05.2022.

<https://strategy.uz/index.php?news=615> 24.07.2019.

Илмий-оммабоп нашр

Бердиқул Тўйчиев

Бахтиёр Омонов

СИЁСИЙ МАДАНИЯТ

Монография

Тошкент, Tafsir Books нашриёти, 2024.

Мухаррир Акбар Ўтамуродов

Рассом Уйғун Солиҳ

Техмуҳаррир Васи́ла Хўжаева

Коректор Барҳаёт Абдуллаев

Босишга рухсат этилди 04.03.2024. Нашр табоғи 13.5.

Босма табоғи 14,0. Тиражи 100 нусха.

Буюртма №

Босмахона манзили: Тошкент, Университет кўчаси, 4.

Ўзбекистон Миллий университети босмахонасида босилди.